Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракат стратегиясида вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутоносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, “**…** ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш, янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш” [1] ҳолатини тахлил этиш ва бахолашга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек мамлакатимиз раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам “Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантириш кўп жиҳатдан келажакда ёқилғи ва йирик минерал хом-ашё, чекланган сув ва ер заҳираларидан, минтақа рақоботбардошлик афзалликларидан самарали фойдаланиш йўлларини аниқ белгилаб олишни талаб қилади. Минтақадаги мавжуд салоҳият, Орол денгизи инқирози, чўллашув жараёни, иқлимнинг ўзгариши комплекс ривожланишига, айниқса аҳоли турмуш даражасига таъсирини ўз вақтида аниқлаш ва унинг олдини олиш, инсон хавфсизлигини таъминлаш муҳим долзарб вазифалар қаторига киритиш мумкин [2]” деб таъкидлаб ўтдилар.

Республикада ўтган даврларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: “мақсадли дастурларни амалга ошириш; инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар); енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш; халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан бозорни тўла таъминлаш; қурилиш материаллари индустриясини ривожлантириш; саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш; саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш; маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш; маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш; ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш” [3].

Шунингдек, ҳаракатлар стратегиясида белгиланган саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг асосий йўналишлари қуйида берилган (1-расм).

**САНОАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Саноатда институционалислоҳотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодиётининг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узоқ муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш.

Юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ва саноат тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноат тармоқларида динамик ривожланишни таъминлаш

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш.

Маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштириш.

Саноат тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш бўйича вазифалар белгиланган:

Корхоналарнинг бирлашиши ва қўшиб олинишида монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш талабларини бирхиллаштириш;

Рақобатни чекловчи келишувлар, битимлар ва келишилган ҳаракатларга қарши кураш механизмларини такомиллаштириш;

Устун мавқега эга бўлган корхоналарнинг акция ва улушларини сотиб олишда тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларини кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш;

Манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш мақсадида шуъба корхона томонидан таъсисчининг устав фондидан улуш сотиб олишини ва шуъба корхона вакилларининг таъсисчи кузатувчилар кенгашида аъзолигини тақиқлаш.

1-расм.Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг асосий йўналишлари [2].

Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси маълумотлари бўйича республикада 2018 йилда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 14185,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати 103,4 фоизга тенг бўлди. 2018 йилда ЯҲМ дефлятор индекси 133,9 фоизни ташкил қилди. 2018 йилда республиканинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (105,4%) тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат ҳамда хизматлар (105,3%) ҳиссасига тўғри келмоқда. ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 54,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йилда 55,8 фоизни ташкил қилган.

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 111,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 6,9 %), қурилиш – 105,4 % (6,3 %), хизматлар – 105,3 % (33,6 %) ни ташкил этди (2-расм).




2-расм. Қорақалпоғистон Республикасида 2018 йилда ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари [4]

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 91,3 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 8,7 фоизини ташкил этди [4].

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,2 фоизли пунктга камайди ва ҳисобот даврида 28,8 фоизни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 4,1 фоизли пунктга ошди ва 37,6 фоизни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилда 33,6 фоизни ташкил этди ва 2017 йил мос даври (37,5 %) билан таққосланганда 3,9 фоизли пунктга камайди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 5,8 фоизни (2017 й. – 6,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 6,9 фоизни, (8,1 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 20,9 фоизни (23,0 %) ташкил этди [4].

2018 йилда саноат маҳсулоти ҳажми 10563,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,1 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида 1665,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йилга нисбатан 112,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 884,2 млрд.сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 663,1 млрд.сўмлик ноозиқ-овқат моллари ва 118,4 млрд. сўмлик вино-ароқ маҳсулотлари (2017 йилга нисбатан мос равишда 100,6 фоиз, 133,3 фоиз ва 113,1 фоиз) ишлаб чиқарилди (1-жадвал).

1-жадвал. Қорақалпоғистон Республикасида 2018 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш [4]

| ***Фаолият турлари*** | ***млрд. сўм*** | ***ўсиш суръати, фоиз ҳисобида*** |
|---|---|---|
| Иқтисодий фаолиятнинг алохида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми | 10563,1 | 104,1 |
| Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 328,0 | 117,9 |
| Қайта ишлаш саноати | 9589,7 | 102,7 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 526,0 | 113,7 |
| Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 119,4 | 152,5 |
| Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш | 1665,7 | 112,4 |

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,7 фоизга, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг 17,9 фоизга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 13,7 фоизга ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 52,5 фоизга ўсиши ҳисобига кузатилган [4].

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилда 3952,7 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 1665,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 12,4 фоизга ўсишини таъминлади, жами саноатдаги улуши эса 15,8 фоизни ташкил этди. 2017 йилга нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 33,6 фоиздан 2018 йилда 39,8 фоизга ошганлиги кузатилмоқда (3-расм).




3-расм. 2018 йилда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари [4].

Республика туманлари миқёсида саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Нукус шаҳри (жами ишлаб чиқариш ҳажмининг 72,1 %), Тахиатош (4,5 %), Хўжайли (3,2 %), Амударё (2,7 %) ва Мўйноқ (2,6 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, истеъмол товарлари ҳажмининг энг катта қисми Нукус шаҳри (жами истеъмол товарлари ҳажмининг 27,0 %), Хўжайли (11,1 %), Қўнғирот (9,0 %), Тўрткўл (8,9 %) ва Амударё (7,5 %) туманларида ишлаб чиқарилди. Ҳудудларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида Қораўзак (128,4 %), Шуманай (127,1 %), Мўйноқ (124,6 %), Элликқалъа (122,8 %) ва Нукус (121,8 %) туманларида саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли даражада ошишига имкон берди. Шу билан бирга, Қонликўл (148,7 %), Элликқалъа (142,0 %), Тахиатош (136,9 %), Шуманай (135,1 %) ва Кегейли (130,6 %) туманларида истеъмол товарлари сезиларли даражада ошди (4-расм).




4-расм. 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ва истеъмол товарларининг ўсиш суръатлари [4] *(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, фоизда)*

Саноатни модернизациялаш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, шу асно корхоналарнинг замонавий технологияларга бўлган талабини рағбатлантиришнинг молиявий ва номолиявий механизмларини жорий этиш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон миқиёсидаги рақобатбардошлигини ошириш, инновацион ва билимлар иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга шароитлар яратиш, шунингдек, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш учун қуйидагиларни эътиборда тутиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: 1) модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини ишлаб чиқишда уларга эскирган жиҳозларни босқичма-босқич муомаладан чиқариб бориш бўйича чора-тадбир ва талабларнинг киритилишини таъминлаш; 2) корхоналарда эскирган техника ва технологик линияларнинг мавжудлиги бўйича инвентаризация ўтказилиб, уларни босқичма-босқич чиқариб бориш юзасидан мониторинг ташкил этиш зарур; 3) корхона ишлаб чиқариш фаолиятига янги асбоб-ускуналар ва техник жиҳозларни муайян даврда қиймати жиҳатидан бир текисда ҳамда асбоб-ускуналарнинг технологик жиҳатидан жараёнлар узвийлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда киритилишини таъминлаш; 4) маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш вазифасига алоҳида эътибор қаратиш; 5) корхона асосий воситалари таркибидаги оптимал пропорцияларнинг сақланишини таъминлаш зарур.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)
2. https://m.kun.uz/news/2018/12/28/prezident-murojaatnomasi-toliq-matn
3. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. –Тошкент, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси маълумотлари.

*Қорақалпоғистон Республикаси саноат тармоқларидаги асосий тенденцияларнинг иқтисодий-статистик таҳлили*

*Сариев К.*
*Қорақалпоғистон Республикаси Жоқорғи Кенгеси*

**Резюме.** Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси саноат тармоқлари равнақига таъсир этувчи омиллар ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, айни соҳада фаолият юритаётган корхоналарни янада ривожлантириш ҳамда барқарорлигини таъминлашнинг бош йўналишлари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** саноат, инновация, модернизация, диверсификация, экспорт, импорт, инвестиция, ялпи ички маҳсулот, ялпи ҳудудий маҳсулот, нарх, капитал, кластер.

*Экономико-стастистический анализ основных тенденций в прпомышленных отраслях в Республике Каракалпакстан*

*Сариев К.*
*Жукаргы Кенгес  Республики Каракалпакстан*

**Резюме.** В статье анализируются факторы и ключевые макроэкономические показатели, влияющие на развитие промышленных предприятий в Республике Каракалпакистан и излагаются основные направления дальнейшего развития и устойчивости предприятий, действующих в отрасли.

**Ключевые слова:** промышленность, диверсификация, инвестиция, общая внутреняя продукция, общая территориальная продукция, стоимость, капитал кластер.

*Economic and statistical analysis of the main trends in the industrial sectors of the Republic of Karakalpakstan*

*Sariev K.*
*The Jokargy Kenes of the Republic of Karakalpakstan*

**Summary.** This article analyzes the factors and key macroeconomic indicators affecting the development of industrial enterprises in republic of Karakalpakistan and outlines the main directions of further development and sustainability of enterprises operating in the industry.

**Key words:** industry, diversification, investment, total domestic production, total territorial production, cost, capital cluster.

---

УДК:336.2

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Халмуратов Қ.**
*Қорақалпоқ давлат университети*

Республикамизда 1995 йилда илк бор фойда солиғи жорий этилганда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳар бир фоиз ошган қисмига фойда солиғи ставкасига 0,3 %ли пункт миқдоридаги пасайтирувчи коэффициент қўлланилган. Яъни корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни рағбатлантирувчи шарт-шароитлар яратилса ҳамда корхона ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажмини 10 %га оширса, унга мос равишда фойда солиғи ставкаси 3 %га камайтириб ҳисобланар эди.[1,147]

Корхоналарнинг иқтисодий фаоллигини оширишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш бўйича тўхталиб ўтадиган бўлсак, солиқ имтиёзларинининг моҳиятини ифодалашда, бизнинг назаримизда, унинг моҳиятини тўлиқ ифодаловчи ва кўпчилик томонидан эътироф этилган умумий таърифнинг йўк эканлиги ушбу муаммога нисбатан солиқлар ва солиққа тортишга оид бўлган фанлар ривожланганлик даражасининг етарли эмаслиги билан белгиланади. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги, ўз навбатида, солиқ имтиёзларининг ягона моҳиятини турлича талқин қилишга имконият очиб бериб, солиқ имтиёзларини такомиллаштириш масаласини оқилона ҳал этишни янада мураккаблаштиради.

О.Т.Юлдашевнинг фикрича, ушбу масалани мантиқнинг тегишли қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда қўйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ: а) таърифни бериш (ишлаб чиқиш) қоидалари ёки тартибларига қатъий риоя этиш; б) «имтиёз» сўзининг қандай маъноларда ишлатилиши мумкинлигини аниқлаш; в) уларнинг нимага қаратилганлигини акс эттириш; г) солиқ имтиёзларига хос бўлган мажбурий характерли белгилар (хусусиятлар, хоссалар)ни ифодалаш. [2,8] О.Т.Юлдашев имтиёзлардан фойдаланиш тартиб-қоидалари, қанақа ишлатилишига тўхталиб ўтган. Демак, шундан келиб чиқиб ўрганилаётган мавзу бўйича бериладиган имтиёзлар ҳақида тўхталадиган бўлсак; бизнинг фикримизча, юридик шахсларнинг фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришс олиғини бирлаштирилиши муносабати билан солиқ қонунчилигида ушбу солиқлар бўйича берилган имтиёзлар қайта кўриб чиқилиши ҳамда фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган харажатлар таркибини янада камайтириш йўналишида ишлар амалга оширилиши зарур. Республкамизда корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш даставвал қўшилган қиймат солиғини босқичма-босқич камайтириш, ижтимоий аҳамиятга эга товарларга пасайтирилган ставкаларни қўллаш ва мазкур товарларга акциз солиғини бекор қилиш ҳамда республикада ишлаб чиқарилмайдиган товарларга нисбатан импорт қилинадиган товарларга нисбатан акциз солиғини қўллаш амалиётини қисқартириш йўналишига қаратилиши мақсадга мувофиқ. Албатта биз бу жойда бюджетнинг даромадлар қисмини тўлдиришни ҳам назарда тутиш зарур. Шуни ҳисобга олган ҳолда биз қуйдагича бюджетнинг даромадлар қисмини тўлдиришни кўзда тутмоқдамиз.

Бунда мазкур жамғармаларнинг молиявий манбасини фойда солиғининг бир қисмини йўналтириш ҳисобидан шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. Шундагина солиқларнинг йиғилувчанлиги ва бюдетжетга тушуми соддалаштирилади. Мазкур илмий хулосани амалий исботини аниқлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари маълумотларини таҳлилини келтирамиз; шунингдек реал сектор корхоналари ҳисобланган ёғ-мой комбинатларида таҳлил қиладиган бўлсак, таҳлил қилинаётган давр 2013 йилдан 2017 йилгача сотишдан тушган соф тушум ва ялпи фойданинг йилдан-йилга ортиб боришини кўрмоқдамиз. Масалан, жами ҳисобланган мажбурий ажратмаларнинг сотишдан тушган соф тушумдаги улуши 2013 йилда 6,6 фоизни ташкил этган, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 6,0 фоизга тенг булиб, 0,6 фоизли пунктга камайган, чунки 2017 йилда бу корхоналарнинг асосий хомашёси таннархи тайёр маҳсулотга нисбатан анча арзон ва солиқ ставкаларининг пасайиши улар ихтиёрида қоладиган молиявий ресурсларнинг ортишига олиб келмоқда.



Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ёғ-мой комбинатлари молиявий фаолиятига таъсири [3]

Ёғ-мой комбинатларида 2013 йилда жами ҳисобланган мажбурий ажратмаларнинг ялпи фойдадаги улуши 31,3 фоизни ташкил этган, 2017 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич ўзгаришсиз яъни 31,3 фоизга тенг бўлган. Шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш корхоналари шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналар учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг самарасини бермоқда. Масалан “Хожели Туран” акциядорлик жамиятини оладиган бўлсак 2013 йилда жами мажбурий ажратмаларнинг ялпи фойдадаги улуши 43,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 27,9 фоизни ташкил этиб 15,8 фоизли пунктга пасайган. Албатта бу корхонада ишлаб чиқариш қувватининг ортаётганидан дарак беради. Мазкур жадвалда келтирилган маълумотлар асосида амалга оширилган таҳлиллар натижасида ёғ-мой комбинатларида умумий хулоса қилинганда 2017 йилга қадар ёғ-мой комбинатларида асосий молиявий кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига, айниқса сотишдан тушган соф тушум ва ялпи фойданинг ўсиш кўрсаткичлари жуда юқори. Шу ўринда корхана ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида, шунингдек молиявий реурсларнинг ортиши учун янги технологияларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш зарурияти борлиги сезилмоқда.

Шунингдек, мажбурий ажратмаларнинг салмоғи ишлаб чиқариш суръатларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Умуман олганда бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришда реал сектор корхоналарини қўллаб-қўвватлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда пахта тозалаш корхоналарида 2013 йилда жами ҳисобланган мажбурий ажратмаларнинг сотишдан тушган тушумдаги улуши ўртача 4,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 4,3 фоизга тенг булиб, 0,5 фоизли пунктга камайган чунки 2017 йилга қадар пахта тозалаш корхоналарининг ишлаб чиқариш суръатининг бирмунча барқарор тарзда ошиб бориши молиявий ресурсларнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Бу эса табиийки ўз навбатида мажбурий ажратмаларнинг улушининг нисбатан камроқ бўлишига олиб келмоқда. Шу сабабдан корхоналар ихтиёрида қолган молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва шу ҳисобдан маҳаллий аҳолини иш билан банд қилиш, корхоналарни худудларнинг иқтисодий ва табиий салоҳиятидан шунингдек аҳолининг мослашув имкониятидан келиб чиқиб жойлаштириш шу билан бирга, солиқ механизмидан халқнинг маданий, маийший эҳтиёжларини қондиришда фойдаланиш яъни олис худудларда хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланувчи ишбилармонларга солиқлардан маълум даврга имтиёзлар бериш ва шу аснода халқнинг маданиятини ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадга мувофиқ.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. –Тошкент, 2008.
2. Юлдашев О.Т. Ўзбекистонда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари. Иқт.фан.номз. диссертация автореферати. –Тошкент , 2011.
3. Донни қайта ишлаш корхоналари ҳисоботлари

*Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаоллигини оширишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш*

*Халмуратов Қ.*
*Қорақалпоқ давлат университети*

**Резюме.** Мақолада солиқларнинг иқтисодиётдаги ва бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантиришдаги роли, шунингдек, солиқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар ҳақида сўз юритилади, аҳолининг маданий ва маийший талабларини қаноатлантириш, солиқ механизмларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилади.

**Таянч сўзлар:** солиқ, бюджет, иқтисодиёт, экспорт.

*Совершенствование налоговых льгот для повышения экономической активности хозяйствующий субектов*

*Халмуратов Қ.*
*Каракалпакский государственный университет*

**Резюме.** В статье рассматривается экономическое значение налогов и его роль в формировании доходной части бюджета, а также ход реформ в этой отрасли, отмечается необходимость использования налоговых механизмов в удовлетворении культурных и бытовых потребностей населения.

**Ключевые слова:** налог, бюджет, экономика, экспорт.

*Improvement of tax incentives to increase economic activity of business entities*

*Khalmuratov K.*
*Karakalpak state university*

**Summary.** The article discusses the of economic importance of taxes and its role in formation of profit part of the budget, and also reforming process in this sphere, is considered, the need for using tax mechanisms to meet the cultural and domestic needs of the population is noted.

**Key words:** tax, budget, economy, export.

---

УДК: 338, 339.1

# АЛГОРИТМ И МАТЕМАТИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ВРП РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

**Абдуллаев У. А.**

*Каракалпакское отделение АН Республики Узбекистан*

Динамичное развитие народного хозяйства республики Каракалпакстан требует систематического пополнения валовой региональной продукции (ВРП), которые описывается количественными и качественными признаками. В связи с этим одной из важнейших задач математического моделирования являются анализ динамики, и прогнозирование ВРП.

В условиях функционирования ИПС «Торговли» наиболее подходящим является метод гармонических весов[1.83]. Этот метод малоизвестен на практике, поэтому здесь подробно рассматривается не только экономической аспект его использования, но и математический аппарат исследований для анализа динамики и прогнозирования ВРП. Сущность метода заключается в том, что наблюдения временного ряда взвешиваются определенным образом, причем более поздним наблюдениям придаются большие веса. При его применении не требуется делать никаких предположений относительно вида тренда [2.32].

Пусть имеется временной ряд потребности в ВРП: $y_t = f(t) \quad (t = 1,2,3,...,n),$ где $f(t)-$ неслучайная функция времени (тренд).

Требуется определить значение показателя $y_t$ в $(t+l)-$м периоде, где $l = 1,2,...,L,$ и оценить ошибку прогноза.

Здесь используется скользящий тренд. Проводя экстраполяцию по скользящему тренду, взвешивая при этом отдельные точки ломаной с помощью гармонических весов (что позволит придать более поздним наблюдениям больший вес) и строя на основании неравенства Чебышева доверительный интервал для прогнозирующих оценок, можно составить достаточно точный прогноз потребности в ВРП.

Алгоритм составление прогноза с учетом вышеизложенных состоит на несколько этапов.

I-этап: Находится прирост $W_{t+1}$ функции $y(t): W_{t+1} = f(t+1) - f(t) = \overline{y}_{t+1} - y_t$ (1)

II-этап: Далее вычисляется средняя приростов: $\overline{\overline{W}} = \sum_{t=1}^{n-1} C_{t+1}^{n} W_{t+1},$ (2)

где $C_{t+1}^{n} -$ коэффициенты, удовлетворяющие следующим условиям: $C_{t+1}^{n} > 0 \quad (t = 1,2,3,...,n-1);$ $\sum_{t=1}^{n-1} C_{t+1}^{n} = 1$ (3). Выражение (2) позволяет придавать информации, относящейся к более поздним периодам, большие веса, так как приросты весов обратно пропорциональны времени, которое отделяет информацию более раннюю от более поздней для момента $t = n.$

III- этап: Если самая ранняя информация имеет вес $m_1 = \frac{1}{n-1}$ (4) то вес информации $m_3$, относящейся к следующему моменту времени, равен: $m_3 = m_2 + \frac{1}{n-2} = \frac{1}{n-1} + \frac{1}{n-2},$ (5). В общем виде ряд весов определяется по уравнению $m_{t+1} = m_t + \frac{1}{n-t} \quad (t = 2,3,...,n-1)$ (6) с начальным весом, выраженным уравнением (4). Ряд (6) можно назвать рядом гармонических весов. Решение уравнения (6) имеет вид $m_{t+1} = \sum_{i=1}^{t} \frac{1}{n-i} \quad (t = 1,2,3,...,n-1)$ (7). Отсюда $\sum_{t=1}^{n-1} m_{t+1} = n-1$ (8). Чтобы условие (3) было выполнено, нужно все коэффициенты разделить на (n-1). В результате будут получены значения $C_{t+1}^{n}$, удовлетворяющим условиям (3).

**IV-этап:** Допустим, что последовательность чисел $W_{t+1} -$ случайная переменная величина с математическим ожиданием $M(W)$ и дисперсией $\sigma(W)$. Тогда их оценками будут $W$, вычисляемая по формуле (2), и $S^2 w$, рассчитываемая по формуле

$$S_w^2 = \sum_{t=1}^{n-1} C_{t+1}^{n} (W_{t+1} - \overline{\overline{W}})^2, \quad S_W = \sqrt{S_W^2}.$$

(9). Предположим далее, что приросты между собой независимы. Тогда прогноз можно найти из соотношения $W_{t+1}^{*} = \overline{W} \quad (t = n-1+l; l = 1,2,3,...,k),$ (10) где $\overline{W} = \frac{1}{n-1} \sum_{t=1}^{n-1} W_{t+1}$ (11) $W_{t+1}^{*} -$ прогнозируемое значение переменной $W_{t+1}$. При этом $\overline{W}$ является состоятельной несмещенной и эффективной оценкой $M(W),$ но и на практике наблюдений $W_{t+1}$ нельзя считать

стохастический независимым, а их математическое ожидание и дисперсию постоянными. В данном случае можно утверждать, что $M(W)$ и $\sigma(W)$ изменяются произвольно. Прогноз при этом целесообразно строить на основе выражения $W^*_{t+1} = \overline{\overline{W}}$ $(t = n-1+l; l = 1,2,3,...,k)$, (12) в котором переменная $\overline{\overline{W}}$ учитывает неодинаковые веса ранней и поздней информации. Дисперсия прироста определяется по формуле $S'_W = \sqrt{\frac{1}{n-1}\sum_{t=1}^{n-1}(W_{t+1} - \overline{W})^2}$ (13).

Для оценки прогноза находится доверительный интервал. Точность его построения зависит от отдаленности прогноза. Вероятность отклонения от прогноза рассчитывается как $P\{|W_{t+1} - M(W)| > a\sigma W\} < \frac{1}{a^2}$, (14) где $a$ – некоторое заданное целое положительное число. Доверительный интервал имеет границы: $\overline{\overline{W}} - a(l)S_W; \overline{\overline{W}} + a(l)S_W$, (15) где $a(l)$ – функция отдаленности.

Таким образом, прогноз будет ограничен этими кривыми, которые определяется с вероятностью $P$ [формула (14)], где $a(l) = a\sum_{t=1}^{l+1} C^n_{n-t+1}$ (16).

Чем больше $l$, тем большее значение $a(l)$, приближаясь к постоянной $a$. Следовательно, предельное значение $a(l)$, равно $a$.

Временной ряд можно представить как $\overline{y_{t+1}} = y_t + W_{t+1}$ (17).

Поставив вместо мгновенного значения $W_{t+1}$ величину $W^*_{t+1} = \overline{\overline{W}}_{t+1}$, получим $\overline{y_{t+1}} = y_t + \overline{\overline{W}}^*_{t+1}$ (18).

Далее найдем доверительную ошибку для предсказаний $\overline{y}^*_{n+l} - a(l)S_W \le \overline{y}^*_{t+1} \le \overline{y}^*_{n+l} + a(l)S_W$, (19).

Построим таблицу значений прироста и будем сглаживать их методам наименьших квадратов, согласно которому квадрат отклонений экспериментальных точек от теоретической кривой должен быть минимальным: $\Delta S^2_n = \frac{1}{n}\sum_{j=1}^{n}(y_j - \overline{y_j})^2 = \min$. (20)

Анализ динамики и прогнозирование изменения состава ВРП с помощью предложенного метода проиллюстрируем на примере республики Каракалпакстан. Для этой цели составим таблицу 1, включив в нее условные статистические данные, распределенные по годам (с 2012 по 2016).

**Таблица 1.** Динамика роста ВРП республики Каракалпакстан

| Годы | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 |
|---|---|---|---|---|---|
| $t$ | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| ВРП, $(y)$, млрд. сум. | 2760,1 | 3398,1 | 4157,3 | 5046,2 | 6518 |

по данным таблице 1 и с помощью приложений Microsoft office Excel составлен линейные уравнения:

| Уравнения | Регрессионная статистика |
|---|---|
| $y_1(t) = 2041{,}5 + 698{,}6t$  $t = 1,2,3$ | $R = 0{,}9998,\ S_y = 75{,}58,\ S_t = 34{,}99,\ F = 398{,}69$ |
| $y_2(t) = 1729{,}7 + 823{,}7t$  $t = 2,3,4$ | $R = 0{,}9989,\ S_y = 116{,}40,\ S_t = 37{,}44,\ F = 484{,}41$ |
| $y_3(t) = 519{,}1 + 1180{,}35t$  $t = 3,4,5$ | $R = 0{,}9899,\ S_y = 687{,}54,\ S_t = 168{,}41,\ F = 49{,}10$ |

временный ряд ВРП, значения скользящего тренда, отклонений от тренда в абсолютном выражений и в процентах:

| $t$ | $y_t$ | $y_i(t)$ | $\varepsilon_i$ | $E$ | $\omega_{t+1}$ | $c^n_{t+1}$ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2760,1 | 2740,1 | -20 | 0,8 | - | - |
| 2 | 3398,1 | 3407,9 | 9,8 | 0,02 | 667,8 | 0,0625 |
| 3 | 4157,3 | 3556,2 | -601,7 | 14,5 | 148,3 | 0,1458 |
| 4 | 5046,2 | 5132,5 | 86,3 | 0,01 | 1576,3 | 0,2708 |
| 5 | 6518 | 6420,85 | -97,15 | 1,5 | 1288,35 | 0,5208 |

доверительные интервалы значения прогноза ВРП по формулам (18) и (19):

| Годы | $t$ | $\overset{*}{y}_t$ | $\overline{\overline{W}}$ | $l$ | $a(l)$ | $a(l)S_w$ | $\overset{*}{y}_t + a(l)S_w$ | $\overset{*}{y}_i - a(l)S_w$ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2017 | 6 | 7510 | 1089,19748 | 1 | 2,083 | 480,75 | 80000 | 7508 |
| 2018 | 7 | 8600 | 1089,19748 | 2 | 3,166 | 729,26 | 9328,45 | 7870,74 |
| 2019 | 8 | 9699 | 1089,19748 | 3 | 3,7496 | 863,11 | 10562,11 | 8835,89 |
| 2020 | 9 | 10789 | 1089,19748 | 4 | 3,996 | 922,2 | 11711,2 | 9866,8 |
| 2021 | 10 | 11879 | 1089,19748 | 5 | 3,999 | 922,9 | 12801,9 | 10366,1 |

На основании произведенных расчетов составим прогноз ВРП за период 2017-2021 гг. Экстраполяция по скользящему тренду при взвешивании отдельных точек линии регрессии с помощью гармонических весов с учетом доверительных интервалов для прогнозируемых оценок дает основание для достаточно точного прогноза по учитываемым показателям. Прогноз ВРП представлен в таблице 2.

Таблица 2. Прогноз ВРП республики Каракалпакстан

| Годы | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|---|---|---|---|---|---|
| $t$ | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| ВРП, $(y)$, млрд.сум | 7510 | 8600 | 9699 | 10789 | 11879 |

**ЛИТЕРАТУРА**

1.Френкель А.А. Прогнозирование производительности труда: методы и модели. –М.; «Экономика», 1989 г.
2. Аимбетов Н.К., Абдуллаев У.А. – Математические модели и алгоритм реализации задач мониторинга предприятий торговли/ Вестник Каракалпакского Академии наук Республики Узбекистан. №4. 2018 стр.81. гр.Нукус.

*Қарақалпақстан Республикасы ЖАӨ прогнозлаўдың алгоритм ҳәм математикалық модели*
*Абдуллаев У. А.*
*Өзбекстан илимлер академиясы Қарақалпақстан бөлими*
**Резюме.** Математикалық модель жәрдеминде Қарақалпақстан Республикас Ж.А.Ө. динамикасыны ҳәм болжаўын есаплаў алгоритмы анықланады.
**Таяныш сөзлер**: модель, моделлестириў, өсим, болжаў, интервал.

*Қорақалпоғистон Республикаси ЯҲМпрогнозлашнинг алгоритм ва математик модели*
*Абдуллаев У. А.*
*Ўзбекистон фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими*
**Резюме.** Математик модель ёрдамида Қорақалпоғистон Республикаси Я.Ҳ.М. динамикаси ва прогнозини ҳисоблаш алгоритми тавсифланади.
**Таянч сўзлар**: модель, моделлаштириг, ўсиш, прогноз, интервал.

*Алгоритм и математическая модель прогнозирования ВРП Республики Каракалпакстан*
*Абдуллаев У. А.*
*Каракалпакское отделения АН Республики Узбекистана*
**Резюме.** Описывается алгоритм расчета динамики и прогноза ВРП республики Каракалпакстан с помощью метода математического моделирования.
**Ключевые слова:** модель, моделирование, прирост, прогноз, интервал.

*Algorithm and mathematical forecast model grp of the republic of karakalpakstan*
*Abdullaev U.A.*
*Academy of Sciences of the Karakalpak branch of the Republic of Uzbekistan*
**Summary.** An algorithm is described for calculating the dynamics and forecast of the GRP of the Republic of Karakalpakstan using a computer simulation method.
**Key words:** model, modeling, growth, forecast, interval, trend.

---

**УДК:336.2**

## ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Қудияров К. Р., Мамутова К. М.*
*Қорақалпоқ давлат университети*

Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган глобаллашув жараёнлари, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида трансмиллий корпорацияларнинг ролини тобора ошишига олиб келмоқда. Ҳозирги кунда етакчи халқаро молия институтлари, юқори нуфузга эга бўлган экспертлар солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, хусусан, корхоналарни солиққа тортиш тизими самарадорлигини таъминлаш юзасидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб бормоқда. Юқори нуфузга эга бўлган Heritage Foundation экспертларининг таҳлилларининг кўрсатишича солиқ юкининг жуда юқори даражаси солиқ тўловчиларнинг иш фаоллигини пасайтиради ва солиқдан қочиш йўлларини топишга мажбур қилади. Фискал эркинлик иқтисодий эркинликнинг умумий даражасини кўрсатувчи мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади ва ушбу мезон орқали жаҳоннинг турли мамлакатларидаги вазиятни жамғарма экспертлари тушунтиришга ҳаракат қилади.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар марказида солиқ соҳасидаги ислоҳотлар турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан мамлакатимизда "барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур"лиги таъкидланиб, солиқ тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида «тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш лозим [1, 55] » эканлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб, қабул қилинган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг муҳим еттита йўналиши белгилаб олинди. 2019 йилдан солиқ сиёсатининг замонавий концепциясининг жорий

этилиши корхоналарни солиққа тортиш тизимида жиддий ўзгаришларни кўзда тутмоқда. Жумладан юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқ ва мажбурий тўловлар сонининг кескин қисқариши, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши корхоналарнинг молиявий ресурларини ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида» ПФ-5468-сон фармони ва солиқ соҳасига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш иқтисодиёт бақарорлигини таъминлашда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатиши аниқ.

Корхоналарнинг барқарор ривожланиши иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Корхоналарнинг барқарор ривожланиши давлат иқтисодиётига катта ҳисса қўшиши ва иқтисодиётнинг самарали ишлашида корхоналарнинг молиявий ресурслари ва шу молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш катта аҳамиятли ҳисобланади. Маълумки бугунги кунда корхона молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш ва шу аснода хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш бўйича кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда энг аввало солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқларнинг турлари ва уларнинг амал қилиш механизмини соддалаштириш аҳамиятли масалалардан бири ҳисобланади.

Президентимиз ўз маърузаларида солиқ тўловчиларга солиқ солиш тизимида имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқларни унификация қилиш ва солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда илғор давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш зарурлигини такидламоқда.

Республикамизда фаолият юритаётган корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак қўйидаги маълумотларга эга бўлишимиз мумкин.




Қорақалпоғистон Республикаси пахта тозалаш корхоналарида фойда солиғининг ялпи фойдадаги ва солиқ тўлагунга қадар фойдадаги улуши [2]

Маълумотлардан пахта тозалаш корхоналарининг асосан таҳлил қилинаётган даврда фойда билан фаолият юритаётганини кўришимиз мумкин. Ушбу пахта тозалаш корхоналари молиявий натижаларига кўра, 2013 йилда фойда солиғининг ялпи фойдадаги ўртача улуши 1,7 %ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 5,1 фоизгача ошганлигини кўришимиз мумкин. 2017 йилда ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан taққослаганда 1 фоизли пунктга пасайиб 1,4 фоизга тенг бўлган. 2017 йилда таҳлил қилинаётган даврлардаги фойда солиғининг ялпи фойдадаги улуши энг паст кўрсаткичга эришганлигининг сабаби сифатида, фойда солиғи ставкасининг 2013 йилда 9 фоиздан 2017 йилда эса 7,5 фоизгача пасайтирилганлигидир.

Шунинг ўзиёқ фойда солиғининг ялпи фойдадаги ва солиқ тўлагунга қадар фойдадаги улушининг камайишига олиб келиб, бу эса ўз-ўзидан корхоналар ихтиёрида қоладиган молиявий ресурсларнинг ортишига олиб келмоқда. Корхоналар ихтиёрида қоладиган молиявий ресурсларнинг ортиши эса уларнинг ривожаланиб боришига сабаб бўлмоқда. Шунингдек ушбу пахта тозалаш корхоналарида 2013 йилда фойда солиғининг солиқ тўлагунга қадар фойдадаги улуши 9,8 фоизни ташкил этган, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 8,1 фоизга тенг булиб, 1,7 фоизли пунктга пасайган. Келтирилган маълумотлар асосида амалга оширилган таҳлиллар натижасида пахта тозалаш корхоналарини умумий хулоса қилинганда 2017 йилга қадар пахта тозалаш корхоналарида барча молиявий кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига эга бўлиб, ялпи фойда ва солиқ тўлагунга қадар фойда кўрсаткичлари юқори ва бу кўрсаткичларга мос равишда ҳисобланган фойда солиғи маълум даражада пасайиш тенденциясига эга эканлигини кўриш мумкин.

Корхонада молиявий натижа кўрсаткичларнинг (ялпи фойда, солиқ тулагунга қадар фойданинг) ҳисобланган фойда солиғига нисбатан кўп ошганлиги молиявий русурслардан фойдаланиш ҳолатининг яхшиланганлигидан ҳамда мамлакатимизда реал сектор корхоналарида солиқ юкини камайтириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг ижобий таъсири сифатида баҳолаш мумкин. Демак, ушбу корхоналарда фойда

солиғи ставкаларининг пасайиши корхоналарда солиқ юкининг камайишига олиб келмоқда. Бу эса корхоналар ихтиёрида қоладиган молиявий ресурсларнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

Давлатимиз томонидан ҳар йилги солиқ сиёсати йуналишлари белгиланаётганда солиқ юкини пасайтириш, солиқ имтиёзлари ҳамда преференциялари тури ва миқдорини купайтишга эътибор каратилиши бежиз эмас. Сабаби солиқлар дунё буйича иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда ҳал қилувчи омил эканлиги тан олиб бўлинган. Солиқ имтиёзлари эса тадбиркорлик субъектларини иқтисодий куллаб-қувватлашда ўзига хос ўринга эга. Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, бу мавзу бўйича кўйдагича таклифлар киритиш мумкин, маълумки бугунги кунда солиқ имтиёзлари ва преференциялари асосида солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси ошиб бу ўз навбатида иқтисодиётимизнинг ривожига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Солиқ соҳасидаги имтиёз ва преференциялар худудлар ва соҳалар бўйича таҳлил қилиниб иқтисодиётдаги улуши камроқ бўлган соҳаларга преференциялар берилса маълум даражада секин ривожланаётган соҳалар ривожига ижобий таъсир этиши мумкин. Шу билан бирга экспорт қилувчи корхоналарни янада қўллаб-қўвватлаш бўйича регрессив солиқ ставкаларини солиқ турларининг бир нечта турига қўллаш ва ставкаларини янада пасайттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг инвестицион фаоллигининг ошишига олиб келар эди.

АДАБИЁТЛАР


1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.
2. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. –Тошкент, 2017.
3. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. –Тошкент2008.


*Иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда корхоналар молиявий ресурсларини шакллантириш ва солиқ механизмини такомиллаштириш*


*Қудияров К. Р., Matutova К. М.*
*Қоракалпоқ давлат университети*



**Резюме.** Мақолада солиқларнинг иқтисодиётдаги ва бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантиришдаги роли ва бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳатлар ҳақида сўз юритилган. Шунингдек худудларнинг ривожланишида инновацион жараёнларнинг ўрни акс эттирилади.



**Калит сўзлар:** солиқ, бюджет, иқтисодиёт, экспорт.


*Совершенствование финансового механизма и налогооблажения предприятий для обеспечения экономический стабильности*


*Қудияров К. Р., Мамутова К. М.*
*Каракалпакский государственный университет*



**Резюме.** В статье рассматривается экономическое значение налогов и его роль в формировании доходной части бюджета, а также ход реформ в этой отрасли. А также речь идёт о роли инновационных процессов в развитии региона.



**Ключевые слова:** налог, бюджет, экономика, экспорт.


*Improving the financial mechanism and taxation of enterprises to ensure economic stability*


*Kudyarov K.R., Mamutova K. M.*
*Karakalpak state university*



**Summary.** The article discusses the of economic importance of taxes and its role in formation of profit part of the budget, and also reforming process in this sphere, is considered, the need for using tax mechanisms to meet the cultural and domestic needs of the population is noted.



**Key words:** tax, budget, economy, export.


---

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ҚЎШИМЧА ТАРМОҚЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ


**Қалимбетов Х., Шамшетова Д.**
*Қорақалпоқ давлат университети*


Фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйиш орқали агробизнесни ривожлантириш, қишлоқ жойларида етарли бўлмаган ва бозор талаб қиладиган хизматлар кўрсатиш кўлами кенгайишини таъмин этиши орқали деҳқон хўжаликларида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш имконияти пайдо бўлади. Кичик ҳажмли деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг товарлилик даражаси ортиши учун шароит кенгаяди.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш кўплаб ташкилий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишни талаб этади. Хусусан, фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишдаги ташкилий ва иқтисодий асосларни қуйидаги расм орқали изоҳлаш мумкин (1-расм). Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий жиҳатлари қуйидаги масалаларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ: республикадаги мавжуд ҳуқуқий базага таянган ҳолда фермер

хўжалигининг қўшимча тармоқлари мақомини (фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш бўлинмаси ёки мустақил юридик шахс) танлаб олиш; фермер хўжалиги жойлашган ҳудуднинг табиий - иқлим шароитлари ва маҳаллий бозорлардаги ишлаб чиқариш кўзда тутилаётган маҳсулотга бўлган талабни ҳисобга олиб қўшимча фаолиятнинг ишлаб чиқариш (қўшимча тармоқларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича ихтисослашуви) йўналишини танлаш; фермер хўжаликлари томонидан қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишда, қўшимча тармоқларни (агар мустақил юридик шахс бўлса) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш кейинги босқичда амалга ошириладиган масала ҳисобланади. Бунда фермер хўжалигининг қўшимча тармоқлари кичик корхона, маъсулияти чекланган жамият каби хўжалик юритиш шаклларида иш юритиши мумкин; фермер хўжалиги қошидаги қўшимча ишлаб чиқаришни зарур ер участкалари, сув, электр энергияси ва бошқа моддий - техник ресурслар ва мутахассислар билан мунтазам таъминлашнинг самарали фаолият юритадиган тизимини ташкил қилиш; қўшимча тармоқларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бозорларга чиқариш ва савдо тизимини ташкил қилиш масалаларидан иборат бўлади.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишнинг иқтисодий жиҳатлари қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: фермер хўжаликлари қошида ташкил қилинган қўшимча тармоқлар фаолиятини қисқа муддатли бизнес режалаштириш ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда босқичма-босқич жорий этиш; фермер хўжалигининг доимий ишчилари ва қўшимча тармоқда фаолият юритувчи ходимлар билан ўзаро манфаатли ҳамда меҳнатни иқтисодий рағбатлантирувчи ички муносабатларини йўлга қўйиш; фермер хўжалиги ва қўшимча тармоқларда сувдан, ердан, моддий-техник ресурслар ҳамда фермер хўжалиги ихтиёридаги техника воситаларидан самарали фойдаланиш борасидаги иқтисодий механизмларини йўлга қўйиш; қўшимча тармоқларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун талаб этиладиган моддий-техник ресурслар, замонавий техника ва технологиялар ҳамда хизматлар харид қилиш юзасидан хўжалик шартномалари имзолаш, уларнинг ижросини йўлга қўйиш; қўшимча тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш, фермер хўжалиги ва қўшимча тармоқларни ривожлантириш механизмларини жорий этиш кабилар.




1-расм. Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий ва иқтисодий асослари

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ташкил қилишнинг ташкилий-иқтисодий асослари бири иккинчисини тақозо қилувчи ўзаро боғлиқ жараёнлар бўлганлигидан уларни ажратиш шартли ҳисобланади. Шу билан биргаликда иқтисодий асослар бирламчи аҳамиятга эга бўлади. Қўшимча тармоқларни ташкил қилган фермер хўжаликларида иқтисодий асослар ёки иқтисодий муносабатлар шаклланишининг дастлабки ҳамда энг асосий бўғини бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўғини ҳисобланади. Қўшимча тармоқлар эса асосий тармоққа хизмат қилган ҳолда, унинг ривожланиши учун иқтисодий базисни кенгайтириши лозим. Шунинг учун ҳам қўшимча тармоқларни йўлга қўйишдаги иқтисодий муносабатлар

тизимини қуйидаги йўналишлар ва иқтисодий алоқалари доирасида гуруҳларга ажратиш мумкин»[1,88]. (2-расм).

Ўз навбатида қўшимча тармоқларга эга фермер хўжаликларида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар умумий ҳолда ички ва ташқи иқтисодий муносабатлардан иборат бўлиб: қўшимча тармоқларга эга фермер хўжаликларининг таъминоти ва хизмат кўрсатувчи субъектлар билан ўзаро иқтисодий муносабатлар тизимига (қўшимча тармоққа эга фермер хўжаликлари ва давлат идоралари ўртасидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва экинларни жойлаштириш борасидаги; ресурс етказиб бериш тизими корхоналари ўртасидаги, ресурслар олди-сотдиси бўйича пайдо бўладиган; хизматлар кўрсатиш ва хизматлар харид қилиш бўйича юзага келадиган; давлат буюртмаси бўйича маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликлар ва пахта тайёрловчи, қайта ишловчи давлат корхоналари ўртасида етиштирилган маҳсулотни сотиш юзасидан пайдо бўладиган; ресурс таъминоти, молия-кредит, солиқ, суғурталаш тизими субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар тизими); қўшимча тармоқларга эга фермер хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги ички иқтисодий муносабатлари тизимига бўлган ҳолда ўрганиш мумкин (кўп тармоқли фермер хўжаликларда маҳсулот етиштириш, сотиш, ресурслар ва хизматлар харид қилиш фаолиятини бошқариш, режалаштириш борасидаги; иш кучидан самарали фойдаланиш ва моддий манфаатдорликни таъмин этиш борасидаги иқтисодий муносабатлар тизими).




**2-расм. Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолияти билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар**

Юқорида санаб ўтилган иқтисодий муносабатлар тизими ўз ўрнида янада майдароқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизимларига бўлиниб боради, иқтисодий муносабатларнинг чуқурлашиб бориши, унинг мураккаблашиб, такомиллашиб боришидан далолат беради. Ва аксинча такомиллашиб бориш асносида иқтисодий муносабатларнинг оддийлашиб, соддалашиб бориши кузатилади»[2].

**АДАБИЁТЛАР**


1. Қалимбетов Х. Кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятини йулга қўйишнинг баъзи томонлари. // Бизнес эксперт. Журнал. №9 2016-й 88-бет
2. http://dic.academic.ru/dic.nsf/business/9441.


*Фермер хожалықларында қосымша тармақлар хызметин жолға қойыўдың шөлкемлестириўшилик ҳәм экономикалық тийкарлары*

*Қалимбетов Х., Шамшетова Д.*
*Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Резюме.** Мақалада фермер хожалықларында қосымша тармақлар хызметин жолға қойыўдың шөлкемлестириўшилик ҳәм экономикалық тийкакрлары, әҳмийети, фермер хожалықларында тийкарғы тармақтан тысқары басқа тармақларды да шөлкемлестириў зәрүрлиги ҳаққында жазылған.

**Таяныш сөзлер**: фермер хожалығы, аўыл хожалығы, тийкарғы тармақ, көп тармақлы фермер ҳожалығы.

*Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий ва иқтисодий асослари*

*Қалимбетов Х., Шамшетова Д.*
*Қорақалпоқ давлат университети*

**Резюме.** Мақолада фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий ва иқтисодий асослари, моҳияти, фермер хўжаликларида асосий тармоқдан ташқари бошқа тармоқларни ҳам ташкил этиш зарурати ҳақида ёзилган.

**Таянч сўзлар:** фермер хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, асосий тармоқ, кўп тармоқли фермер хўжаликлари.

*Организационные и экономические основы развития дополнительных отраслей в фермерских хозяйствах*

*Калимбетов Х., Шамшетова Д.*
*Каракалпакский государственный университет*

**Резюме.** В статье рассматриваются экономические основы развития дополнительных отраслей в фермерских хозяйствах, а также экономическое значение многоотраслевого фермерского хозяйства.

**Ключевые слова:** фермерское хозяйство, сельское хозяйство, основная отрасль, многоотраслевое фермерское хозяйство.

*Organizational and economic basis for the development of additional industries in farms.*

*Qalimbetov X., Shamsetova D.*
*Karakalpak state university*

**Summary**. This article discusses the importance and organizational and economic basis for the development of additional industries in farms as well as the economic importance of a diversified farm.

**Key words:** farm, agriculture, main industry, diversified farm.

---

УДК: 339.138:378(575.1)

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ЎСИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Саъдуллаева Г. С.**
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача Барқарор Ривожланиш Мақсадларида (Sustainable Development Goals, SDGs) таъкидланганидек, жаҳонда олий таълим инновацион барқарор ривожланишнинг муҳим омилига айланиб, “2030 йилгача мўлжалланган мақсадларни тўлалигича амалга оширишда барча учун инклюзив, бир хил сифатдаги ва умр бўйи таълим олиш имкониятларини яратиш лозим” [1]. Жаҳонда 2030 йилга бориб олий ўқув юртлари талабалари сони 414 миллионга етиб, ушбу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 4,2 баробар ортади. Бу марраларни амалга ошириш учун олий таълим муассасаларида online, очиқ ва мослашувчан таълим жараёни ташкил этилади.

Ўзбекистонда таълим хизматлари назарияси ва амалиёти Г.Н.Ахунова, Қ.Х. Абдураҳмонов [2], А.Ш.Бекмуродов, Н.Х.Жумаев, С.Кучаров, Д.Х. Набиев, Л.В.Перегудов, Д.Н.Рахимова, М.Х.Саидов, Т.З.Тешабоев, С.С. Ғуломов, Б.Ю.Ходиев [3] ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, М.Х. Саидов ишида Ўзбекистон Республикаси олий таълим соҳасида маркетингнинг айрим муаммолари таҳлил этилиб, ушбу йўналишдаги илмий изланишлар ва маркетинг фаолиятини амалга оширишнинг туб муаммолари ёритилган. Г.Н. Ахунованинг илмий изланишлари натижаларида республикамиздаги таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва унинг самарадорлигини ошириш муаммолари ўз аксини топган. Д.Х. Набиевнинг илмий тадқиқотларида Ўзбекистонда таълимнинг бугунги кундаги аҳволи, муаммолари ва янгича шароитдаги стратегияси баён қилинган, таълим менежментининг назарий-услубий муаммолари ва истиқболлари тадқиқ этилган.

Таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий бошқариш мураккаб, зиддиятли бўлиб, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ёки хизматлар соҳасининг бозор тан оладиганкўпгина тармоқларини бошқаришдан бир қатор сифат белгиларига кўра фарқланади. Асосийси, таълим тизими нафақат бозор учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан чекланади, балки жамият ва давлатнинг сиёсий-ғоявий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа эхтиёжларини таъминлашда муҳим омил бўлган мехнат ресурсларини тайёрлаш ва такомиллаштириб боришни амалга оширади. Шу сабабли таълим тизимини бошқариш, таълим хизматлари бозорини тартибга солиш ва маркетинг фаолиятлари самарадорлигига баҳо беришга жамиятнинг кенг қамровли эхтиёжлари нуқтаи назаридан ёндошиш лозим [4].

Таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, унинг объекти бўлган таълим хизматларининг моҳияти ва таркибини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради. Чунки, таълим хизматлари бозори таълим хизматларини айирбошлаш тизимидир. Айнан таълим хизматларига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш таълим хизматлари бозори шаклланиши ва ривожланишининг асосий иқтисодий шарти ҳисобланади [5].

Жаҳонда олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича, жумладан қуйидаги устувор йўналишлар-да илмий изланишлар амалга оширилмоқда: таълим тизимини инновацион

иқтисодиёт талаблари асосида ривожлантириш; олий малакали кадрларга бўлган талабни мақсадли бозор сегменти ва мақсадли аудитория талаблари асосида шаклантиришнинг прогнозлаш методикасини такомиллаштириш; комплекс омиллар таъсири шароитида профессор-ўқитувчилар фаолиятини рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш; ишчи кучи бозори конъюнктураси талаблари асосида рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш узлуксиз тизимини такомиллаштириш.

2018 йил январ-сентябр ойлари оралиғида кузатилган натижаларга асосланган ҳолда таълим хажми 124,2% ўсганлигини кўришимиз мумкин (1-расм) ва бу натижа билан ҳисобот даврида энг юқори ўсиш сўратларини қайд этган соҳалар қаторида турибди.

Таълим хизматлари кўрсатишда республикада 72 та олий таълим муассасаси, Халқаро Вестминстер университети, Россиянинг Г.Плеханов номидаги давлат иқтисодиёт университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти филиаллари фаолият юритмоқда.

1-жадвал. Иқтисодиёт фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, %
*(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)*




Олий таълим муассасалари томонидан тақдим етилган дастлабки маълумотларга асосан, 2017/2018 ўқув йили бошига бакалавриат босқичига жами 80822 нафар, шу жумладан 18439 нафари давлат грантлари асосида, 62383 нафар ёшлар эса шартнома асосида талабаликка қабул қилинган. 2017/2018 ўқув йили бошида қабул қилинган талабаларнинг 71838 нафари кундузги, 8984 нафари 20 та олий таълим муассасаси ва 1 та филиалда ташкил етилган сиртқи курсларда таълим олаётган бўлиб, сиртқи курсларга қабул қилинганларнинг 77,8 фоизини қизлар ташкил етади. Маълумот учун, 2016/2017 ўқув йилида жами 110 нафар талаба сиртқи курсларга қабул қилинган. Жами таълим олаётган бакалавр босқичидаги талабалар сони 288471 нафарни ташкил етган бўлиб, гуманитар соҳада 121446 нафар, ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ йўналишида 27418 нафар, ишлаб чиқариш ва техник соҳада 85539 нафар, қишлоқ ва сув хўжалиги юналишида 23479 нафар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот юналишида 18879 нафар, хизматлар соҳасида 11710 нафар талабалар таълим олмоқда.




1-расм. Таълим ёналишлари бўйича бакалавр босқичида таълим олаётган жами талабалар, %. Манба: ЎзР Статистика қўмитаси маълумотлари

2017 йилда бакалавр даражасига эга бўлган талабалар сони 62900 нафарни ташкил этиб, уларнинг 18954 нафари давлат грантлари асосида таълим олган. 2017 йилда бакалавриат босқичини битирганларнинг 23995 нафарини қизлар ташкил етади.

Таълим тизими малакали ишчи кучини шакллантириш ва унинг сифатини ошириш орқали мамлакатнинг иқтисодий ўсишига эришишини таъминлайди. Шу билан бирга таълим тизими ва фан соҳаси ўртасидаги боғлиқлик фан-техника тараққиёти натижаларини (инновациялар) ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатади.

**АДАБИЁТЛАР**

1. www.iite.unesco.org
2. Абдурахманов К.Х. и др. Современный менеджмент и реформирование системы образования в Узбекистане. – Тошкент, 2005. Ахунова Г.Н. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш: и.ф.д.илм. даражаси учун ёзилган дис.автореферати. – Тошкент, ТДИУ, 2004; Бекмурадов А.Ш. Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования: методика, содержание и техническое обеспечение. – Тошкент, «Экономика», 2009.; Жумаев Н.Х. Олий иқтисодий таълимнинг сифати ва самарасини оширишга ёндашувлар. //Олий иқтисодий таълимни модернизациялаш: долзарб масалалар, устувор йўналишлар ва истиқболлар. Тез. тўпл. –Тошкент, 2007- Б.335-337; Кучаров А.С., Додабаев Ю.Т. Маркетинг. – Тошкент, 2002
3. Набиев Д.Х. Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики. Автореф. док. дис. – Т.: ТГЭУ, 2009; Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. – Тошкент, « Молия», 2002.; Рахимова Д.Н. и др. Образовательный маркетинг и рынок труда. – М.: Сов.писатель, 2005; Саидов М.Х. Олий таълим иқтисодиёти, инвестициялар ва маркетинги. – Тошкент, «Молия», 2002; Тешабоев Т.З. Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўллари. – Тошкент, –« Фан ва технология», 2007; Гулямов С.С. и др. Дистанционное экономическое образование. – Тошкент, «Шарк», 2004; Ходиев Б.Ю. Инновационная образовательная стратегия в условиях преодоления мирового финансово-экономического кризиса. – Тошкент, «Экономика», 2009.
4. Панкрухин А.П. Образовательные услуги //Вкн.: Менежмент в сфере услуг. Под ред. В.Ф.Уколов. –М.: «Луч», 1995.- С.315-341.
5. Ташходжаев.М.М. Таълим хизматлари бозори ва унинг ривожланишининг иқтисодий таҳлили. *“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил*

*Ўзбекистонда таълим хизматлари бозорининг ўсиш тенденциялари*

*Саъдуллаева Г. С.*
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

**Резюме.** Мақолада юртимизда таълим тизимида рўй бераёган ўсиш тенденциялари, ўзгаришлар ёритилган. Шу билан таълим хизматлари бозорини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этган олимларимиз ишлари шархланган.

**Таянч сўзлар:** таълим хизматлари бозори, таълим тизимида иқтисодий муносабатлар, ўсиш суръатлари.

*Тенденции роста рынка образовательных услуг*

*Саъдуллаева Г. С.*
*Ташкентский государственный экономический университет*

**Резюме.** В статье излагаются тенденции развития в системе образования в Республики Узбекистан. Анализируются работы ученых, занимающихся теоретическим и практическим изучением рынка образовательных услуг.

**Ключевые слова:** рынок образовательных услуг, экономические отношения в системе образования, темпы роста.

*Growth tendencies of the educational services market in uzbekistan*

*Sadullaeva G.S.*
*Tashkent State University of Economics*

**Summary.** This article outlines the trends in the education system in our country. Discusses the work of scientists involved in theoretical and practical study of the educational services market.

**Key words:** educational services market, economic relations in the education system, growth rates.

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОГО МЕНЕДЖМЕНТА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Шарахметов Ш.Ш.**
*ООО «Stoneville»*

За последние годы в стране проводятся масштабные реформы, направленные прежде всего на ускоренное развитие всех отраслей экономики, повышение инвестиционной привлекательности и деловой активности, расширение производства и сферы услуг.

Республика Узбекистан уверенно идет по пути масштабных экономических и социальных реформ. Экономика нашей страны продолжает интенсивно развиваться. Так, по итогам первого полугодия 2019 года рост ВВП составил 5,8 процента, в основном за счет ускоренного роста в промышленности – 6,9 процента и роста инвестиций – почти на 58,9 процента[1]. Английское слово «менеджмент» стало известно сегодня практически каждому человеку, желающему получить образование. Менеджмент – вид деятельности по руководству людьми в самых разнообразных организациях. Менеджмент – это также область человеческого знания, помогающего осуществить это руководство. Наконец, менеджмент как собирательное от слова «менеджер» - это определенная категория людей, социальный слой тех, кто осуществляет работу по управлению.

За всю историю существования менеджмента многие зарубежные страны накопили значительные сведения в области теории и практики управления в промышленности, сельском хозяйстве, торговле и другие с учетом своих специфических особенностей. Однако, опыт ведения бизнеса и осуществления менеджмента богат, зачастую неоднозначен и весьма полезен для изучения тем, кто ступил на стезю менеджмента. Актуальность заключается в том, что создание собственной модели менеджмента требует, с одной стороны, изучения всего ценного, что содержится в зарубежной теории и практике, а с другой — использования его лучших достижений в своей деятельности. Управление как наука, научная дисциплина возникла в США в начале XX века. Основоположником науки управления по праву считается американский инженер и исследователь Ф. Тейлор (1856 – 1915). Предложенная им система организации труда и управленческих отношений вызвала «организационную революцию» в сфере производства и управления им. Ф. У. Тейлор высказал мысль, что не техника и экономика, а именно управление людьми является основным фактором, влияющим на повышение эффективности. И сегодня современный менеджмент считает, что происходят кардинальные изменений роли личности сотрудника, который из наемного работника, простого исполнителя в большей степени должен становиться партнером, заинтересованным в достижении стратегических целей компании. Только творческий подход к труду заставит руководителей и подчиненных активно выполнять задания, идти на разумный риск и предприимчивость. Сегодня важно преодолеть инертность и консерватизм персонала, необходима активизация экономического мышления людей, выращивание компетентных и современно мыслящих менеджеров и специалистов. Если менеджеры всех уровней управления научатся использовать преданность людей делу и их способность, учиться быстрее своих конкурентов, то это станет надежным конкурентным преимуществом в современных условиях{2}.

В 20—30-е годы нашего столетия зародилась школа человеческих отношений, в центре внимания которой находится человек. Возникновение доктрины «человеческих отношений» обычно связывают с именами американских ученых Э. Мэйо и Ф.Ротлисбергера, которые известны своими исследованиями в области социологии производственных отношений.

Термин «менеджмент человеческих ресурсов» возник в 60-е гг. Модель «человеческие ресурсы» рассматривается, как стратегическая и ориентирована на активную позицию личности в организации. Каждый человек должен отвечать за результаты своего труда и способствовать их достижению. В свою очередь, организация должна поощрять своих сотрудников. Современный американский менеджмент базируется на трех исторических предпосылках: наличие рынка; индустриальный способ организации производства; корпорация как основная форма предпринимательства[3]. С позиций науки управление можно рассматривать, как целенаправленную переработку информации. Для того чтобы использовать управленческую информацию, ее нужно передавать, перемещать с одного объекта на другой, организовывать взаимосвязи между этими объектами. Одной из главных проблем современного менеджмента как в мире, так и в Республике Узбекистан является – проблема качества управленческих кадров.

Хотя данная специальность появилась во всех вузах, проблема качества не снимается. Это связано с тем, что в Республике существует нехватка людей, имеющих реальный опыт управленческой работы в условиях рыночной экономики. Но в то же время нельзя не отметить, что *менеджмент – это и наука и искусство*, и что овладение знаниями в этой области невозможно без получения соответствующих практических навыков естественно, что основная часть слушателей имеет незначительный *жизненный* и еще меньший *управленческий* опыт.

При отсутствии собственного отечественного опыта управления в рыночных условиях ответы на возникающие в каждодневной работе вопросы приходится искать в трудах специалистов других стран. Теория и практика менеджмента хорошо развиты во всем мире и задача менеджмента стран с переходными экономиками состоит в том, чтобы грамотно и эффективно перенести имеющиеся знания на отечественные предприятия с учетом специфических особенностей их функционирования и накопленного опыта управления.

Это связано с тем, что теоретический менеджмент как научная дисциплина изучает проблемы построения и управления организациями в условиях развитых рыночных отношений, которым в нашей стране только предстоит возникнуть, и, следовательно, применять их на практике в чистом виде не представляется возможным{4}.

Еще одной проблемой на наш взгляд является – избыточная численность государственных управленцев, непрерывно возрастающего числом при постоянном «сокращении» аппарата. Это связано с тем, что самый эффективный и доходный бизнес в мире – управление государственными ресурсами. При этом наблюдается острая нехватка топ – менеджеров высшей квалификации, способных эффективно управлять частными компаниями, с целью конкурентоспособности на мировых рынках. Это превосходство связано, скорее всего, не только с уровнем менеджмента – но и с конкурентными преимуществами в этих областях, сложившихся в силу географических, исторических и традиционных особенностей, позволяющих увереннее чувствовать себя на рынке.

Известный факт, что основными системообразующими факторами традиционной организации являются цели и структура. В новых условиях организация как средство достижения предпринимательских целей исчерпывает свои возможности, новым системообразующим фактором выступает, прежде всего, организационная культура.

Структура также теряет свою актуальность, т.к. перестает быть основным атрибутом организации как системы. Традиционный менеджмент предполагает жесткую организационную структуру, иерархические и бюрократические формы организации и управления. В современных условиях они становятся сдерживающим инструментом, не дающим возможности работнику организации полностью раскрыть свой творческий потенциал, проявить свои способности к быстрым изменениям обучению и модернизации. Поэтому компании чаще всего экспериментируют в области развития своих структур и процессов: осуществляют переход от иерархических, вертикальных структур к горизонтальным, вместо организации используют новый инструмент, который чаще называют бизнес-системой.

Система подготовки управленческих кадров должна постоянно совершенствоваться и пополняться современными идеями и подходами. Для существенного повышения уровня управленческого потенциала Узбекистана целесообразно, на наш взгляд, было бы совершенствование Ассоциации менеджеров Республики Узбекистан, деятельность которой внесла бы организующие начала в проведение научных исследований, подготовку и повышение квалификации менеджеров, выявлении и обобщении положительного опыта управления в нашей стране.

**ЛИТЕРАТУРА**


1. https://rg.ru/2019/08/29/ekonomicheskie-i-socialnye-reformy-v-uzbekistane-nabrali-oboroty.html
2. Классики менеджмента: Пер. с англ. / Под ред. М. Уорнера. – СПб.: Питер, 2001. – 1168 с.
3. «Основные проблемы современного менеджмента и зарубежные модели менеджмента»., https://www.bestreferat.ru/referat-242259.html
4. https://rg.ru/2019/08/29/ekonomicheskie-i-socialnye-reformy-v-uzbekistane-nabrali-oboroty.html


*O'zbekiston Respublikasida zamonaviy menejmentning dolzarb muammolari*

*Шарахметов Ш.Ш*

**Rezyume**: Maqolada menejmentning kelib chiqish tarixi, ilm-fan, boshqaruv turlari kabi tushunchalar ko'rib chiqiladi. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasida iqtisodiy islohotlar, zamonaviy menejmentdagi dolzarb muammolar, boshqaruv kadrlarining sifat muammolari ko'rib chiqildi.

***Tayanch so'zlar:** boshqaruv, zamonaviy boshqaruv, boshqaruv muammolari.*

*Актуальные проблемы современного менеджмента в Республике Узбекистан*

*Шарахметов Ш.Ш*

**Резюме:** В статье освещается содержание понятия менеджмента и его становление как науки, рассматриваются актуальные проблемы современного менеджмента и подготовки управленических кадров в Узбекистане.

**Ключевые слова:** менеджмент, современный менеджмент, проблемы менеджмента.

*Actual problems of modern management in the Republic of Uzbekistan*

*Sharakhmetov Sh. Sh*

**Summary.** The article highlights the content of the concept of management and its formation as a science, discusses urgent problems of modern management and training of managerial personnel in Uzbekistan.

**Key words**: management, modern management, management problems.

***ОБРАЗОВАНИЕ. МЕТОДОЛОГИЯ. ПСИХОЛОГИЯ***

**УДК:37;371(077)**

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КРЕАТИВЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ ФАОЛ ВА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРИЯТИ**

**Рахимов З. Т.**
Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий-маданий муносабатларини шакллантиришга хос ижтимоий-психологик муносабатлар билан ижтимоий-педагогик муносабатлар уйғунлиги уларни шахсий-илмий ҳаётга, касбий фаолиятга тўғри ва онгли муносабат руҳида тарбиялашга асос бўлиб хизмат қилади. Сир эмаски, айрим олий таълим муассасаларини битирувчилари ўз ихтисослигига оид махсус ўқув фанларидан бир-бирига боғланмаган лавҳалар шаклида билимга эга бўлиб, ўз илмий фаолиятида учрайдиган мажмуавий (комплекс) вазифаларнинг оптимал ечимларини топишда қийналмоқдалар. Шунингдек, улар мустақил тарзда илмий фаолиятга кириб кетишга ҳам тайёр эмас. Таълимнинг фаол усулларидан етарлича фойдаланмаслик мазкур муаммони келиб чиқишининг асосий сабабларидан биридир.

Ўқув машғулотларининг тизимли режалаштирилиши, талабаларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш таълим олишга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни ютуқларга эришишга рағбатлантиришда асосий омил бўлар. Ўқув машғулотларида етишмаётган омил – креативлик саналади [1, 4 ].

Америкалик педагог Патти Драпеау нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. *Ҳар томонлама фикрлаш* талабалардан ўқув топшириғи, масаласи ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда *бир томонлама фикрлаш* эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш). Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “креативлик” тушунчасини қуйидагича шарҳлаш мумкин: Креативлик (лот., инг. “create ” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти хисобланади.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради, “талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди”. Бу таълим тизимининг татбиқий ва техникавий йўналиши ҳамда унинг турли фанлар билан алоқадорлигини амалга оширилишини; компьютерлардан фойдаланиш ва компьютер саводхонлигини таъминлашни; тафаккур ва фаолиятнинг шаклланишини ҳам ўз ичига олади. Фаол таълим шароитида ўзлаштирилган билим ва иш-ҳаракат усуллари мазмунан мукаммал тизимли, мантиқан тугал ва турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга яроқли бўлади. Бунда, асосан баҳс-мунозара, фикрлашга жалб қилиш, билганларини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик, ақлий ҳужум ўйини, китоб (манбалар) билан ишлаш, касбий компьютерли ўйинлар каби таълим методларидан фойдаланилади. Демак, ҳар қандай ижодкор ўқитувчининг илмий-педагогик ходим даражасига кўтарилишида таълим технологияларини яратиш, таълим мазмунини замон талаблари асосида такомиллаштира билиш, таълим жараёнини бошқаришнинг оптимал вариантини топа билиш лозим экан. Таълим технологиялари таълим олувчининг ўрганаётган муаммоларига қараб, турли кўринишларда яратилиши мумкин. Фаол таълим услубларини таълим-тарбия жараёнида қўллаш орқали талабаларни мустақил ишлашга, фикрлай олишга, дарсдаги фаоллигини оширишга, яъни топқирлиги, ташаббускорлигини ривожлантиришга ва энг асосийси, дарсда фанлараро алоқадорликни таъминлашга катта имкониятлар яратади.

Демак, таълим жараёнини технологиялаштиришдан асосий мақсад – бу таълимда ўқитувчи ва талаба ўртасида юзага келувчи таълимий мулоқот жараёнининг самарали бўлиши, мазкур жараённинг янгича мазмун касб этишга эришишдан иборат. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида таълим жараёнини технологиялаштириш, бу борада аҳамият берилиши лозим бўлган шартлар хусусида ўқитувчиларни хабардор этиш тадбирлари ишлаб чиқилади. Уларни амалиётга жорий этилиши қуйидаги педагогик вазифаларни ҳал қилиш имкониятларини яратади: ўқитувчиларнинг таълим жараёнини технологиялаштиришдаги назарий ва амалий билимларни ўзлаштириши учун муайян шарт-шароит яратиш; ўқитувчиларга таълим жараёнини технологиялаштиришнинг алоҳида хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ахборотлар бериш; ўқитувчиларда таълим технологиялари асосида таълим жараёнини ташкил этиш борасидаги назарий билимларни амалий фаолиятдаги кўникма ва малакаларга айланишига эришиш; ўқитувчиларда таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувни қарор топтириш ва касбий маҳоратларини юксалтиришга эришиш; таълим-тарбия жараёнини

технологиялаштириш борасида Республика миқёсида, шунингдек, хорижий мамлакатларда бу борадаги ахборотларни талабаларга мунтазам етказиб боришга эришиш. Бу ғоялар даврий илмий-услубий журналлар ва уларнинг иловалари илмий-услубий семинарлар ҳамда малака ошириш, қайта тайёрлаш курслари орқали амалга оширилади.

Маълумки, таълим жараёнининг фаол субъектлари ўқитувчи, талабалар бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари муайян мавзу ёки фанлар асослари бўйича кам куч ва вақт сарфланган ҳолда назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштириш имконини берувчи жараённинг умумий моҳиятини тавсифлайди. Ўқитувчининг фаол ва самарали фаолият кўрсатишга йўналтирилган фаол таълим жараёнининг методик ишланмасидан фарқли равишда, таълимнинг фаол технологияси таълим берувчи талабаларга қаратилади, уларнинг шахсий ва ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини ўзлаштиришга шароит яратади. Фаол таълим технологиясининг етакчи муаммоси талаба шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборатдир. Таълим-тарбия жараёни бутун машғулот давомида талабаларнинг фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда ривожлантириб бориш мақсадини кўзда тутади, ўқув омилларини яратувчи фаол таълим технологияси талаблари ўқув фаолиятига тезкор жалб этиш имконини беради. Фаол таълим технологиясини ўқув жараёнига татбиқ этиш ҳисобига таълим жараёни рағбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимларни амалиётда қўллаш қийин, бу айниқса, табиий фанлар бўйича топшириқларни бажаришда намоён бўлади. Шунинг учун, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда талабаларнинг бевосита фаолият кўрсатишлари ҳамда ўқитувчи томонидан бошқарувга асосланган фаол таълим технологиясини қўллаш талаб этилади.

Таълим технологияси тамойили қуйидагиларни қамраб олади: *талабаларнинг фаол таълим олишининг чинакам моҳияти ақлий фаолият натижасида билимнинг янги-янги сир-синоатларини мустақил равишда англаб олишдир; талабалар ўз ҳаракати билан фанларни яхши ўрганади ва ўзлаштиради; ўқув жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, уларнинг ўзлари фанга қизиқсин, уни билишга ҳаракат қилиб, интилсин; талабалар дарсга фаол қатнашишлари лозим.*

Таълим технологияларининг турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарсларнинг шакли, қўлланилаётган услуб ва методлар хусусиятига боғлиқ. Масалан, талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда анъанавий дарс шакллари билан бирга конференция дарси, ишчанлик ўйинлари, интеграл (икки компонентли) дарслардан фойдаланиш лозим. Мазкур вазиятда таълим методлари таълим мақсади (билимларни турли вазиятларда қўллашга йўналтирилган топшириқлар, янги шароитда фаолият кўрсатишга ундовчи топшириқларни бажариш, ўзлаштирилган билимлар асосида схемалар тузиш, уларни таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш ва бошқалар) билан мутаносиб бўлиши керак.

Етарли даражадаги рағбат ва талабалар фаолиятини самарали ташкил этиш билан ҳам кўзланган натижаларга эришилмайди. Педагогик жараённинг самараси таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш йўлларини тўғри танлаш билан таъминланади. Педагогик жараённи бошқариш ўзида қуйидаги икки йўналишни мужассамлаштиради: фаолиятни бошқариш; талабалар жамоасини бошқариш [3, 90-93]. Ривожлантирувчи таълим технологиясининг асосий тамойиллари қуйидагилар: *инкорпорация (тизимли фаолият кўрсатиш) – турли фанларга оид билимларни умумлаштириш;мослашувчанлик – таълим шакли, методи ва усулларининг турли таълим муассасаларида қўлланувчанлиги; уйғунлик – муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсни ривожлантириш шакл, методи ва усуллари билан уйғунлиги; яратувчанлик – турли таълим муассасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари; табиийликка асосланиш – генетик ва ижтимоий жиҳатларга мувофиқ ўқувчиларнинг ўзига хос, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.*

Ривожлантирувчи таълимда талаба шахсига фаолиятли ёндашув бу тизимнинг концепциясини ташкил этиб, бунда шахс “субъекти” категорияси эркинликка интилиш, ўз-ўзини ривожлантириш, яхлитлик, мустақил ўқиш, ўзлигини намоён этиш ва фаоллаштириш хусусиятлари асосида англашилади, ўқув жараёни ҳамда унинг таркибий қисмлари – мақсад, мазмун, метод, шакл, услуб, воситалар талабалар учун шахсан аҳамиятга эга бўлган, унинг шахсий тажрибаси маҳсули сифатида татбиқ этилади.

Таълим-тарбия асосида шахснинг интенсив ривожланиши, моддий-маънавий қадриятларни ўзлаштириши фақат унинг шахсий фаолияти натижасида амалга ошади. Агар талабалар ўқув фаолияти моҳиятини англай олмаса, ўқув мақсадини тан олмайди, ўқитувчи қўйган вазифаларни тушунмайди ва қабул қилмайди, у томонидан содир этиладиган барча ҳатти-ҳаракатлар мажбурият ва тазйиқ остида содир бўлади, унинг билимлари расмий характерга, педагогнинг фаолияти эса расмиятчилик мазмунига эга бўлади. Билим амалиётга татбиқ этишга қаратилган фаолият натижасидагина шаклланади. Бу дарслик мазмунидан баъзи илмий маълумотларни шунчаки, кўр-кўрона ёдлаб олиш бўлмай, балки талабанинг шахсий, субъектив тажрибасига асосланган ҳақиқий билимлар бўлади.

Инсон онги ҳамиша субъектив моҳиятга эгадир. Талаба муайян билимларга нисбатан бефарқ бўлмай, билимлар унинг учун шахсий мазмунга эга бўлсагина пухта ўзлаштирилади. Ўқитувчи бунга талабада ўқув предметига нисбатан қадриятли, ижобий субъектив муносабатни таркиб топтириш натижасида эришади.

Талабанинг руҳий хусусиятларини ўрганиш ўзлаштирилаётган билимларнинг ўқувчига шахсан қизиқарли ва керакли бўлиши зарурлиги, акс ҳолда улар рад этилишини кўрсатади. Бу ҳолат образли ифодаланса, индивидуал тафаккурда билимлар субъективлашади, ўзига хос жиҳатларга эга бўлади. Тескари жараёнда

индивидуал тасаввур ва шахсий фикрлар объектив аҳамият касб этар экан, билимлар турли нуқтаи назарларнинг тўқнашуви, баҳс-мунозара, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият натижасида ўзлаштирилади, бу эса ўқув жараёнини ноанъанавий усулда ташкил этишнинг муҳим шакллари (баҳс-мунозара, ўзаро ҳамкорлик)ни талаб этади.

Шундай қилиб, ривожлантирувчи таълим технологияси шахс ривожланишининг асосий субстанцияси ҳисобланади. Шахс фаолияти унинг ички ҳиссиётлари билан боғлиқ. Шахс мотив, ҳиссиёт ва шахсий фикр воситасида намоён бўлади. Ўқитувчи ўз дарсида талабалар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилувчи фаол ва ривожлантирувчи педагогик технологиялардан фойдаланиб, шундай шарт-шароитларни таркиб топтириши лозимки, натижада талаба учун дастлаб холис бўлган объект кутилмаганда субъектив хусусият касб этсин [3, 90-100].

Талабаларда мустақил билим олишга эҳтиёж уйғотиш, уларни ахборотларнинг катта оқимидан кераклисини тўғри танлай билишга ўргатиш жуда муҳим. Буларнинг барчаси таълим олишга, талабаларда билимларни айни бир вақт оралиғида самарали ўзлаштириш кўникмасини шакллантириш масаласига ноанъанавий ёндашишни талаб этади. Асосий дидактик ва психологик назарияларга таяниш, илғор педагогик тажрибани умумлаштириш, эксперимент натижалари ривожлантирувчи таълим педагогикаси тўғрисида сўз юритишга имкон беради. “Ривожлантирувчи таълим деб, – таъкидлайди академик М.И.Махмутов, – умумий ва махсус ривожланишга олиб келадиган шундай таълимга айтиш мумкинки, унда ўқитувчи фикр юритишнинг қонуний ривожланишини билишга таянган ҳолда, махсус педагогик воситалар ёрдамида ўз талабаларини фан асосларини ўрганиш жараёнида фикрлаш қобилияти ва билиш эҳтиёжини шакллантиришга оид мақсадга йўналтирилган иш олиб боради” [2, 82].

Ривожлантирувчи таълимда зиддиятларни ҳал этиш йўли билан талабанинг турли ўқув фаолиятида миқдорий ва сифат ўзгаришлар амалга оширилади. Ривожлантирувчи таълим моделини лойиҳалаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўқитувчилар дарснинг нафақат “умумий сценарийси”ни, балки унинг алоҳида элементлари моделларини ҳам ишлаб чиқади. Моделнинг вазифаси жуда хилма-хил. Улардан асосийси эвристик вазифадир. Уни амалга оширишда ва талабаларнинг фикрий фаолиятини ривожлантиришда модел эталонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Улардан фойдаланиб, ўқитувчи турли педагогик вазиятларни олдиндан башорат қилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, талабаларнинг креативлигини ривожлантиришда: талабанинг таълим жараёни, ўқув фани ва ўқув материалига муносабати; таълим мақсадининг аниқ белгиланиши; таълим мазмунининг пухта асосланиши; ўқув жараёнининг самарали, қизиқарли ташкил этилиши; ўқитувчининг таълим жараёнини ташкил этишга ижодий ёндашуви; ўқув материалининг талабалар билими, тайёргарлик даражасига мувофиқ тўғри шакллантирилганлиги; таълим жараёнида дидактик, замонавий техник ва ахборот-коммуникацион воситалардан ўринли, мақсадли ва самарали фойдаланиш; профессор-ўқитувчи томонидан ўқув материали моҳиятини тўла очиб берилиши учун мақбул методларнинг тўғри танланганлиги; ўқув машғулотининг талабаларнинг эҳтиёж, хоҳиш-истак, қизиқишларига таянилган ҳолда самарали шаклда ташкил этилиши; профессор-ўқитувчининг талабаларга самимий, ишонч билан ёндашиши, уларни ҳурмат қилиши, уларда таълим олишга бўлган мотивацияни шакллантира олиши; машғулотлар жараёнида ҳар бир талабанинг индивидуал, шахсий хусусиятлари, шунингдек, руҳий (психик) фаоллигининг инобатга олиниши; профессор-ўқитувчи, талабалар ва алоҳида талаба ўртасидаги муносабатнинг ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлиликка асосланиши; таълим мақсадига мувофиқ кутилаётган натижанинг аниқ белгиланганлиги ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Шу боис таълим жараёнини ташкил этишда масаланинг бу жиҳатига эътибор қаратиш лозим бўлади.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
2. Махмутов М.И. Мактабда проблемали таълимни ташкил этиш. – Т.; «Ўқитувчи», 1981.
3. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.; «Фан», 2006.


*Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини креативлигини оширишда таълимнинг фаол ва ривожлантирувчи усулларидан фойдаланиш зарурияти*

*Рахимов З.Т.*
*Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти*

**Резюме:** Мақолада бўлажак касб таълими ўқитувчиларини креатив компетенцияларини ривожлантириш, таълимнинг фаол ва самарали усулларидан фойдаланиш орқали талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига ижодий ёндашиш кўникмасини шакллантириш зарурияти очиб берилган

**Таянч сўзлар:** талаба, таълим, муносабат, самарадорлик, фикрлаш, тафаккур, креативлик, ёндашув, ривожлантириш.

*Необходимость использования активных и развивающих средств обучения при повышении креативности будущих учителей профессионального образования.*

*Рахимов З. Т.*
*Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти*

**Резюме:** В статье раскрывается необходимость развития креативных компетенций будущих учителей профессионального образования, развития у студентов творческого мышления с использованием активных и эффективных методов обучения, формирования навыков творческого подхода к учебным материалам

**Ключевые слова:** студент, образование, отношение, эффективность, мышление, мышление, креативность, подход, развитие.

*The need to use active and developing teaching methods to enhance the creativity of future vocational education teachers*

*Rakhimov Z.T.*
*Karshi Engineering and Economics Institute*

**Summary.** The article reveals the need to develop creative competence of future teachers of vocational education, to develop creative thinking in students through the use of active and effective methods of education, to form the skills of creative approach to educational materials

**Key words:** student, education, attitude, effect, thinking, thinking, creativity, approach, development.

---

## ИНСУЛЬТГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРГА ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ УСУЛЛАРИ

**Жуманиязова И.К.**
**Урганч давлат университети**

Аҳоли саломатлигини сақлаш, уларга ҳар томонлама тиббий- психологик ёрдам кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор масалаларидандир. Зеро инсон саломатлигидан қимматли нарсанинг ўзи бўлмаса керак. Қайси бир касаликни бошдан кечираётган бемор ҳоҳ у енгил ҳоҳ оғир бўлмасин ўзига хос муаммоларга дуч келади. Ўз навбатида бемор учун тиббий-психологик иқлим яратилишни талаб қилади.

Бугун инсониятнинг соғлиғига жиддий таъсир кўрсатаётган касалликлардан бири инсультдир.

Инсульт – бош мияда қон айланишининг ўткир бузилишига айтилади. Инсультнинг қандай тарқалишига келсак у турли давлатларда турлича тарқалган. Ер юзида йилига 16 000 000, Россияда 600 000, Украинда 120 000, Ўзбекистонда 60 000 та инсульт рўйхатга олинади [5, 17б].

Шунингдек, мазкур касалликни ҳар ойда, ҳар куни ва ҳар соатда қанча учрашини ушбу жадвалдан билиб олишнгиз мумкин.

1-жадвал

| Вақт миқёсида | Бир йилда | Бир ойда | Бир кунда | Бир соатда |
|---|---|---|---|---|
| Ер юзида | 16 млн | 1333333 | 44444 | 1851 |
| Россияда | 600000 | 50000 | 1666 | 69,4 |
| Украинда | 120000 | 10000 | 333,3 | 13,8 |
| Ўзбекистонда | 60000 | 50000 | 166,6 | 6,9 |

Жадвалда кўриниб турганидек ҳар соатда нечта одам инсультга дучор бўлади. Уларнинг 30-40% ўлим билан тугайди, 50% дан ошиғи ногирон бўлиб қолади [5, 17 б].

Инсультга чалинган беморларда салбий психологик таъсирлар сезиларли тарзда акс этади [7, 22 б].

Инсультдан сўнг беморларнинг кўпчилиги ўзларининг иш қобилиятларини тўлиқ йўқотади, баъзи бир беморларда касалликдан кейинги ҳолатларида салбий таъсирлар учрамайди. Касаллик оқибатида юзага келган физиологик ва психологик бузилишлар, ўзгаришларга кўникиш, реалибитатция жараёнига бўлган мотивларни пайдо бўлиши осон кечмайди. Қайта касалликга чалинмасликни олдини олиш ва беморларни тузалиш жараёнини тезлатиш учун махсус психологик ёрдам зарурдир.

Кўп ҳолатларда инсульт касаллиги асоратлари, хусусан ногиронликка олиб келган ҳолатларнинг барчаси шахсни ижтимоий қўллаб –қувватлаш зарурлигини ва замонавий тадқиқотларга мухтожлигини кўрсатади. Инсульт ва инфаркт каби касалликларга чалинган беморларнинг аксарияти ёшлар ва меҳнатга лаёқатли кишилар (25 ёшдан - 45 ёш оралиғи)ни ташкил қилмоқда. Айнан шуни таъкидлаш жоизки бу беморларга нафақат тиббий ёрдам балки психологик ёрдам ҳам талаб қилинади.

Е.И. Гусаев ва А.С. Кадыковлар таъкидлашича, инсультга чалинган беморларни бузилган функцияларини тиклаш, касбий малакаларини қайта тиклаш ва жамиятга қайтариш дорзарб тиббий ва ижтимоий муаммога айланган [2, 336; 4; 6,176].

Л.В. Мустафинанинг таъкидлашича, баъзи беморларда "ички инқироз" юзага келади. Бу ҳолат тиббий ёрдам бериш жараёнини кучайтиради, шубҳасиз интенсив психологик ёрдам ва қўллаб- қувватлашни талаб қилади [7, 22]. Муайян психотерапия усулларини танлашда беморга қулайлигига, иқтисодий томонларига алоҳида эътибор бериш зарур. Яъни психотерапевтик усул "субъектив адаптация" беморни ички қиёфасига, дунёқараши ва интеллект даражасига монанд танланади [1, 27-31].

Касалхонага қабул қилиш давомида бемор ҳолати ўрганилади, стресс ҳолатидан чиқарилади, улар учун махсус индивидуал психологик ёрдам дастури ишлаб чиқилади.

Инсульт касаллигига чалинган беморларни психологик қўллаб –қувватлаш бир неча босқичларни ўз ичига олади. Қуйидаги дастурни келтирамиз:

**2-жадвал. Инсульт касаллигига чалинган беморларни психологик қўллаб-қувватлаш.**

| 1-босқич | 2-босқич | 3-босқич |
|---|---|---|
| Психодиагностик ва нейроливистик тестлар | 1. Психологик маслаҳат<br>2.Индивидуал ва гуруҳий ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган тренинглар<br>3.Релаксация | 1.Беморларни қариндошлари билан ишлаш.<br>2. Гуруҳий машқлар<br>3."Инсультдан кейинги ҳаёт" мавзусида тажриба алмашиш |

Ҳар бир босқич ўзига хос хусусиятга эга.

1-босқич. Бемор билан ишлашнинг дастлабки босқичида психодиагностика ва нейропсихологик (инсульт бошдан ўтказган вақтида ОПФ бузилишини баҳолаш учун) текширув, касал психикасида патологик ўзгаришлар даражаси, шахс тузилишини аниқлаш учун амалга оширилади. Реалибатция жараёнинг самарали ўтишида беморнинг ички қиёфасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ташхис қўйиш жараёни суҳбат шаклидаги беморни ҳолатини аниқлаш бўйича ўтказилган интервьюлар орқали қайд қилиб расмийлаштирилади.

2-босқич. Беморларни психологик қўллаб-кувватлашнинг иккинчи босқичида психологик, патологик невроз реакцияларни тиклаш, қўрқув, депрессия, астеник ҳолатлар, уйқу бузилишларини бартараф этиш билан шуғуланилади. Мазкур босқичда психотерапия усулларидан фойдаланилади.

Жумладан К.Роджерснинг мижозга йўналтирилган, А.Беканинг когнитив ҳатти-ҳаракатлари элементлари терапиялари қўлланилади. Бу усуллар орқали стрессга тушган беморларга эмпатик муносабат кўрсатилади, ижобий ҳис-туйғуларни уйғотилади. Беморларга психологик ёрдам бериш, касалликка қарши кураш усулларини кенгайтиришга, беморда муқобил даволанишга нисбатан ҳатти-ҳаракатлар ва мотивациялар пайдо қилишда аҳамиятлидир.

Когнитив нуқсонли ёки паст даражада камчиликларга эга беморлардаги янги маълумотларнинг ассимилияция қилинишига тўсқинлик қилмасдан, салбий фикрларни ўзгартиришда ( “Салбий фикрларни англаш” методикаси (С.А Кулаков 2003), “Келгусида бўлиши мумкин воқеаларнинг аҳамиятини камайтириш” машқи ( P. Shimer, S. Ferguson, 1990.))дан фойдаланиш ўринлидир[3]. Бу машқлар ёрдамида психотерапевт беморларни беморларни даволаш даврида уларни келгуси мақсад ва ҳаракатларни муҳокама қилади. Натижада беморларнинг келажак мақсадлари аниқланади ва қаътийлашади.

Психотерапия давомида энг асосийси беморлар билан аутоген, релаксация машғулотларни ташкил қилиш лозим. Чунки аутоген ва релаксация машқлар беморларда осойишталик ва тинчлантирувчи кайфият уйғотади. Натижада улар касалликларини унутган ҳолда ўзларини енгил ва тинч, хотиржам ҳис қилишади. (Муаллиф: проф. психотерапевт А.А. Востриков, проф. психопедагог А.А. Табидзеларнинг №1“Енгилашишиш ва реаксияция”, №2 “Ишониш ва стрессга чидамлилик”.)

Касалликка чалинган беморлада зўриқишни камайтириш мақсадида табиат бағрида реклаксация жараёнида мумтоз мусиқалардан ҳам фойдаланилади. (Мусиқа намуналари: Beethoven- Moonlight Sonata, Grieg-Morning Mood from Peer Gynt, Tchaikovskiy-Oveture Miniature to the Nutcracter Suite, Mozart-Clarinet Quintet K.581 Largatto va K.581Allegre va boshqalar)

Бунинг учун беморларга “Дам олиш жойи” машқлари (M.Loscalro, 1996), “Ранг билан боғлиқ ёқимли ҳис-туйғуларнинг хотиралари” [3, 205-230] тақдим этилади. Бу эса беморларнинг хотиржамлигини, организмдаги зўрқишларни бартараф қилади. Кўпинча инсульт ва юрак хуружлари оғриқ синдроми (бош оғриғи, нафас олиш қийинлашиши) билан келади ва шунинг учун психолог “Оғриққа қарши нафас олиш” (М. Сандомирский, 2005) машғулотлари қўлланилади [3, 205-230].

Жисмоний машқлар бажаришга доир кўрсатмалар, психотерапевтик суҳбатлар, интеллектуал қобилиятларни тиклаш бўйича машғулотлар самараси вақт давомида намоён бўлади. Шунингдек, арт-терапия машғулотлари гуруҳларида “Қалбимдаги бўёқлар” мавзуларида гуруҳ тренинглар ташкил қилинади. Гуруҳларда беморлар пластиллин, бўёк ва қалам ёрдамида ўз қизиқишларини, ҳис-туйғулари ва эмоцияларини ёркин чизгиларда акс этади. Арт-терапия машғулотлари гуруҳ ижодкорлигини кенгайтиришга ёрдам беради, ранг, шакл ва чизгилар орқали атрофимиздаги дунёни қайта кўришга имкон беради. “Мен ва менинг дунём”, “Мен ва бошқа одамлар билан бўлган муносабатларим”, “Мен ва касаллигим”, “Менинг орзуим”, “Табиат”, “Туйғуларим ва кайфият” ва бошқа турдаги мавзулардаги машғулотлар қўлланилади. Психолог беморларнинг мулоқат қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам берувчи “Менинг портретимда қуёш нурлари” машқидан фойдаланиши шахсни англашга ёрдам беради. “Туйғу дарахти ” машқлари ҳис-туйғуларнинг эркин ифодасини тарғиб қилади, беморларни ўзларининг ҳиссиётлари ва қалбини тушунишга ёрдам беради.

М.А.Краевой, Т.О.Тарасовой, Е.А.Чижовой тавсияларига биноан кексалардаги когнитив жараёнларни тиклаш бўйича тренинг машқларини ўтказиш, уларни турмуш шароитига самарали мослашишга ёрдам беради. Шифохонадан чиқарилгандан сўнг ўз-ўзини бошқариш даражасини ва ҳаёт сифатини оширади. Беморларнинг тез чарчаш ва чарчашга мойил бўлганлиги сабабли машғулотлар, дам олиш ва профилактика машқлар, шахсий маслаҳат ҳафтада икки марта 30 дақиқадан кўпроқ вақт давомида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Психологик ёрдамнинг учинчи босқичи нафқат беморлар, балки уларнинг яқинлари иш олиб борилади. Касалликка чалинган беморларни парваришлаш, мулоқотга киришишда қийинчилилар туғдиради. Жумладан қариндошларига ёрдамга муҳтож беморлар билан кўмаклашиш ва парваришлаш бўйича тавсиялар берилади. Ушбу вазифаларни бажариш учун улар билан “Инсультдан кейинги ҳаёт” мактаби машғулотлари ўтказилади.

Қариндошлар билан қуйидаги машғулот мавзуларида тренинглар ўтказилади. “Инсультдан кейинги ривожланиш механизми”, “Инсультга чалинган беморларга биринчи ёрдам”, “Инсультдан кейинги депрессия”, “Инсультдан кейинги реабилитация жараёни” ва бошқалар.

Инсультга чалинган беморларнинг қариндошлари учун қуйидаги тавсиялар берилади: Бемор билан мулоқатда аниқлик ва намойишкороналик тамойилидан фойдаланиш. 3-5 ёшдаги болаларга бўлгани каби, инсультга чалинган беморлар билан мулоқот қилиш, новербал коммуникациялардан фойдаланиш, бирор нарсани тушунтиришда жуда аниқлик талаб қилинади; Сабрли бўлиш. Инсульт гриппдек тез ўтиб кетадиган касаллик эмас, шифо бир неча ой ёки йил ўтиши мумкин. Беморнинг хатти-ҳаракатлари кўпинча болаларникига

ўхшайди: нафратланиш, эътибор жалб қилиш, қайсарлик каби ҳолатлар учраши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, беморни ҳаракатлари соғлом одам ҳаракатларидан фарқ қилади; Кун тартибига риоя қилиш. Беморга қараётган киши камида 7-8 соат ухлаши, кун давомида уйғоқ бўлиши керак; Фаолият тамойили. Беморни биринчи кунидан бошлаб, агар ножўя таъсирлари бўлмаса фаоллаштиришга ҳаракат қилиш. Беморга ҳамма нарса фақат дори-дормон ва шифокорларга боғлиқ эмаслигини эслатиб туриш; Рағбатлантириш тамойили. Беморни ҳатто кичик ўзгаришлар учун ҳам рағбатлантириш; Мустақиллик тамойили. Беморни вазиятларда мустақил фаолият юритишга, унга энага эмас, дўст қиёфасида кўринишга ҳаракат қилиш; Маъсулиятни тақсимлаш тамойили. Беморни барча юкини битта қариндошига юклаб қўйиш тавсия этилмайди. Қўшимча ёрдам учун бошқа яқинлари ёки ижтимоий муассасаларга мурожаат қилиш; Ўзини эҳтиёжларига ҳам эътибор бериш, шахсий ҳаёт, хоббилари учун ҳам вақт қолдириш. Агар руҳий тушкунлик содир бўлганлигини, бемор билан муаммолар юзага келаётганини сезса, тез-тез низолар содир бўлса, айбдорлик ҳисси қийнаса, ёрдам учун психолог, психотерапевтга мурожаат қилиш.

Демак инсультга чалинган беморларга психологик ёрдам беришда юқорида келтирилган учта босқич асосий ўрин эгалайди. Чунки шиддат билан ривожланаётган тиббиёт ҳам инсон руҳиятини ўзи ҳохламаса тўлоқонли даволаш имкониятига эга эмас. Ҳалқ табобатида ҳам, замонавий тиббиётда ҳам беморнинг руҳий ҳолати, тузалишга бўлган стимуллари биринчи ўринда турган. Айнан психологик ёрдам бу жараёнда шунинг учун ҳам ўз ўрни ва аҳамиятига эгадир.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Бурно М.Е., Иговская А.С. «Психотерапия пациентов с расстройствами личности, характеризующимися преобладанием ипохондрии» // Журнал невропатологии и психиатрии. 2008.108 (12):
2. Гусев Е.И., Скворцова В.И. «Ишемия головного мозга.» – М.: «Медицина», 2001.
3. Григорьева В.Н., Тхостов А.Ш. «Психологическая помощь в неврологии.» –Н.Новгород: Нижегородской гос.мед. академии, 2009.
4. Ермакова Н.Г. « Психологические особенности больных с последствиями инсульта в левом и правом полушариях головного мозга в процессе реабилитации » // Вестник СпбГУ.- 2008.- Сер.11. Вып.3.
5. Ибодуллаев З. Асаб ва руҳият. –Т.; «Замин нашр» нашриёти, 2018.
6. Кадыков «Реабилитация после инсульта.» -М.: Миклош, 2003.
7. Мустафина Л.В. Ранняя реабилитация посинсультных больных мультидисциплинарной бригадой: Афтореф. дисс.. на соискание ученой степени к.м.н. –М., 2008.
8. Суджаева С.Г, Суджаева О.А. «Реабилитация после реваскуляризации миокарда.» –М.; Медицинская литература, 2008.


*Инсультқа шалынған науқасларға психологиялық жәрдем көрсетиўдиң усыллары*


*Жуманиязова И. К.*

*Ургенч мәмлекетлик университети*



Мақалада дүнья жүзи бойынша инсульт кеселлигине шалынған науқаслар ҳаққында статистикалық мағлыўматлар, келип шығыў себеплери, оларға психологиялық жәрдем көрсетиўдиң басқышлары, психодиагностикалық, аутоген, арт-терапевтикалық, релаксация шынығыўлары келтирилген.


*Инсультга чалинган беморларга психологик ёрдам кўрсатишнинг усуллари*


*Жуманиязова И. К.*

*Урганч давлат университети*



**Резюме.** Мақолада бутун дунё бўйича инсульт касаллигига чалинган беморлар тўғрисида статистик маълумотлар, келиб чиқиш сабаблари, уларга психологик ёрдам кўрсатишнинг босқичлари, психодиагностик, аутоген, арт-терапевтик, релаксация машғулотлари келтирилган.



**Калит сўзлар**: инсульт, психологик ёрдам, психодиагностика, аутоген, арт-терапия, релаксация.


*Методы психологической поддержки больным инсультом*


*Жуманиязова И.К.*

*Ургеничиский государственный университет*



**Резюме.** Статья содержит статистические сведения о пациентах, страдающих от инсульта во всем мире, о его причинах происхождения стадиях психологической поддержки, а также о психодиагнистических, аутогенных терапевтических, релаксационных упражнениях для больных.



**Ключевые слова:** Инсульт, психологическая помощь, психодиагностика, аутогенная, арт-терапия, релаксация.


*Ways to provide psychological support to stroke patients*


*Urgench state university*

*Zhumanyazova I.K.*



**Summary.** The article contains statistical information about patients suffering from a stroke all over the world, about its causes of origin, about the reasons for the stages of psychological support, as well as psycho diagnostics, autogenously therapeutic, relaxation exercises for patients.



**Key words:** Stroke, psychological help, psychodiagnostic, autogenic, art-therapy, relaxation.

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА КВАНТ ФИЗИКАНИ ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Матжанов Н.С.**

*Нукус давлат педагогика институти*

Замонавий физика икки илмий инқилобнинг натижаси – XVII аср ва XIX-XX асрлар чегаралари. Одатда, иккинчиси нисбийлик ва квант назарияларининг пайдо бўлиши натижасида оламнинг физик манзарасидаги инқилоб деб қаралди.

Ушбу бўлимнинг ўрганишдаги асосий масала – квант объектларининг хусусан, микрозаррачалар ва электромагнит майдоннинг хусусиятларини ўрганишдан иборатдир. Квант объектларининг физикавий ўзаро таъсирлашишларда уларнинг хатти-ҳаракатларида характерли икки хил хусусиятнинг намойиш бўлиши ҳисобланади. Баъзи бир тажрибаларда улар корпускуляр, бошқаларда эса – тўлқин хусусиятларга эга, классик физика нуқтаи назаридан бундай бўлиши мумкин эмас. Дарҳақиқат, бу зиддият, бизнинг ақл-идрокимизнинг натижасидир, агар биз корпускуляр ва тўлқин хусусиятлар ҳеч қандай қарама-қаршиликга эга эмас, балки улар объектларнинг хусусиятларини қўшимча тўлдиради деб ҳисобласак, у ҳолда бу объектларнинг хатти-ҳаракатларини тушуниш қийинчиликларини осонлаштиради.

Ўрта мактабда квант физикасининг асосларини ўрганишда, квантовий тушунчаларнинг мавҳумлиги ва бу назариянинг математик аппаратининг мураккаблигидан, фотоэффект каби, ушбу назарияни асослаган экспериментал маълумотларни таърифлаш билан чегараланади. Назарий жиҳатдан бўлса, Резерфорд-Борнинг атом модели, корпускуляр-тўлқин дуализмини муҳокама қилади. Бир сўз билан айтганда, ўрта мактабда квант назарияси туғилишига асос бўлган назариялар ва экспериментал материалларнинг дастлабки асосий ғояларини тушунтириш билан чекланади.

Квант назариясида пайдо бўладиган ва ечиладиган фалсафий ва методологик характерга оид масалалар, одатда ўрта мактаб физика курсида баён қилинмайди. Бироқ «физикадаги инқилоб» квантомеханик назариянинг яратилиши, физиканинг фалсафий ва методологик асосларини қайта кўриб чиқиш билан белгиланади. Шундай қилиб, квант назарияси билан инсон онгига (умуминсоний маданият) киритилган энг асосий нарса ўрта мактабда диққатдан четда қолмоқда.

Методология юнонча «metodos» - билиш ёки тадқиқ қилиш, «logos» - таълимот деган сўзлар йиғиндисидан иборат. Уни умумлашган тарзда фанда илмий билиш методларига оид таълимотлар йиғиндиси, тўғрироғи бу ерда ҳам тизим, дейиш мумкин.

Педагог олим М.Джораевнинг илмий тадқиқот ишларида «Фан ва уни ўқитишнинг методологияси деганда – ўқитилаётган предметнинг асосий тушунчалари, катталиклари, қонунлари ва назарияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисидаги таълимотни тушуниш керак» деб таъкидланган [1, 22].

Шу асосда бизнинг фикримизча, ўқувчилар томонидан квант назарияси асослари ўрганилиши мумкин бўлган фалсафий ва методологик характердаги масалалар муҳим аҳамият касб этади, чунки бу масалалар оламнинг замонавий физик манзарасини белгилайди. Оламнинг замонавий физик маназараси ғояларини ўқувчилар онгида шакллантириш ўрта мактабнинг асосий вазифаларидан биридир.

Биз физика дарсларида квант физикага оид мавзуларни ўқитишда қандай масалаларни муҳокама қилишни ва қандай таълимий вазифаларни ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида фикр юритмоқчимиз. Шундай қилиб, ўрта мактаблар физика курсида квант физикасини ўқитиш бўйича дарс мазмунини кўриб чиқайлик.

Дастлаб квантомеханик ғоя ва тушунчаларнинг ривожланишининг асосий босқичлари ҳақида кисқача маълумотлар бериш керак.

Квантомеханик ғоя ва тушунчаларнинг ривожланиши бир-биридан анча вақт билан ажралиб турадиган ва бу фикрларнинг ривожланиши физиклар томонидан тўлиқ рад этилиши билан изоҳланади. Бу босқичлар қуйидагича:

М.Планк томонидан квант энергияси тушунчасини киритилиши. 1900 йилда М.Планк томонидан мутлақ қора жисмнинг нурланишини таҳлили натижасида, қора жисмдаги нурланган энергия (яъни осцилляторлар), дискрет равишда ўзгаради, фақат шу ҳолда $E=h\nu$ формула тажриба натижаларига тўлиқ мос келиши ҳақида маълумот берилди. Аммо, кейинги беш йил мобайнида ҳеч ким бу фикрни қўллаб-қувватламади [3, 288].

А.Эйнштейн ёруғлик кванти тушунчасини киритди. 1905 йил А.Эйнштейннинг «Ёруғликнинг келиб чиқиши ва ўзгариши билан боғлиқ эвристик нуқтаи назар ҳақида» (Об одной эвристической точке зрения, касающейся возникновения и превращения света) номли мақоласида ёруғликнинг квант ғоясини илгари суради ва уни Максвеллнинг ёруғликнинг электромагнит назарияси доирасида тушунтириб бўлмайдиган айрим ҳодисаларнинг қонуниятларини тушунтириш учун фойдаланади. Ушбу ҳодисалардан бири фотоэффект эди.

Эйнштейн ўз ишида нафақат фотоэффектни, балки ёруғликнинг моддалар (хусусан люминесценцияни) билан таъсирлашиш ҳодисаларини ҳам тушунтирди. Эйнштейн ёруғлик нурининг нурланиши ва ютилиши хусусида янги нуқтаи назарни илгари сурди. Бу ёруғлик табиатига нисбатан тубдан янги фикр ўз даврида тарафдорларини топмади [4, 65].

Н.Борнинг атом модели. Тажрибалар натижаси асосида альфа-заррачаларнинг сочилишини тушунтириш учун Э.Резерфорд томонидан илгари сурилган атомнинг планетар моделини назарий асослаш учун 1913 йилда Нильс Бор квантлаш ғоясини қўллайди. Ушбу ғояда электронлар атомда ўзининг стационар энергетик

сатҳларига эга бўлади. бу ҳолда атом энергия нурландирмайди, лекин бир сатҳдан иккичисига ўтганда атом нур чиқаради (нур ютади)). Фақат шу вақтдан бошлаб квант назария ривожлана бошлайди.

Де-Бройль тўлқини. Унинг диққатини жалб қилган бир фикр келди, илгари дискрет сифатида қаралаётган жараён ва объектларни, энди тўлқин сифатида қараб чиқиш. Луи Де-Бройль ҳар бир заррачага қандайдир бир тўлқин жараённи киргизди ва ҳар бир дискрет объектга «Де-Бройль тўлқини» деб аталувчи мос тўлқинни қўйди. Бу фикр Резерфорд-Бор атом назариясига янгича нуқтаи назардан қарашга имкон берди, хусусан, нега атомда электрон орбиталари бор эканлиги аниқроқ бўлди [2, 350 ].

Э.Шредингернинг тўлқин механикаси. Де-Бройль ғояларини қўллашдаги асосий қадамни Э.Шредингер қўйди. Шредингер ҳар бир дискрет объектга маълум бир тўлқиннинг таалуқли бўлиши мумкинлиги ҳақида фикрни ҳамда XIX асрда Р.Гамильтон томонидан ишлаб чиқилган оптик-механик аналогиянинг математик формализмидан фойдаланиб, микрооламда юз берувчи жараёнларнинг назарий манзарасини яратди.

Оптик-механик аналогия механика ва оптиканинг асосий тамойиллари – энг кам таъсир ва қисқа вақт тамойилларининг расмий ўхшашлигида ифодаланади. Бу ўхшашлик тўлқинлар назарияси асосида механик қонунларни тушунтириш имконини беради. Шредингер тажриба натижаларига мос келадиган, атом томонидан нурланаётган нурнинг частотасини ва спектарл чизиқларининг интенсивлигини ҳисоблаш имконини берадиган тенгламани ( $\frac{d^2\psi}{dx^2}+\frac{2m}{\hbar^2}(E-V)\psi=0$ ) ишлаб чиқишга мувоффиқ бўлди (кейинчалик унинг номи билан номланади). Натижада микрооламда заррачаларнинг хатти-ҳаракатини тавсифловчи биринчи назарий схема ҳосил бўлди [5, 422 ].

В.Гейзенбергнинг матрицали механикаси. Шредингернинг иши билан бир вақтнинг ўзида яна бир ёш немес физиги Вернер Гейзенбергнинг иши пайдо бўлди. Гейзенберг ғояси қуйидаги фикрлардан келиб чиқади: «Бевосита тажрибалар билан атомнинг қандай тузилганини билмаймиз, шу билан бирга атомни тўғридан-тўғри кузатиб бўлмайди. Биз тўғридан-тўғри атом нурланишларининг спектрини кузата оламиз, спектр чизиқларидаги частота ва интенсивликни ўлчашимиз мумкин. Шунинг учун атом тузилиши ҳақидаги номаълум ғояларга асосланиш керак эмас. Физик назарияни яратишда фақат кузатилиши мумкин бўлган катталиклар асос бўлиши керак. Нурланиш спектрларининг дискретлиги ҳақидаги билимларга таяниб, қандай қилиб назария яратиш мумкин?». Бу назарияни яратиш учун Гейзенберга янги математик аппарат ўйлаб топишига тўғри келди. Ушбу математик аппарат ёрдамида, у миқдори кескин ўзгариб турувчи катталикларни тушунтириб берди [2, 350].

Корпускуляр-тўлқин дуализми. Шундай қилиб, физик ҳодисалар табиатига нисбатан қарама-қарши фикрларга асосланган ва бир хил натижаларга олиб келадиган икки назарий ғоя пайдо бўлди.

Физикалар олдида электрон нима? – деган савол кўндаланг қўйилди. Бу маълум бир чекланган ҳажмдаги локализация қилинган объект, у ҳар бир вақт моментида тўлиқ аниқланган координата ва оний тезлик билан маълум бир траектория бўйлаб ҳаракатланади. Ёки фазода тарқаладиган, ҳолати (яъни координатаси) ва траекторияси ҳақида гапириб бўлмайдиган тўлқиндир.

Унда ёруғлик нима? Бу вакуумдаги алоҳида зарралар оқими ёки бутун фазони тўлдириб турувчи электромагнит тўлқиндир. Бу икки нуқтаи назарни классик физика ғоялари доирасида бирлаштириш мутлақо мумкин эмас.

Бу саволга тажриба қандай жавоб беради? Электрон нима – зарра ёки тўлқин, ёруғлик – заррачалар оқими ёки тўлқинми?

Лекин бу ерда ҳам қийинчиликлар вужудга келди. Айрим тажрибаларни тўлқин хусусиятлари билан тушунтириш мумкин эди, бу тажрибалар XIX асрдан бери маълум: дифракция, интерференция, ёруғликнинг поляризация ҳодисалари. Бу тажрибаларнинг барчаси: ёруғлик – бу тўлқин деб аниқ айтади. Аммо бошқа тажрибалар – фотоэффект, Комптон эффекти (бу ҳақида ўқувчиларга маълумот бериш лозим) ёруғликни заррачалар оқими эканлигини тасдиқлайди.

Электрон нима? Тажрибаларда электрон заряди ва массаси дискретлиги аниқланганлиги, уни зарра деб ҳисоблайди, лекин Де-Бройль ишларидан сўнгги Дэвиссон ва Джермер тажрибалари электроннинг дифракция ҳодисасини аниқлади, демак электрон – тўлқин.

Микрообъектларнинг табиати ҳақидаги мана шу икки нуқтаи назар корпускуляр-тўлқин дуализми деган ном олди.

Ушбу суҳбатдан кейин биз дарсимизга қайтамиз, шу ерда ўқитувчи илм-фан соҳасида танқидий, инқилобий ҳолатлар юзага келганда, бу даврда фаннинг асосий тушунчаларини қайта кўриб чиқилишига алоҳида эътибор бериши керак. Бу илмдаги инқилобий ўзгаришларнинг моҳиятидир. Маълум бир илм учун асосий бўлган бу бошланғич тушунчалар, бу илм-фаннинг ўзида эмас, балки даврнинг умуммаданий контекстида шакллантирилади.

Ушбу бўлимни ўрганиш натижасида ўқувчиларда оламнинг квант-статистик манзарасининг асосий тушунчалари шаклланиши керак: олам «элементлари»: заррачалар – ўзаро таъсир иштирокчилари, заррачалар ўзаро таъсир ташувчилари; физик ўзаро таъсирлар: фундаменталь ўзаро таъсирлар – гравитацион, кучсиз, электромагнит, кучли; физик қонунлар: корпускуляр-тўлқин дуализми, микрозаррачалар ҳолатининг квантомеханик таърифи, Бор постулатлари, Д.И.Менделеевнинг даврий қонуни; физик системалар: элементар заррачалар, ядролар, атомлар, молекулалар, моддалар, макрожисмлар; квантовий жараён ва ҳодисалар:

иссиқлик нурланиши, фотоэффект, рентген нурланиши, катод нурлари, электронлар дифракцияси, радиоактивлик, люминесценция, иссиқлик мувозанати; инсон томонидан яратилган «олам»: иссиқлик двигателлари, лазер, ядро реакторлари, люминесцент лампалари, қаттиқ жисмли қурилмалар [1, 40].

Хулоса қилиб айтганда, оламнинг физик манзарасининг замонавий асосида янги физик назария – моддий оламнинг микрообъектларининг ҳолати ва ҳаракатини таърифлайдиган квант механика туради. Чуқур мафкуравий аҳамиятга эга бўлган бу натижа, физика тарихидаги энг ажойиб саҳифадир.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Джораев М. Методологические и диактические основы формирования-статических идей и понятий: (на примере обучения физики средней и высшей школе): Автореф.дисс…. докт.пед.наук. –Т.: ТГПУ, 1993.
2. Луи де-Бройль. Соотношения неопределенностей Гейзенберга и вероятностная интерпретация волновой механики. -М.: «Мир», 1986.
3. Тарасов Л.В. Современная физика в средней школе. -М.: «Просвещение», 1990.
4. Усова А.В., Гранатов Г.Г. Методические рекомендации по изучению квантовых свойств и действий света в курсе физики 10 класса. –Челябинск: ЧГПИ, 1984.
5. Шрёдингер Э. Избранные труды по квантовой механике. -М.: «Наука», 1976.

*Улыўма орта билимлендириў мектеплеринде квант физикасын оқытыўдың методологиялық тийкарлары*

*Матжанов Н.С.*
*Нукус давлат педагогика институти*

**Резюме.** Мақалада орта мектеп физика курсын оқытыў процессинде квант теория шеңберинде жаратылған ҳәм өз шешимин тапқан философиялық ҳәм методологиялық машқалаларды қандай етип түсиндириў машқалаларына арналған. Бул бөлимди үйрениў нәтийжесинде оқыўшыларда дүньяның квант-статистикалық картинасының тийкарғы түсиниклери қәлиплесетуғыны тийкарланған.

**Таяныш сөзлер:** физика сабағы, классикалық түсиниклер, квант физика, методология, тәжирийбе, бөлекшелер, жақтылық, корпускуляр-толқын дуализми.

*Умумий ўрта таълим мактабларида квант физикасини ўқитишнинг методологик асослари*

*Матжанов Н.С.*
*Нукус давлат педагогика институти*

**Резюме.** Мақолада ўрта мактаб физика курсини ўқитиш жараёнида квант назарияси доирасида яратилган ва ўз ечимини топган фалсафий ва методологик муаммоларни қандай қилиб тушунтириш муаммоларига бағишланган. Ушбу бўлимни ўрганиш натижасида ўқувчиларда оламнинг квант-статистик манзарасининг асосий тушунчалари шаклланини асосланган.

**Калит сўзлар:** физика дарси, классик тушунчалар, квант физика, методология, назария, тажриба, заррачалар, ёруғлик, корпускуляр-тўлқин дуализми.

*Методологические основы изучения кваниовой физики в обшеобразовательных школах*

*Матжанов Н.С.*
*Нукус давлат педагогика институти*

**Резюме.** Статья посвящена рассмотрению философских и методологических проблем, созданных и разрешенных в рамках квантовой теории, в процессе изучения курса физики в средней школе. Обосновывается, что изучение этого раздела физики будет способствовать формированию у студентов представления квантово-статической картине мира.

**Ключевые слова:** урок физики, классические понятия, квантовая физика, методология, теория, эксперимент, частицы, свет, корпускулярно-волновой дуализм.

*The study of the methodological bases of teaching quantum physics at physics classes in secondary schools*

*Matjanov N.S.*
*Nukus State Pedagogical Institute*

**Summary.** This article is devoted to a discussion of the problem of how philosophical and methodological problems posed and resolved in the framework of quantum theory can be highlighted in a high school physics course. As a result of studying this section, the basic concepts of a quantum-statistical picture of the world will be formed.

**Key words:** physics lesson, classical concepts, quantum physics, methodology, theory, experiment, particles, light, wave-particle duality.

---

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ РЕЙТИНГИ ВА ИМИЖИ МУНОСАБАТИ

**Бабаджанов Ф. К.**
*Қорақалпоқ давлат университети*

Ҳар қандай таълим муасасасининг салоҳиятини белгилашда расмий кўрсаткичлари ҳам, жамоатчилик фикри ҳам бирдек аҳамият касб этади. Кейинги йилларда таълим тизимида талабалар билимини, таълим муассасаси фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш кенг тарқалмоқда. Шунингдек, замонавий раҳбарлар ўзининг, ўзи етакчилик қилаётган таълим муассасасининг, қўл остидаги ходимларининг имижи тўғрисида ҳам қайғура бошлашган. Рейтинг ва имиж таълим тизимида янги, шу билан биргаликда тез оммалашиб, кенг қўлланилиб келаётган тушунчалардир.

Шу боис биз мазкур мақоламизда ҳар иккала тушунчанинг изоҳи, моҳияти ва таълим тизимидаги ўрни, хусусан, ОТМларнинг рейтинги ва имижи орасидаги муносабати масаласини таҳлил қилмоқчимиз. Аввало мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтсак.

Рейтинг (ингл. *rating*) муайян объектни ёки воқеа-ҳодисани муҳимлиги бўйича рақамлар кўрсаткичида ёки изма-изликда акс эттиришдир [1]. Рейтинг баҳо, даража, ютуқлар кўрсаткичи, машҳурлик даражаси [2, 373] каби маъноларда ҳам қўлланилади. Кўпчилик ҳолатда рейтинг «TOP 10», «TOP 100» яъни «TOP N» шаклида эълон қилинади. Рейтинг белгилашда асосий мезон – индикаторлар, яъни кўрсаткичлар ҳисобланади. Кўплаб соҳаларда етакчиликни аниқлаш ёки баҳолаш рейтинг тизими асосида олиб борилади. Кейинги йилларда мамлакатимиз таълим соҳасида ҳам бу тизим кенг оммалашмоқда.

Дунё миқиёсида ОТМларнинг рейтингини ҳисоблаш индикаторлари QS (Quacquarelli Symonds) World University Rankings[1], Times Higher Education (THE)[2] каби нуфузли тузилмалар томонидан белгиланади. Мазкур ташкилотлар ҳар йили университетларнинг «TOP 100», «TOP 500», «TOP 1000»таликларини эълон қилиб боради. Таълим хизмати истеъмолчиларининг аксарияти мазкур рўйхатга қараб танловларини амалга оширади. QS (Quacquarelli Symonds) агентлиги рейтинг тизими индикаторлари қуйидагича: академик репутация - 30%, иш берувчи репутацияси - 20%, ўқитувчи/талаба нисбати - 15%, иқтибосликлар нисбати - 5%, хорижлик педагоглар улуши - 2.5%, хорижлик талабалар улуши - 2.5%.

Times Higher Education (THE) рейтингни аниқлашда қуйидаги кўрсаткичларга амал қилади: таълим (ўқув муҳити) – 30%, илмий – тадқиқотлар (даромад ва репутация) – 30%, иқтибослилик (илмий-тадқиқот) – 30%, халқаро ҳамкорлик (ходимлар, талабалар, илмий-тадқиқот) – 7.5%, саноатдан тушадиган даромад (билимларни ривожлантириш) – 2.5%.

Ўзбекистонда эса Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан рейтингини ҳисоблаш индикаторлари тасдиқланади. ОТМлар рейтингини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида олиб борилади. 2018 йилда Ўзбекистондаги ОТМларининг рейтингини аниқлаш учун 23та индикатор, 59та рақамли баҳолаш кўрсаткичлари асос қилиб олинган. «Ўзбекистон ОТМларининг Миллий рейтинг тизимида профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолиятига 34%, ўқув-услубий ишлар ва ўқитиш сифатига 30%, талабалар билими ва битирувчилар сифатига 28%, фаолиятда АКТни қўллаш ва моддий-техник таъминланганликка 8% ажратилган» [3].




Расм ОЎМТВ нинг ОТМларга тарқатган “Олий таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари: халқаро тажрибалар ва Ўзбекистон амалиёти” номли тақдимотлар тўпламидан олинди.

Аслида муайян объект ёки субъектнинг фаолияти ёки салоҳиятини рақамлар тизимида баҳолаш анча қийин ва жуда мураккаб жараёндир. Мавжуд анъаналар ва хорижий тажрибалар асосида мазкур жараённи амалга ошириш жорий қилинмоқда. Ўзбекистонда ОТМларининг Миллий рейтингини аниқлаш илк тажриба бўлганлиги учун унинг натижалари ижтимоий тармоқларда турли қарама-қаршиликларга сабаб бўлди ва айрим эътирозлар ҳам кузатилди. Ҳар қандай тўсиқлар, эътирозлар, камчиликлар бўлишига қарамасдан бу жараён давом этиши замон талабидир.

Биз таълим муассасаларининг рейтингини қандай мезонлар асосида шакллантириш зарурлиги хусусида баҳс юритмоқчи эмасмиз. Фақат ОТМларнинг рейтинги ва имижи орасидаги муносабатини таҳлил қилмоқчимиз холос.

Рейтинг қандай индикаторлар, қандай мезонлар асосида тузилишидан қатъий назар расмий доираларда таълим муассасаси мавқейи, салоҳияти ва нуфузи ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Давлат арбоблари, таълим тизимини бошқарувчи ваколатли органлар, расмий ташкилотлар рейтинг кўрсаткичларига қараб ОТМларга баҳо беришади ва шунга яраша муносабатда бўлишади.

Бироқ халқ оммаси таълим хизматларидан фойдаланишда, уларга муносабат билдиришда расмий маълумотларга эмас, кўпроқ омма орасидаги тасаввурларга таяниб иш кўради. Бу тасаввурлар ОТМ имижини шакллантиради. Омманинг муносабати ва абитуриентлар танлови асосан имиж билан белгиланади.

[1] **QS (Quacquarelli Symonds)** – агентлиги таълим ва мутахассилик тармоғига йўналтирилган компания бўлиб, 1990 йилда Нунзио Куакуерелли (Nunzio Quacquarelli) томонидан ташкил этилган. Компания ҳар йили дунё бўйлаб энг яхши универстетларнинг рейтингини эълон қилади.

[2] **THE** - Лондонда жойдашган ҳафталик журнал бўлиб, 2009 йилгача QS - Бутун жаҳон университетлари рейтингини аниқлаш билан машҳур. Компания QS билан ўзи алоҳида бир ташкилот бўлгунига қадар биргаликда фаолият юритган

Энди **имиж** тушунчаси ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Хорижда имиж муаммоси хусусида фалсафий, социологик, педагогик, психологик, филологик, иқтисодий аспектларда жуда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Социология ва имижелогия соҳаси мутахассиси В.М.Шепель: “Имиж – оммавий ахборот воситалари, ижтимоий гуруҳлар ёки шахснинг кучи ва ҳаракатлари билан ўзига эътибор қаратиш мақсадида яратилган индивидуал қиёфасидир,” [4,17] – дея таъкидлайди. Имиж тушунчаси аниқ шахсдан ташқари, товарга, ташкилий тузилмага, соҳага ва бошқаларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин [5,137]. Хуллас, адабиётларда, луғатларда ва интернет саҳифаларида имиж хусусида юзлаб бир-бирига ўхшаш, баъзан эса фарқли таърифларни учратиш мумкин.

Умуман олганда, ОТМ имижи омма онгида, жамоатчилик тасаввурида мазкур ташкилий тузилма – таълим муассасаси ҳақида стереотип образининг яратилишидир. Имиж ҳам таълим муассасаси мавқейи, салоҳияти ва нуфузи ҳақида тасаввур ҳосил қилади, унинг жозибадорлигини белгилайди.

Кейинги 5-10 йилликда имиж тушунчаси Ўзбекистонда ҳам кўплаб соҳалар каби олий таълим тизимига ҳам жадал кириб келмоқда. ОТМ имижини яратишда ва бошқаришда унинг ютуқларини оммага тарғиб қилиш катта роль ўйнайди. Бу борада ОАВларидаги хабарлар, медиа макондаги фаоллик, жамоатчилик фикрига таъсир ўтказувчи турли воситалардан фойдаланиш мумкин.

Н.К.Моисеев ОТМ имижи таркибини 8 компонентдан иборат деб ҳисоблайди: 1.Таълим хизматлари имижи (қўшимча таълим хизматларининг жорий этилиши). 2.Таълим хизмати истеъмолчилари имижи. 3.Таълим муассасаси ички имижи (ОТМ педагоглари ва талабалари орасидаги ижтимоий-психологик муҳит). 4. Ректор ва илмий кенгаш имижи. 5.Персонал имижи. 6.Ижтимоий имиж (жамоатчилик орасида ОТМ мавқейи). 7.Визуал имиж (муассаса ва унинг бинолари жозибадорлиги). 8.Бизнес-имиж [6,77]. Муаллиф ҳар бир компонентга атрофлича тўхталиб, уларни юксалтириш хусусида таклиф ва мулоҳазаларини билдириб ўтади.

Таълим муассасасининг ижобий имижининг яратилишига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Хусусан, ОТМда мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлар, битирувчиларга меҳнат бозорида бўлган талаб, таълим сифати, муассасанинг моддий-техник базаси, профессор-ўқитувчилар салоҳияти, муассаса раҳбарининг мавқейи ва креативлиги, талабаларнинг эришган ютуқлари, ҳатто таълим муассасасининг жойлашган ўрнини ҳам мазкур омиллар сирасига киритиш мумкин. Санаб ўтилган омилларнинг кўпчилиги рейтинг индикаторларида ҳам акс этади. Бироқ талабаларнинг ва ота-оналарнинг таълим муассасасига муносабати, айниқса, омма орасидаги норасмий мулоқотларда бошқа олий даогоҳлар билан қиёслаб билдирилган ижобий фикрлар ОТМ имижини янада жозибадор қилади. Имиж жозибадорлиги муайян ҳудудда, баъзан бутун мамлакатда таълим муассасасининг рақабатбардошлигини таъминлайди. М.А.Фомина, «Бозор иқтисодиёти шароитида жамоатчилик билан мўътадил муносабатларни йўлга қўйишда ўзи ҳақида жозибадор қиёфа яратиш учун ***имиж*** ташкилотнинг ажралмас бўлагига айланди. …таъсирли имиж таълим хизматлари бозоридаги рақабатбардошликни оширади. У абитуриентлар ва профессор-ўқитувчилар таркибини жалб қилишга, таълим сифатининг ошишига, шунга мувофиқ битирувчилар даражасининг юксалишига таъсир ўтказади» [7,68-72], деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам, жамоатчиликнинг муайян ташкилотга бўлган муносабати унинг имижига қараб белгиланади. Таълим муассасаси ўзининг таъсирчан имижини ярата олса, рақабатбордошликка, таълим сифатини оширишга ва энг муҳими етук кадрлар тайёрлашга эришади.

Олий таълим учун рейтинг ҳам, имиж ҳам жуда муҳим. Бироқ уларнинг битта фарқи бор: ***рейтинг ваколатли орган томонидан аниқланади, имиж эса омма тасаввурида шаклланади***. Биз мазкур иикита тушунчанинг ОТМ мисолида айрим жиҳатларини қиёслаб ўтмоқчимиз.

| **Рейтинг** | **Имиж** |
|---|---|
| Ваколатли орган томонидан аниқланади | Омма онгида, жамоатчилик тасаввурида шаклланади |
| Жамоатчилик фикри ҳисобга олинмайди | Жамоатчилик фикри ҳал қилувчи омил |
| Индикаторлар – асосий кўрсаткич мезонлари ҳисобланади | ОАВлари, медиа макондаги муносабатлар, норасмий мулоқотлар билан шаклланади |
| Аниқ рақамларда акс этади | Мавҳум тасаввурларда ифодаланади |
| Расмий равишда эълон қилинади | Норасмий равишда жамоатчилик онгида яшайди |
| Расмий доираларнинг муносабатини белгилайди | Жамоатчилик ва омма муносабатини белгилайди |

Бундай қиёсий таҳлилни янада давом эттириш мумкин. Имиж мавҳум тасаввурлар натижаси бўлгани каби, рейтинг ҳам нисбий рақамлар ифодасидир. Оддийгина миш-мишларнинг тарқалиши ёки ОТМ билан боғлиқ кўнгилсиз воқеанинг содир бўлиши имижни бузгани ҳолда, рейтингга мутлақо таъсир ўтказмаслиги мумкин. Ёки таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг илмий ишларидан иқтибос олиш индикаторининг кўтарилиши рейтингнинг ошишига олиб келса ҳам, имижга таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

Демак, бугунги кунда ҳар бир олий таълим муассасаси рейтингдан ташқари ўз имижи хусусида ҳам бош қотириши долзарб масалага айланиб бормоқда. Шу боис давлат миқиёсида ОТМларнинг имижини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада олий таълимни бошқарувчи ваколатли органлар томонидан бир қанча тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган: таълимни халқаролаштириш; иш берувчилар ва давлат ижтимоий буюртмаси интеграцияси асосидаги кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш; ОТМлар рейтингини ошириш; таълим дастурларининг мослашувчанлигини таъминлаш; Total quality management (таълим сифатини оширишнинг умумий бошқаруви)ни ривожлантириш; ўқув жараёнига инновацион шакл, метод ва воситаларни киритиш; компетенцияларга асосланган таълим моделини ривожлантириш; масофавий таълимни кенг жорий этиш; мустақил ўзини-ўзи молиялаштириш, янги

ҳамкорларни излаб топиш таълим хизматлари экспортини ривожлантириш; технопарклар, инновацион хабларни яратиш; таълим хизматлари провайдерларини кенгайтириш; иш берувчилар ва жамоатчилик ҳамкорлиги [8].

Жамиятда бозор муносабатлари етакчилик қилаётган бугунги кунда жамоатчилик тасаввурида аниқ бир таълим муассасасининг имижини яратиш омма орасида мазкур ОТМнинг мавқейини, жозибадорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки тажрибали профессор-ўқитувчиларни ишга жалб қилишда ҳам, абитуриентларнинг танловини кенгайтиришда ҳам ОТМ имижи алоҳида ўрин тутади. Шу боис ҳар қандай жамоа, айниқса раҳбар ходим бу масалага жиддий эътибор қаратиши зарур.

Жамиятимизда бозор иқтисодиёти ислоҳатлари жадаллик билан олиб борилаётган бугунги кунда таълим муассасасининг рақобатбардошлигини, омма орасидаги жозибадорлигини, жамоатчилик билан илиқ муносабатларини таъминлаш учун ОТМ рейтинги билан бирга унинг имижига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим. Мамлакатимизда олий таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳатлар, таълим хизматлари бозоридаги рақобат ҳар бир ОТМнинг ўзига хос, омма орасида жозибадор имижини яратишни тақозо этади. Ўзбекистондаги олий таълим тизимининг халқаро майдонда эътироф этилиши, хорижлик таълим хизмати истеъмолчиларининг мамлакатимизга жалб қилиниши учун университетлар ва бошқа олий даргоҳларнинг ўзига хос имижи яратилиши давр талабидир.

Хуллас, ОТМнинг ижобий жозибадор имижини яратиш мураккаб ва кўпқиррали жараён ҳисобланади. Биз олий таълим даргоҳининг имижи занжирсимон тарзда шаклланишига амин бўлдик. Унинг яратилишида таълим хизмати турлари, унинг сифати, таълим берувчилар, таълим олувчилар, шароитлар, имкониятлар, психологик муҳит каби кўплаб омиллар иштирок этади. Имиж яратишни оқилона бошқариш орқали ОТМ рейтингини ҳам кўтариш имкони пайдо бўлади.

Демак, олий таълим муассасаси учун рейтинг ҳам, имиж ҳам бирдек муҳим тушунчалар бўлиб, уларни ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш орқали халқаро майдонда мамлакатимиз олий таълим тизимининининг жозибадорлигига эришиш мумкин.

## АДАБИЁТЛАР


1. wikipedia.org/wiki/Рейтинг
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2007.
3. www.xabar.uz/talim.
4. Шепель В.М. Ортобиотика. -М.; 1996.
5. Петровский А.В., Ярошевский М.Г. Краткий психологический словарь. –Москва, 1985.
6. Моисеева Н.К. Маркетинг и конкурентоспособность образовательного учреждения. №5, 1999.
7. Фомина М.А. Имидж вуза как составляющая системы образования // Актуальные задачи педагогики: материалы междунар. науч. конф. (г. Чита, декабрь 2011 г.). – Чита: Издательство Молодой ученый, 2011.
8. ОЎМТВ нинг ОТМларга тарқатган “Олий таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари: халқаро тажрибалар ва Ўзбекистон амалиёти” номли тақдимотлар тўплами. Тошкент. ОЎМТВ. 2019й.


*Жоқары оқыў орынларының рейтинги ҳәм имиджи қатнасы*

Бабаджанов Ф. К.
*Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Резюме.** Мақалада рейтинг ҳәм имидж түсиниклериниң мазмуны ҳаққында сөз етиледи, олардың бир-бирине қатнасындағы улыўмалық ҳәм өзине тән тәреплери талқыланған. Рейтинг ҳәм имидж жаратыў қурамалы процесс болып табылыўы, сондай-ақ, Өзбекстандағы ЖООлары рейтинги ҳәм имиджин халықаралық масштабда жоқарылатыў заман талабы екени тийкарлап берилген.

**Таяныш сөзлер:** рейтинг, индикатор, ЖОО рейтинги, имидж, стреотип, ЖОО имиджи, тәлим хызмети, тәлим сапасы, конкуренцияға шыдамлылық.

*Олий таълим муассасасининг рейтинги ва имижи муносабати*

*Бабаджанов Ф. К.*
*Қорақалпоқ давлат университети*

**Резюме.** Мақолада рейтинг ва имиж тушунчаларининг мазмун ва моҳияти кўриб чиқилган, уларнинг ўзаро муносабатидаги умумий ва фарқли жиҳатлари таҳлил этилган. Рейтинг ва имиж яратиш кўп қиррали жараён эканлиги, шунингдек, Ўзбекистондаги ОТМларнинг рейтинги ва имижини халқаро майдонда юксалтириш давр талаби эканлиги асолаб берилган.

**Таянч сўзлар:** рейтинг, индикатор, ОТМ рейтинги, имиж, стреотип, ОТМ имижи, таълим хизмати, таълим сифати, рақобатбардошлик.

*Рейтинг и имиджи высших учебных заведений и их взаимоотношение*

*Бабаджанов Ф. К.*
*Каракалпакский государственный университет*

**Резюме.** В статье рассматриваются сущность и содержание понятий рейтинг и имидж, отмечаются их общие и специфические стороны, обосновывается, что формирование рейтинга и имиджа вуза многогранный и сложный процесс, повышение рейтинга и имиджа вузов Узбекистана в международном масштабе являются требованием времени.

**Ключевые слова:** рейтинг, индикатор, рейтинг вуза, имидж, стреотип, имидж вуза, образовательные услуги, качество образования, конкурентоспособность.

*High educational institution rating and image conditions*
*Babadjanov F.*
*Karakalpak State University*

**Resume.** In this article is described rating and image pointed their common and specific sides, pointed their formation rating and image high educational institution many type and conditional process and recognize rating image high educational institution in foreign scale is recommendation time.

**Key words:** image, indicator**,** image high educational institution, stereotype, image educational, education conditional of education, pointed of education, concurrent-ability.

---

## BO`LAJAK MATEMATIKA O`QITUVCHISINING AXBOROT-KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA PEDAGOGIK AMALIYOTNING AHAMIYATI

**Mamutova G.Sh.**
*Nukus davlat pedagogika instituti*

**Kirish.** Mamlakatimizda fan va ishlab chiqarishning samarali intergatsiyalashuvini ta`minlash, ta`lim mazmunini bevosita korxonalar, muassasalardagi texnika, texnologiya, ishlab chiqarish munosabatlariga hamda istiqbolli rivojlanishga muvofiq shakllantirish borasida islohatlar amalga oshirilmoqda. Natijada, kadrlar tayyorlash sohasida ta`lim sifatini oshirish, kadrlarni ish bilan ta`minlash, tayyorlanayotgan kadrlarning miqdori va sifatiga nisbatan davlat talablari joriy qilinmoqda. «O`zbekiston Respublikasini yanada riovjlantirish bo`yicha Harakatlar strategiyasi»da «uzluksiz ta`lim tizimini yanada takomillashtirish yo`lini davom ettirish, sifatli ta`lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga muvofiq, yuqori malakali kadrlar tayyorlash» [1] belgilab berildi. Bu borada kompetentsiyaviy yondashuvning pedagogik imkoniyatlarini tizimlashtirish, innovatsion texnologiyalardan foydalanish samaradorligini oshirish muhim ahamiyat kasb etadi.

XXI asr ko`nikmalari globallashuv davridagi yangi texnologiyalarni qo`llash bilan bog`liq hayotiy ko`nikmalarni shakllantirishga qaratilgan. Bu esa ijodkorlik, innovatsiya va aksariyat hollarda tadbirkorlik; tanqidiy fikrlash, hamkorlik, kommunikatsiya ko`nikmalari, kompetentlikning keng jihatlari bilan bog`liq [7, 143]. Jahonning rivojlangan davlatlarining ta`lim tizimidagi ilg`or tajribalarini o`rganish matematika ta`lim jarayoniga kompetentsiyaviy yondashuvni tatbiq etish zarurligini ko`rsatadi. Kompetentsiyaviy yondashuvga asoslangan o`qitishning asosiy mohiyati matematikadan tashkil etilgan ta`lim-tarbiya jarayonida bo`lajak matematika o`qituvchilari tomonidan egallangan bilim, ko`nikma va malakalarni o`z shaxsiy hayoti davomida, shuningdek, kelgusi pedagogik faoliyatida qo`llay olish kompetentsiyalarini shakllantirishga yo`naltirish sanaladi.

Oliy ta`lim muassasida matematikani o`qitishni takomillashtirsh sohasida bir qancha tadqiqotlar olib borilmoqda. Lekin ilmiy adabiyotlar tahlili, bo`lajak matematika o`qituvchisida axborot-kommunikativ kompetentsiyalarini rivojlantirish metodikasi yuzasidan tadqiqotlar olib borilmaganligi bilan tadqiqotimizning dolzarbligini belgilaydi [6,108]. Ta`lim-tarbiya jarayonida kompetentsiya, kompetentlik, kompetentsiyaviy yondashuv tushunchalariga turlicha nuqtai nazardan qarashlar mavjud. Masalan, O.Krısanovaning fikricha: «Kompetentsiya – inson faoliyatining ma`lum bir sohasidagi ijtimoiy aniqlangan bilimlar, malaka, ko`nikma va munosabatlar darajasi» [5, 146]. Ma`lumki, har qanday kasbiy faoliyat ob`ektni o`zgartirish jarayoni bo`lib, ayni paytda sub`ektning o`zini ham o`zgartirish jarayonidir, faoliyatning sifat va samaradorligini oshirish esa shaxsning faoliyat sub`ekti sifatida takomillashuviga olib keladi.

Malakaviy pedagogik amaliyot davrida bo`lajak matematika o`qituvchisining psixologik shaxsi shakllanishi bilan birgalikda kasbiy mahorati ortib boradi. Oliy ta`lim muassasida olgan nazariy, amaliy va pedagogik-psixologik bilimlarini amalda qo`llay bilishi, undan oqilona foydalanishi namoyon bo`ladi. Pedagogik amaliyot davrida talabaning bevosita matematika o`qituvchisi sifatida faoliyat ko`rsatishi boshlanadi va amaliyotchi hamda o`quvchi orasida uzviy muloqat yuzaga keladi. Agar bo`lajak matematika o`qituvchisi bu muloqatda o`quvchi oldida o`zining bilimi, malakasi, mahorati, ijodkorligini to`la-to`kis ko`rsata olsa, u holda u o`zining pedagogik faoliyatiga muvaffaqiyatli ilk qadam qo`ygan bo`ladi. Ammo, aksariyat hollarda bo`lajak o`qituvchilar pedagogik faoliyatni mustaqil ravishda o`tkazish va namoyish qilishga qiynaladilar.

Ma`lumki, umumiy o`rta ta`lim maktablari zimmasiga ta`lim-tarbiya jarayoni orqali o`quvchilarda tayanch kompetentsiyalar: kommunikativ, axborot bilan ishlay olish, shaxs sifatida o`zini-o`zi rivojlantirish kompetentsiyasi, ijtimoiy faol fuqorolik kompetentsiyasi, umummadaniy kompetentsiyalar, matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo`lish hamda foydalanish kompetentsiyalarini tarkib toptirish vazifasi yuklatilgan [3, 140]. Ilmiy pedagogik tadqiqotlarga asoslanib quyida matematikani o`qitishda bo`lajak matematika o`qituvchilarida axborot-kommunikativ kompetentsiyalarni rivojlantirish imkoniyatlari bo`yicha fikrlar yuritamiz.

Bo`lajak matematika o`qituvchisida kommunikativ kompetentsiyani riovjlantirishni nazarda tutgan holda matematika darslarida ta`lim oluvchilar bilan muloqatga kirishishi uchun zarur bo`ladigan og`zaki va yozma nutqini mukammal o`zlashtirishi, o`z fikrini aniq va tushunarli bayon etish, darslik va qo`shimcha adabiyotlardagi matn asosida mantiqiy ketma-ketlikda savollar tuzish, ta`lim oluvchilar va o`z o`rtoqlari hamda ustozlar bilan muloqatda muomala madaniyati me`yorlariga amal qilish, darslarda tashkil etiladigan o`quv bahslar va turli ziddiyatli vaziyatlarni boshqarish, muammo va kelishmovchiliklarni hal etishda zarur bo`lgan qarorlarni qabul qila olish, o`z ona tili bilan bir qatorda xorijiy tillarni o`zlashtirishi lozim.

Axborot bilan ishlash kompetentsiyasini bo`lajak matematika o`qituvchisida rivojlantirishda, ularda mavzuga oid o`quv va didaktik materiallardan foydalanishi, qo`shimcha ilmiy adabiyotlar va Internet resursidagi ma`lumotlarni saralash, shu asosda ta`lim oluvchilarga referat, doklad va taqdimot materiallarini tayyorlash yuzasidan topshiriqlarni berish orqali ularning dunyoqarashini kengaytirishi uchun dars, darsdan tashqari ishlar (ekskursiya, konferentsiya, to`garak, fan haftaliklari)dan samarali va o`z o`rnida foydalanishi zarur. Talabalarda tayanch va fanga oid kompetentsiyalarni shakllantirishda professor-o`qituvchining kompetentligi ham muhim ahamiyat kasb etadi. Sababi talabalar o`z o`qituvchilarining ma`ruzalarini tinglash bilan ilmiy bilimlarni o`zlashtiradilar hamda ayni paytda nutq mahoratini ham o`rganadilar. Shunday qilib, ta`lim beruvchining o`z kasbiga doir bilimlarni yaxshi bilishi va uning xulq-atvori talabalar uchun namuna bo`lib xizmat qiladi. Bu esa, pirovard natijada bo`lajak o`qituvchining butun faoliyatiga ta`sir etadi. Kompetentlik tushunchasi nafaqat aniq bilim va ko`nikmalar, balki aniq strategiya, mos emotsiya va munosabat, shuningdek, butun bir tizimni boshqarish mexanizmi mavjud ekanligi talab etiladigan murakkab amaliy masalalarni hal etish bilan bog`liq. U o`z ichiga nafaqat kognitiv tashkil etuvchini, balki qadriyatli yo`nlaganlikning motivatsion, etuk, ijtimoiy va axloqiy tizimlarini ham oladi.

Kompetentlik tushunchasi bu simvolik obraz bo`lib, bu tushunchani ta`riflashga turlicha yondashuvlarni ko`rish mumkin. Ularda bu tushuncha malaka, iqtidorlik, qobiliyatlilik, bilim, ko`nikma va munosabatlar majmuasi tarzida talqin qilingan. Bizning fikrimizcha, kompetentlikning quyidagi asosiy komponentlarini ajratib ko`rsatish mumkin: o`z faoliyati va ta`lim jarayoni samaradorligini tahlil qilish va ob`ektiv baholashga xizmat qiluvchi refleksiv ko`nikmalar; o`z faoliyati va o`zaro munosabatlar jarayonidagi xatti-harakatlarning natijalarini hamda tarbiyaviy munosabatlar jarayoniga tayyorgarligini his etishni ifodalovchi oldindan ko`rish ko`nikmalari; ta`lim-tarbiya jarayonida vujudga kelishi mumkin bo`lgan muammoli vaziyatlarda talabalar faolligini ta`minlash va faoliyatini muvofiqlashtirish ko`nikmasi; talabalar bilan hamkorlikda faoliyat ko`rsatish va tashkilotchilik uslublaridan oqilona foydalanish ko`nikmasi; muloqatga ason kirishish ko`nikmasi; kommunikativ kompetentlik hisoblangan, turli sharoitlarda insonlar bilan hamkorlikda faoliyat ko`rsatishga mos bo`lgan o`zaro ta`sir ko`rsatish ko`nikmasi; axborotlar to`plash, tahlil qilish, ob`ektiv baholash, qayta ishlash va axborotlar almashinish ko`nikmasi; o`zini-o`zi boshqarish va shaxsiy rivojlantirish ko`nikmasi.

Pedagogik amaliyot davrida matematika darslarida didaktik o`yin texnologiyasining konferentsiya, matbuot konferentsiyasi, o`yin mashqlar, hamkorlikda o`qitish texnologiyasining kichik guruhlarda ishlash, «Aqliy hujum», «Keys-stadi» metodlarini tashkil etishda bo`lajak matematika o`qituvchisining kommunikativ kompetentsiyalarini rivojlantirish imkoniyati mavjud [4, 154]. Shuni ham aytish kerakki, «Yosh matematiklar» to`garagining ishlarini loyihalashtirish (rejalashtirish) bo`lajak matematika o`qituvchisining axborot bilan ishlash kompetentsiyasining rivojlanishiga imkon yaratadi.

Pedagogik tajribamiz asosida bo`lajak matematika o`qituvchisining pedagogik amaliyot davrida kasbiy tayyorgarlik ko`rsatkichlari quyidagi holatlar bilan aniqlandi: bo`lajak matematika o`qituvchisining mutaxassislik va ixtisoslik fanlaridan o`zlashtirilgan kasbiy bilimlarining sifati; ularda pedagogik va psixologik zaruriy ko`nikma va malakalarni shakllanganlik darajasi; bo`lajak matematika o`qituvchisida axborot-kommunikativ kompetentlikning rivojlanganligi; ularning ma`naviy-ahloqiy qiyofasi; ijodkorlik xislattiga egaliklari, jumladan, pedagog faoliyatini tashkil etishga nisbatan ijodiy yondasha olishlari; o`z ustida doimiy izlanishlar olib borish ko`nikmalarining shakllanganligi.

Shu bilan birgalikda, pedagogik amaliyot davrrida «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» va davlat ta`lim standarti mazmunida o`z ifodasini topgan ta`limiy qadriyatlarni shakllanishiga ham ahamiyat berish kerak. Ular quyidagilar: o`zini-o`zi tarbiyalash, boshqarish, kuzatish, nazorat qilish, aniqlash, ifoda etish, baholash va o`z-o`ziga hisobat berish; muayyan pedagogik faoliyatni tashkil etish; pedagogik faoliyatning individual xususiyatini namoyon eta olish; bo`lajak matematika o`qituvchisining o`zi haqidagi tasavvurlari tizimini anglashi: shaxsiy sifatlar, qobiliyatlar, tashqi ko`rinishi, o`zini hurmat qilishi, o`z faoliyatini ijobiy va tanqidiy baholash.

Ushbu jihatlar shaxsiy tajribaga asoslanuvchi ijtimoiy o`zaro aloqalarning natijasi, shuningdek, shaxs sifatida shakllanishiga imkon beruvchi sharoitdir.

**Xulosa.** Pedagogik amaliyot jarayonida bo`lajak matematika o`qituvchisiga pedagog kasbining ijtimoiy ahamiyatini tushuntirish va ularda axborot-kommunikativ kompetentsiyalarini rivojlantirish, ularning shaxsiy va kasbiy imkoniyatlariga bo`lgan ishonchini mustahkamlaydi. Pedagogik amaliyot bo`lajak matematika o`qituvchisida mustaqil faoliyat yuritish, erkin fikrlash ko`nikmalarini shakllantirish, uni ijtimoiy munosabatlarda faol ishtirok etishga yo`naltirish, kasbiy etuklik sari olib boruvchi jarayon sanaladi va bo`lajak matematika o`qituvchi shaxs sifatida gavdalanadi.

**Tavsiya.** Umumta`lim maktablarida pedagogik amaliyot jarayonida bo`lajak o`qituvchilarning axborot-kommunikativ kompetentsiyalarini rivojlantirish maqsadida quyidagilarni tavsiya etamiz: 1) bo`lajak o`qituvchilarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan samarali foydalanishni yo`lga qo`yish maqsadida maktablarda komp`yuter xonalari va elektron vositalaridan dars jarayonida unumli foydalanish; 2) bo`lajak o`qituvchilar kasbiy qiyinchiliklar va ehtiyojlariga asoslangan uzluksiz sifatli metodik xizmatni tashkil etish; 3) bo`lajak o`qituvchilarni fanlarga qiziqtirish, ijodiy fikrlashga o`rgatish, topshiriqlarni mustaqil echish ko`nikmasiga ega bo`lish malakalarini rivojlantirish, bo`sh vaqtlarini mazmunli o`tkazish uchun to`garaklar, auditoriyadan tashqari mashg`ulotlarni oliy ta`lim muassasalarida jonlantirish; 4) bo`lajak o`qituvchilarni davlatimiz va xorijiy olimlarning ilmiy adabiyotlarini tahlil qilishga va ularning olgan natijalarini ilmiy asoslashga o`rgatish; 5) bo`lajak o`qituvchilarning xorijiy tillarni (eng bo`lmaganda rus tilini) o`zlashtirish darajasini oshirish va undan o`z kasbiy va ilmiy faoliyatini doimiy ravishda oshirib borishda samarali

foydalanish; 6) bo`lajak o`qituvchilarning kasbiy tayyorgarlik darajasini doimiy ravishda oshirib borishga erishish maqsadida ularning nazariy, ilmiy va amaliy tadqiqotlar, texnologik taraqqiyot va o`qitilayotgan kasbiy fanlar bo`yicha innovatsiyalar, shuningdek, ta`lim jarayonini tashkil etishning zamonaviy usullari sohasidagi so`nggi yutuqlarni o`rganib borish.

ADABIYOTLAR

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187- сон қарори. www.lex.uz.
3. Бершадский М. Информационная компетентность / М. Бершадский // Народное образование. – 2009. – №4.
4. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий қўлланма/ Инновацион таълим технологияси серияси. – Тошкент, «Иқтисодиёт» 2012.
5. Крысанова О. Инновационная активность как компетенция современного учителя // Высшее образования в Россия. –Москва, 2008. -№12.
6. Малова И.Е. Сущность и уровни методической компетентности учителя математики / И. Е. Малова // Ярославский педагогический вестник. - 2006. - №4.
7. Michael Henderson, Geoff Romeo. Teaching and digital rechnologies (Big issues and critical questions). –Cambridge, «University Press». 2015.

*Мақалада болажақ математика оқытыўшысының информацион-коммуникатив компетентлигин раўажландырыўда педагогикалық тәжрийбениң әҳмийети.*

*Мамутова Г.Ш.*
*Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты.*

**Резюме.** Мақалада болажақ математика оқытыўшысының информацион-коммуникатив компетенциясын раўажландырыўдың әҳмийети көрсетип берилген ҳәм сондай ақ математика пәнин оқытыўдың өзине тән қәсийетлери: логикалық жуўмақ шығарыў, пикирлердиң илимийлиги, дәлиллеўдиң зәрүрлиги менен танысады ҳәм қолланылады.

*Bo`lajak matematika o`qituvchisining axborot-kommunikativ kompetentligini rivojlantirishda pedagogik amaliyotning ahamiyati*

*Mamutova G.Sh.*
*Nukus davlat pedagogika institute*

**Rezyume.** Maqolada bo`lajak matematika o`qituvchisining axborot-kommunikativ kompetentsiyasini rivojlantirishning ahamiyati ko`rsatib berilgan va shuningdek matematika fanini o`qitishning o`ziga xos xususiyatlari: qat`iy mantiqiy xulosa chiqarish, fikrlarning ilmiy asoslanganligi va izchilligi, isbotning muhimligi bilan tanishadi va tatbiq etadi.

**Kalit so`zlar:** pedagogik amaliyot, axborot-kommunikativ kompetentsiya, pedagogik faoliyat, ta`lim-tarbiya jarayoni.

*Роль педагогической практики информационно-коммуникативной компетентности у будущих учителей математики.*

*Мамутова Г.Ш.*
*Нукусский государственный педагогический институт*

**Резюме:** В статье речь идет о важности развития информационных и коммуникативных навыков у будущего учителя математики, а также автором обосновывается, что при преподавании математических предметов особое значение имеет формирование у будущих учителей математики логических знаний и их научной обоснованности, последовательности и доказательности.

**Ключевые слова:** педагогическая практика, информационно-коммуникативная компетентность, педагогическая деятельность,образовательный процесс.

*Pedagogical activities in the development of informational-communication competitiveness of the mathematics on the current educator*

*Mamutova G. Sh.*
*Nukus State Pedagogical Institute*

**Summary:** The article deals with the importance of developing information and communication skills of a future teacher of mathematics, and also the author substantiates that the formation of logical knowledge, scientific soundness, consistency of ideas and importance of evidence for future teachers of mathematics is of particular importance.

**Key words:** pedagogical practice, information and communication competence, pedagogical activity, educational process.

---

# ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИДА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВДА МАТЕМАТИК МОДЕЛДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Айтымбетов Н.З.**
*Қорақалпоқ давлат университети*

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида “Физика” фанини ўқитиш методикасин янгилаш эҳтиёжи бор. Шу сабабли инновацион технологиялари таълимга кириб келди. Улар мазмунига кўра кўпқиррали бўлиб, дарснинг мазмуни ва мақсадидан келиб чиқиб танланади. Физика фани ўқитувчиларнинг физика ўқитиш методларини яхши билиши ўқиш жараёнини самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Лаборатория иши амалий тайёргарлик шаклларидан бири бўлиб, дидактикада ўқитиш шакли ва методи сифатида қаралади. “Лаборатория” атамаси лотинчадан “labor” – меҳнат, иш, қийинчилик, “laboro” – меҳнат

қилмоқ, ҳаракат қилмоқ, ташвиш чекмоқ, қийинчиликларни енгиб ўтмоқ деган маънони англатади. Лаборатория ишлари илмий ва кундалик турмушдаги масалаларни ҳал қилишнинг илгари маълум бўлмаган йўллари ва воситаларини излаб топиш бўйича ақлий ҳамда жисмоний ҳаракатларни қўллаш билан боғлиқ машғулотдир.

Ўқув лаборатория машғулотлари жараёни махсус асбоблар воситасида амалга оширилади. Ундан кўзланган асосий мақсад ходисаларнинг физик моҳиятини ва назария билан уйғунлигини тажрибалар асосида кўрсатишдан иборат. Шунинг учун физикадан ўқув эксперименти бир вақтнинг ўзида билимлар манбаи, ўқитиш услуби ва кўргазмалилик тури бўлиб ҳисобланади. Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, талабалар томонидан олинган назарий билимларни амалий мустаҳкамлаш учун ўтказилаётган лаборатория машғулотларини ўтказиш тартиби, кетма-кетлигини ўзгартириш, уни ўқитиш технологиялари элементлари билан бойитиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Физика курсининг педагогика олий ўқув юртида босқичли ўқитилиши, ушбу фан тушунчалари билан бир қаторда фаннинг асосини ўрганишнинг мустаҳкам заминини яратиш имконини беради. Умумий физикада бажариладиган лаборатория машғулотларининг моҳиятини, мазмуни ва афзалликларини янада ёрқинроқ очиб, талабаларда физика фанига бўлган қизиқишини кучайтириш ва лаборатория машғулотларини ўтказишда уларга қўллаш усулларини яратишдир.

Интегратив ёндашув муаммосини қўйишнинг биринчи босқичида ўқитувчиларнинг асосий эътибори ўқув фанларини координациялаш ва уларнинг мазмунан алоқаларини аниқлаш бўладики, мақсад талабаларда табиий илмий фанларга оид дарсларда маълум мантиқий алоқаларни аниқлаш орқали табиий илмий тушунчаларнинг тизимини яратишдир. Бу эса талабаларни ўқитиш жараёнида билимларни тизимлаштириш ва ривожлантиришда ёрдам беради, шунингдек фанлардаги материалларнинг такрорланишининг олдини олиш ва талабаларни дарс жараёнида зўриқишини енгиллаштиради. Бу физика ва математика учун ўқув жараёнида моделлаштириш ва изланиш методларининг ўзаро узвийлашиб кетиш аспектидир [1].

Ушбу методларни математика ва физикани ўқитиш жараёнида амалга ошириш талабаларда ўрганилаётган объектлар ҳақида ягона ёндошиш ҳосил бўлишига имкон беради, ҳамда талабаларнинг фаол билиш фаолиятларига ёрдам беради, моделлаштириш ва математик моделларни интерпретациялашни кенг қўллашни таъминлайди. Мисол тариқасида физика ва математика дарсларида математик моделлар аҳамиятини очиб берамиз. Ушбу фанларнинг танланиши бежиз эмас. Олий таълим шароитида математикани хилма-хил тадбиқларини амалга ошириладиган асосий ва ягона предмет – бу физикадир [2].

4. Карпенко М.П. Состояние и стратегия развития дистанционного образования в условиях глобализации // Материалы Международной научно-практической конференции "Состояние и стратегия развития дистанционного образования в условиях глобализации". – Астана, 2003. [стр.6-14]
5. Использование ИКТ в образовании. Статистический обзор // Вопросы образования № 3. – 2010.
6. Тархан Л.З.Теоретические и методические основы формирования дидактической компетентности будущих инжене ров-педагогов: дис. докт. пед. наук: 13.00.04. –Киев: Акад. пед. наук Украины, 2008. 512 с.



*Сырт еллерде билимлендириўди раўажландырыўдың тенденциялары анализи*

*Альджанова Г.А.*

*Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Резюме.** Мақалада билимлендириў раўажланыўының мазмуны мәмлекет, илимий-изертлеў мекемелери, педагоглар, ата-аналар, оқыўшылар тәрепинен баскарылатуғын процесс сыпатында көрип шығылған. Билимлендириўди раўажландырыўдың негизги принциплери сыпатында мәмлекет, билимлендириў мекемелери, билимлендириў стандартлары дәрежесиндеги жаңа концепция ҳәм моделлестириўди киритиўи кереклиги тийкарланған.

**Таяныш сөзлер:** демократилаў, үзликсиз, диверсификациялаў, индивидуалластырыў, интернациялаў, гуманизациялаў, стандартластырыў, вариантлылық.

*Хорижий давлатларда таълим ривожининг замонавий тенденциялари тахлили*

*Альджанова Г.А.*

*Корақалпоқ давлат университети*

**Резюме.** Мақолада таълим ривожининг моҳияти давлат, илмий-тадқиқот муасасалари, педагоглар, ота-оналар, ўқувчилар томонидан бошқариладиган жараён сифатида кўриб чиқилган. Таълим ривожининг негизи тамойиллари сифатида давлат, таълим муасасалари, таълим стандартлари даражасидаги янги концепция ва моделлашни киритиш караклиги асосланган.

**Таянч сўзлар:** демократлаштириш, узлуксиз, диверсификациялаў, индивидуалластырыў, интернациялаш, гуманизациялаш, стандартлаштириш, вариантлилик.

*Анализ современных тенденции развития образования в узбекистане и за рубежом*

*Альджанова Г. А.*

*Каракалпакский государственный университет*

**Резюме.** В статье определена сущность развития образования как управляемый государством, научно-педагогическими учреждениями, педагогами, родителями, учащимися процесс. К основаниям развития образования следует отнести новые концепции и модели на уровне государства, учебного заведения, новых образовательных стандартов.

**Ключевые слова:** Демократизация, непрерывность, диверсификация,индивидуализация, интернационализация, гуманизация, гуманитаризация, фундаментализация, стандартизация, многоуровневость, вариативность

*The analysis of modern tendencies of developing in uzbekistan and abroad*

*Aldzhanova G.A.*

*Karakalpak state university*

**Summary.** The essence of a development of education as operated the state, scientific and pedagogical establishments, teachers, parents, pupils process is defined in this article. It is necessary to carry new concepts and models to the bases of a development of education at level of the state, an educational institution, and new educational standards

**Key words:** Democratization, a continuity, diversification, an individualization, internationalisation, a humanisation, fundamentalization, standardization, polylevel, variability


---

## ПЕДАГОГИКА ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ


**Хўжаев М. О.**

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*


Бугунги тез ўзгараётган дунёда, ахборот оқими ҳар бир хонадонга шиддат билан кириб келаётган бир шароитда ўсиб келаётган ёш авлодда жамиятдаги воқеа ҳодисаларга онгли муносабатни шакллантириш, аниқроғи, уларда ғоявий-мафкуравий компетентлиликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаётганидек, “...ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масалага хақиқатдан ҳам ҳаёт – мамот масаласига айланиб бормоқда” [1, 504-505]

Цивилизациянинг буюк вазифаси одамни фикрлашга ўргатишдир –деган эди ўтган асрнинг таҳлилчиларидан бири Томас Эдисон. Ёшларда ғоявий-мафкуравий компетентлиликни ривожлантириш мақсадининг негизида ҳам теран фикрлашга қодир авлодни тарбиялаш вазифаси ётади.

Шу ўринда асосли савол туғилиши турган гап: “Нима учун ёшларда айнан ғоявий-мафкуравий компетентлиликни ривожлантириш зарур, “компетенция” ўзи нима?”. Турли соҳа олимларининг ёндашувларини умумлаштирилган ҳолда айтадиган бўлсак, компетенция – у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик. Демак, биз ёшларда ғоявий-мафкуравий соҳада билимдонликни шакллантиришимиз зарур. Чунки айнан шу соҳадаги чуқур билим ва теран мушоҳадага эга бўлган ёшлар билангина президентимиз таъкидлаётган “ҳаёт – мамот” масаласини ҳал қилиш мумкин. Шунинг учун бугунги замон педагогининг энг оқилона вазифаси таълим-тарбия бериш жараёнида ўқувчи ёки талабанинг, айниқса, бўлғуси педагог-кадрларнинг касбий тайёргарлиги давомида уларнинг эгаллаган ўз назарий билимларидан ўз фаолиятида амалий жиҳатдан фойдалана олишга ўргатиш билан бир қаторда уларда ёшларда ғоявий-мафкуравий соҳада билимдонликни ҳам шакллантириб боришдан иборат бўлади. Бу масалани тўлақонли ҳал қилиш учун педагог ўзининг ҳамма имкониятларини ишга солиши зарур. Ўқитувчининг самарали имкониятларидан бири ўқувчи-талабалар билан гуруҳли ишлаш бўлиб, бу усул битта мавзу доирасида ўқув ахборотлари-маълумотларини тўлиқ ўзлаштиришни ҳамда ундан амалий фаолиятда фойдалана олишни таъминлайди. Бунинг учун амалий вазиятларни назарияга киритган ҳолда машғулотлар олиб бориладиган муаммоли вазиятлар моделлаштирилиб, улар асосида касбий фаолиятнинг у ёки бу жиҳатлари ўрганилади. Соҳа олимларининг қайд этишича, айнан шу йўл билан талабаларнинг турли хил йўналишлардаги компетентлиликларини шакллантириш имкони ҳосил бўлади [3, 193-104].

Бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги жараёнида уларнинг турли хил компетентлиликлари нафақат маълум бир шаклдаги ўқув машғулотларни ўтказиш, талабаларнинг билишдан манфаатдорлигини, уларнинг билимларни эгаллаш усулларини фаоллаштириш орқали, балки педагогнинг илмий ахборотларни тушунарли, содда, аниқ ва қўллашга қулай тарзда бера олиш маҳорати орқали ҳам шаклланади. Шу билан бирга талабаларнинг касбий компетентлиликларини шакллантириш борасида этика масалаларига ҳам алоҳида диққат қаратиш лозим бўлиб, бу бўлғуси мутахассисларнинг келгуси касбий фаолиятида адолат ва адолатсизлик, ростгўйлик ва ёлғончилик каби унсурларга дуч келиши билан боғлиқ бўлади ва бундай вазиятларда ёш мутахассислар этика тамойиллари, ўзларининг ғоявий-мафкуравий салоҳиятларидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилишлари зарур бўлиб қолади. Бу эса бўлғуси мутахассисларнинг касбий ва бошқа турдаги компетентлиликлар билан бирга ғоявий-мафкуравий компетентлиликни ҳам эгаллашлари лозимлигини келтириб чиқаради. Якуний ҳисобда эса етук касбий, ғоявий-мафкуравий компетентлиликларга эга бўлган мутахассислар меҳнат жамоаларида, кейин эса бутун бир жамиятда ижобий ахлоқий-ишчанлик муҳитини юзага келтирадилар. Шу сабабли бўлажак мутахассис ўқув юртида касбий тайёргарлик асосларини эгаллаш даврида турли хил вазиятларда касбий, ахлоқий қарорларни қабул қилиш малакаси ва кўникмасини ҳам эгаллаши керак бўлади.

Ёшларда ғоявий-мафкуравий компетентлиликни ривожлантиришда миллий маънавий қадриятлардан фойдаланиш юқори натижа беради. Педагог олима З.Солиеванинг фикрича, “миллий ва диний қадриятлар нафақат халқимизнинг тарихий-маънавий мероси балки, баркамол шахсни тарбиялаш ва шакллантиришнинг муҳим омиллари ҳисобланади” [2, 11]. Демак, бўлғуси педагоглар ғоявий мафкуравий компетентликни ривожлантиришда ҳам миллий ва диний қадриятлардан оқилона фойдаланиш зарур.

Бунинг учун юқори қайд этганимиздек, яна гуруҳли ишлаш йўли қўл келади. Гуруҳли ишлашда ҳар бир индивид-талабанинг шахсий ғоявий, ахлоқий, мафкуравий фикр ва қарашлари эътиборга олиниб, улар устида мунозара ёки муҳокамаларнинг олиб борилиши кенг кўламдаги фикрлар-қарашларнинг қўшимча манбасини ҳосил қилиб, бу якуний жамоавий ечимга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бундай позицияда маълум бир мантиқ мавжуд бўлади, чунки бўлажак мутахассисларга улар келгусида дуч келиши мумкин бўладиган турли хил ҳолатларда қабул қилинадиган қарорлар ва ахлоқий тавсиялар асосида ётувчи ахлоқий тамойилларни таҳлил қилиш жараёнида мана шундай кўмак бериш зарур бўлади [4, 29-36].

Шулардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз ўқув юртларида бўлғуси ёш мутахассисларнинг ғоявий-мафкуравий компетентлиликларини шакллантиришнинг механизми ва унинг аҳамиятини тасдиқлаш учун “Талабаларнинг маънавий-ахлоқий қадрияти сифатида уларнинг ғоявий-мафкуравий компетентлилигини шакллантириш” дастурини ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги ижтимоий лойиҳани рўёбга чиқариш тавсия этамиз: (1-жадвал).

**1-жадвал. Ғоявий-мафкуравий компетентлиликни шакллантиришнинг ижтимоий лойиҳаси**

| № | Лойиҳа тузилмаси | **Изоҳ** |
|---|---|---|
| 1 | Лойиҳа номи | Талабаларнинг маънавий-ахлоқий қадрияти сифатида уларнинг ғоявий-мафкуравий компетентлилигини шакллантириш” дастурини ишлаб чиқиш лойиҳаси |
| 2 | Лойиҳа тур (амалий) | Муаммонинг қўйилиши, муаммоли вазият баёни (таълим бўлғуси мутахассиснинг ижтимоий жиҳатдан аҳамияти катта бўлган касбий қадриятлар ва эталонлар жамланмасини эгаллашига, унинг маънавий ва эҳтиёжлари, мотивлари, касбий стратегиялари ва манфаатларининг кенгайишига ёрдам беришга, психик-эмоционал жиҳатдан бойишига, коммуникатив имкониятларни шакллантиришга, амалий маҳорат, қобилиятларни эгаллашга, фаолият рефлексияси кўникмаларини |

| | | |
|---|---|---|
| | | ривожлантиришга мўлжалланган) |
| 3 | Лойиҳа мақсади | Касбий маъсулиятга эга субъект сифатида ижтимоий функцияларни юзага чиқаришга талабанинг қобиллигини таъминлаш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш |
| 4 | Лойиҳа вазифаси | лойиҳани тайёрлаш ва режалаштириш вазифаси;<br>ўқув юртида касбий маъсулият жараёнини юзага чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш вазифаси;<br>лойиҳани амалга ошириш вазифаси;<br>интеллектуал ва тадқиқотчилик маданиятини, ўз-ўзини ташкил этиш маданиятини ривожлантириш;<br>касбий мотивацияни яратиш ва ғоявий-мафкуравий, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантириш;<br>талабаларнинг коммуникатив маданиятини такомиллаштириш;<br>талабаларнинг рефлексив маданиятини ошириш. |
| 5 | Лойиҳа объекти | ўқув юрти талабалари |
| 6 | Лойиҳа предмети | Ўқув юртида маънавий-ахлоқий, ғоявий-мафкуравий қадриятлар сифатида касбий маъсулиятлиликни шакллантириш |
| 7 | Лойиҳанинг асосланиши | Меъёрий-ҳуқуқий асослар:<br>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;<br>Ўзбекистон Республикаси “Таълим ҳақида”ги Қонуни;<br>Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури;<br>давлат таълим стандартлари;<br>ўқув юрти Низоми ва ўқув юртлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа мъёрий хужжатлар. |
| 8 | Лойиҳанинг ташкилий асоси (лойиҳанинг асосий қатнашчилари) | ўқув юрти касаба уюшмалари Кегаши;<br>ўқув юртининг тузилмавий бўлинмалари (факультетлар, кафедралар, бўлимлар). |
| 9 | Шакллантириладиган компетенциялар | маънавий-ахлоқий ва ғоявий-мафкуравий жиҳатдан ўз-ўзини такомиллаштиришга қобиллик;<br>шахсий дунёқарашга асосланадиган позицияни шакллантириш учун фалсафий билимлардан фойдаланиш қобилияти;<br>шахсларaро ва маданиятлараро коммуникацияга қобиллик;<br>жамоа билан ҳамкорлик қилиш қобилияти, ижтимоий-этник ва маданий фарқларни толерант равишда қабул қилиш;<br>замонавий таълим тизимида ўз келажагини ўзи белгилай олиш қобилияти. |

Ўқув юртларида бўлғуси ёш мутахассисларнинг ғоявий-мафкуравий компетентлиликларини шакллантиришнинг механизмини яратиш борасида юқорида тавсия этилаётган лойиҳа доирасида қуйидаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш зарур бўлади. Бу чора-тадбирлар тизими 5 та босқични ўз ичига олиб, бу босқичлар талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентлиликни шакллантиришнинг конкрет вазиятларида юзага келадиган ҳолатларга мос равишда қуйидагича жараёнлардан иборат бўлиши мумкин:

1-босқич – лойиҳа дастурини амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиш: ғоявий-мафкуравий, маънавий-ахлоқий қадриятлар сифатида ҳар бир талабада касбий маъсулиятлиликнинг пайдо бўлиши жараёнида ташкилотчиларнинг методик ва технологик ёрдами; касбий маъсулиятлиликнинг яхлитлигини оширишда талабаларнинг таълимий ресурслари ва эхтиёжларини таҳлил қилиб чиқиш; ғоявий-мафкуравий ва маънавий-ахлоқий тарбия жараёни тузилмасида фаолиятнинг асосий йўналишларини, технологияларини, шакллари ва методларини аниқлаб олиш; ғоявий-мафкуравий ва маънавий-ахлоқий қадриятлар сифатида касбий маъсулиятлилик тизимини юхага чиқариш бўйича таянч чора-тадбирлар алгоритмини ишлаб чиқиш; талабаларни ва профессор-ўқитувчилар таркибини мазкур лойиҳа дастурининг асосий йўналишлари билан таништириб чиқиш.

2-босқич – интеллектуал, тадқиқотчилик ва ўзини-ўзи ташкил этиш маданиятини ривожлантириш: ижтимоий соҳалар бўйича турли хилдаги ёшлар кўрик-танловлари; ўқув юртларидаги талабаларнинг илмий-амалий конференциялари, илмий-тадқиқотчилик ишлари танловлари; маънавий-ахлоқий, маърифий ва ғоявий-мафкуравий адабиётлар ҳамда манбаларни ўрганиш; ғоявий-мафкуравий иммунитетни тарбиялаш бўйича турли хил ижодий ишлар-лойиҳаларни ишлаб чиқишда электрон ва бошқа манбалар ресурсларидан фойдаланиш бўйича мастер-класслар ўтказиш.

3-босқич – касбий мотивацияни ривожлантириш ва ижтимоий-касбий стратегияларни шакллантириш: таълим жараёнида ғоявий-мафкуравий компетентлиликни шакллантириш мақсадларида мультимедиа тизимларидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларини олиб бориш; турли хил ижтимоий (маънавий-ахлоқий ва ғоявий-мафкуравий) ва касбий компетентлиликларни шакллантиришнинг замонавий технологиялари, шакллари ва методларини ўрганиш борасида профессор-ўқитувчилар учун методик семинарлар ўтказиш; талабаларнинг маънавий-ахлоқий ва ҳоявий-мафкуравий қадриятлари даражаларини ўрганиш; талабалар учун психик-акмеологик маслаҳатлар ўтказиш; талабалар учун “Ўз маънавий-ахлоқий ва ғоявий-мафкуравий “Мен”ини англаш ва қабул қилиш” мавзуси бўйича тренинглар ўтказиш.

4-босқич – талабаларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантириш: талабалар ўртасида энг яхши ватанпарварлик лойиҳаси бўйича кўрик-танловлар ўтказиш; “Мен - талабаман” кўрик-танловини ўтказиш;

“Талабалар етакчиси” кўрик-танловини ўтказиш; талабалар ўртасида коммуникатив маданиятни ривожлантиришга қаратилган ғоявий-мафкуравий ва маънавий-ахлоқий йўналишлардаги ижтимоий акцияларни ўтказиш; турли хил миллат вакиллари иштирокида байналмилал маданият кунларини ўтказиш.

5-босқич – талабаларнинг рефлексив маданиятини ривожлантириш: профессор-ўқитувчилар таркиби учун талабаларнинг рефлексив маданиятини ривожлантириш методикасини ўзлаштиришга қаратилган методик семинарлар ташкил этиш; креатив фикрлаш мактаби ишларини йўлга қўйиш; “Бизнинг истакларимиз ва имкониятларимиз”, “Креативлик”, “Етакчилик” мавзулари остида тренинглар ўтказиш.

Юқорида айтиб ўтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, талабаларнинг ғоявий-мафкуравий компетентлилигини шакллантиришнинг тавсия этилган методикасини қўллаш натижасида талабалар ўзларининг ғоявий-мафкуравий қарашларини тўғри баён қила оладилар, бу борадаги ўз позицияларини қатъий ҳимоя қила биладилар ва далиллар билан исбот қила оладилар. Бу уларнинг келгусида ўз касбининг моҳир устаси бўлган кенг қамровли компетентликка эга мутахассис бўлиб шаклланишларига катта таъсир кўрсатади.

Талабаларда мафкуравий - ғоявий ва маънавий-ахлоқий компетентлиликнинг шаклланганлиги кўрсаткичи бўлиб ўз касбий-маданий компетентлилиги ривожлантирилишини башорат қила олиш маҳорати саналади. Битирувчиларда шаклланган касбий-маданий компетентлилик даражаси самарали касбий фаолият ва келгусида касбий ўсишни лойиҳалаштириш учун муҳим аҳамият касб этади (3.100-103).

Хулоса қилиб айтганда бугун давр нафақат бўлғуси педагоглар,балки, барча фуқаролардан ғоявий-мафкуравий саводхонликни талаб этади. Ишни бўлғуси педагоглардан бошлаш замирида ҳам айни бир ҳақиқат мавжудки, эртага улар бутун бир жамиятни тарбиялашга қодир бўлишади. Бўлғуси педагогларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришда миллий, умуминсоний ва диний қадриятлар, халқимизнинг тарихий-маънавий мероси ва урф одатларининг мазмун-моҳияти ҳамда қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу фазилатларини ривожлантириб бориш натижасида маънавий жихатдан баркамол, фидойи, ватанпарвар инсон сифатида улғайиб, ижтимоий фаол кишилар сифатида шаклланиб боришга хизмат қилади. Турли хил маънавий, ғоявий таҳдидлар, мафкуравий тажавуслар хавфи кучайиб боришда тарбиянинг бундай технологияларидан фойданишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Мирзиёев Ш.М Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент «Ўзбекистон”, 2017 й (504-505).
2. Солиева З. Т. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш механизмларини Такомиллаштириш.// Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. –Т.:2017,11-бет.
3. Фролова Н.А. К вопросу о формировании социологической рефлексии у студентов вузов / Образование и общество. – 2017. - №2 (193-104). Март-июнь. -2017. – С.100-103.
4. Гофман А.Б. Концептуальные подходы к анализу социального единства // Социологические исследования. -2015. -№ 11. С. 29 -36.
5. Лаврикова Н.И. Педагогические особенности формирования профессиональных компетенций студентов вузов посредством культурно-просветительского проекта // канд. экон. наук, ФГБОУ ВО «Орловский государственный университет имена И.С.Тургенева», РФ, г. Орел, nalavrikova@yandex.ru.


*Педагогика таълими муассасаларида ғоявий-мафкуравий компетентлиликни ривожлантириш технологияси*


*Хўжаев М. О.*

*Низомий номидаги ТДПУ*



**Резюме.** Мақалада талабалардың оқыў орынларында кәсиплик хызметине таярлығы процесинде идеялық-идеологиялық компотентлигин қалиплестириў механизми ҳәм оны әмелге асырыў бойынша қатнаслар баян етилген.



**Таяныш созлер:** идеялық-идеологиялық компетенция, кәсиплик таярлық, этикалық-идеологиялық өлшемлер, компетентлиликти қалиплестириў, компетентлилик корсеткишлери.


*Технология развития духовно-идеологический образовательных учреждениях*


*Хўжаев М. О.*

*Ташкентский государственный педагогический университет им. Низами.*



**Резюме.** В данной статье изложены подходы и механизм формирования идейно-идеологической компетенции в процессе подготовки к профессиональной деятельности студентов учебных заведений.



**Ключевые слова:** идейно-идеологическая компетенция, профессиональная компетенция, морально-идеологиячеckие нормы, формирование компетентности, показатели компетентности.


*Technology for the development of ideological and ideological competence in pedagogical educational institutions*


*Khўzhaev M.O.*

*Tashkent State Pedagogical University named after Nizami.*



**Summary:** This article outlines the approaches and the mechanism for the formation of ideological and ideological competence in the process of preparing students for educational institutions for professional activities.



**Key words:** ideological competence, professional competence, moral and ideological standards, the formation of competence, competency indicators.

# ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБА ҚИЗЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИГИ ВА ЖИСМОНИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

**Махмудова М. М.**

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети*

Кириш. Жисмоний тарбия ва спорт юртимиз тараққиётининг барча соҳалари каби давлат сиёсатининг устивор йўналишлари доирасида ривож топмоқда. "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги Қонун (1), "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор (2) қабул қилиниши, уларнинг босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги юқорида қайд этилган фикр ифодасидир. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да (3.23-27) белгиланишича, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама интеллектуал маънавий ва аҳлоқий баркамол шахс-фуқарони шакллантиришга қаратилган.

Долзарблиги: Маълумки, талабалар, муайян таълим шароитлари ва турмуш тарзи билан бирлаштирилган махсус ижтимоий гуруҳни ташкил қилади. Шунинг учун уларнинг жисмоний саломатлиги даражаси, умумий саломатлигини аниқлаш белгиси ҳисобланади. Жисмоний саломатлик кўрсаткичлари бир қатор касалликларнинг белгиларини аниқлаш, жисмоний ривожланишни назорат қилиш ва соғломлаштириш тадбирлари самарадорлигини баҳолашда муҳим мезон сифатида хизмат қилади [6, 30-37]. Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг жисмоний саломатлиги ва тайёргарлиги даражаси талаб даражасида эмаслиги ҳақида бир қанча адабиётларда келтириб ўтилган [4, 66; 5, 63]. Жисмоний ривожланиш даражаси ортда қолаётганда оқилона ечим олий таълим муассасалари талаба қизларининг жисмоний тайёргарлиги ва ривожланишига оид ҳар хил жисмоний тарбия воситаларини йўналтириб қўллашдан иборат. Спортга йўналтирилган жисмоний тарбия бўйича бир қанча адабиётлар ўрганилганда С.В.Радаева (2008) ўзининг тадқиқотида Жисмоний тарбия профилига эга бўлмаган олий ўқув юртларида талабаларни жисмоний тарбиялаш бўйича таълим жараёнига, оммавий спорт турлари асосида аэробика, шейпинг, бодибилдинг ва сузишни олиб кириш таклифи билан чиқади [7, 4].

Д.К.Исмагилов (2018) Спортга йўналтирилган жисмоний тарбия асосида талабаларни жисмоний такомиллаштиришни оптималлаштириш методларини ишлаб чиқишда мини футболдан фойдаланиш ғоясини илгари суради [5, 7]. Бугунги кунда талаба қизларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш долзарб мавзулардан бири эканлигидан келиб чиқиб ва ўрганилган адабиётларга асосланиб биз ҳам Ўзбекистон Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарсларининг спортга йўналтирилган шаклида миллий спорт турини дарс жараёнига олиб киришга, талабаларнинг муносабатлари ва қизиқишларини ўраниб чиқишни зарур деб ҳисобладик.

Тадқиқотнинг мақсади: Олий таълим муассасалари жисмоний тарбия дарслари учун самарали восита ва усулларини аниқлаштириш.

Тадқиқот вазифалари**:** Ўзбекистон Олий ўқув юрти талаба қизларининг жисмоний ривожланганлиги, сифатлари ва соғлом турмуш тарзига бўлган муносабатларини ўрганиб чиқиш; Миллий спорт турлари талқинида спортга йўналтирилган жисмоний тарбиянинг мақбул усулини аниқлаштириш.

Тадқиқот услуллари: илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педогогик кузатув, педогогик тестлаш, анкета сўровнома, математик-статистик усуллар.

Тадқиқотни ташкиллаштириш: 2017-2018 ўқув йили бошида қизларнинг антропометрик кўрсаткичлари ва жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари аниқланди.

Ўзбекистон миллий университетининг (1-гуруҳ) 105 та ҳамда Тошкент давлат стоматология институтининг (2-гуруҳ) 106 та талаба қизларини тадқиқотга жалб қилинди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Ҳозирги кунда ёшларнинг қизиқишлари, истаклари ва мафаатлари жисмоний маданиятни шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Талаба қизларнинг ўқиш ва ўқишдан ташқари вақтда жисмоний тарбия машғулотларига бўлган муносабатларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш зарур. Талаба қизларнинг соғлом турмуш тарзига бўлган муносабатларини ва бўш вақтини тақсимланишини аниқлаш мақсадида анкета сўровномасини ўтказилди ва таҳлил қилинди.

Келгусида касбий фаолиятда қайси жисмоний сифатларни муҳим деб ҳисобласиз? деб савол берилганда. Талабаларининг 80%и "чидамлилик", 15%и "куч" ва "тезкорлик", 5%и "чаққонлик" ва "эгилувчанлик" каби жисмоний сифатларни муҳим деб ҳисоблайдилар. Респондентларнинг Кундузги бўш вақтларини нимага сарфлашлари ўрганиб чиқилганда, 10%и эрталабки бадан тария учун вақт ажртадилар, 90% талаба қизлар эса эрталабки бадан тарбияни кундалик машғулотларига киритмаганлигини кўрсатганлар. 60% дан ортиқ талаба қизлар бўш вақтида телевизор кўришади, ижтимоий тармоқлардан фойдаланади, телефон ўйинларига вақт сарфлайди, 40% талаба қизлар кутубхонада ҳафтасига 3 кун ўтирирадилар, қолган 60%и кутубхонага фақат имтихон олди кирадилар, 13% талаба қизлар спортнинг айрим турларига ва соғломлаштирувчи тўгаракларга қатнайдилар.

Анкетамизнинг Қайси вақтларда ўзингизда чарчоқ ҳис қиласиз? Деб берилган саволига талабаларнинг 60%и ўқишнинг асосий вақтида, 20%и дарслар якунлангач, 10%и кечки уйқуга кетиш олдидан деган бўлса, 10%и умуман чарчоқ хис қилмасликларини таъкидлаганлар. Сиз бўш вақтларда (байрам ва дам олиш кунлари) мажбурий жисмоний тарбия машғулотларидан ташқари жисмоний тарбия ва спортнинг қайси турлари ва

воситаларидан фойдаланасиз? дейилган саволимизга, 10% талаба қизлар; эрталабки бадан тарбия; 1,5%, спорт ўйинлари; 2,5% яккакураш спорт турлари; 5% миллий спорт турлари; 4% фитнесс билан шуғулланишларини кўрсатган бўлсалар 87% умуман жисмоний тарбия ва спортдан йироқ эканликларини таъкидлаганлар.

Талабалардан, туман, шахар ва вилоят мусобақаларида, шунингдек факультетдаги спорт тадбирларида иштирок этасизми дейилган саволимизга, 55% респондентлар "бўш вақтнинг етишмаслиги" ва 25% талабалар "ўзларининг дангаса" эканликларини кўрсатган бўлса, 7 %и "бўш вақтларини режалаштира олмаслик"ларини сабаб қилиб берганлар, қолган 13 % талаба қизлар "тадбирларда фаол" эканлигини тасдиқладилар.

Соғлиғингизга ўзингиз қандай баҳо берасиз? Деган саволга 65% талабалар "тўлиқ соғлом", 18% қизлар "ҳамма вақт ҳар хил" ва 9%и "қониқарли"деб баҳоладилар.

Сиз шуғулланишингиз учун дарсдан ташқари вақтларда Олийгоҳингиз тасарруфида қайси спорт тури фаолият юритишини хохлардингиз? деб берилган саволга 8% талаба қизлар "Спорт ўйинлари" (баскетбол, волейбол, футбол), 12% "яккакураш спорт турлари" (карате, таэквондо), 45% "миллий спорт турлари" (ўзбек жанг санъати, кураш, турон), 35%и "фитнесс, шейпинг"ни фаолият кўрсатишини хохлаганлар. Талаба қизларнинг анкета саволларга берган жавобларидан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қизлар бўш вақтларини тўғри режалаштира олмайдилар, жисмоний тарбия орқали ақлий фаолиятини тиклаш имкониятининг борлиги ҳақида тушунча йўқ. Спортга бўлган қизиқишларидан келиб чиқсак, қизларнинг 45 %и миллий спорт турига қизиқадилар ва шароит яратиб берилса ушбу спорт турлари билан шуғулланишга тайёр эканлиги аниқланди.

Тадқиқотда талаба қизларнинг жисмоний ривожланиш даражасини аниқлаштириш мақсадида уларнинг антропометрик кўрсаткичларини ўрганиб чиқилди (1-жадвал). Талаба қизларнинг гавда узунлиги ўртасидаги ишончли фарқ аниқлиб, 1-гуруҳ талаба қизларининг гавда узунлиги 161,2±3,8 см, 2-гуруҳ талаба қизларининг гавда узунлиги ўртача 163,4±3,6 смга тенг бўлиб ишончли фарқ (P<0,001)ни ташкил этди. Талаба қизларнинг вазни 1-гуруҳда 55,6±5,0кг бўлса, 2-гуруҳда 57,1±4,7 кг ни кўрсатиб (P<0,05) ишончли фарқ аниқланди.

Гавда узунлиги ва вазнни меъёрга тўғри келишини текшириш мақсадида Кетленинг вазн ва гавда узунлиги индексидан фойдаландик. Бунда 1-гуруҳ талаба қизларининг ўртача гавда узунлиги ва вазни Кетле индекси 21,3±1,6г/см, 2-гуруҳнинг ўртача кўрсаткичи 21,4±1,7 г/см ни кўрсатди ишончли фарқ аниқланмади (P>0,05).

1-жадвал. Талаба қизларнинг жисмоний ривожланишининг айрим кўрсаткичлари

| № | Кўрсаткичлар | | 1-гуруҳ (*n* = 105) | | | 2-гуруҳ (*n*= 106) | | | T | P |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | $\overline{X}$ | σ | V | $\overline{X}$ | Σ | V | | |
| 1 | Гавда узунлиги, см | | 161,2 | 3,8 | 2,5 | 163,4 | 3,6 | 2,2 | 4,2 | <0,001 |
| 2 | Тана оғирлиги, кг | | 55,6 | 5,0 | 8,9 | 57,1 | 4,7 | 8,2 | 2,2 | <0,05 |
| 3 | Кетлеиндекси г/см | | 21,3 | 1,6 | 7,5 | 21,4 | 1,7 | 8,1 | 0,2 | >0,05 |
| 4 | Кўкрак қафаси айланаси, см: | Тинч ҳолатда | 83,0 | 3,7 | 4,5 | 83,4 | 4,0 | 4,8 | 0,7 | >0,05 |
| | | Нафас олганда | 86,0 | 3,6 | 4,2 | 86,4 | 3,9 | 4,6 | 0,6 | >0,05 |
| | | Нафас чиқарганда | 80,9 | 3,7 | 4,6 | 81,3 | 3,9 | 4,8 | 0,6 | >0,05 |

Биздан олдин олиб борилган талаба қизлар ўртасида тадқиқот ишлари ўрганиб чиқилганда, Л.В.Смурыгина ва М.С.Салиховларнинг Тошкент давлат аграр университети 1-курс талабақизларининг гавда оғирлиги 55,3 кг га тенг бўлган, Я.Ч.Даниева олиб борган тадқиқотда [1] Термиз давлат университети I-II босқич талаба қизларининг гавда оғирлиги 54 кг ва биз ўтказган тадқиқотда 1-гуруҳ талаба қизларнинг тана оғирлиги 55,6 кг га, 2-гуруҳ талаба қизларининг вазни 57,1 кг га тенг бўлганини кўриш мумкин.

Гавда узунлиги аграр университети талаба қизларида 162,5см, Термиз давлат университети талаба қизларининг гавда узунлиги 158,0смни ташкил қилган бўлса, бизнинг тақиқотимизда иштирок этган талаба қизларнинг тана узунлиги 1-гуруҳда161,2смга, 2-гуруҳда 163,4см га тенг бўлди. Талаба қизларнинг кўкрак қафаси айланаси ўрганилганда 3 та ҳолатда ҳам (тинч, чуқур нафас олганда ва нафас чиқарганда) 1-гуруҳ ва 2-гуруҳнинг натижасида ишончли фарқ аниқланмади (P>0,05).

Олинган антропометрик кўрсаткичлари 1-гуруҳда 95,2 %ини ва 2-гуруҳда 94,3% ини жисмоний ривожланганлик даражаси меъёрида эканлигини кузатиш мумкин, бу эса ҳозирги кунга келиб талаба қизларнинг жисмоний кўрсаткичлари даражаси олдинги тадқиқот натижаларига қараганди бир мунча ўсганлигини аниқлашга ёрдам берди.

Олий ўқув юртлари талабаларининг жисмоний тайёргарлиги юқори бўлиши, уларнинг жисмоний тарбия дастури материалларини тўлиқ ўзлаштиришга, спорт элементлари техникасини эгаллашга ва саломатлигини яхшилашга ёрдам беради. Талабаларнинг жисмоний тарбия дастур материалларни қанчалик ўзлаштирганларини аниқлаш мақсадида уларнинг куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлилик ва эгилувчанлик сифатларини махсус тестлардан синаб кўрилди. Олий таълим муассаси талаба қизларида жисмоний сифатларининг дастлабки маълумотлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган (2-жадвал).

1-гуруҳ ва 2-гуруҳ талабаларининг жисмоний сифатларини дастлабки натижалари таҳлил қилиб кўрилганда, Олий таълим давлат дастурида чалқанча ётган ҳолатда гавдани кўтариш меъёри 20 тадан 35 тагача қилиб белгиланган, 1-гуруҳ талаба қизлари 31,6±5,6та, 2-гуруҳ қизлари 32,1±5,5 та бажаришди, бунда талаба қизлар куч жисмоний сифатини аниқлаш учун бажарилган тест натижаси бўйича муассасалар талаба қизларининг натижалари ўртасида ишончли фарқ (P>0,05) аниқланмади.

2-жадвал. Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Стоматология институти талаба қизларининг жисмоний сифатларини аниқлаш учун олинган тест натижалари

| № | Тест синов меъёрлари | 1-гуруҳ (n=105) | | | 2-гуруҳ (n=106) | | | t | P |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | $\overline{X}$ | Σ | V | $\overline{X}$ | Σ | V | | |
| 1 | Чалқанча ётган ҳолатда гавдани кўтариш (1 мин) | 31,7 | 5,6 | 17,6 | 32,1 | 5,5 | 17,2 | 0,6 | >0,05 |
| 2 | Жойидан туриб узунликка сакраш | 164,1 | 15,5 | 9,4 | 154,3 | 14,7 | 9,5 | 4,6 | <0,001 |
| 3 | 60 м га югуриш (сония) | 11,9 | 0,9 | 7,8 | 12,0 | 0,9 | 7,5 | 0,4 | >0,005 |
| 4 | 1800 м га югуриш (дақ) | 11,6 | 0,6 | 5,1 | 11,8 | 0,6 | 5,3 | 2,9 | <0,01 |
| 5 | 30 см баландликдан олдинга эгилиш | 13,8 | 5,3 | 38,6 | 16,7 | 4,9 | 29,3 | 4,0 | <0,001 |

Жойидан туриб узунликка сакрашда Алпомиш ва Барчиной тест синов меъёрларида ҳам, Давлат дастурида ҳам узунликка сакрашда меъёр 150 смдан 180 смгача қилиб белгилаб қўйилган. 1-гуруҳда 164,1±15,5смга, 2-гуруҳда 154,3±14,7 смга тенг бўлди. Олийгоҳ талабаларининг натижалари ўртасида ишончли фарқ (P<0,001) аниқланиб, 1-гуруҳ талаба қизларининг тезкор-куч жисмоний сифати 2-гуруҳга нисбатан яхши ривожланганлиги кузатилди.

Тезликни ривожланганлик даражасини аниқлаш мақсадида талабаларни 60 метрга югуришдаги натижаси 1-гуруҳда ўртача кўрсаткич 11,9±0,9 сония бўлган бўлса, 2-гуруҳда 12,0±0,9 сонияга тенг бўлди.

Чидамкорликни аниқлаш учун талаба қизлар 1800 метрлик тестини топширганда, 1-гуруҳ ўртача 11,6±0,6 дақиқа-сонияга бўлса, 2-гуруҳ 11,8±0,6 дақиқа-сония натижани кўрсатди. Натижалар ўртасида ишончли фарқ (P<0,01) аниқланиб 1-гуруҳ талабаларининг чидамлилиги юқори эканлиги кузатилди.

Талаба қизларда эгилувчанлик ривожланганлигини аниқлаш мақсадида 30 см баландликдан олдинга эгилиш натижалари қайд қилинди, унда 1-гуруҳ 13,8±5,3 смга эгилди, 2-гуруҳ16,7±4,9 см эгилиб ишончли фарқни (<0,001) кўрсатди. 2-гуруҳ талаба қизларининг эгилувчанлиги, 1-гуруҳ талабаларининг эгилувчанлигига нисбатан яхши ривожланганлиги аниқланди.

Хулоса. Иккита олий таълим муассасалари 1-босқич талаба қизларидан олинган тадқиқотнинг натижаларида аниқланишича соғлом турмуш тарзига бўлган муносабатлари ижобий, лекин кўп ҳолларда ўзлари дарсдан бўш вақтларини тўғри ташкллаштира олмасликлари кузатилди. Соғлом турмуш тарзини ташкиллаштиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни тўғрисида тушунчалар етарли даражада эмаслиги аниқланди.

Антропометрик кўрсаткичлари текширилганда Олийгоҳ талабаларидан олинган, тана ўлчамлари 1-гуруҳнинг 95,2%да жисмоний ривожланганлик даражаси меъёрида, 2,8%ининг тана вазни бўй узунлигига нисбатан кўп, 1,9% ида тана вазни нисбати бўй узунлигидан кам эканлиги кузатилди. 2-гуруҳда 94,3% тана вазни ва узунлиги нисбати меъёрида, 2,8%ида бўйга нисбатан вазн ортиқча ва 2,8%ида бўйга нисбатан вазн камлиги аниқланди.

Тезкор-куч, Чидамлилик ва Эгилувчанлик жисмоний сифатларида ишончли фарқ кузатилди. Ишончли фарқ бўлган жисмоний сифат натижаларига кўра шуни айтиш мумкинки 1-гуруҳнинг жисмоний тарбия дарсларида тезкор-куч жисмоний сифатларини ривожлантирувчи машқлардан кўп фойдаланилган бўлса, 2-гуруҳнинг жисмоний тарбия дарсларида чидамлилик ва эгилувчанликни ривожлантирувчи машқларга аҳамият кўпроқ қаратилган.

Ҳар иккакла олий таълим муассаси талаба қизларининг кўрсаткичлари “Олий таълим муассасалари жисмоний маданият ва спорт фани намунавий дастури” ёки “Алпомиш” ва “Барчиной” тест синов меъёрлари билан солиштирилганда эса кўрсаткичлар талаб даражасида эмаслигини кузатиш мумкин. Тадқиқот натижаларининг якунидан шуни айтиш мумкинки, талабаларни жисмоний кўрсаткичларининг самарадорлигини ошириш мақсадида спортга йўналтирилган жисмоний тарбия услуби ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Спортга йўналтирилган жисмоний тарбия сифатида, биз талаба қизларнинг анкета сўровномаси орқали аниқлик киритилган қизиқишларидан келиб чиқиб, ўқиш ва ўқишдан ташқари вақтларда миллий спорт тури ўзбек жанг санъати қўлланилса, талаба қизлар ушбу спорт турининг техникаси ва кўникмаларини такомиллаштиришга, ўз-ўзини ҳимоя қилишга, ватанпарварлик даражасини оширишга, миллий қадриятларни қайта тиклашга ва сақлаб қолишга эришилган бўлар эди.

Бунинг учун олий таълимда жисмоний тарбия дарс соатларини кўпайтирилса, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига асосланиб, университетда ўқишдан ташқари вақтларда спорт-соғломлаштириш гуруҳларини, оммавий спортни, жисмоний тарбия машғулотларининг жамоат-ҳаваскорлик шаклларини янада такомиллаштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**АДАБИЁТЛАР**


1. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги 304-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 2015 йил 4 сентябрь.
2. “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3031-сон. 2017йил 3 июнь.
3. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил 2 август. “Туркистон” газетаси. 1997 йил 1 октябр. 23-27 бет.

4. Даниева Я.Ч. I-II босқич талабаларнинг жисмоний тарбия дарсида халқ ҳаракатли ўйинларни қўллаш самарадорлиги. Дисс – 2009, 66 бет.
5. Исмагилов Д.К. Разработка методов оптимизации физического совершенствования студентов на основе спортивно-ориентированного физического воспитания. Автореф. Дисс PhD. Чирчиқ 2018, 7 бет.
6. Медик В. А., Юрьев В. К.Общественное здоровье и здравоохранение.– М., 2010 – С.30–37.
7. Радаева С.В. Физическое воспитание студентов нефизкультурного вуза на основе спортивно-ориентированных технологий. Автореф. Дисс. к.п.н. Томск 2008, С.4-5.


*Олий ўқув юртлари талаба қизларининг жисмоний ривожланганлиги ва жисмоний кўрсаткичларини таҳлил қилиш*

*Махмудова М. М.*
*ЎзДЖТСУ, таянч докторант*

**Резюме.** Мақолада Ўзбекистон Олий таълим муассасалари талаба қизларининг соғлом турмуш тарзига муносабатлари ўрганилди. Қизланинг антропометик кўрсаткичларининг ўртача статистик маълумотлари олинди. Уларнинг жисмоний сифатлари ўрганиб чиқилди, спортга йўналтирилган жисмоний тарбияда миллий спорт турларини қўллашни тавсия қилинди.

**Таянч сўзлар:** талаба қизлар, анкета, жисмоний саломатлик, жисмоний тайёргарлик, спорт, ўзбек жанг санъати, миллий.

*Анализ физического развития и физических показателей у студенток высших учебных заведений*

*Махмудова М. М.*
*Узбекский государственный университет физический культуры и спорта*

**Резюме.** В статье изучено отношение девушек вузов Узбекистана к здоровому образу жизни. Получены среднестатистические данные антропометрических показателей девушек – студенток. На основе изучения их физических качеств были рекомендовано использование их в национальных видах спорта.

**Ключевые слова:** Студентки, анкета, физическое здоровье, физическая подготовка, спорт, узбекские боевые исскуства, национальный.

*Analysis of physical development and physical indicators of the students of higher educational institutions*

*Makhmudova M.M.*
*Uzbek State University of Physical Culture and Sports*

**Summary.** The article examines the study of the attitude of students of higher educational institutions to a healthy lifestyle. The average anthropometric measurements of the girl are obtained. Their physical characteristics were studied, and the use of national sports in physical education was recommended.

**Key words:** Student girls, questionnaires, physical health, physical training, sports, Uzbek martial arts, national.

---

## МИЛЛИЙ ИФТИХОР ҒОЯЛАРИ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА АДАБИЁТ ВА САНЪАТНИНГ ЎРНИ

**Халилов Ф.Н.**
*Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети*

Барчамизга маълумки, миллий ифтихор ғоялари руҳида тарбиялашда илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифлари мавжуд. Зиёли инсонларнинг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича талқин этилиши табиий. Илмий адабиётларда, вақтли матбуотда бир-биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазалар муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодасидир. Олимларимиз томонидан тайёрланган илмий рисолалар, ўқув қўлланмалари, изоҳли луғатларда тарбиялашда асосий тамойилларига ўзига хос таърифлар берилаётганини кузатиш мумкин.

Санъат ва бадиий адабиётнинг вужудга келиши аждодларимиз қалбидаги гўзалликка интилиш туйғуси билан боғланади. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятлари, адабиёти ва санъатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Истиқлолнинг илк кунларидан адабиёт ва санъатга холис баҳо берила бошланди. Адабиёт ва санъат инсоннинг маънавий оламини кашф этадиган кудратли воситалардандир. Санъат — ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли. Санъат қадимий тарихга эга бўлиб, у жамият тараққиётининг илк босқичларида меҳнат жараёни, кишилар ижтимоий фаолиятининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга кела бошлаган. Ўзида «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилни мужассам этган, уч минг йиллик тарихга эга бебаҳо маънавий обида «Авесто» олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб қўри маҳсулидир. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатадиган халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналари ҳам бебаҳо маънавий бойлигимизнинг ёрқин намунасидир.

Аждодларимизнинг маънавий дунёси ҳақида гапирганда Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарини ҳозирги кунда ҳам долзарб аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бир сўз билан айтганда “Темур тузуклари” замон ва макон танламайдиган ҳаёт сирларини англаб етишда бебаҳо қўлланмадир. Бу зот ҳақида Шарқ давлатлари билан бирга Буюк Британия, Франция, Испания, Германия давлатлари ижод аҳли томонидан кўплаб илмий-бадиий асарлар яратилган. Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг тарихий сиймосини тиклаш жараёни ҳақида тўхталмоқчимиз. Кам миқдордаги миниатюра асарларида акс эттирилганини инобатга олмасак(уларнинг бирида Соҳибқирон мўғулга, яна бирида ҳиндга, учинчисида бошқа бир миллат вакилига ўхшатиб тасвирлангани), Амир Темурнинг портрет сурати чизилмаган. Амир Темур саройида етти йил яшаган машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ ўз асарида Соҳибқироннинг суратини тасвирлайди. («Темур баланд

бўйли, тик қоматли, кенг пешонали, калласи катта, бағоят кучли ва салобатли, оқ-қизил юзли, кенг елкали, қадди-қомати келишган, серсоқол, ўнг қўли билан ўнг оёғи заҳмдор, икки кўзи бамисоли икки шамдай порлаб турадиган, йўғон овозли, улуғлиги ўзига ярашган, қатъий азму қарор билан сўзлайдиган, ҳақгўй киши эди. У зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган, идрокли, синчков, ҳар қандай ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз бериши мумкин бўлган ҳамма ишни олдиндан кўриб-билиб турар эди»). Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ўз истеъдоди ва маҳорати ила ана шу фикрлар асосида бугунги кунда бутун халқимизга яхши маълум бўлган Соҳибқироннинг мумтоз қиёфасини тасвирлаб берди. Айнан ана шу сиймо юртимизда Амир Темур бобомизга атаб барпо этилган барча ҳайкаллар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Жумладан, 1993 йили Тошкент шаҳридаги Амир Темур хиёбонига унинг ҳайкали ўрнатилган, унда «Соҳибқирон бобомиз қўлида найза эмас, отнинг жиловини маҳкам тутиб турганини кўрамиз бунинг рамзий маъноси Амир Темурнинг қўлида бўлган. Бу мустаҳкам давлат тизимини қўлда маҳкам тутиб туришни англатади. Монументал санъат деганда, аввало катта таъсир кучига эга бўлган маҳобатли ҳайкаллар ва ёдгорлик мажмуаларини тушунамиз. Бу борада пойтахтимизнинг Мустақиллик ва Хотира майдонларида замонавий монументал санъатимизнинг ноёб намунаси сифатида тан олинган Мустақиллик ва эзгулик монументини, Мотамсаро она ҳайкали бунёд этилганини эслаб ўтиш жоиз. Табаррук заминимизда туғилиб вояга етган ва мангу ором топган буюк азиз-авлиёларимиз хотирасига ёдгорлик мажмуалари барпо этилди. Ҳайкалтарошлик-ҳақиқатни (энг аввало инсонни) тошда, лойда, металл ва бошқаларда акс эттиради. Майдонлардаги ёдгорликлар, ҳайкаллар монументал ҳайкалтарошлик намуналаридир.

Амалий санъат турларидан яна бири бу-инсоният тарихининг турли даврлари акс эттирилган тошбитиги бўлмиш меъморчиликдир. Қадимдан машҳур етти мўъжизанинг барчаси инсон даҳоси билан яратилган меъморий санъат асарлари бўлгани бежиз эмас. Меъморчилик катта ҳажмдаги(*театр, мактаб, турли ташкилотлар*) иншоотлар, манзара(*ландшафт*)ли майдонлар (*боғлар ва маданият ва истир55оҳат боғлари, шаҳар ҳиёбонлари, фавворалар*), шаҳарсозлик(*янги шаҳар ва қишлоқлар*) турларига бўлинади. Бу йўналишда ҳам мустақиллик йилларида республикамизда кенг қамровли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бу ёдгорликлар ҳақида юртбошимиз, мен ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади, замонлар ўзгаради, лекин ўзининг маъноси ва қиёфаси билан бир-бирини тўлдирадиган бу... ёдгорлик мажмуалари нодир ва ўлмас бебаҳо бадиий обида сифатида халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми бўлиб қолади,-дея бежиз таъкидламаганлар. Шундай маълумотлар сўз санъати, адабиёт ёрдамида тарихга муҳрланади. Адабиёт инсоншунослик, шоир ва ёзувчилар эса инсон руҳининг муҳандислари деб таърифланиши айни ҳақиқатдир.

Хулоса эса кундек равшан, қаердадир ғоявий бўшлиқ мавжуд. Четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келаётганлигини, унинг таъсирига тушиб қолиш ҳавфи ортиши мумкинлигини унутмаслик керак (қайсидир маънода таъкидлаганимиз енгил-елпи бадиий адабиётлар, мусиқий асарлар, жангари кинофильмлар ҳам бунга туртки бўлиши эҳтимолдан холи эмас). Ўзбек адабиётидаги детектив жанр қайсидир маънода ёмонликдан нафратланиш, ундан доимо огоҳ бўлишни тарғиб этади. Адибларимиз томондан бу борада талайгина амалий ишлар қилинмоқда, бироқ айтиб ўтиш жоизки, баъзи муаллифлар қонунчиликни, мавжуд кодексларнинг мазмун-моҳиятини билмай туриб жиноятни фош этишнинг “жайдари” услубини мужассам этган, “замонавий детектив” деб китобнинг юқори бурчагига “ўта махфий” деганга ўхшаш ёзувлар билан асарлар нашр этмоқдалар. Кишини ўйлантиради, бундай асарларни ўқиган китобхон воқеа ривожини қандай тушунади ва қайси томонни ёқлайди? Фикри ожизимизча, бу жанр китобхонни шайтоннинг олами мавжудлиги ва унда ёвузлик иллатлари, ёмонлик даҳшатлари мавжудлигидан огоҳлантиради. Ушбу иллатларга қарши эса, тажрибали, зукко, билимдон ва жонкуяр ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг образини уларнинг иш фаолиятидан келиб чиқиб янада чуқурроқ акс эттириш зарурлиги давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, унинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлидан катта масъулият талаб этади. Албатта фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялашимиз, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимизда адабиёт ва санътнинг ҳам ҳиссаси беқиёсдир. Адабиётнинг илдизи мақол, қўшиқ, достон сингари халқ оғзаки ижоди намуналарида билдирилган илк мулоҳазаларга бориб боғланади. Адабиёт сўз орқали инсоннинг ҳис-туйғуларини кенг ва чуқур акс эттириш имкониятига эга, шунинг учун ҳам у санъатнинг энг оммавий тури ҳисобланади.

XX аср бошида адабиётимизга кириб келган маърифатпарвар ижодкорларимиз мавжуд қийинчиликларни енгиш орқали халқни маърифатга ва эзгуликка чорлашган. Улар ўзларининг асарларида мустабид тузум кирдикорларини мисра ости маъноларида яшириб, бу ўткинчи қийинчиликларни руҳан синмасдан сабот билан енгишни ва истиқлолга интилишни назарда тутган. Абдулҳамид Чўлпоннинг, “Адабиёт яшаса-миллат яшайди” деган машҳур ибораси шу давр адабиётининг долзарб мавзусига айланган эди. Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” тарбиявий асари, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” драммаси, Исҳоқхон Ибратнинг “Тарихи Фарғона” асари, ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи халқни маърифатга ва озодликка, хурликка ундади, адолатсизликка ва хўрланишга қарши адабиёт орқали

миллатимизни руҳан тетик бўлиб курашишга чорлади. Ўзбек миллий драматургияси ва миллий театри XX асрнинг биринчи чорагида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" номли биринчи ўзбек саҳна асари билан дунёга танилди.

Бизга маълумки, театр томошабин билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш имкониятини беради. Агар кинода томошабин ижод жараёни натижасини гувоҳи бўлса, театрда жараённинг ўзидан бевосита воқиф бўлади. Театр саҳнасидаги ҳаракатлар бу кўз ўнгимизда намоён бўлувчи табиий ҳаракатлардир. Бу эса саҳна кўринишидан завқланишимизга яратилган имконият эмасми. Мустақиллик ва Наврўз байрамлари, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалига бағишланган, шунингдек асосий тадбирларнинг бадиий қисмидаги асосий томоша ва тантаналар санъат аҳли иштирокисиз ўтмаган. Фольклор намуналар, мумтоз санъат намуналари, эстрада қўшиқчилиги, ёш ижрочи болалар жамоаси иштироки албатта, байрам шукуҳини кўтаради. Шунинг билан бирга, мамлакатимизда халқимиз, хусусан, ёш авлод қалбида Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғусини камол топтириш, она юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси йўғрилган мазмунан бой, бадиий жиҳатдан етук қўшиқлар яратиш, қобилиятли бастакор ва шоирларни юзага чиқариш мақсадида 2009 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ягонамсан, муқаддас Ватан!" республика кўрик танловида ҳам кўплаб халқона қўшиқлар, ажойиб шеърлар, ноёб истеъдод соҳиблари кашф этилмоқда.

Шуни фахр билан айтиб ўтиш кераки, санъат ва мусиқа соҳасида дунёнинг Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул, Деҳли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 530 дан зиёд ўқувчи ва талабаларимиз ғолибликка эришганлар. Санъат ва адабиёт маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топишда, ҳар қайси истеъдод эгасининг ўзига хос бир олами мавжудлиги аҳамиятлидир. Бу олам Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Ҳар қайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ва санъат том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, олий ва ўрта таълим муассасаларида талабаларни миллий ифтихор ғоялари руҳида тарбиялашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим: *1. Адабиёт ва санъатнинг маънавият ривожидаги ўрнини тушунтиришда амалий чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш.2. Ўлкамизда мавжуд бўлган бебаҳо ёдгорликлар, обидалар, мўътабар қадамжолар ҳақида маълумотлар бериш; 3. Бадиий адабиётлар кутубхонаси имкониятларидан фаол фойдаланиш ишларини жонлантириш. 4. Ўзбек миллий драматургияси ва миллий театрларга бориб туриш ишларини жадаллаштириш.*

**АДАБИЁТЛАР**

1. Умумий ўрта таълим ДТС ва ўқув дастурлари. –Тошкент, "Шарқ", 2009.
2. Мусиқа ва синф дарслиги. –Тошкент, "Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат" нашриёти, 2000.
3. Мусиқа ва синф дарслиги. –Тошкент ,"Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат" нашриёти, 2001.

*Миллий ифтихор ғоялари руҳида тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ўрни*

*Халилов Ф.Н.*
*Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети*

**Резюме.** Мақолада талабаларни миллий ифтихор ғоялари рухида тарбиялашда бидиийй адабиётнинг, мусиқанинг монументал санъатнинг, кинонинг, меъморчиликнинг, театрнинг, мусиқа фестивалларининг аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, таклифлар ва рекомендациялар берилган.

**Таянч сўзлар:** миллий ифтихор, санъат, маънавий дунё, халқаро кўрик танловлар, бадиийй маҳорат.

*Роль литературы искусства в воспитаний национальной гордости*

*Халилов Ф.Н.*
*Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети*

**Резюме.** Статья посвящена освещению роли и значения художественной литературы, музыки, монументального искусства, кино, зодчества, театра, музыкальных фестивалей в воспитании студентческой молодежи в духе национальной гордости.

**Ключевые слова:** национальная гордость, искусство, духовный мир, международные фестивали и конкурсы, художественное мастерство.

*The role of literature and art in education in the spirit of national pride*

*Khalilov F.N.*
*Uzbek State University of World Languages*

**Summary**. The article is devoted to the coverage of the role and significance of fiction, music, monumental art, cinema, architecture, theater, music festivals in the education of student youth in the spirit of national pride.

**Keywords:** national pride, art, spiritual world, international festivals and contests, art mastery

---

# ГЕНДЕР НАЗАРИЯСИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

**Уразалиева Г.**
*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти*

Бугунги кунда гендер муаммосининг илмий ва амалий жиҳатларини ўрганиш ва унинг ижтимоий муносабатларнинг, айниқса оилавий муносабатларнинг шаклланишидаги маънавий-аҳлоқий асосларини жамият аъзолари онгига сингдириш, мустақил Ўзбекистонимизнинг стратегик ривожланиш концепциясида

аълоҳида таъкидланиб, ижтимоий фанлар олдидаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида белгиланган.

Президент Ш. М. Мирзиёев айтганидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига ҳос манавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади [1, 56]. Ушбу нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда, гендер муносабатларини ўрганиш ва унинг оилавий муносабатларнинг шаклланишидаги илмий, маънавий-аҳлоқий асосларини тадқиқ этиш ижтимоий фанлар олдига ушбу мавзуларда янада янги масалаларни кенгроқтахлил этиш муаммоларини илгари суради.

Гендер (gender) – ижтимоий жинс деган маънони англатади. Инглиз тилида гендер (gender) – ижтимоий жинс ва биологик жинс (“sex”) тушунчалари бир-биридан фарқланади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кура, гендер тушунчаси феминизмнинг назарий ривожланиши жараёнида, кейинчалик эса бевосита гендер тадқиқотлари доирасида шаклланди. Замонавий жамиятшунослик фани ушбу тушунчани ва унинг шаклларини ижтимоийлик нуктаи назаридан тахлил қилишнинг муҳим асослардан бири сифатида самарали тарзда ишлаб чиқмоқда.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда аёлнинг ўрни жамиятнинг оила тараққиётига бўлган муносабати билан белгиланади. Инсоният ўз зурриёди ер юзида яшаб қолишини истаса, у бор имкониятларини оила тараққиётига қаратмоғи, оиланинг ижтимоий ҳаётга таъсирини кучайтирмоғи лозим. Фақат шундагина аёлнинг ижтимоий мавқеи, унинг обру-эътибори қайта кўтарилиши мумкин. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг фақат бир томони, яъни меҳнатга муносабат тараққий этиши билан оила тараққиёти орқада қолиши жинслар орасидаги муносабатларнинг номутаносиблигига олиб келади.

Одамзотнинг ўз зурриёдини дунёга келтириши ва вояга етказиши ўзига ҳос мураккаб жараён. Бу кўпроқ аёлга боғлиқ бўлиб, бу вазифани бажаришда турли психоэмоционал кечинмалар каби мураккабликларни вужудга келтиради. Аёлларнинг вазифаси бу билангина чекланмайди. Улар қуйидаги уч: репродуктив, продуктив ва ижтимоий вазифани бажаришади. Эркаклар эса, одатда, продуктив ва ижтимоий сиёсий фаолият билан шуғулланадилар. Репродуктив вазифа – бола туғиш ва уй хўжалигини юритиш ишчи кучини тиклаш ва кўллаб-қувватлаш учун зарурдир. Продуктив вазифа – эркак ва аёллар томонидан моддий бойлик яратиш учун бажариладиган иш. Ижтимоий вазифа – одамларнинг атроф-мухитни муҳофаза қилиш, соғлиқ, таълим, тарбия каби жамоат ишларида амалга оширадиган фаолиятидир. Бу хизмат ҳақ тўланмайдиган, ихтиёрий равишда, бўш вақтда бажариладиган меҳнат фаолиятидир. Ижтимоий-сиёсий вазифа – кўпинча эркаклар томонидан жамият ёки расмий сиёсий даражада, миллий сиёсат доирасида бажариладиган фаолиятдир. Одатда, бу меҳнатга иш ҳақи тўланади.

Репродуктив фаолият бутун инсоният тарихи давомида асосан аёллар томонидан ҳақ тўланмайдиган меҳнат сифатида бажариб келинган. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, саноати ривожланган мамлакатларда эркаклар ўзларининг умумий иш вактининг 70 фоизини, ривожланаётган мамлакатларда эса унинг тўртдан уч қисмидан кўпроғини ҳақ тўланадиган меҳнат фаолиятига сарфлайдилар. Аёллар эса эркаклардан фарқли ўлароқ, ўз вақтининг тўртдан уч қисмини ҳақ тўланмайдиган ва фақат тўртдан бир қисмини ҳақ тўланадиган меҳнат фаолиятига сарф қиладилар [2]. Шу боис эркаклар даромаднинг энг катта қисмини оладилар ва ўзларининг иқтисодиётга қушаётган улушлари учун жамият томонидан эътироф этиладилар. Аёллар меҳнатининг репродуктив қисми эса жамият томонидан етарли даражада эътироф этилмасдан ва баҳоланмасдан қолмоқда. Бундай ҳолат аёл билан эркак ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий нормалар ва урф-одатларнинг келиб чиқишига сабаб болган.

Шундай қилиб, жинсий тавофутларнинг ҳам ўзига хос, умумий сабабий богланишлари (детерминантлари) мавжуд бўлиб, булар таъсирида эркакларга хос бўлган кучлилик, мустақиллик, фаоллик, тажовузкорлик, рационаллик, шахсий муваффақиятга интилиш каби, аёлларда эса заифлик, тобелик, сусткашлик, мулойимлик, ҳиссиётга мойиллик, бошқалар ёрдамига муҳтожлик, таъсирчанлик ва ҳакоза характер хусусиятлари таркиб топади [3, 74].

Гендер ғояси социология фанидан ташқари фалсафа, иқтисодиёт, демография, тарих, антропология, педагогика, психология, сиёсатшунослик, этнография, маданиятшунослик ва шу каби фанлар томонидан хам ўрганилиб келинмоқда. Ҳозирги даврга келиб фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва социологик қарашларда эркак ва аёллар ўртасидаги муносабатлар ҳамда хотин-қизлар масаласига янгича ёндашиш пайдо бўлди. Жумладан, жинсларнинг ижтимоийлашуви жараёни хокимият, зўравонлик, шахснинг ўзини ўзи англаши, эркинлиги ва бошқа соҳаларда индивиднинг ижтимоий роллари муаммолари сифатида ойдинлаштирилган [4, 18]. Фалсафанинг асосий масалаларидан бири болган инсоннинг ижтимоий моҳияти муаммоси гендер нуқтаи назардан кўриб чиқилди ва бу ҳолат бугунги кунда бутун дунёда кенг ёйилган гендер тадқиқотларида ўз аксини топди. Бу ғоянинг илгари сурилиши натижасида умумбашарий тафаккурда аёллар ва эркаклар ўртасидаги гендер тенгликни таъминлаш зарурияти кун тартибига қуйилмоқда, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини кафолатлашга ҳаракат қилинмоқда [5, 17-18].

Гендер ғояси илмий йўналиш сифатида феминистик ғоянинг назарияси ва амалиётининг жадал ривожланиши натижасида вужудга келди. Мазкур илмий оқим ривожланишининг янги босқичи XX асрнинг 80-йилларига тўғри келади. Унинг асосий хусусияти гендер тизими тахлилидир. Аёллар тадқиқотлари, яъни “women’s studies” аста-секин гендер тадқиқотларига айлана бошлади. Бунда ижтимоийлик ва маданиятнинг барча жиҳатлари гендер ўлчовига эга бўлиши мумкин деган фикрга асосланган ғоялар илгари сурилади. Бунда нафақат феминистик тадқиқотларнинг мазмуни, балки тахлил шакли хам ўзгарди. Жумладан, феминизмга хос

бўлган айрим кескин қарашлар урнига барча ижтимоий жараёнларда гендернинг мавжудлиги, шаклланиши ва қайта тикланишини англашга булган интилиш янада кучайди. Гендер ғояси аёллар муаммосини одатдагидан кўра кенгроқ миқёсда тадқиқ этишни назарда тутади. Ушбу нуқтаи назардан гендер таълимоти “man’s studies” йўналиши билан бойиди.

XX асрнинг 90-йилларида ҳокимият муносабатларида гендер тенглиги қандай даражада эканлиги таҳлил этилади ва бунда эркаклар менталитети тазйиқини ифодаловчи сиёсий-маданий истиоралар изоҳланади. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, гендернинг расмий тан олиниши ва ривожланиш тенденциялари дунёнинг энг долзарб муаммосига айланди. Энг мухими, феминист аёлларнинг ҳатти-харакати, сўнгра гендер ва илм-фан ҳокимият ҳамда гендер ўртасидаги муносабатларни очиб беришга қаратилган назарияларни урганиш заруриятини кучайтирди. Ижтимоий маънода гендер тенглиги нуқтаи назаридан ёндашувни шакллантириш янги назария пайдо бўлишига қараганда муҳимроқ аҳамиятга эга. Бу ўз моҳиятига кўра янги назария бўлиб, уни тан олиш баъзан инсоний қадриятлар ўзгариши, кўплаб одатдаги тасаввурлар ва “ҳакикатлар”нинг қайта кўриб чиқилишини англатади, бу эса кўпчилик учун бирмунча оғриқли кечади [6].

Гендер муаммоси, энг аввало ижтимоий муаммо эканлиги, яъни фақат аёлнинг эмас, балки эркакларнинг ҳам, жамиятнинг хам муаммоси эканлигини таъкидлашга тўғри келмоқда. Улар биологик жинслар ва аҳолини кўпайтириш борасидаги вазифалар тақсимотинигина англатмайди, балки гендер муносабатлар бутун маданият, жамият қурилиши, давлат институтларини уз ичига қамраб олади. Улар тилга, урф-одатлар ва қадриятларга, турмуш тарзи ва ҳатто ишлаб чиқаришга ҳам кучли таъсир кўрсатади. Шу тарзда гендер ёндашувининг умумийлиги уни “феминистик” ва “ҳотин-қизлар” масалаларидан ажратувчи асосий жиҳатлардан биридир.

Маълумки, Ғарб мамлакатларида гендер мазмуни нафақат жинсийликка, балки онгли ёки онгсиз равишда тенгсиз муносабатлар асосига қурилган мафкура ва институтларга қарши қаратилган эди. Шу боис, энг аввало, гендер назариялари таълим амалиётлари, билиш ва таълим жараёнини танқид қилиш шаклида намоён бўлган ва жамиятдаги мавжуд сиёсий нуқтаи назарни ифодалаган. Бугунги кунга келиб, ҳеч қандай бошқа тадқиқот ва таълим стратегиялари Америка ва Европадаги академик таълим тузилмаларининг ўзгаришига бу қадар кучли таъсир кўрсата олмаганлиги тан олинган.

Методологиянинг иккинчи тури эса французча феминистик назария ва амалиёт анъанасига мос келади. Методологиянинг ҳар бир тури узига хос тавсиф тилига эга. Биринчи ҳолда тавсифлаш тили субъект, онг, ўзликни англаш ва хоказо тушунчаларни қўллайди. Бу турга хос тил воқеликнинг макрожараёнлари, яъни тизимли ва кўзга кўринадиган жараёнларни таърифлайди. Гендер ғоясини тавсифловчи иккинчи бир тил воқеликнинг микрожараёнларини таърифлайди. Микровоқелик – тизимлаштирилган ўхшашлик даражасида эмас, балки ягоналикка (“эркакларга оид” ёки “аёлларга оид”) умумий кўплик даражасида содир бўладиган ҳодисалардир. Бундай ёндашувда аёл киши эркакларга нисбатан мутлақо бошқа мавжудот сифатида англанади. Чунки воқеликнинг ҳар қандай тизими унга яхлит тизим сифатида мавжуд бўлишга имкон бермайдиган “бошқа”, “ўзга”, “фарқли” каби феноменларнинг борлиги воситасида ифодаланади. Шу тариқа “жинснинг” бинар (қўш) тушунчаси ўрнига кўплик, яъни “гендер” тушунчаси шаклланади.

«Man’s studies»нинг шаклланиши ва ривожланиши гендер ғояси тузилмасида бурилиш босқичи бўлди. Эркакларга хос хусусиятлар аниқ, табиий ва аёлларга хос сифатлар зиддиятли деб тушунилар эди. Бундай қарашлар тез орада барҳам топди. Аёллар ўз мавқеларини қайта англаган ҳолда эркакларни ҳам ушбу масалани уйлаб куришга мажбур қилдилар. Натижада одатдаги “Аёллик сири” ўрнига “эркаклик жумбоғи” тўғрисида фикрлар юзага келиб жиддий муҳокамага сабаб булди ва бу борада ҳали ўрганилмаган томонлар хам мавжуд эканлиги маълум булди. Эркаклар моҳиятини изоҳлаб келган хукмрон фикрлар барҳам топди ва эндиликда гендер ғояси эркакларнинг анъанавий образидан янги қарашларни изоҳловчи ёндашувга ўтишини амалга оширмоқда [7].

Социологлар ва ижтимоий психологларнинг таъкидлашича, жинс биологик хусусиятларга оид бўлиб, унга кўра одамлар “эркаклар” ва “аёллар” тоифасига бўлинади. Аксарият социологларнинг фикрича, гендер ғояси жамиятнинг эркакларга ва аёлларга ижтимоий бўлинишига тааллуқли ҳолларда қўлланилиши тушунилади. “Эркак” ва “аёл” атамалари уларга хос биологик фарққа ҳамда ўғил ва қиз болаларга тегишли атама бўлгани учун “эркакларга оид” ва “аёлларга оид” деган тушунчаларда жинсларга хос ижтимоий хусусиятларни акс эттирган. Ушбу хусусиятлар узоқ давом этган ва мураккаб ижтимоийлашув жараёнида ўрганилади. Агар индивиднинг жинси биологик жиҳатдан белгиланган бўлса, унда гендер маданий ва ижтимоий жиҳатдан белгиланган бўлади [8, 185].

Хулоса қилиб айтганда, гендер инсон жинсининг ижтимоий-маданий жиҳатини ифода этувчи тушунча. У инсон ҳулқ - атворининг социал узига хослигини ифода этиб, амалиёт ёрдамида ижтимоий жинс сифатида шаклланади. Ижтимоий омиллар – тоифа, ёш, ирқ ва келиб чиқиши – алоҳида гендер мазмуни, ифодаси ва тажрибасини ташкил этади ҳамда уни бирон-бир соддалаштирилган усул билан жинс ёки жинсийликка тенглаштириб бўлмаслигини ажратиб кўрсатади. Жамиятда муайян жинс ролларининг бажарилишини тақозо этадиган ҳатти-харакатларнинг меъёрий тизими вужудга келади. Ушбу нуқтаи-назарда, гендер жинслар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни янгича тушуниш, янгича идрок этишдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. Выступление на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса / Ш.М.Мирзиёев. –Ташкент, «Ўзбекистон», 2016.

2. https://mojazarplata.ru/zarabotok/ravnaja-oplata/grafiki-pokazatele-gendernogo-neravenstva-v-oplate-truda
3. Алешина Ю.Е., Волович А.С. Проблема освоения ролей мужчины и женщины //Вопросы психологии, 1991. № 4.
4. Муравьева Н. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. –Т.: - 2004. 18 б.
5. Ахмедшина Ф. Оила ва гендер тенглиги /Репродуктив маданият ва маънавият муаммолари. Республика “Оила” илмий-амалий маркази. - Т.: 2008.
6. Здравомыслева Е. А., Темкина А.А. 12 лекций по гендерной социологии. –Санкт Петербург.- 2015.
7. Хай Луиза. Позитивный подход. –М.: Олма-Пресс. 1998.
8. Гидденс Э. Социология. –Т.: «Шарқ», 2002.


*Гендер теориясы ҳәм ҳәзирги дәўир*

*Уразалиева Г.*

*Ташкент ирригация ҳәм аўыл хожалығын механизациялаў инженерлери институты*

**Резюме.** Мақалада гендеризертлеўлериниң пайда болыўы ҳәм раўажланыўының тарийхый тенденциялары анализленеди. Бунда ҳаяллардың өз ҳуқықлары ушын гүреси тарийхы соңынан гендер изертлеўлериниң келип шығыўы ҳәм оның ораўажланыўына алып келингенлиги сөз етиледи.

**Таянч сўзлар:** гендер тарийхы, гендер, ҳаяллар тарийхы.

*Гендер назарияси ва ҳозирги замон*

*Уразалиева Г.*

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти*

**Резюме.** Мақолада гендер тадқиқотларининг пайдо булиши ва ривожланишининг тарихий тенденциялари тахлил этилади. Бунда аёлларнинг уз ҳақ-ҳуқуқлари учун кураши тарихи кейинчалик гендер тадқиқотларнинг келиб чиқиш ва унинг ривожланишига олиб келганлиги таъкидланади.

**Таянч сўзлар:** гендер тарихи, гендер, аёллар тарихи.

*Теория гендера и современности*

*Уразалиева Г.*

*Ташкентский институт инжинеров ирригации и механизации сельского хозяйства*

**Резюме.** В статье рассматривается возникновение гендерных исследований и тенденции их исторического развития. Обосновано, что борба женщин за свой права впоследствии привела к широкому изучению гендерных проблем.

**Ключевые слова:** гендерная история; гендер, женская история.

*Theory of Gender and Modernity*

*Urazalieva G.*

*Tashkent Institute of Irrigation Engineers and Agricultural Mechanization*

**Summary.** This article explores the new trends in gender history. The author explores how gender history has been developing under the influence of women's history and feminist and postmodern philosophy. Farther the author discusses main causes of separation gender history from women's history

**Keywords:** gender history; gender; women’s history.

# УЛЛЫ ЖИПЕК ЖОЛЫ ТАРИЙХЫНЫҢ ИЛИМИЙ ИЗЕРТЛЕНИЎИ ТАРИЙХЫНАН

**Сейтимбетов М.К.**
*Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

Уллы Жипек жолының өтмишин, оны изертлеген алымлар ҳәм олардың илимий мийрасларын анализ етиў тарийх илиминдеги актуаль мәселелердиң бири болып табылады. Уллы Жипек жолы бойынша илимий изертлеўлерди үш басқышқа бөлиў мүмкин. Оның биринши басқышы Патша Россиясы дәўиринде баспада жәрияланған жумыслар менен байланыслы. Екинши басқышына совет дәўириндеги илимий изертлеўлерди киргизиўге болады. Үшинши басқыш мәмлекетимиз ғәрезсизликке ерискеннен кейинги жылларда алымларымыз тәрепинен алып барылған кең көлемли изертлеўлер менен байланыслы. Уллы Жипек жолының тарийхына байланыслы илимий жумысларда ҳәр қыйлы пикирлер ҳәм оны изертлеў бойынша кең көлемли методологиялық қатнаслар баян етилген. Патша Россиясы дәўириндеги изертлеўлерде Уллы Жипек жолының тарийхына байланыслы, мәселен, трасса бойындағы қалалар ҳәм қала мәдениятын үйрениў ҳәм басқа да тарийхый ўақыялар ҳаққында ҳәр қыйлы пикирлерди баян етиўге итибар берилген. Олар тийкарынан айырым ўақыяларды баян етиў ҳәм улыўма фактлер менен шекленген еди. Бул топардағы алымлардан Н.С. Лыкошкин, В.А.Обручев, В.В. Бартольд, И.В. Мушкетовтың [1.] жумысларын атап өткен мақул.

XIX әсирдиң екинши ярымында Уллы Жипек жолы ҳаққында дәслепки материаллар топланды. Шығыс Түркстанда ҳиндстанлы саяхатшылар Мухаммед ибн Хамид (1860 ж.) ҳәм Рам Чанд (1873-1874 жж.) тәрепинен қум астында қалып кеткен әййемги қалалар ҳаққында материаллардың табылыўы үлкен әҳмийетке ийе болды [2.23]. Уллы Жипек жолын изертлеў ушын Россия Илимлер Академиясы 1898 жылы Д.А.Клеменц басшылығында Шығыс Түркстанға арнаўлы археологиялық экспедиция шөлкемлестиреди. 1898 жылғы Д.А.Клеменц экспедициясы Шығыс Түркстанды изертлеў бойынша алымлардың жумысларын тезлестирди. Орта ҳәм Шығыс Азияны үйрениў бойынша Халықаралық Ассоциация шөлкемлестирилди. Оның орайы Петербург болып, бул жерде Орта ҳәм Шығыс Азияны тарийхый, археологиялық, лингвистикалық ҳәм этнографиялық тәрептен үйрениў ушын Рус комитети шөлкемлестирилди. 1900-жылы Рус археологиялық жәмийети Тарим алабына 3 жыл мүддетке экспедиция шөлкемлестириў ҳаққында қарар қабыл етти. Россия қаржы министрлиги экспедицияны қәрежет пенен тәмийинлеўден бас тартады. Бунда изертлеў жумысларын алып барыўды немис, инглис, француз, швед, япон ҳәм қытай алымлары өз қолларына алады [3, 28].

Рус географиялық жәмийетиниң экспедицияларында қатнасқан алымлардан бири М.М.Березовский 1905-жылдың ақырында Кучада жумысын баслады ҳәм бул жерде 1907-жылдың декабрине шекем жумыс алып барды. М.М.Березовский усы ўақыт ишинде 20 әййемги қалаларды анықлады. Изертлеўлер нәтийжесинде табылған санскрит, уйғур, тохар, брахми жазыўлары дүнья алымларының итибарын өзине тартты.

1908-жылы рус ҳүкимети Шығыс Түркстанға академик С.Ф.Ольденбург басшылығында экспедиция шөлкемлестириў ҳаққында қарар қабыл етти. 1909-1911 ҳәм 1914-1915- жыллары олар тәрепинен топланған этнографиялық ҳәм археологиялық материаллар Орта ҳәм Орайлық Азиядағы будда ҳәм ислам көркем өнери ҳаққында илимий жумыслардың жүзеге келиўине тийкар болды. Бул экспедиция тәрепинен көплеген үңгирлер, будда жазыўлары ҳәм храмлар табылды. 1914-жылы Шығыс Түркстанда рус алымларының изертлеўлери қайта тикленди. Академик С.Ф. Ольденбург басшылығында екинши экспедиция Дунхуан үңгирлеринде жумыс алып барды. Изертлеўлер даўамында Шығыс Түркстан ҳәм Орта Азия ҳәр қыйлы мәдениятлар топланған мәкан екенлиги ҳаққында жуўмақ исленди. С.Ф.Ольденбург изертлеўлери даўамында тапқан табылмаларын Азия музейине ҳәм Эрмитаждың Шығыс бөлимине тапсырды.

Уллы Жипек жолы тарийхын изертлеўде Батыс Европа алымларының хызмети үлкен болды. 1877-жылы Берлинде, Д.Райнер баспаханасында Фердинанд Фон Рихтгофенниң көп томнан ибарат «Қытай» деп аталған монографиясы баспадан шығады. Ф.Ф.фон Рихтгофен (1833-1905) - немис географы ҳәм геологы болып, Қытайдың тәбиятын изертледи. Ол өзиниң кең көлемли илимий жумысын төрт бөлимге бөлди. Бул шығармасында Ф.Ф.фон Рихтгофен биринши мәрте Уллы жипек жипек жолы атамасын илимий айланысқа киргизди. 1895 - жылдың ақырында швед географы Свен Гедин Такламакан қалаларына жол алады. Оның менен бирге М.Аурел Стейн саяхатта қатнасады. Ол кейин Уллы Жипек жолының биринши археологы болды. Атақлы швед саяхатшысы Свен Гедин (1865-1952 жж.) 1893-1897 жыллары Ташкентте болған. Саяхаттың басланыўында Свен Гедин Россия арқалы Бакуге, соңынан Самарқанд қаласына темир жол транспорты менен келген. Кейин ол Уллы Жипек жолы бойынша Ташкент, Қоқанд, Марғулан, Ош ҳәм Кашгарға барған [4.57]. 1900 жылы А. Стейн әййемги кәрўан жолы бойынша жолға шығады. Жипек жолының қубла жолы болған Хотан, Турфан, Лоуландағы қазылмалары ҳәм Дунхуандағы изертлеўлери даўамында табылған жаңалықлары оның атын пүткил дүньяға мәлим етти. Дунхуанда табылған көплеген материалларын А. Стейн 1907 жылы Англияға алып келди ҳәм Британия музейине тапсырды. Аурел Стейнниң жаңалығынан соң Уллы Жипек жолы бойынша ҳақыйқый илимий изертлеўлер басланды. Свен Гедин Тибет, Синьцзян, Монголия, Шығыс Түркстан,

Арқа Иран, Кашмирде изертлеўлер алып барған. Ол 1923-1935 жыллары Арқа Америка, Япония, Монголия, Сибир ҳәм Қытайға саяхат етеди.

XX әсир басында Уллы Жипек жолын үйрениў бойынша кең көлемли археологиялық экспедициялардың шөлкемлестирилиўи менен бирге, рус, немис, француз, англия ҳәм япон алымларының халықаралық бирге ислесиўи басланды. Усы дәўирде Орайлық Азияны лингвистикалық үйрениў бойынша Халықаралық ассоциация (Рим, 1899 ж.) шөлкемлестирилди. Бул ассоциацияға Франция, Уллы Британия, Германия, Россия, Нидерландия, Дания, Швеция, Норвегия, Финляндия, Австрия, Венгрия, Швейцария, Италия, АҚШ ҳәм басқа мәмлекетлердиң алымлары ағза болды. 1906-1908 жыллары атақлы француз алымы Пол Пеллио басшылығындағы илимий экспедиция изертлеўлер алып барды.

Изертлеўлер даўамында табылған материаллар тийкарында П.Пеллио даосизм, буддизм ҳәм Қытайдағы сырт ел динлери ҳаққында илимий жумыслар жазады. Синьцзянда табылған барлық қол жазбаларын П.Пеллио Париж миллий китапханасына саўға етеди.

1920-1930 жыллары Шығыс Түркстан үлкесинде Уллы Жипек жолын үйрениў бойынша бир неше илимий экспедициялар шөлкемлестирилди. Американы Д.Уорнер (1923, 1925) ҳәм скандинавиялылар (Х.Хаслунд)-Кристенсен (1927-1930), С.Гедин (1933-1935), Ф.Бергман (1934) ҳәм басқалар Шығыс Түркстанда изертлеўлер алып барды. XX әсирдиң 30 - 40 жыллары Уллы Жипек жолы бойынша топланған материалларды қайта ислеў ҳәм оларды баҳалаў бойынша тынымсыз жумыслар алып барылды.

1946 жылы Хорезм археологиялық-этнографиялық экспедиясы С.П.Толстов басшылығында Үстиртте изертлеўлер алып барады. С.П. Толстов Белеўлидеги кәрўан сарайды: «X-XI әсирлерге тийисли беккем кәрўан сарай» [5, 49.] деп есаплады. 1950-жылы Урал-Үстирт отряды (ХАЭЭ) Үстирттеги кәрўан жоллар бойынша археологиялық изертлеўлер алып барды. Үстирттиң орайлық бөлиминде Чурук, Белеўли, Қосбулақ ҳәм Үшқудық кәрўан сарайлары изертленди. Экспедициялар ҳәм саяхатшылар ҳаққында қызықлы материаллар, Уллы Жипек жолын илимий үйрениў бойынша баҳалы мағлыўматлар И.П. Магидовичтың жумысларында баян етилген [6.]. Шығыс Түркстанды үйрениўдиң тийкарғы басқышларын, соның менен бирге бул жер арқалы өткен Уллы Жипек жолын изертлеген алымлар ҳаққында мағлыўматлар А.Н.Бернштам ҳәм Б.А.Литвинскийдиң илимий мақалаларында баян етилген [7.].Уллы Жипек жолы тарийхы бойынша әҳмийетли мәселелер, соның ишинде оны дәўирлерге бөлиў мәселеси Б.Я.Стависскийдиң изертлеўлеринде сөз етиледи [8.].

Уллы Жипек жолын қайта тиклеў машқаласы бойынша академик Г.А.Пугаченкова редакторлығында кең жәмәәтшилик тәрепинен таярланып баспадан шығарылған «На среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути. Очерки истории и культуры» [9.] китабы үлкен әҳмийетке ийе болды. Усы жылы Самарқанд қаласында «Әййемги ҳәм орта әсирлерде Орайлық Азияда Уллы Жипек жолы трассаларының қәлиплесиўи ҳәм раўажланыўы» атамасында ЮНЕСКОның халықаралық семинары болып өтти ҳәм онда қатнасқан алымлардың баянатлары ҳәм илимий мақалаллары илимий топлам болып баспада жәрияланды [10.].

Н.Х.Ахметшин өзиниң еки монографиясында Уллы Жипек жолын изертлеў мәселесине итибар бериў менен бирге, сондай-ақ, Қытай сиясаты, өтмиштеги ҳәм ҳәзирги дәўирдеги географиялық атамалар, сәнелерди анықластырыўға айрықша итибар берген [11.]. Республика алымлары тәрепинен Уллы Жипек жолы тарийхын үйрениўдиң жаңа басқышы Ғәрезсизлик жылларына туўры келеди. Усы жылллары алымлар тәрепинен кең көлемли илимий мийнетлер баспадан шығарылды. Олардан Р.Г.Мукминова, А.Р.Мухамеджанов, А.А.Айтбаев, Г.А.Агзамова, А.С.Сагдуллаев, Р.Х.Сулейманов, Т.Ш.Ширинов, А.Ходжаев, Н.Э.Каримова, У.М.Мавлонов ҳәм басқалар Уллы Жипек жолы бойындағы қалалар ҳәм қала мәденияты, оның топонимикасы, саўда жолларының бағдарлары, Орайлық Азияның Қытай, Корея, Ҳиндистан менен өз-ара байланыслары мәселелери бойынша баҳалы мийнетлерди баспада жәриялады [12.].

Уллы Жипек жолының Орта Азия трассаларында жайласқан әййемги қалалары ҳәм мәдений естеликлерин үйренген алымлар ҳәм саяхатшылар ҳаққында баҳалы мағлыўматлар Б.В.Лунинниң шығармаларында топланған [13.]. Уллы Жипек жолы тарийхын изертлеўге бағышланған илимий жумыслар арасында академик Э.В. Ртвеладзе тәрепинен жазылған монографиялар айрықша орын ийелейди. Оның «Великий Шелковый путь» китабында жипек жолының қәлиплесиўи ҳәм раўажланыўында Греция, Рим, Қытай, Согдының роли, Батыс ҳәм Шығыс халықлары мәдениятының жақынласыўы, бул мәдениятларды байланыстырыўда Орта Азия мәдениятының туткан орны көрсетиледи [14.]. Уллы Жипек жолы бойындағы қалалар ҳәм трассалар тарийхын үйрениўде академик Ю.Ф.Буряковтың [15.] мийнетлери үлкен әҳмийетке ийе. Уллы Жипек жолы тарийхы бойынша жазылған китаплар ишинде Аблат Хўжаевтың илимий мийнетлерин айрықша атап өткен мақул. Оның китаплары қытай дереклери ҳәм әдебиятлары тийкарында жазылған болып, онда Өзбекстан – Қытай байланыслары, Уллы Жипек жолының бирнеше мың жыллық тарийхқа ийе екенлигин көрсетиўши ески қалалар ҳәм олардағы тарийхый естеликлерге тийисли мағлыўматлар баян етилген [16.]. Үстирт арқалы Европаны Шығыс мәмлекетлери менен әсирлер даўамында байланыстырып келген Уллы Жипек жолының арқа бойында жайласқан кәрўан сарайлар ҳаққында «Археология Приаралья» қитабында жәрияланған илимий мақалаларда әҳмийетли мағлыўматлар берилген [17.]. Қубла Арал бойлары арқалы әййемги ҳәм орта әсирлерде өткен кәрўан жоллар ҳәм оның бойында жайласқан әййемги қалалар ҳаққында Ғ.Хожаниязов ҳәм Ж.Ҳакимниязовтың «Караванные пути северной периферии Хорезма. Новые исследования» илимий мақаласында әҳмийетли мағлыўматлар берилген [18.]. Уллы Жипек жолы тарийхы бойынша алымлар тәрепинен жазылған илимий жумыслар қатарында Амриддин Бердимуродов ва Шоира Индиаминованың «Буюк ипак йўли (Қитъалар ва

асрлар оша)» китабын айрықша атап өткен мақул. Бул китап әййемги дәўирден баслап Шығыс ҳәм Батыс мәмлекетлерин экономикалық ҳәм мәдений жақтан байланыстырып келген саўда кәрўан жолы – Уллы Жипек жолының тарийхын үйрениўге бағышланған. Уллы Жипек жолының адамзат жәмийетиниң раўажланыўында тутқан орны, оның раўажланыў басқышлары ҳаққында көплеген илимий жумыслар баспада жәрияланғанын айтып өтиў зәрүр. Деген менен оның әҳмийети, ҳәзирги дәўирде оны қайта тиклеў мәселеси, Қубла Арал аймағы арқалы өткен жипек жолының бағдарлары, қалалар тарийхы ҳәм басқалар еле де изертлеўди талап етип турған машқалалардың бири болып қалмақта.

**ӘДЕБИЯТЛАР**

1. Лыкошкин Н.С. Очерк археологических изысканий в туркестанском крае до учреждения туркестанского кружка любителей археологии// ПТКЛА.-Вып.1. –Ташкент, 1896; Обручев В.А. Краткий обзор экспедиций.снаряженных Русским географическим обществом для исследования материка Азии с 1846 по 1896 г. // Известия.Вост.Сиб.Отд. РГО. 1897. – Ташкент, XXVI; Бартольд В.В. К вопросу об археологических исследованиях в Туркестане. –Ташкент, Изд-во Бр.Каменских. 1899; Мушкетов И. Туркестан. В 2 х т. Пг.Изд-во ИРГО, 1915. Т.- 1.
2. Кобзева О.П. Великий шелковый путь: Анализ проблем изучения и перспектив возрождения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. –Ташкент, 2010.
3. Кобзева О.П. Великий Шелковый путь и мировая цивилизация. –Ташкент, 2002.
4. Джамалхаджи И.Н. Свен Гедин в Ташкенте: путешествие по Великому шелковому пути в XIX столетии. Буюк Ипак йўлининг ўтмиши ва ҳозирги куни: ривожланишнинг ижтимоий-маданий, тарихий, сиёсий ва иқтисодий йўналишлари, Халқаро илмий – амалий конференция материаллари тўплами. –Ташкент, ,2013.
5 Толстов С.П. По следам Древнехорезмской цивилизации. – М.: 1948.
2. Магидович.И.П. Очерки по истории географических открытий. В-4 – х т. – М.; «Просвещение», 1982-1985.
3. Бернштам А.Н. Проблемы истории Восточного Туркестана. //Вестник древней истории –М. 1947. -№2; Литвинский Б.А. Труды Альберта фон Лекока по древней культуре Восточного Туркестана // Народы Азии и Африки. –М. 1981. № 4; Его же Изучение древней истории и культуры Восточного Туркестана в отечественной и зарубежной науке. // Народы Азии и Африки. –М.; 1982.№1; Исторические судьбы Восточного Туркестана и Средней Азии (проблемы этнокультурной общности)// Восточный Туркестан и Средняя Азия: история., культура, связи / под ред. Б.А. Литвинского. – М.; 1984.
4. Стависский Б.Я. Великий шелковый путь // Культурные ценности. Международный Ежегодник. -М.; «Европейский дом», 1995.
5. На среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути. Очерки истории и культуры /Под ред. Г.А. Пугаченковой. –Ташкент, «Фан». 1990.
6. Формирование и развитие трасс Великого Шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье; тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. – Самарканд,1-6 октября 1990. –Ташкент, «Фан». 1990.
7. Ахметшин Н.Х. Тайны Шелкового пути. М.: Вече, 2002. Его же. Тайны Великой пустыни. Миражи Такла Макан. –М.; «Вече». 2003.
8. Мукминова Р.Г. Самарканд и Бухара на трассах Великого Шелкового пути в XV-XVI вв. // Формирование и развитие... и др. ; Мухамеджанов А.Р. К этимологии топонимов «Сабат» и «Рабат» // Города и караван-сараи на трассах ВШП : Тез. докл. межд. сем. ЮНЕСКО. - Ургенч, 1991; Его же: Бухара на трансевразийских коммуникациях Великого Шелкового пути: Тез. докл. межд. сем. ЮНЕСКО. Сам. 1-6 октября 1990. - Т. - Сам.: Фан, 1990.; Айтбаев А. Буюк Ипак йули (Тарнхий лавха) // Мулокот. -Ташкент, 1994. - № 7 - 8; Его же: Хнтой манбаларида саклар // Узбежястонда ижтимоий фанлар. –Ташкент, 2000. № 1; О древних народах на ВШП // Диалог цивилизаций на ВШП: Мат.-:ежд.научн.конф. - Бишкек, 2002; "Ипак мамлакати" хакида // Узбекистан тарихи моддий маданият ва езма манбаларда. - Т., 2005.; Чин ва Мочин. -Т.: Фан, 2006; Агзамова ГА. Савдо йуллари // Темур ва Улугбек даври тарихи. /Муаллифлар жамоаси. - Т., 1996.; Ее же: Волжско-каспийский путь в XVI - первой половине XIX в. // Тюркологический сборник - 2002. Россия и тюркский мир. - М.: Восточная литература, 2003; Сагдуллаев АС. Средняя Азия и Индия. Формирование и развитие ранних путей историко-культурных связей // Индия н Центральная Азия (доисламский период). - Т., 2000. и др.; Сулейманов Р. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана (VII в. до н.э. - VII в. н. э.). - Т.: Фан, 2000. и др.; Ширинов Т.Ш. Связи Средней Азии и Индийского субконтинента во II тыс. до н.э. // Индия и Центральная Азия..; Ширинов Т.Ш., Зайнобиддинов С.З. Буюк Ипак йули ва Фаргона водийси // Буюк Ипак йули ва Фаргона водийси: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Т., 2004; Ходжаев А. Согдийцы в Китае // Moziydan Sado. - Ташкент, 2002. - №2, № 3; Его же: Лилов йули // УзМЭ. - Т.: УзМЭ давлат нашриёти, 2005. - 10-жилд ; Наиболее ранвие сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // Uzbekistan tarixi. - Ташкент, 2005; О сведениях древнекитайских источников о государстве Фергана (Дайюань) // Узбекистан тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. - Т., 2005; Сведения китайских источников о государстве Кангкич (Канцэюй у/ Shygys Kazakhstan, 2005. - № 2; Туркистон табобатининг Хитойга таъсири // Мозийдан садо. – Ташкент, 2006. - №3; Хитой манбаларидаги суғдиларга оид айрим маълумотлар // O'zbekiston tarixi. – Ташкент, 2002. - № 1; Каримова Н.Э. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV-XVII вв. (по материалам китайских источников)- Т.: Изд-во ТашГИВ, 2005; Её же: Темурийлар билан Хитой алокалари (Хитой манбалари буйнча) // Шаркшунослик – Т.: 2000. - №7; Центральная Азия и Китай в эпоху Мин. Из истории торгово-посольских связей (по материалам китайских источников) // Востоковедение. – Т.: 2001. - № I; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Т.: Академия, 2008.
9. Лунин.Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895-1917гг) –Ташкент.Из.АНУзССР 1957; Его же. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность (к XIX нач XXвв).Т.Изд. АНУзССР,1962;
10. Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь. – Т. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1999.

11. Буряков. Ю.Ф. Аскаров А.А. О работе узбекского отряда экспедиции ЮНЕСКО по Шелковому пути // ОНУ. – Т.1991. № 9; Его же: Бухара на караванных путях Хорасанаи Мавереннахра // ОНУ. –Т. 1997. № 9; Его же: К вопросу о торгово – экономических и культурных связях Согда и Индии в древности и раннем средневековье // Индия и Центральная Азия (доисламский период) -Т. 2000; Буряков Ю. Грицина А. Мавераннахр на Великом шелковом пути. – Самарканд – Бишкек, 2006. и др.
12. Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. –Ташкент, «Фан». 2004; Его же Буюк Ипак йули: муносабатлар ва тақдирлар. –Ташкент, ЎзМЭ. 2007. и др.
13. Археологические исследование Караван сараев Центрального Устьюрта. В кн.# "Археология Приаралья" Выпуск. 1. -Ташкент , 1992.
14. Хожаниязов Г., Хакимниязов.Ж. Караванные пути северной периферии Хорезма. Новые исследования. «Хабаршысы (Вестник) КМУ». - Нукус, 2008. № 1.
15. Бердимуродов А., Индиамнова Ш. Буюк ипак йўли (Қитъалар ва асрлар оша). –Т.; «Ўзбекистон», 2017.

*Уллы жипек жолы тарийхының илимий изертлениўи тарийхынан*

*Сейтимбетов М.К.*
*Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Резюме.** Мақала Уллы Жипек жолы тарийхының илимий изертлениўи мәселесине бағышланған, бунда француз, рус, швед, япон алымларының экспедициялары ҳәм олардың жуўмақлары бойынша баспада жәрияланған монографиялары ҳәм илимий мақалалары ҳаққында пикирлер жүритиледи. Сондай ақ, бүгинги күни Уллы Жипек жолын тиклеў мәселеси бойынша алымлардың изертлеўлери баян етиледи.

*Буюк ипак йўлининг илмий тадқиқоти тарихидан*

*Сейтимбетов М.К.*
*Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Резюме.** Мақола Буюк Ипак йўли тарихининг илмий тадқиқот килиниши масаласига бағишланади, бунда француз, рус, швед, япон олимларининг экспедициялари ва уларнинг хулосалари бўйича нашр қилинган монографиялари ва илмий мақолалари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, бугунги кунда Буюк ипак йўлини тиклаш масаласида олимларнинг тадқиқотлари баён этилади.

**Таянч сўзлар:** Буюк Ипак йўли, савдо, караван сарай, экспедиция, илмий тадқиқотлар, маданият.

*Научное изучение истории Великого Шелкового пути*

*Сейтимбетов М.К.*
*Каракалпакский государственный университет*

**Резюме.** Статья посвящена исследованию истории Великого Шелкового Пути, в которую вошли монографии и научные статьи, опубликованные в экспедициях французских, русских, шведских, японских ученых и их выводы. В нем также описаны исследования ученых по восстановлению Великого шелкового пути.

**Ключевые слова**: Великий шелковый путь, торговля, караван сарай, экспедиция, научные исследования, культура.

*Scientific study of the history of the Great Silk Road*

*Seytimbetov M.K.*
*Karakalpak State University*

**Summary.** The article is devoted to the study of the history of the Great Silk Road, which included monographs and scientific articles published in expeditions of French, Russian, Swedish, Japanese scientists and their conclusions. It also describes the research of scientists on the restoration of the Great Silk Road.

**Key words:** Great Silk Road, trade, caravanserai, expedition, scientific, research, culture.

---

# ЖАНУБИЙ ОРОЛБУЙИ ХУДУДИДА ИЛК ЎРТА АСР ШАҲАР МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

**Қдырниязов О. -Ш.**
*Қорақалпоқ давлат университети Археология кафедраси*

Жанубий Оролбўйи худудида илк археологик кашфиётлар ХХ асрнинг 30-40 йилларда Я.Ғ. Ғуломов, С.П. Толстовлар томанидан ўрганилган. Я.Ғ.Ғуломов, Т. Мирғиёсовларнинг 1936-1937 йилларда жанубий Қорақолпоғистондаги тадқиқодлари натижасида кўпгина тарихий–маданий ёдгорликлар аниқланди. Ушбу кашфиётлар кейинчалик С.П.Толстов ташкил этган Хоразм археологик экспедициясининг 1937-1940 йиллардаги Қизилқум ва Қорақум чўллари сарҳадларидаги маданий воҳалардаги изланишларида давом эттирилди. Иккинчи жаҳон урушига қадар олиб борилган тўрт йиллик тадқиқодларда 400 га яқин тарихий ёдгорликлар, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, шаҳарсозлик маданияти излари кашф этилди. Тадқиқотларда Оролбуйи цивилизацияси тарихининг тўрт ярим минг йиллик даврига тааллуқли бўлиб, унда неолит (Жонбос–4), антик давр (Жонбос қалъа I, III, Тупроқ қалъа), ислом маданиятигача қурилган илк ўрта аср урбанистик цивилизация ёдгорликлари (Тешик қалъа, Беркут қалъа) ва ривожланган ўрта асрнинг (Норинжон боба, Қават қалъа) каби юзлаб объектлари ҳисобга олинди. Ушбу ёдгорликлардан олинган қадимий цивилизация намуналари бўлган минглаб артефактлар, тадқиқод иншоатлари С.П. Толстовнинг қадимги Хоразм тамаддунига бағишланган икки монографиясида илк бор илмий жиҳатдан ўрганилди [13,33;14, 235-243]. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Хоразм экспедициясининг археологик тадқиқодларида Жанубий Орол бўйи ва Устюрт сарҳадларида янги қўрғон–шаҳарлар, қишлоқ масканлари ва савдо алоқаларига таааллуқли йўллар, карвон саройлар қайд этилди. Оқибатда Жанубий Орол воҳалари урбанистик цивилизациясининг Шарқ

маданият тарихидаги ўрнини атрофлича ўрганиш муаммоларига асос солинди. Таъкидлаш жоизки, урбанистик жараённинг антик даврга оид ёдгорликлари (Кўзалиқир, Қуйқирилган қалъа, Тупроқ қалъа, Ақшахон) археологик жиҳатдан яхши ўрганилган. Бунинг акси ўлароқ, воҳанинг илк ўрта аср давридаги цивилизацияси кўрсаткичлари ҳисобланмиш шаҳар маданияти, архитектура, қурилиш ишлари, санъат, ҳунармандчилик ва маданий алоқалар соҳасидаги ютуқлари махсус тадқиқ этилмаган, моддий манбаларни тарихийлаштириш масалалари бўйича катта ишлар қилинмаган. Шунга кўра, мақолада илк ўрта аср Хоразм урбанистик цивилизация хусусиятлари, курсаткичлари ва Марказий Осиё цивилизация тарихидаги ўрни ва аҳамияти хақида фикр юритамиз.

Ёзма манбалар ва археологик тадқиқодлар таҳлили илк ўрта асрда Жанубий Орол буйи худудида шаҳар маданиятининг ривожланиши давом этганини кўрсатади. Ат-Табарий араблар келган вақтда (712 й.) Хоразмда учта шаҳар-Кат (Мадина ал-Фир), Хазорасп ва Урганч (Даржаш) фаолият кўрсатганини ёзади. Ал–Истаҳрий (930–933 йй.) эса ўн уч шаҳарни, «Ҳудуд ал–Алам» (982 й.) муаллифи тўққизта ва ал Мақдисий (985–1000) ўттиз уч шаҳарни қайд этади [7.187]. Археологик тадқиқодлар илк ўрта асрда Жанубий Орол буйида жумладан, Беркут қалъа, Наринжон воҳаси ва Устюрт сарҳадларида 24 та қўрғон-шаҳар, 23 та қишлоқ маконлари мавжудлигин қайд этган [14.240]. Ушбу урбанизация марказларига Амударёнинг ўнг соҳилидаги Беркут қалъа, Гулдурсун, Қават қалъа, Кизил қалъа, Норинжон, Пил қалъа (Фир, Қат), Кердер (Хайван қалъа), Куюк қалъа каби шаҳар ёдгорликлари, сўл соҳилда Урганч, Маздахкан, Мунчоқли, Кетанлар, Дёрбакир, Қизил қалъа ва Устюрт сарҳадларидаги Шемаха қалъа, Қулонли, Кичик ва Катта Айбуғир, Тупроқ қалъа (Қўнғирот), Буғрохон, Пулжой, Урга ва бошқалар тааллуқли. Ёдгорликлардан олинган маълумотларга кўра, ушбу қўрғон–шаҳарларга илк ўрта асрларда асос солинган.

Илк ўрта асрлардаги Хоразмнинг цивилизация кўрсаткичи ҳисобланмиш ушбу урбанизация жараёнлари вилоятнинг антик даврдан сўнгги хионий–сосонийлар уруши, эфталий, турклар ҳаракати, билан, кейинчалик араб истилоси таъсирида юз берган. Оқибатда Жанубий Орол бўйи ҳудудида VII-VIII асрларда янги қўним масканлари–қўрғонлар, қалъалар қаторида меъморий иншоатлар, улардан янги шаклдаги сопол идишлар қайд этилган. Бу ички ижтимоий–иқтисодий ўсиш, аҳолининг қўшни халқлар, жумладан кўчманчилар билан маданий алоқалар кучайиши сабабли юз берган. Натижада, жанубий Хоразмда маҳаллий сулола бошқарган Африғийлар маданияти шаклланган. Африғийлар бошқаруви воҳадаги илк ўрта аср давлат бирикмаси сифатида 304 йилдан 995 йилгача ҳукм сурди. Бу сулола вакиллари шаҳарсозлик, ҳунармандчилик ва савдо маданиятининг ўсишини рағбатлантирди. Бу даврга оид Хоразм тангалари Шимолий Кавказ (Кисловодск) ва Марказий Осиё ҳудудларида маълум. Аксинча шимолий Қорақолпоғистоннинг Кердер ёдгорликларида сосоний шаҳаншоҳлар тангалари (Пероз, Валаш, Кавад ва Хосров I) топилган. Воҳада ўтказилган археологик тадқиқодлар шаҳарсозлик, архитектура ва қурилишдаги ўсиш жараёни динамикасини аниқлашга ёрдамлашади. Ҳудудда VII–VIII асрда янги деҳқон (феодал) қўрғон-кўшклари шаклланиб уларга «донжон» деб номланган турар жой ва мудофаа хизматини бажарган иншоатлар хосдир. «Донжон»лар баланд супа тагзамин (цоколь) устига қурилган бўлиб, Марказий Осиёнинг кўпчилик ҳудудларига таалуқли меъморий янгилик ҳисобланади. Катта деҳқон қўрғон-кўшклари атрофида оддий ер эгалари қўрғончалари жамланди ва иқтисодий ўсиш жараёнида ушбу кичик ҳудудларда шаҳарчалар юзага келди (Беркут қалъа, Якка–Парсон, Тешик қалъа ва Қават қалъа). Беркут қалъа атрофида 100 қўрғон ва қишлоқ масканлари, Якка–Парсон воҳасида 20 га яқин қўрғон мавжуд. Уларнинг марказий иншоатлари тарҳи хочсимон кўринишда бўлиб, бу каби тарҳга эга қўрғон қурилишлари қадимги Шарқ меъморчилигидан маълум. Унга ўхшаш иншоатлар Тошкент воҳаси - Шоштепе, Мингўрик [2, 177; 17.56], Испижоб воҳасида- Сиддикат, Кизил–қайнартепа, Чултепа, Сўғдда- Айтуғдитепа, Филъмандартепада ўрганилган [4, 51]. Илк ўрта асрларга оид Хоразм урбанизация меъморчилигининг Марказий Осиё цивилизацияси билан алоқалъари Якка–Парсон воҳасидаги «А қўрғони» деб шартли номланган ёдгорлик материаллари билан ҳам тасдиқланади. Ўзига хос тарҳга эга ушбу қўрғон марказида-айвон, ҳовузли ҳовли ва тўрт устунли савлатли зал бир–бирига уйғун ҳолда қурилган. Бу каби қурилишлар Суғдда ҳам илк ўрта аср шаҳар ва қишлоқ қурилиши маданиятига хос бўлиб, улар Орол буйи шу каби иншоатларига жуда ўхшаш [12, 191]. Марказий Осиё ва маҳаллий шаҳарсозлик маданияти алоқалари тасвирий санъат намунаси-деворий суратлар мавжудлиги билан ҳам исботланади. Афросиёб, Варахша, Пенжикент саройлари, Болаликтепа ва Тавка деворий суратлари Марказий Осиё тасвирий санъатида алоҳида ўринга эга. Буларга ўхшаш деворий суратлар Орол буйи худудидида фақат сўнгги антик давр ёдгорлиги Тупроқ қалъадан маълум эди [16, 76,92-96,158]. Аммо сўнгги йиллардаги Хоразмдаги археологик кашфиётларда (Аяз қалъа II саройи, Ахшахан) бевосита Марказий Осиё, Шарқ цивилизацияси деворий суратларига монанд тасвирлар кузатилмокда [20.7-41]. Икки ҳудуддаги маданий алоқалар қурилиш материалларида фойдаланилган услубларда ҳам мавжуд. Илк ўрта асрлардаги Хоразм ёдгорликларида ғишт шакли ва ўлчамлари (40х40х10; 38х38х8; 36х36х9; 37х37х9 см) ва пахса (0,6х0,8 м) ҳамоҳанглик (комбинациялаштирилган) услубида уйғун ҳолда фойдаланилган. Ушбу қурилиш анъаналари ва услублари Тошкент воҳаси ёдгорликларида (Шоштепа, Мингўрик) ҳам кузатилади [17, 56-57,79].

Археологик тадқиқодларга кўра, илк ўрта асрлар бошида Марказий Осиё ҳудудлари каби Оролбуйи урбанистик цивилизациясига таъсир этган омилларнинг яна бири кўчманчи чорвадор аҳолининг деҳқончилик воҳалари билан аралашишидир. IV асрдан бошланган «халқларнинг буюк кўчиши» аввал хунларнинг (IV аср), кейин эфталийлар (V-VI аср ўртаси) ва турк қабилаларининг Жанубий Орол бўйларига миграцияси янги этник ва маданий жараёнларни пайдо этди. Ҳатто баъзи мутахасислар хионий [5, 413-414] ва эфталийлар [15, 244] Орол бўйи қабилаларидан чиққан деган фикрни билдиришади. Бунга Аммиан Мерцеллини (330-400 йй.)

тарафидан ёзилган хионийларга хос дафн маросими дастурига ўхшаш артефактлар (дафн олови ўрни, куйдирилган одам суяклари, лойдан ясалган ва буёлган антропоморф ҳайкалча қисмлари) Хоразм ёдгорликлари Кўҳна Уаз, Шохсанам ва Канғха қалъадан топилиши асос бўлган [8, 379-380; 11, 61].

Ҳақиқатдан ҳам, Евроосиё кўчманчилари Хоразм воҳасида ўзига хос ёдгорликлар қолдирган. Архайк давр кўчманчиларининг Уйгарак, Тагискен (мил.авв.VIII-VII аср) ва Устюртдаги мақбара қабрлари Орол бўйи археологияси фанида маълум. Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Жетиасар маданиятига хос этник гуруҳ вакиллари VII асрда қуйи Амударё ҳудудига келиб (миграция), жанубий Хоразм африғийлари, ҳатто жетисарликларга ҳам ўхшаш бўлмаган маданий жараённи шакллантирган. Бу янги маданият эгалари кердерлар номи билан маълум. Кердер шаҳарсозлиги Шимолий Қорақалпоғистон ҳудудидаги Ҳайвон қалъа (Кердер), Туқ қалъа (Дарсан), Қўрғонча, Боғдод, Куюк қалъа (Чимбой), Акжарма I–II, Қирқ йигитнинг қалъаси каби археологик обьектлардан маълум. Сўнгги тадқиқодлар кердерликларга хос бўлган сопол идишлар, қурилиш усуллари, иситиш мосламалари ва диний маросим изларини Устюртдаги Дуана, Сумбетимералан, Маздахкан, жанубий-шарқий Хоразмдаги Садвар ёдгорликларида қайд этилганин кўрсатади [1, 14]. Шимолий-шарқий Қорақалпоғистон ҳудудидаги Инкардарё, Қувондарё ва Жангадарё хавзаларида ҳам ўғуз кўчманчиларига хос ёдгорликлар мавжуд (Бештам қалъа, Жент, Зангар қалъа, Сарли том ва ҳоказа).

С.П. Толстов ушбу ёдгорликлар моддий маданияти (сопол, қурилиш иншоотларидаги ўзига хослик) асосида шундай фикрга келади. Олим таъкидлайди: «Тадқиқодлар учун шу атрофдаги ўзига хос илк ўрта аср ёдгорликлари аҳамиятини баҳолаш жуда ҳам аҳамиятли. Чунки шимолий–шарқий ҳудудлардаги ярим кўчманчи дашт қабилаларининг ёдгорликларини тадқиқ этиш Хоразм давлатининг сиёсий ва маданий турмушидаги ўрнини баҳолашда аҳамияти каттадир». Тадқиқодчи Е.Е. Неразик ҳам VII–VIII асрлардан Қуйи Сирдарё, кердерлар маданияти ва Хоразм цивилизацияси алоқаларининг кучайганини алоҳида таъкидлайди [9, 221]. Кўчманчи дашт ва Хоразм алоқаларини бошқа артефактлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Куюк қалъадан топилган қанотли от тасвири – протома жез (бронза) тўқа [18, 168], Қўрғонча [19, 89] ва Ҳайвон қалъада [6, 207] учрашган Умай она ҳайкалчаси Марказий Осиё кўчманчи дала кабилаларида кенг тарқалган сиғиниш буюмларидан ҳисобланади. Умай - қадимий ва ўрта аср туркий ҳалқларида ҳосилдорлик, оила ўчоғи ва фарзандлар ҳомийси ҳисобланган. Шу билан бирга туркий халқлар дунёсига хос бўлган антропоморфли тош хайкалчаларни Якка–Парсон ёдгорлигининг юқори маданий қаватида, Катта Қирққиз қалъада [10, 46], бўёқлар билан сирланган алебастр бут (санам) Шохсанам ёдгорлигидан топилган. Ушбу буюмлар африғийлар даври билан саналади (VII–VIII аср). Миздаҳкан ва Тўқ қалъа ёдгорликларидан 100 дан ортиқ алебастр остадонлар топилган. Уларнинг баъзиларининг ташқи тарафига рангли буёқларда ёзувлар, мотам ва дафн тасвирлари туширилган. Суратлар орасида марҳум учун аза очиш (йиғлаш) манзарасида туркий ва маҳаллий ирк (Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи) белгиларини кўрсатувчи тасвирлар ҳам бор [3, 96; 19, 112]. Умуман, остадонларда акс этган тасвирларда этник белгиларга асосланиб, уларни турк ва Жанубий Орол буйи шаҳар аҳолисининг ирқий синтези сифатида тушуниш мумкин.

Илк ўрта асрга хос бўлган урбанистик цивилизация жараёнлари милодийнинг III-IV асрларда Амударёнинг ўнг ва сўл соҳилидаги ҳудудларда африғийлар сулоласига қарши бошланган ғалаёнлар, халқларнинг буюк кўчиб қуниши, янги феодал тузимнинг бир бирига қарши кучлари деҳқонлар ва кадиварлар тўқнашиши каби омиллар туфайли анча тўхтаб қолган. Ўнг соҳил Амударё худудида IV асрга келиб Анқа қалъа, Қирқ қиз рустоғи, Тупроқ қалъа шаҳри, Қат атрофида Фил қалъа қурилишлари тушкунликка тушди. Чап соҳилдаги воҳа худудида ҳам ривожланиш кузатилмайди. Бу умумий омиллар туфайли суний суғориш тармоқлари қисқариб борди. Аммо, Жанубий Орол буйи худуди шаҳарларида маданий ва иқтисодий ҳаёт V-VI асрнинг бошларида янгидан кўтарила бошлайди.

Илк ўрта асрдаги ушбу тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятларининг баъзи-бири қадимги давр қалъаларида шаҳар ҳаётининг давом этиши ва улар атрофида деҳқонларнинг хом ғишт, пахсадан қурилган кўшклари вужудга келади. Уларнинг ҳаробалари бизнинг кунимизгача сақланиб қолган бўлиб, фақат Бургут қалъа деҳқончилик воҳасида IV-VIII асрга оид ҳажми катта бўлмаган 100 яқин мудофаа тизимли қўрғонлар археологик тадқиқодларда қайд этилган. Қумбосган ва Ўй қалъа орасидаги воҳада 88 қаср мавжуд. Қасрли (донжон) кўрғонлар сон жиҳатидан кўпроқ бўлган. Бу канал бошида (туғон ёнида) жойлашган қасрлар икки тўрда: донжонли ва донжонсиз. Ўлардан битта каттароқ кўшк ажралиб турган. Масалан, Катта Қум қалъа атрофида 8 та кичик кушклар, Тешик қальада 13, Бургут қалъада 25 бўлган [13, 128]. С.П.Толстов ва Е.Е.Неразиклар қароргоҳ-кушклар группасининг жойлашиши илк ўрта аср жамияти аъзолари орасидаги қандайдир ўзига хос иерархиялик белгига алоқаси бор деб таъкидлайди.

Умуман VI асрдан бошлаб қадимги Хоразм маданиятининг Жанубий Орол буйи, Амударёнинг ўнг ва сўл соҳилидаги худудларда деҳқончилик, шаҳарсозлик жараёнининг янги босқичига хос бўлган ривожланиши сезилади. Воҳада аниқланган 400 дан ортиқ тарихий ёдгорликлар, деҳқончилик, ҳунармандчилик, шаҳарсозлик маданияти излари ноёб ашёвий артефактлар, Жанубий Оролбуйидаги урбанистик цивилизация хусусиятлари, кўрсаткичлари ва маҳаллий халқлар маданиятининг Шарқ цивилизациясидаги ўрнини даврлар кесимида тадқиқот этишга асос бўлади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Армарчук Е.А. Садвар- средневековый город на Юго-Востоке Хорезма (к изучению хорезмийской городской культуры IX-XI вв.) // Автореф. дисс…. канд. ист.наук. –М.; 1992.С.14.

2. Богомолов Г.И., Ильясова С.Р. К вопросу о зданиях с крестообразной планировкой в Чаче // Известия НАН Республики Казахстан. –Алматы, 2010. № 1. С.177.
3. Гудкова А.В. Ток кала. –Тошкент, 1964. С.96.
4. Исаков, А.И. Фильмандарский замок // Успехи среднеазиатской археологии. Вып. 4. –Л.; 1979.С.51.
5. История Узбекистана. Том I.– Тошкент, 1965. С.413-414.
6. Мамбетуллаев М.М. Статуэтка богини Умай из Кердера // ИМКУ, вып. 31. –Самарканд, 2000.С.207.
7. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Том I. –М.-Л., 1939. С.187.
8. Неразик Е.Е. Археологическое исследование городища Куня–Уаз // ТХАЭЭ. Т.II. –М., 1958.С.379-380.
9. Неразик Е.Е. К проблеме развития городов Хорезма // Культура и искусство древнего Хорезма. –М.,1981.С. 221.
10. Неразик Е.Е. Хорезм в IV-VIII вв. // Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. –М., 1999.С.46.
11. Рапопорт Ю.А. Раскопки городище Шах-Санем в 1952 г. // ТХАЭЭ. Том II. –М., 1958 С.61;
12. Распопова В.И. Жилища Пенджикента. –Л., 1990. С.191.
13. Толстов С.П. Древний Хорезм. –М.,1948 а.С.33,128.
14. Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. –М.,1948 б. С.235-243.
15. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. –М., 1962. С.244.
16. Топрак- кала. Дворец // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Том XIV. –М., 1984.
17. Филанович М.И. Ташкент. Зарождения и развития города и городской культуры. –Ташкент, 1983.С.56-57, 79.
18. Ходжайов Т.К, Мамбетуллаев М.М. Раннесредневековый некрополь Куюккала.– М.,2008. С.168.
19. Ягодин В.Н, Ходжаиов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана. –Ташкент, 1970. С.112.
20. Ягодин В.Н. Кердерская Умай // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. –Нукус, 1999. № 1.С.89.
21. Yagodin V. N, Betts A .V, Kidd E.B, Hojaniyazov G. H, Brite E.B, Amirov Hs, Yagodin V, Fray G. Karacalpak-Australian Excavations in Ancient Chorasmia. An Interim Report on the Kazakiy-yatkan Wall Paintings: the «Portrait Gallery» // Jornal of Inner Asian Art and Archaelogy, 4 / 2009, –New-York. PP. 7-41.

*Қубла Арал бойы аймағында дәслепки орта әсир қалалар мәдениятының раўажланыў тарийхы.*
*Қдырниязов О. -Ш.*
*Қорақалпоқ давлат университети*

Ҳозирги глобаллашув жараёнлари энг янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни, тезкор замонавий коммуникация  ва алоқа воситалари тизимлари, меҳнат унумдорлиги учун қулай шароитлар яратиб, чекланмаган имкониятларни очиб бермоқда. Бу ўз навбатида,  мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувига, жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашув жараёнларининг фаоллашувига хизмат қилмоқда. Аммо ўзгариб бораётган дунё мантиғининг чуқур мазмун-моҳиятини, ҳозирги кунда вужудга келаётган ихтилоф ва зиддиятларнинг сабабларини тўғри аниқлаш учун ижтимоий тараққиётнинг миллий-маънавий асосларидан чалғимаслик зарур.

Чунки, унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Глобаллашув айни вақтда зиддиятли ҳодиса эканлиги, бу аввало “оммавий маданият” ниқобидаги аксилмаданиятнинг тарқалиш хавфи ҳамда халқларнинг ранг-баранг, бой маънавий ҳаётининг бирхиллашуви, миллий ўзлик туйғусининг сусайиши, эгоизм ва нигилизм каби хатарларнинг ёшлар ўртасида кучайиши каби иллатларда намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга оширилаётган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади. Дунёда уруш технологияларининг шакли ўзгарганлиги, геосиёсий муносабатларнинг таранглашуви, айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, аввалambor, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқишига, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келишига, трансмиллий можаролар, динлараро курашлар, маданиятлар ўртасида тўқнашувларга сабаб бўлмоқда. Айниқса глобаллашув жараёни мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Бу жараёнлар эса миллий ва маънавий хавфсизлигимиз, миллий манфаатларимиз, юксак маънавиятли авлод келажагини таъминлаш йўлидаги сиёсатни амалга оширишда жиддий маънавий таҳдидлардан бирига айланиб улгурди ва бу таҳдидлар кундан-кунга тобора кучайиб бормоқда.

“Маънавий таҳдид деганда, аввало тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дарёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим ...”[2. 31]. Мазкур мафкуравий ҳодиса энг ташвишлисидир. Чунки инсон ўз кашфиётларига маҳлиё бўлиб, дунёқараш, ахлоқ ва фаолият жиҳатидан заифлашиб бормоқда. Терроризм, диний экстремизм турли-туман секталар, лоқайдлик, эгоцентризм, эскапизм, ва “демократияни олға силжитиш” ҳаракатлари шунинг натижасидир. Бу ҳаракатлар миллий бирлик, бирордарлик ва ҳамкорликка раҳна солмоқда.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, турли хил маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишидаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Шунинг учун ҳам – бу Шарқ ёки Ғарб мамлакатларда бўладими, олис Африка ва Осиё қитъаси бўладими маънавиятга қарши қандайдир таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бугунги куни ёки эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши табиий, албатта.

Шу сабабли бугунги кунда глобаллашув, маънавий хавфсизлик, маънавий инқироз, ахборот хавфсизлиги, мафкуравий бўшлиқ, маънавий таҳдид каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини чуқуррок ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, аниқ таклифларни ишлаб чиқиш сиёсатшунос олимлар олдида турган долзарб вазифаларлан бири

ҳисобланиди. Ҳозирги давр цивилизацияси шундан далолат берадики, жамиятнинг маънавий хавфсизлигини таъминлаш олмай туриб, истиқболли келажакни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Маънавий хавфсизлик тизими – бу миллат руҳияти, салоҳияти, иродасини ифода қилиб, унинг маданияти, тарихи, ўзбек давлатчилиги асослари тўғрисидаги тушунча ва қадриятлар тасаввури йиғиндисидир. Маънавий хавфсизлик масаласи миллатнинг мавжудлигини белгиловчи вазифалар қаторига киради. У ахлоқий қадриятлар орқали жамият ва унинг маданиятини сақлашга қаратилган яхлит ижтимоий тизимлар фаолиятини ифода қилади [3. 136].

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда барпо этилаётган адолатли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида маънавият, маънавий хавфсизлик масалалари асосий йўналишлардан бири қилиб белгиланган. Мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини ҳар бир инсон яхши тушунади. Бундай тажовузкорона ҳаракатлар бизлар учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни аввало ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир. Аҳолимизнинг 60 фоизига яқинини ёшлар ташкил этаётган бир даврда, ёшларни асрамасдан туриб, миллатнинг келажагини ва маънавиятини асраб бўлмайди. Дарҳақиқат, бугун халқимиз, айниқса ёшлар кучли ғоявий, мафкуравий ва информацион босим остида яшашга мажбур бўлмоқда. Бугун ана шу таҳдидларнинг ошиб бориши жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Бу турга кирувчи таҳдидлар кенг қамровлиги ва узоқни кўзловчи хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради. Бугун ёшларда, нафақат ёшларда, ҳатто айрим кексаларда ҳам учраётган миллат маънавиятига мос келмаган ишларга қўл уриш, зарарли одатлар чиқариш турли ахборот бўҳронларининг, юмшоқ қилиб айтганда, “беғараз маданият экспортлари”нинг оқибатидир.

Шу боис, мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама юксак маънавиятли, баркамол шахс қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Баркамол авлод тарбияси, уларнинг маънавияти бугунги кун масаласи эмас. Маърифат орқали жамиятни ўзгартиришга жазм қилган буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”[2, 60], деган даъваткор сўзлари бундан юз йил муқаддам айтилган бўлса-да, илм-фан ва янги технологиялар юксак тараққий этган, кишилар дунёқараши, тушунча ва тасаввурлари кенгайган, таълим-тарбия тизими янги босқичга кўтарилган бугунги даврда ҳам заррача қимматини йўқотган эмас.

Глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бораётган мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Айниқса, мамлакатимиз Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг февраль ойида қабул қилинган “2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш Стратегияси” давлат ва жамиятнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатлари, бошқарув ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳалари, жумладан, олий таълим тизимини модернизация қилиш ва ривожлантиришнинг янги босқичи сифатида мамлакатимиз ҳаётида йирик сиёсий ҳодиса бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек, “... ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар - бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим”[4]. Зеро, фақат маърифатли жамиятдагина кишиларнинг янги ҳаёт, фаровон турмуш кечириш йўлидаги орзу-ҳаваслари тўла-тўкис рўёбга чиқади.

Стратегик дастур ижроси доирасида 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли қарорлари бу соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу қонунлар, қарор ва фармойишларни қабул қилиш, амалга оширишдан мақсад - мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизимини шакллантиришдан иборат.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш, жамиятимиз аъзолари маънавиятига, маданиятига таҳдид солаётган мафкуравий омилларнинг объектив ва субъектив жиҳатлари, ғоявий хавф-хатарларнинг олдини олишнинг самарали усуллари, воситалари ва йўлларини аниқлаш зарурияти билан боғлиқ.

*Биринчидан,* глобаллашув жараёнида жамиятимиз маънавий ҳаётига хавф солаётган хатарлар, таҳдидлар ўзига хос шаклда намоён бўлиб, уларнинг таъсир кучи кундан-кунга ортиб бормоқда. Жумладан, турли ёвуз ва вайронкор ғоялар, қарашларнинг мураккаб синтези сифатида чиқаётган маънавий таҳдидлар жамият миллий хавфсизлиги доирасида жамият маънавий хавфсизлигига жиддий салбий таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлаш лозим. Маънавий таҳдидларнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари ва ижтимоий оқибатларини бугунги давр нуқтаи назаридан ўрганиш, илмий таҳлил қилишда янгича ёндашувлар тақозо қилмоқда;

*Иккинчидан,* ҳозирги инсоният тараққиёти даврида ахборот-коммуникация воситалари маънавий, мафкуравий таъсир кўрсатишнинг замонавий қуролига айланиб, улар глобаллашув жараёнида тезкор, хилма-хил шаклларда намоён бўлмоқда. Бу эса маънавий таҳдидларнинг тарихан янги сифат босқичига кирганлигини кўрсатмоқда. Шу боис, бузғунчи ва вайронкор ғояларнинг бугунги даврда намоён бўлиш хусусиятларини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан илмий тадқиқ этиш аҳамият касб этади;

*Учинчидан,* глобаллашув жараёни, унинг мазмун-моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатлари, хусусан, бугунги кунда мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси сифатида халқаро майдонда турли сиёсий кучларнинг миллий ва стратегик режаларига хизмат қилаётгани, ушбу жараён орқали миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга қарши турли ёвуз ва вайронкор ғояларнинг ёпирилиб келаётгани, уларнинг ҳаётимизда эртага қандай салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги билан асосланади.

Бундай шароитда мамлакатимизда миллий ғоя концепциясини самарали амалга ошириш ғоявий-мафкуравий хуружлар, таҳдидларнинг олдини олишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу борада, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Ватан равнақи ғояларидан маънавий таҳдидларга қарши курашда фойдаланишнинг оқилона йўлларини излаб топиш, аниқлаш муҳим аҳамият касб этади;

*Тўртинчидан,* ҳозирги дунё ғоявий қарама-қаршиликлари мураккаб тус олган бир даврда ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Ёшлар турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида маънавий таҳдидларнинг асосий объектига айланиб, бугун ёшлар кучли ғоявий, мафкуравий ва информацион босим остида яшашга мажбур бўлмоқда. Бугун ана шу таҳдидларнинг ошиб бориши миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Бу маънавий таҳдидларнинг олдини олишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ёшларимизнинг ҳаётий мақсадларини, орзу-идеалларини билиш, маънавий-ахлоқий ҳаётидаги устувор йўналишларни аниқлашни талаб этади;

*Бешинчидан,* юртимизда ўзининг маънавий-мафкуравий таъсир кучига кўра оила, маҳалла, таълим-тарбия тизими ва ОАВ ғоявий-мафкуравий тарбия жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда, ушбу фуқаролик жамияти институтлари маънавий таҳдидларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда муҳим ўринга эга. Шу сабабли, уларнинг фаолиятида жамият маънавий хавфсизлиги масалалари уйғунлигини таъминлашни тизимли таҳлил қилиш орқали мавжуд муаммо ва камчиликларнинг оқилона ечимларини топишга хизмат қилади.

Шунингдек, маънавий таҳдидларнинг олдини олиш жамият маънавий хавфсизлиги, унинг барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашнинг муҳим шарти эканлигини ижтимоий-сиёсий тадқиқ этиш зарурияти билан ҳам белгиланади.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 1 июль.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Алимардонов Т.Т. Эркинлик руҳи. -Т.: Нишон-ношир нашриёти, 2015.
4. Ш.М.Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш –давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. “Тошкент оқшоми” газетаси, 2017 йил 16 июнь.

*Глобаллашув ва маънавий хавфсизлик*

*Бердалиев Н. Ш.*
*Тошкент архитектура қурилиш институти*

**Резюме.** Vақолада глобаллашув даврида маънавий таҳдидлар, уларнинг намоён бўлиши, салбий таъсири ва оқибатлари шунингдек, жамиятда маънавий хавфсизлик ва ғоявий иммунитетни таъминлаш орқали хавфсизлик ва барқарорликка эришиш мумкинлиги ёритилган.

**Таянч сўзлар:** глобаллашув, маънавият, маънавий таҳдид, мафкуравий иммунитет, ёшлар тарбияси, оила.

*Глобализация и духовная безопасность*

*Бердалиев Н. Ш.*
*Тошкент архитектура қурилиш институти*

**Резюме.** В статье описывается опасность духовных угроз, их проявления и негативные последствия, автором основывается мысль о возможности достижения безопасности и стабильности путем обеспечения духовного обогощеня и идеологического иммунитета в обществе.

**Ключевые слова:** глобализация, духовность, духовная угроза, идеологический иммунитет, воспитание молодежи, семья.

*Globalism and spiritual security*

*Berdaliyev N. Sh.*
*Tashkent architecture and civil engineering institute*

**Summary.** The article describes the possibility of spiritual threats in the period of globalization, their manifestations, negative consequences, it also offers the possibility of achieving security and stability by providing spiritual enrichment and ideological immunity in society.

**Key words:** globalization, spirituality, spiritual threat, ideological immunity, education of youth, family.

# ХОРАЗМ ВОҲАСИДА ҚАНДОЛАТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА БУ БОРАДА ШАКЛЛАНГАН АНЪАНАЛАР

**Маткаримова С.М.**
*Урганч давлат университети,*

Қандолатчилик махсулотларини, яъни ширинликларни тайёрлашда Хоразм воҳаси аҳолисининг ўзига хос тажрибалари мавжуд. Улар мева ва сабзавотлардан шакар олишни ёки уларни қуёшда қуритиб ёки пишириб ширинликлар тайёрлашни азалдан яхши биладилар. Айниқса Хива хонлиги даврида қандолатчилик ҳунари кенг ривожланган бўлиб, у билан машғул ҳунармандлар томонидан новвот, лабзина, нуқул, печак, ҳолва, пақлама, паҳлава, нишолда, мураббо, шинни каби ширинликлар мохирона тайёрланган. Қуйида биз уларга алоҳида тўхталамиз.

Лабзина – воҳадаги қандолатчилар томонидан тайёрланган бўлиб, Хива хонлигида ишлаб чиқарилган ўзига хос ширинлик ҳисобланган ва иқтисодий таъминланган оилалар дастурхонига тортилган пистали ҳолва ҳисобланган. Уни тайёрлаш учун қиём тайёрланиб, унинг ярми бир идишга солиниб, ун қўшиб қуюқроқ ҳолга келгунча капгир билан аралаштирилади, сўнгра ёғланган махсус тўртбурчак қолипга солиниб, капгир билан усти текисланади. Қиёмнинг қолган ярми ҳам ун ва қизил ранг қўшиб пиширилади, бу ҳам ўша қолипга оқ қиём устидан солиниб, усти текисланади ва қотгандан сўнг кесиб чиқилади[1].

Нуқул - қандолатчилар томонидан тайёрланадиган ширинлик. Хонликда нуқулнинг бодомдан тайёрланган бодом нуқул[2, 283], ерёнғоқдан тайёрланган мижина нуқул[3, 275-282] каби турлари бўлган.

Хива давлат ҳужжатларида сояки мижана ҳолва[4, 298], ҳолвайтар[5, 297] каби ширинлик турлари ҳам эслатиб ўтилади. Сояки мижана ҳолва ўрик данаги мағзидан тайёрланган. Хива хонлари архивига оид ҳужжатлардан билиш мумкинки, хон саройи дастурхони учун бу ширинликлар доимо харид қилинган ёки буюртма асосида тайёрланган.

Печак [6, 289-301] – ёки адабийчада парварда - қандолатчилар томонидан тайёрланган ширинлик турларидан бири бўлиб, уни ҳунармандлар маҳорат билан ишлаб чиқарганлар.

Ҳолва. Хонликда ҳолванинг турли хиллари тайёрланган. Кунжут ҳолвани тайёрлаш учун қозонда шакардан қиём тайёрланади, қиём қизара бошлагач, унинг қизаришини кесиш учун аччиқ тош қўшилади. Бошқа бир қозонда майдаланган бех (етмак) сувда қайнатилади ва бех сувига учта хом тухум қўшилиб, чилчўп билан яхшилаб урилади (саваланади). Ундан сўнг, тайёрлаб қўйилган қиёмга аралаштирилади ва кунжут қўшиб озроқ қайнатилади. Тайёр бўлгач, товоқларга қуйиб чиқилади ва қотирилади[7].

Кунжут ўрнига ёнғоқ мағзи қўшилган тури хонлик даврида мағиз ҳолва деб аталган. Бироқ ҳозирда ҳолва чиройли кўриниши учун мағиз ҳам, кунжут ҳам сепишади ва ҳаттоки турли хил ранглар билан ҳам безатишади. Ҳолванинг шакли чиройли бўлиши учун қандолатчилар кулолларга айтиб чиройли шакл берилган товоқлар ясатиб олишган ва улар шаклли қолип вазифасини ўтаган. Пақлама - маҳаллий аҳоли томонидан ҳозирги кунда ҳам анъанавий ширинлик сифатида тайёрланади. Бу ширинлик тури, 5-6 зувалача юпқа ёйилган хамир орасига мижана (ўрик данагининг мағзи), писта (ер ёнғоқ), бодом мағзи майдаланиб, шакар билан аралаштириб, хамир қаватлари орасига сепилади, сўнгра сарёғ суртилган товада пиширилади.

Қандолатчилик ҳунари хонликнинг йирик савдо ва ҳунармандчилик маркази ҳисобланган Хива ва Янги Урганч шаҳарларида янада тараққий этган. Тадқиқ этилган давр мобайнида хонликда бошқа ҳунарлар сингари қандолатчилик тараққиёт ҳамда инқироз босқичларини бошдан кечиради. XIX аср ўрталарида мамлакатга чет давлатлардан турли қандолатчилик маҳсулотлари кириб кела бошлаган. XIX асрнинг 70-йилларига оид ҳужжатларда конфут, маҳмалли конфут, фаранги конфут каби ширинликлар номлари учрайди. Улар маҳаллий ҳунармандлар тайёрлаган ширинликларга нисбатан арзон бўлган. Дастурхоннинг кўрки ҳисобланган ширинликлар ва ҳар хил мева-чевалар ва уларнинг қоқлари ҳам кишига завқ ва лаззат бағишлаб келган. Хоразм воҳасининг асосан Хива ҳудудида қандолатпазлар фаолият олиб бориб, улар томонидан нишолда, новвот, бўрқант, ҳолва, кунжутҳолва, сачоқҳолва (пашмак), печак, лавзина, ҳолвайтар тайёрланган. Айрим уста қандолатпазларнинг (хиваликлар уларни ширапазлар деб юритишган) тайёрлаган нишолда ҳаттоки бир йил турса ҳам ўзининг сифатини ўзгартирмаган. Хусусан, хивалик қандолатчи Ортиқ печакчи тайёрлаган ширинликлар шундай ширин ва тотли бўлган эканки, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II уни қандолат махсулотларини тайёрлаш учун саройга таклиф қилган бўлса ҳам, у ўз уйида тайёрлашни лозим кўриб, хоннинг таклифини рад этган экан. Бироқ саройни ўзининг қандолат маҳсулотлари билан таъминлаб турганлигини, Ортиқ печакчининг авлодлари ота оғзидан эшитганликларини таъкидлайдилар[8].

Пешмак – воҳа аҳолиси орасида севиб истеъмол қилинадиган ширинлик тури бўлиб, уни тайёрлаш учун қиём тайёрланган. Бунинг учун бир товоқ шакар, ярим товоқ сув ва бир чой қошиқ жавҳарлимдан[9] тайёрланган. Тайёр қиём ёғланган махсус лагансимон қолипга солинган. Кейин катта қозонга совуқ сув солиниб, ўша сув устига қиёмли лаган авайлаб қўйилган ва айлантирилган. Қиёмни совутиб тахтага (ёғочга) қоқилган катта гулмихга урилган. Гулмихга урилган қиём оппоқ ҳолатга келган. Бошқа қозонда бир товоқ ун иситилиб, махсус супра устига эланган. Иссиқ ун ичига тайёр қиём қўйилиб, ун билан усти ёпилган ва тўрт киши тўрт тарафидан икки қўллаб қиёмни тортишган. Шу ҳолат 10 мартача давом эттирилиб, қиём ҳар айлантирилган вақтда устига ун сепилган. Ун сепилишига сабаб ҳолванинг бир-бирига ёпишиб қолмасдан, соч толасидай бўлишига учундир. Ун иссиқ бўлгани учун қиём қотиб қолмаган ва шунинг учун ун совигунча бу иш тез-тез такрорланган. Пешмакни махсус ҳолвапазлар тайёрлаган, чунки бу иш жуда катта тажриба талаб қилган

[10]. **Нишолда.** Нишолданинг қиёмини тайёрлаш учун мўлжалланган ҳар 10 кг шакарга 3-3,5 литр ҳисобидан сув солинади. Кейин мўлжалланган шакарни олиб, бутунлай эриб кетгунча аралаштириб турган ҳолда қайнатилади. Шакар эриб кетгандан кейин лимон қўшиб, жуда юқори ҳароратда пиширилади. Тайёр қийём майда кўзли элакдан ўтказилади ва 55-60 даражагача совутилади. **Ҳолвайтар.** Эланган буғдой уни қиздирилган ёғда оч жигарранг тусга киргунича қовурилади. Кейин шакар билан сувдан қилинган қиём ёки асал қўшилади. Қуюқлиги суюқ қаймоқ кўринишига киргунча тинмасдан аралаштирилади. **Зулбуа.** Паранг (француз) уни қуйруқ ёғида қовурилади. Унга тухумнинг сариғи ва шакар аралаштирилиб яна бироз қовурилади. Ширинлик қаттиқ ҳолатга келгач, тўртбурчак шаклида кесилиб, совутилган ҳолда истеъмол қилинади. **Новвот.** Уни тайёрлаш Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари каби Хоразм воҳасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, уни тайёрлаш учун махсус қозонларга ип тортиб қўйилган ва қиём солиниб, усти қалин қилиб ёпиб ташланган. Уч-тўрт кундан кейин, новвот тайёр бўлиб, қозон очилган. Ипга терилган чиройли новвотлар “Шоха новот”, пастига оқиб тушиб қотганлари эса “Қирғич новвот” деб номланган. “Шоха новвот” сап-сариқ тиллоранг бўлиб, ялтираб турган ва тўйларда ёки меҳмон келганда дастурхонга қўйилган. “Қирғич новвот” анча арзон баҳоланиб, асосан чойга солиб ичиш учун оила дастурхонига сотиб олинган.

Фотиҳа тўйларда дастурхонга албатта новвот солинади ва бундан мақсад келиннинг тили ширин бўлишлиги ният қилинади. Шунингдек, кўзи ёриган аёллар, қариялар, беморларга дармон бўлсин деб новвот солинган чой берилади. Азалдан асаларичилик билан шуғулланадиган кишилар кўп фойда кўриб даромад қилишган. Чунки асал минг дардга даво ҳисобланиб, имконияти бор ҳар бир хонадон уни сотиб олишга ёки етиштиришга ҳаракат қилган. Барча халқлардаги каби ўзбек хонадонлари дастурхонида асал энг азиз неъмат сифатида қадрланади. Хивалик қандолатчилар шинни пиширишда ҳам моҳир эди. Улар бу маҳсулотни тут, узум, қовун, тарвуз каби мева ва сабзавотлардан тайёрлаганлар. Бунинг учун, тут ёки узум терилиб қозонда қайнатилади. Унга ҳеч нарса қўшилмайди. Бир кун давомида қайнаган тут ёки узум қора рангли қуюқ ўткир таъмли ширинликка айланади. Уни асосан, кўпгина касалликларга шифо сифатида ишлатишади. **Хай-хай.** Бу ширинликни болаларни узоқроқ тинч ухлашлари учун ёши катта аёллар ўйлаб топишган. Уни тайёрлаш учун новвот яхшилаб сўқида тугилади ва элакда эланади. Элакдан ўтган новвот кукунига сарёғ аралаштирилади ва боланинг сўрғичига бироз теккизиб берилади. Бешикда ётган бола ширин сўрғичини шимиб ором олиб ухлайди ва қорни ҳам тўқ ётади. Ҳозирда ёшлар уни тайёрлашда эриниб, кўпроқ пиковитга ўхшаш сиропларга сўрғични ботириб беришади. **Талқон** – қовурилган донни туйиб, шакар билан аралаширилиб тайёрланадиган ширинлик ҳисобланади. Таъбга кўра унга новвот, ёки турли хил писта-мағиз солса ҳам бўлади.

Умуман олганда, ширинликлар ўз номи билан инсонларнинг кундалик турмушидаги энг эсда қоларли кунларида, тўй ва тантаналарида тайёрланади ва истеъмол қилинади. Хусусан, фарзанд туғилганида бешик устидан, бола хатна қилинганда тўшак устидан, келин келганда унинг гўшангаси устидан ширинлик сочилиши, тўйларда ҳам дастурхонларда асосан нон билан ширинликлар бериб алмашилиши замирида ҳаётимиз ширин бўлсин, қудачилигимиз, борди келдимиз ширин бўлсин, фарзандларимизнинг ҳаёти ширин бўлсин деб ният қилинишида. Шу туфайли келган меҳмонларнинг ҳам барчаси сочилган ширинликларни териб олишга ҳаракат қилишади ва бизни ҳам шундай яхши кунларга етказсин деб чиллахоналарда, яъни чиллали уйларда яхши ниятлар, тилаклар қилишади.

Хуллас, эзгулик анъаналари сифатида Хоразм воҳаси аҳолиси орасида ҳам ўзбек дастурхонининг безаги бўлган ширинликлар билан боғлиқ урф-одат ва удумлар сақланиб қолган. Ширинликларни тайёрлаш воҳа аҳолисининг бу борада бой тажриба орттирганликларини ва ҳозирги кунгача улар яхши сақланиб, давом этиб келаётганлигини кўриш мумкин.

## АДАБИЁТЛАР


1. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Хива шаҳар, 2019 йил.
2. Хива давлат ҳужжатлари. 7-дафтар, 6а , 9б, 26а. – Б. 27, 12 а. – Б. 283.
3. Хива давлат ҳужжатлари. 7-дафтар, 6б,11а. – Б. 275, 282.
4. Ўша жойда. 7-дафтар, 23*б*. – Б. 298.
5. Ўша жойда. 7-дафтар, 23*а*. – Б. 297.
6. Хива давлат ҳужжатлари. Т. II. 7-дафтар, 17а, 26а. – Б. 289, 301.
7. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Хива шаҳар, 2019 йил.
8. Дала ёзувлар. Хоразм вилояти, Хива шаҳар, Каптархона маҳалласи, 2019 йил.
9. Лимон сиркаси таъмини берувчи нордон оқ кукун.
10. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Хива тумани, Янгиобод шаҳарчаси, 2019 йил.


*Хорезм ойпатында кондитер өнимлерин ислеп шығарыў ҳәм бул жөнинде қәлиплескен дәстүрлер*


*Маткаримова С.М.*
*Ургенч мәмлекетлик университети*



**Резюме.** Мақалада Хорезм ойпатында кондитер өнимлерин ислеп шығарыў дәстүрлери сөз етиледи, олардың бир қанша түрлерине характеристика берилген, сондай ақ , оларды таярлаў ҳәм тутыныў қабыл етиў менен байланысла үрп-әдетлер ҳаққында мағлыўматлар келтирилген.



**Таяныш сөзлер:** Хорезм тағамлары, тағамлар менен байланыслы мәресимлер, кондитер өнимлери.


*Хоразм воҳасида қандолат махсулотларини ишлаб чиқариш ва бу борада шаклланган анъаналар*


*Урганч давлат университети,*
*Маткаримова С.М.*

**Резюме.** Мақолада Хоразм воҳасида ширинликларни ишлаб чиқариш анъаналари борасида сўз юритилади, уларнинг бир қанча турлари таснифлар берилган, шунингдек уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ урф одатлар ва удумлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** Хоразм таомлари, таомлар билан боғлиқ маросимлар, қандолат махсулотлари.

*Производства сладостей в хорезмском оазисе и традиции их приготовления*

*Маткаримова С.М.*
*Урганчский государственный университет*

**Резюме.** В статье речь идёт о традициях производства сладостей в Хорезмском оазисе, дана характеристике их различных видов, а также представлено описание обычаев, связанных с их приготовлением и употреблением.

**Ключевые слова:** Хорезмские блюда, традиции, касающщего приготовления блюд, сладости.

*Confectionery products in the Khorezm Oasis and formed in connection with this tradition*

*Matkarimova S.M.*
*Urganch state university*

**Summary.** In this article, Uzbekand Khorezm national dishes, the superstitions connected with sweetness, the process of transformation in traditional cuisine of Khorezm have been analised.

**Keywords:** Khorezm dishes, ceremonies the superstitions connected with food, sweetness.

---

# ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Комилов А. Б.**
*Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси Академияси*

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш жараёнини самарали ташкил этишда унинг нафақат қонунчилик асосларини, балки ташкилий асосларини ҳам доимий равишда такомиллаштириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятни ташкилий таъминлаш элементларидан бири сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш соҳасида мувофиқлаштирувчи ёки маслаҳат органларининг ташкил этилиши ҳамда улар фаолиятининг самарали йўлга қўйилишини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бизнингча, бу каби тузилмалар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади." деб, баён этилган конституциявий нормага ҳам тўлақонли мос келади [1]. Давлат ҳаётининг барча жабҳаларида жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнининг фаоллашуви ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш билан узвий боғлиқ саналади [2]. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш, улар олдида турган ва юзага келаётган муаммоларни аниқлаш, уларга ечим топиш, соҳадаги қонунийлик аҳволини таҳлил қилиш, қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш билан шуғулланувчи мувофиқлаштирувчи ёки маслаҳат органлари (*кейинги ўринларда – тадбиркорлик бўйича кенгашлар*) фаолиятида тадбиркорлар иштирокининг таъминланиши давлат органлари ва улар ўртасида узвий ҳамкорликнинг ривожланишига замин яратади. Масалан, Россия Федерациясининг Иқтисодий ривожлантириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамкорлик механизмининг ўзига хос хусусияти шундаки, тадбиркорларнинг ўзлари томонидан таклиф этилган 14 та долзарб фаолият йўналишлари бўйича (*контроль-назорат фаолияти, мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳ.к.*) ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, улар таркибига экспертлар, тадбиркорлар, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари жалб этилган. Ишчи гуруҳлар бизнес юритиш учун мавжуд тўсиқларни ўрганган ҳолда, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишган [3].

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, бу каби ҳамкорликнинг ўзига хос қуйидаги ижобий жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш фойдадан ҳоли бўлмайди, бизнингча: биринчидан, давлат органлари ҳузуридаги тадбиркорлик бўйича кенгашлар (ишчи гуруҳлар) тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ташкилий асос бўлиб хизмат қилади; иккинчидан, давлат ҳокимияти органлари фаолиятида шаффофлик тамойили амалга ошади, давлат бошқарувида жамоатчиликнинг иштироки институтининг аҳамияти ортади; учинчидан, кенгашлар фаолиятида жамоатчилик иштирокининг таъминланиши давлат органлари масъулиятининг кучайишига, улар устидан жамоатчилик назоратининг амалда ўрнатилишига олиб келади, тадбиркорлик ривожига тўсқинлик қилаётган муаммоларга энг мақбул ечим топишга имкон беради, ўзаро тажриба алмашинув, фойдали мунозаралар, маълумот олишнинг қўшимча манбалари ва эксперт баҳоларини олишда қимматли аҳамиятга эга бўлади.

Шу билан бирга, давлат органлари ҳузуридаги тадбиркорлик бўйича кенгашлар фаолиятида қуйидаги камчилик ва нуқсонларнинг юзага келиш эҳтимоли ҳам мавжудки, бу улардан келадиган ижобий натижаларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмаслигини инкор этиб бўлмайди, албатта: биринчидан, ушбу кенгашлар номигагина фаолият кўрсатиши, улар фаолиятида ҳисобот кетидан қувиш каби иллатлар кўзга

ташланиши мумкин; иккинчидан, амалдаги қонунчиликда бу каби кенгашларни ташкил этишнинг аниқ механизми (*айнан қайси давлат органлари ҳузурида ташкил этилиши лозимлиги, улар таркибига фуқаролик жамиятининг қайси институтлари жалб этилиши, кенгашларнинг вазифалари ҳамда ваколатлари ва ҳ.к.*) мавжуд эмаслиги улар фаолиятини ташкил этишда ҳар бир давлат органи томонидан турлича ёндашувларга сабаб бўлади; учинчидан, тадбиркорлик бўйича кенгашлар аҳамиятининг тўлиқ англаб етилмаслик оқибатида, уларга етарли малакага эга бўлмаган ходимларнинг жалб этилишига, ўз навбатида, бу фаолиятнинг сифати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишига олиб келади.

Шунга қарамай, тадбиркорлик бўйича кенгашлардан кутиладиган ижобий натижа салбийларига қараганда нисбатан салмоқлироқ, бизнингча. Фақатгина улар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш келгусида жуда катта салмоқли натижалар беради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар таркибида бундай кенгашлар фаолиятининг йўлга қўйилиши, шубҳасиз, Ўзбекистонда тадбиркорликнинг жадал ривожланишига катта туртки бўлиб хизмат қилади, прокуратура органларининг тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигининг ошишига йўл очади. Таъкидлаш жоизки, сиртдан қараганда, прокуратура органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик механизми тадбиркорлар ва давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигига нисбатан ўхшаш бўлиб кўринса-да, бошқа-бошқа мақсадларни кўзлаши билан фарқланади.

Хусусан, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, давлат ҳокимияти органлари ва тадбиркорлик субъектларининг маслаҳат-консультатив ҳамкорлигининг асосий мақсади тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янгича илғор ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бунда ўзаро муносабат натижаси бизнес ривожланишини рағбатлантирувчи тадбирларнинг қабул қилиниши ҳисобланади. Прокуратура органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги, шу жумладан, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш масалалари бўйича ўзаро муносабатлар бу соҳадаги қонунбузарликларни тезкорлик билан аниқлаш бўйича кучларни бирлаштиришга қаратилган бўлади [2, 154].

– 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли соҳавий ва бошқа ташкилий буйруқларини ўрганиш шуни кўрсатдики, тадбиркорлик соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат йўналиши қонунчилик ижроси устидан назоратнинг долзарб йўналишларидан бири бўлиб келган. Ушбу қонунчилик соҳаси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2017 йилга қадар Ўзбекистон прокуратураси органлари тизимида тадбиркорлик соҳасидаги қонунлар ижросини назорат қилувчи алоҳида таркибий тармоқ мавжуд бўлмаган. Мазкур қонунчилик ижроси турли йилларда дастлаб Бош прокуратуранинг “Умумий назорат бошқармаси”, кейинчалик “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси”, “Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси”, “Иқтисодий қонунчилик ижроси устидан бошқармаси” томонидан назорат қилиб келинди. Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бу масала билан юқоридаги тармоқларнинг қуйи бўлимларидаги бир нафар бўлим (катта) прокурори, туман-шаҳар прокуратураларида эса прокурорларнинг қонунчилик ижроси устидан назорат бўйича соҳавий ўринбосари ва (катта) ёрдамчиси шуғулланиб келди.

Фақатгина, 2017 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сон Фармони [4] қабул қилиниши билан Бош прокуратура таркибида Тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилди. Натижада, қуйи прокуратураларда ҳам бу масалага дахлдор ходимлар штат бирликлари оширилиб, туманлар (шаҳарлар) прокурорларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга масъул ўринбосарлари ҳамда катта ёрдамчилари лавозимлари жорий этилди. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5690-сонли Фармони қабул қилиниши муносабати билан прокуратура органларига хос бўлмаган вазифа ва функцияларни чиқариб ташлаш йўли билан улар фаолиятини оптималлаштириш мақсадида назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш; назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш тўғрисидаги буюртмаларини кўриб чиқади ва уларнинг асослилигини ўрганиш; тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишга розилик бериш ёки рад этиш, шунингдек, уларнинг муддатларини узайтириш ёки кўчириш; тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида ягона ҳисоб ва ҳисобот юритилишини таъминлаш каби ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга берилди [5].

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида эса: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси; туманлар (шаҳарлар) прокурорларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга масъул ўринбосарлари ҳамда катта ёрдамчилари лавозимлари; Ўзбекистон Республикаси Бош

прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими тугатилди.

Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси раҳбарияти томонидан ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш, улар олдидаги тўсиқ ва ғовларни аниқлаб, уларга самарали ечим топиш бўйича прокуратура органларига қатор вазифа ва топшириқлар мунтазам юклатилмоқда. Ўз навбатида, прокуратура органлари томонидан ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан доимий назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида мазкур қонунчилик ижроси борасида ўтказилган 91 та назорат тадбирларида 400 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Натижада 2800 дан ортиқ шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланган.

Мазкур кенгашлар фаолияти жамоатчилик асосида йўлга қўйилиб, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини тўлиқ қамраб олиш тамойилидан келиб чиқиши лозим. Уларнинг таркибига прокуратура органларида фаолият кўрсатувчи тажрибали, таҳлилий фикрлаш ва муаммони кўра билиш ҳамда унга ечим бериш қобилиятига эга ходимлардан ташқари, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилувчи уюшма ва жамоат бирлашмалари (“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, “Ҳунарманд” уюшмаси ва бошқалар), жамоатчилик фикрини ўрганишга ихтисослашган ташкилотлар (“Ижтимоий фикр” жамоатчилик Маркази ва ҳ.к.), тадбиркорлар, блогерлар, ҳуқуқ ҳимоячилари, мутахассис-экспертлар, илм-фан арбоблари жалб этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда, кенгашлар таркибига илғор фикрловчи, мавжуд муаммоларни яхши биладиган тадбиркорларни кўпроқ киритиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Кенгашлар ўз фаолиятида: тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида қонунийлик аҳволини тизимли таҳлил қилишга; соҳада қонунийлик аҳволига доир статистик, тезкор ва бошқа маълумотларни ваколатли давлат идоралари, оммавий ахборот ваоситалари, интернет сайтлари ва бошқа манбалардан йиғишга, шунинг бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ахборот алмашинувини йўлга қўйишга; тадбиркорлар олдида юзага келаётган муаммолар, соҳада олиб борилаётган ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган омиллар ва тизимли камчиликларни, биринчи навбатда, ҳудудларда аниқлашга (*зарур ҳолларда қонунда белгиланган ваколатлардан фойдаланиб, мутахассис ва экспертларни жалб қилган ҳолда*); тадбиркорлар муаммоларига реал ечим топишга, уларни бартараф этиш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга; мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, шу жумладан, бюрократик ғовларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмурчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этишга; ижтимоий сўровлар ўтказиш, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг бошқа усулларини қўллаш орқали Ўзбекистонда тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида яратилаётган шарт-шароит, муҳит; бу борада ишлаб чиқилган дастур ва “йўл харита”ларида белгиланган тадбирларнинг амалда бажарилаётганлиги, соҳага мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисида тадбиркорлар ва кенг жамоатчиликнинг ҳаққоний баҳосини олишга, бу ҳақда таҳлилий маълумотномалар тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукмат эътиборига етказишга; мазкур соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва киритишга; тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шу мақсадда профилактика, жамоатчилик назорати, қонунчилик нормаларини етказиш ва тушунтиришнинг таъсирчан механизмларидан кенг фойдаланишни ташкил этишга; энг муҳими, тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати аҳволини таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш, прокуратура органлари олдида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ва назорат самарадорлигини оширишга, бу борада долзарб масалаларни Бош прокуратура ҳайъати муҳокамасига киритиш ва ҳ.к.ларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим бўлади.

Асосийси, мазкур кенгашлар ўз олдига қўйган мақсаддан четлашмай, номигагина фаолият кўрсатиш, белгиланган чора-тадбирларни ҳисоботлардагина бажариш каби салбий ҳолатларга йўл қўймасликлари шарт. Чунки, бу ҳолатда улар ўз аҳамиятини йўқотиб, амалда ишламайдиган, фойдасиз тузилмалар қаторини тўлдиришдан бошқасига ярамай қоладилар. Хориж тажрибасини ўрганиш шундан далолат бермоқдаки, МДҲ ҳудудидаги мамлакатлар прокуратураларида жамоатчилик кенгашлари имкониятларидан фойдаланиш амалиёти нисбатан олдинроқ йўлга қўйилган.

Масалан, Россия Федерацияси Бош прокуратурси ҳузурида 2008 йилнинг июль ойида кичик ва ўрта бизнесни ҳимоялаш бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолияти йўлга қўйилган. Кейинчалик бу каби кенгашлар қуйи турувчи прокуратура органларида ҳам ташкил этилган. Прокуратура органлари томонидан мазкур кенгашлар имкониятидан назорат тадбирларини режалаштириш, прокурорлар томонидан нисбатан юқори эътибор қаратилиши талаб этиладиган долзарб муаммоларни аниқлашда фаол фойдаланиб келинмоқда [2].

Шу каби тажрибани Қозоғистон Республикаси прокуратураси органлари мисолида ҳам кўриш мумкин бўлиб, тадбиркорлик соҳасидаги долзарб ва муҳим масалалар прокуратура ходимлари ва тадбиркорларнинг жамоат бирлашмалари вакилларидан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳлар мажлисларида мунтазам муҳокама этиб борилади [6].

Юқорида баён этилган барча фикрларни жамлаган ҳолда, қуйидагиларни якуний хулосалар сифатида илгари суриш мумкин: биринчидан; тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш жараён сифатида нафақат юридик

асосларни, шу билан бирга, унинг ташкилий асосларини ҳам такомиллаштиришни тақозо этади. Тадбиркорларни янада фаол қўллаб-кувватлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида тадбиркорлар жамиятлари иштирокида жамоатчилик асосда фаолият юритувчи маслаҳат кенгашларининг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган жамоатчилик назорати институтининг ривожланишига кенг йўл очади; иккинчидан, юқорида таъкидланган маслаҳат Кенгашлари фаолиятида тадбиркорларнинг бевосита иштироки таъминланиши давлат органлари ва тадбиркорлик ўртасида узвий ҳамкорликнинг ривожланишига олиб келади; учинчидан, прокуратура органларида тадбиркорлик соҳасида қонунчилик ижросини назорат қилувчи алоҳида таркибий тузилма ва штат бирликлари тугатилган бўлишига қарамай, бу борада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар таркибида Тадбиркорлик бўйича маслаҳат кенгашлари фаолиятини йўлга қўйишга зарурат юзага келди; тўртинчидан, бизнингча, маслаҳат Кенгашларининг тузилиши прокуратура органларининг тадбиркорлик соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигининг ошишига кўмаклашади. Шу билан бирга, мазкур институт давлат ҳокимияти органлари ва тадбиркорлар ҳамкорлигини амалга ошириш шаклидан ўз олдига қўйган мақсади билан фарқланади. Муҳими, мазкур кенгашлар фаолиятларида асосий мақсаддан четлашиш, ҳисобот учун иш кўриш, номигагина фаолият кўрсатишдан қочишлари даркор; бешинчидан, чет мамлакатлар прокуратура органларида (Россия Федерацияси, Қозоғистон) юқорида қайд этилган ҳамкорлик самарали ва олдинроқ йўлга қўйилган. Айниқса, прокуратура органлари кенгашлар имкониятидан прокурор назорати тадбирларини режалаштириш, прокурорлардан алоҳида эътибор қаратишни талаб этадиган муаммоларни аниқлаш, уларни биргаликда муҳокама этиш ва бартараф этиш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишда фаол фойдаланиб келмоқдалар.

**АДАБИЁТЛАР**


1. http://lex.uz/docs/20596. Мурожаат этилган сана 12.07.2019. (Date of the application July 12, 2019)
2. Чубенко И.С. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере оказания поддержки субъектам малого и среднего предпринимательства: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2013. – 52 С
3. Фурман Т.Ю. Совершенствование контрольно-надзорной деятельности государственных органов // Закон и право, 2018, № 11. – С 45-48
4. http://lex.uz/docs/3177796. Мурожаат этилган сана 12.07.2019. (Date of the application July 12, 2019)
5. http://lex.uz/docs/4242834. Мурожаат этилган сана 12.07.2019. (Date of the application July 12, 2019)
6. https://vuzlit.ru/1368973/mezhdunarodnyy_opyt_zaschity_prav_predprinimateley/ Мурожаат этилган сана 11.07.2019 й. (Date of the application July 12, 2019).


*Прокуратура органларида тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ташкилий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари*

*Комилов А Б.*
*Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси Академияси*

**Резюме.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ташкилий асосларини такомиллаштиришга бўлган зарурат, чет мамлакатлар прокуратуралари ҳузуридаги тадбиркорларни ҳимоялаш бўйича жамоатчилик кенгашларининг аҳамияти ёритилган.

**Таянч сўзлар:** прокуратура органлари, ташкилий асос, прокурор назорати, жамоатчилик кенгашлари.

*Некоторые вопросы развития институциональных основ защиты субъектов предпринимательства в органах прокуратуры*

*Комилов А. Б.*
*Академия генеральной прокуратуры Республики Узбекистан*

**Резюме.** В статье обосновывается необходимость развития институциональных основ по защите субъектов предпринимательства в органах прокуратуры Республики Узбекистан, а также значение общественных советов по защите предпринимателей при прокуратурах зарубежных стран.

**Ключевые слова:** органы прокуратуры, институциональная основа, прокурорский надзор, общественные советы.

*Some issues of the development of the institutional framework in the prosecution authorities for the protection of business entities*

*Komilov A. B.*
*General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan*

**Summary.** This article highlights the need to develop the institutional framework in the prosecution authorities for the protection of business entities in the Republic of Uzbekistan, as well as the importance of public councils for the protection of entrepreneurs at prosecutor's offices in foreign countries.

**Key words:** prosecution bodies, institutional framework, prosecutorial supervision, public councils

---

# МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА ЛОМБАРДЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**Мадумаров Т.Т.**
*Андижон давлат университети*

Дастлабки ломбардларнинг ўзига хослиги шунда бўлганки, улар черков иштироки ёки таъсирида ташкил этилган ва шу сабабли ҳам хайрия тусига эга бўлган. Ломбардлар фаолиятининг белгиси сифатида сақлаш ва

жавобгарлик, қайтариб олинмаган гаров нарсаларини сақлаб туриш ва савдога қўйиш билан шуғуллануви махсус ташкилотнинг амал қилиш ва барча учун бир хилдаги қарз бериш шартларининг белгиланиши ҳисобланади. Биринчи ломбардларнинг вужудга келиши, ушбу сўзнинг замонавий маъносида 1462 йилда Италиянинг Перуджа шаҳрида мол-мулк гарови эвазига пулни қарзга берувчи молиявий муассасанинг ташкил этилиши ва барқарор фаолият юриши билан боғлиқ. Ушбу муассаса француз монахи Барнабе де Терни томонидан таъсис этилган. Саррофларнинг найрангларига қаршилик қилиш мақсадида у хайрия тусидаги банк қурилиши учун маблағ тўплашни ташкил қилади. Ушбу таклиф муваффаққиятга эришади ва тўпланган пул асосида "Монт-ди-Пиета" деб номланадиган фоизсиз қарз берувчи бюро очилади. Орадан бир оз вақт ўтгач Италиянинг Савой Манту ва Флоренция каби ҳудудларида черковларнинг саъй-ҳаракати натижасида фоизсиз кичик қарз берувчи шунга ўхшаш ижтимоий муассасалар очилади. XV аср охирларида франциск монахлари томонидан Италиянинг деярли барча ҳудудларида "монт ди пиета" очилади ва ушбу ном шу турдаги фаолият учун умумқабул қилинган атамага айланади. Бунда мазкур тузилмаларни сақлаб туриш харажатлари учун кичик фоиз (йиллик 6%) белгиланади.

Бошқа мамлакатларда эса ломбард ташкилотларининг очилиши аҳолининг турли қатламлари томонидан қарама-қаршиликка учраган. Агар герман давлатида 1492 йилда ташкил топган бўлса, европанинг бошқа мамлакатларида эса ломбард ташкил этиш бўйича мунозаралар Латеран собори (1512-1517 йй.)га қадар давом этганки, ушбу собор (йиғин)да "монт ди пиета"га рухсат берилгани ҳолда папа томонидан қуйидаги писанда назарда тутилади "олинадиган дивидендлар маъмурият ва ишни юритиш харажатларидан ошмаслиги" лозим.

Ўн саккизинчи асрдаёқ Голландия, Бельгия ва Испанияда давлат ва муницил ломбардлар кенг қулоч ёзган.

Россияда эса дастлабки ломбард пунктлари император Анна Иоанновна даврида юзага келган ва бунда олтин ва кумуш буюмлар гарови эвазига улар қийматининг ¼ миқдорида йиллик 8 % устама билан қарз берилган [1].

Эътироф этиш зарурки, "ломбард" атамаси ижтимоий кредит бюроларининг умумий номи сифатида Франция вужудга келган. Ушбу мамлакатда ижтимоий кредит бюролари фаолияти қонуний тус олишига юз эллик йил қаршилик қилинган бўлишига қарамасдан, "ломбард" атамаси ҳали ўн бешинчи асрнинг бошлариданоқ қўлланила бошлаган. Гарчи "ломбард" атамаси дунёнинг бошқа мамлакатларида тарқалмаган бўлса-да, ўн тўққизинчи аср Россиясида барча француз нарсалари каби урфга айланган ва қимматли мол-мулк гарови эвазига қисқа муддатли қарзнинг умумий номи сифатида кенг ёйилган ва айтиш мумкинки, Россия томонидан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида босиб олинганидан сўнг ушбу атама йигирманчи асрнинг бошларидан Ўзбекистонда ҳам қўлланила бошлаган.

"Ломбард" сўзи тижорат корхонасининг кенг тарқалган номи сифатида юзага келган. Бунда Ломбарди оиласи (ушбу фамилия мазкур оиланинг туғилган жойи Италиянинг Ломбардия вилояти номидан олинган ) дастлаб Франция, кейинчалик Англияда "Лобарди уйи" номли ссуда-қарз бюросини очади ва муваффаққиятли фаолият олиб бориши натижасида Европанинг кўплаб мамлакатларида шундай корхоналарининг ўнлаб тармоғини ташкил этади. Ўша пайтларда ҳаттоки қироллик оилалари ҳам Ломбарди уйининг мижозларига айланишганлиги ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Хусусан, Англия қироли Эдуард учинчи ушбу уйнинг мижози саналган. Испания қироличаси Изабелла эса Колумбнинг Америкага саёҳатини молиялаштириш учун ўзининг бриллиант тақинчоғини ломбардга гаровга қўйган.

Хива хонлигида бўлган Ҳерман Вамбери (1863 йил) хотираларида ҳам хонликдаги тўқимачилик, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалари тўғрисида маълумотлар учрайди. Унинг ёзишича, хонликдаги ажойиб шаҳарлардан Хива пойтахт, Кўҳна-Урганч ва Янги Урганч ҳунармандчилик ва ишлаб чиқариш марказлари ҳисобланган. Хива хонлиги ерлари ҳосилдорли бўлиб, у жойларда ажойиб дон ва нон экинлари, Гурланда мазали гуручлар, Янги Урганч ва Шоватда ажойиб ипаклар, пахта, руан – қизил буёқ олишда ишлатиладиган ўсимлик етиштирилади [6, 151]. Ўрта Осиёда Хива тўқимачилик маҳсулотлари орасида Урганч чопони машҳур бўлган, улар йўл-йўл шаклда, икки ранг ва икки ҳил материал, яъни ипак ёки жундан, баъзан иккаласи аралашмасидан тайёрланган [6, 151]. Ҳирот ва унинг атрофида Хива (Урганч-Т.Б.Қ.) чопонларига талаб катта бўлиб, қиммат нархларда сотилган, ушбу маҳсулот у ерга Бухоро орқали олиб борилган. Хоразм тўқимачилик маҳсулотларидан Тошҳовуз полотноси (газлама тури, баъзан ипакдан тайёрланган) ҳам машҳур бўлган [6, 151]. Хоразмда тўқиладиган газламалар ичида олача (бўялган ипдан тўқилган йўл-йўл ип газлама) машҳур бўлган. Айниқса, Хива шаҳрида бу газламани тўқиш кенг русум бўлган. Гувоҳлардан бирининг маълумотларига кўра, "Мен кўрган Хива газламалари йўл-йўл ёки бир хил рангда эди"- деб ёзган [5,-Б.77]. Олачалар асосан пахта ипидан, баъзан ипакда тўқилган. Газлама ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ соҳаларидан бири бўёқчилик эди. Турли хил газлама тайёрлаш жараёни бўёқчилик билан боғлиқ бўлиб, матолар махсус устахоналар ёки ҳунармандларнинг уйларида бўялар эди. Одамлар ёши ва жинсига қараб ранг танлашган ва ўша бўзлардан турли хил кийимлар тикишган.

XIX асрга оид Хива давлат ҳужжатларда кўрсатилишича, биргина Хива шаҳрида 60 нафар бўёқчи, Чимбой шаҳрида 32 та дўконда, Шўрахон участкасида 7 буёқчилик устахонаси фаолият кўрсатган [4,138-139]. Буёқчилик ва бўёқ тайёрлаш ҳам бир санъат бўлиб, улар асосан ранг беришда маҳаллий табиий воситалардан кенг фойдаланганлар. Қизил ранг - рўяндан, сариқ ранг - испаракдан тут дарахтида ўсувчи пўпакдан сарғимтир барг ранг, қора ранг - гулхайридан олганлар. Буёқчилар гули - маҳсарни қайнатиб пушти ранг тайёрлаганлар. Қирмиз ранг буёқни тайёрлаш анча машаққатли жараён ҳисобланган. Чунки у "қирмис" деб аталувчи ҳашоратдан олинар эди. Шунингдек, буёқчилар турли мамлакатлардан келтирилган — шамшид дарахти буёқидан, "чуб-и бакам", нил буёғи— индиго ва бошқалардан кенг фойдаланганлар. XIX аср охирида Амударё бўлими Шўрахон участкасида жами 3 та пахта тозаловчи устахона, 7 та газламаларга ранг берувчи устахона ва 2 пахта тозалаш заводи фаолият кўрсатган. Буёқчилар нафақат газлама ва ипларни бўяшда, балки ҳунармандчиликнинг бошқа соҳаларида — кўнчилик, қоғоз ишлаб чиқариш, қўлёзма китобларни безаш, сиёҳлар тайёрлашда соҳаларига ҳам хизмат кўрсатишган.

Афтидан, бу даврда хонликнинг деярли барча шаҳарларида бўёқчилик касби мавжуд бўлган. Бўёқчилар шаҳар атрофидаги маҳаллий аҳоли томонидан тайёрланган бўзларни бўёқлаб, уни силлиқлаш ва текислаш учун моретош (тош дазмол) босиб берувчи касб-ҳунар эгалари бўлишган. Улар маълум бир рангда бўзни иссиқ сувда қайнатишгандан сўнг моретош билан билан ишқалашган. Бундан сўнг бўзнинг туклари ётиб, бўздаги кичкина кўзчалар ёпилган ва одам танасига силлиқ, юмшоқ тегадиган матога айланган. Хоразмда матолар ва кийим-кечакларга ишлов беришда бундай моретош (дазмол)лардан фойдаланиш ўрта асрлардан то XX аср 30-йилларига қадар давом этган. Сўнгги ўрта асрларда "моречи"лар касб сифатида фаолият кўрсатган. Хивада XX аср бошларида наққош, буёқчи, тўқимачи каби ҳунармандлар қаторида алоҳида "моречи"лар маҳаллалари бўлган. Моретош (дазмол)лар тош, шиша ва темирдан тайёрланган. Бундай кийим-кечак ва матоларга дазмол босувчи "моретош" ускунаси XX асрнинг 80-йилларига қадар Қорақалпоқстон Республикаси Кегейли тумани Халқабод посёлкасидаги хонадонлардан бирида сақланган. Хива хонлигидаги ҳунарманмандчилик саноати савдосида яқин атрофдаги кўчманчи халқлар ва ярим кўчманчиларига аталган буюмлар алоҳида ўринда турарди. Улар асосан арзон нархли бўз ва бошқа матоларни, металл асбоблар, пойабзални хонлик бозорларидан харид килишарди.

XIX асрда Хивадан 1000-2000 туядан ташкил топган катта савдо карвонлари Россиянинг Оренгбург ва Астрахан шаҳарларига боришган. Савдо карвонлари бу шаҳарларга пахта, ипак, тери, нўғой ва татар халатлари ва мевалар олиб боришган [6,-Б.151]. У ерлардан чўян қозонлар ёки чўян идишлар, темир, мовут, қанд, курол-аслаҳалар, хотин-қизларга турли хил кийим-кечаклар, чит, газлама ва бошқада майда чуйдалар олиб келишган.

Афтидан, XIX аср сўнгги чорагида Россия ва Бухоро хонлигидан кўпроқ газлама турлари келтириш бошланган. Архив ҳужжатларида, 1872 йили октябр ойида Россиядан Хивага биргина Хўжаниёз қозоқнинг ўзи 18 тойда 427 тўп чит, 47 тўп фаранг чит, 37 тўп қора чит, 30 тўп чит тик, 60 дона рўхса гулноз калта рўмол келтирган [3,-Б.69]. Бу даврда Бухородан Хивага газлама, кўрфа, темир ва тамака маҳсулотлари ҳам олиб келинган. 1872 йил март-апрель ойларида "Қўнғиротли ва Чимбойли" бухорчи савдогарлар Юсуф Хитой бир той кўрфа (кўрпа), Қўлмуҳаммад қозоқ бир той[3] кўрфа, Хўжа элидан Охунджон икки ланча[4] кўрфа билан газлама матолар – олиб келишганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд [3,67-69].

---

[3] Той – бир той тахминан 40 кг дан 70 кг гача бўлган юк.

[4] Лангча –сават шаклида ишланган идиш. У от, эшак, туяларда юк ташиш учун ишлатилган.

Кўриниб турибдики, бу даврда Хива хонлигида маълум даражадаги қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо матолар қўшни давлатлардан олиб келинган бўлса, бир қисми маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган. Демак, сўнгги ўрта асрда Хоразмда тўқимачилик нафақат уй ҳунармандчилиги сифатида, балки шаҳарларда бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳаси сифатида ҳам фаолият кўрсатган. Матолар асосан пахта толасидан, ипак ва ярим ипакдан ишлаб чиқарилган. Тўқувчилар маҳсулот ишлаб чиқарган турига қараб, бўзчи, читгар, алача, атласчи (шойи), бахмалчи каби касбларга ажралган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан Хива хонлигидаги сиёсий курашлар ва иқтисодий қолоқлик натижасида хунармандчилик ва савдо-сотиқ инқирозга юз тута бошлади. Ўша даврлардан Хива хонлигида аввалги даврларга нисбатан тўқимачилик саноати бироз инқирозга учраб хом пахта ва калава ип етказиб бериш манбаига айланиш жараёни кучайади. Эндиликда Россиянинг ривожланиб бораётган ип-газлама саноати учун Хива хонлиги муҳим хом ашё бозорига айланиб бормокда эди.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк. – Тошкент, “Чўлпон”, 1992.
2. Гуломов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII- первой половине XIX века. –Ташкент, «Фан».2005.
3. Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан. –Тошкент, «Фан», 1986.
4. Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. –М.; 1940.
5. Калмыков А. Хива//Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. – Том.12. –Ташкент, 1908.
6. Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и ученых (20-80-е годы XIX в.). - Ташкент. «Фан» 1990.
7. Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. –М-Л.: Изд. АН. 1932.
8. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 гг. Гладышев и Муравин. -СПб., 1851 // Туркестанский сборник. Том. 343.
9. Рычков П.И. История Оренбургская (1730-1750). Издание Оренбурского статистического комитета. –Оренбург, 1896.
10. Турганов Б. Хоразмнинг ўрта асрлардаги тўқимачилик ҳунармандчилиги // Материалы XII конференция молодых ученых Каракалпакстана. –Нукус. 2012.
11. Хива минг гумбаз шаҳри.-Тошкент. Фан. 2006.
12. XIX аср Хива давлат ҳужжатлари.II жилд. –Тошкент. «Фан», 1960.


*Хорезмниң соңғы орта әсирлердеги трқымашылық өнерментшилиги*

*[1]Турганов Б. К., [2]Сейфуллаев А. С.*
*[1]Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти.*
*[2]Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали*

**Резюме.** Мақалада жазба дереклер тийкарында соңғы орта әсирлердеги Хорезмниң тоқимашылық өнерментшилиги үйренилген. Бул дәўирде гезлемелер тийкарынан пахта талшығынан, жипек ҳәм ярым жипектен таярланғаны, XIX әсир екинши ярымынан тоқымашылық тараўы бираз кризисге ушырап, гезлемелерди Россия ҳәм Бухарадан келтириў күшейгенлиги айтылады.

**Таяныш сөзлер:** өнерментшилик, тоқимашылық, жазба дереклер, елшилер, саяхатшилар, гезлема, пахта, жипек, боз, шит, алаша, махпал, бояшылық, сыртқы саўда.

*Хоразмнинг сўнгги ўрта асрлардаги тўқимачилик ҳунармандчилиги*

*[1]Турганов Б. К., [2]Сейфуллаев А. С.*
*[1]Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти.*
*[2]Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали*

**Резюме.** Мақолада ёзма манбалар асосида сўнги ўрта асрлардаги Хоразмнинг тўқувчилик ҳунармандчилиги ўрганилган. Бу даврда матолар асосан пахта толасидан, ипак ва ярим ипакдан ишлаб чиқарилган. XIX аср иккинчи ярмидан тўқимачилик саҳоси бироз инқирозга учраб қимматбаҳо газламаларни Россия ва Бухородан келтириш жараёни кучайади.

**Таянч сўзлар:** ҳунармандчилик, тўқимачилик, ёзма манбалар, элчилар, саёҳатчилар, газлама, пахта, ипак, бўз, чит, олача, бахмал, бўёқчилик, ташқи савдо.

*Ткаческое ремесло хорезма в позднем средневековое*

*[1]Турганов Б.К., [2]Сейфуллаев А.С.*
*[1]Нукусский государственный педагогический институт имена Ажинияза,*
*[2]Нукусский филиал Ташкентский государственный аграрный университет*

**Резюме.** В статье на основе писменных источников изучено развитие ткацкого ремесла Хорезма позднего средневековья. В этот период ткани изготовливались из хлопка, шелка и шерста. В ткацком ремесле в Хивинском ханстве широко производились ткани боз, чит, алача (полосатая хлопкловая или полушёлковая ткань). Во второй половине XIX века текстильная промышленность приходит в упадок и увелечлся импорт драгоценных тканей из России и Бухары.

**Ключовой слова:** ремесло, ткацкого ремесла, писменные источники, посолы, путешественники, ткани, хлопок, шелк, боз, чит, бархат, полушелковые ткани, бўёқчилик, внешней торговля.

*The handicraftsman of textile in last middle ages in khoresm*

*[1]Turganov B. K., [2]Seyfullaev A. S.*
[1] Nukus pedagogical institute named after Ajiniyaz.
*[2]Nukus branch of Tashkent state Agrarian University.*

**Summary.** The article deals with weaving in Khorezm in the late Middle Ages. During that time the fabric was mainly made of cotton, silk and semi-silk. The fabric was mainly made of cotton, canvas, linen in great amount in the Khanate . From the second half of the XIX-th century, the process of importing fabrics from Russia and Bukhara increased after weaving had faced with a crisis.

**Key words:** Khorezm, handicraft, weaving, written sources, ambassadors, travelers, fabric, cotton, silk, canvas, linen, velvet, semi-silk fabrics, dyeing, foreign trade.

---

## ЖЫНАЯТ ПРОЦЕСИНДЕ ЖАРАСЫЎ ҲАҚҚЫНДА ИСЛЕРДИ АЛЫП БАРЫЎДА АДВОКАТ ЖӘНЕ МЕДИАЦИЯ ТӘРТИБИ

**Матжанов И.**

*Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

Әдалатлы пуқаралық жәмийетиниң, ҳуқықый мәмлекеттиң ең әҳмийетли белгилеринен бири – адвокатураға, оның искерлигине үлкен ҳүрмет тийкарында мүнәсибетте болыўы саналады. Мәмлекетимизде алып барылып атырған суд-ҳуқық реформалары процесинде адвокатураға берилип атырған айрықша итибар елимизде инсан ҳуқықларын қорғаўға қарата мүнәсибетлердиң раўажланып атырғанлығынан дерек береди [1, 117]. Инсан ҳуқық ҳәм мәплерин қорғаў ўазыйпасын атқарыўшы адвокатура институтын раўажландырыў, оның жәмийет өмиринде тутқан орны ҳәм ролин асырыў мәмлекетимизде әмелге асырылып атырған суд-ҳуқық реформаларының үстин бағдарларынан бири сыпатында айтып өтилип, оның ҳуқықый тийкарлары жаратылды ҳәм жетилистирип барылмақта [2, 13]. 1996-жыл 27-декабрде «Адвокатура ҳаққында», соңынан 1998-жыл 25-декабрде «Адвокатлық искерликтиң кепилликлери ҳәм адвокатларды социаллық қорғаў ҳаққында» Нызамларының ҳәмде Өзбекстан Республикасы Президентиниң 2008-жыл 1-майдағы «Өзбекстан Республикасында адвокатура институтын жәнe де реформалаў ис-илажлары ҳаққында» Пәрманының қабыл етилиўи суд-ҳуқық системасын жәнe де либералластырыў, пуқаралардың тергеў ҳәм суд исиниң ҳәр қандай басқышында қәнигели юридикалық жәрдем алыў ҳуқықын беккемлейтуғын конституциялық норманы әмелге асырыў, адвокатураның ғәрезсизлигин тәмийинлеў, оны жоқары қәнигели кадрлар менен толтырыў, адвокатлардың ғәрезсизлиги кепилликлерин күшейттириў, адвокатлық кәсибиниң абыройын асырыўға унамлы тәсир етти. Сондай-ақ, 2018-жыл 12-майда Өзбекстан Республикасы Президентиниң «Адвокатура институты нәтийжелилигин түптен жоқарылатыў ҳәм адвокатлардың ғәрезсизлигин кеңейтиў ис-илажлары ҳаққында» Пәрманының қабыл етилиўи де тараўда әмелге асырылып атырған ҳуқықый реформалардағы үлкен қәдем болды. Бул ҳүжжет адвокатура институты искерлигин жәнe де раўажландырыў ҳәм оны жетилистириў, адвокатлыққа талабан шахслардың қәнигелигине қарата қойылып атырған ҳуқықый талаплардың жетилистирилиўинде әҳмийетли орын ийелейди. Сол тийкарда, жынаят процесинде, анықрағы жарасыў ҳаққындағы ислерди жүритиўде адвокаттың қатнасыўы тәреплердиң мәплерин қорғаўда тийкарғы роль ойнаўы мүмкин.

Жарасыў ҳаққындағы ислерди жүритиўде қорғаўшы қатнасын тәмийинлеў жынаят исин әдил, қалыс ҳәм ҳақыйқый дәлиллер тийкарында шешиўде әҳмийетли саналады. Адвокаттың бул ҳәрекетлерди әмелге асырыўдағы орны оның әдеттеги әдил судлаў процесслериндеги қатнасынан түптен парық қылады. Қорғаўшы дәслеп өз қорғаўы астындағы шахс жынайый қылмысты ҳақыйқаттан ислегенлигин анықлаўы лазым. Егер шахстың жынаят ислемегенлиги ҳаққында қосымша дәлиллерге ийе болса, усы дәлиллерди сорастырыўшы, тергеўши яки судқа усыныўы жәнe қорғаўы астындағы шахс натуўры жынайый жуўапкершиликке тартылыўының алдын алыў ушын бәрше шараларды көриўи лазым. Бирақ жарасыўшылық ҳаққындағы ислерде ол өз қорғаўындағы шахстың айыпкер екенлигин билсе, оны өз айыбын тән алыўды түсиндиреди, себеби бунда жәбирлениўши менен жарасыў келисимин дүзиў жеңиллеседи. Қорғаўшы болса бул шәраятта айыпланыўшыны айыбына ықрар болыўды усыныў менен бир қатарда, жәбирлениўшиге қорғаўы астындағы шахстың өз қылмысынан пушайманлығын, жеткизилген материаллық ҳәм руўхый зыянды толық қаплаўға таярлығын қалыс түсиндириўи керек.

Материаллық ҳәм руўхый зыянның қапланыўы – жарасыў келисимин дүзиўдиң тийкарғы шәртлеринен бири. Бул ҳәрекетлердиң айыпланыўшы яки судланыўшы тәрепинен орынланыўы айыплаў тәрепи менен қорғаўдың жақынласыўына ҳәм келисимниң дүзилиўине унамлы тәсир етеди. Зыянды қаплаў түрли формаларда, атап айтқанда, нақ пул көринисинде болыўы мүмкин. Қапланған зыян муғдары жынаятты ислеген шахс көз-қарасынан емес, бәлки жәбирлениўши көз-қарасынан жетерлише болыўы керек. Қорғаўшы бул орында айыпланыўшыға зыянды қапламаслық ақыбетлерин түсиндириў, егер жарасыў келисими дүзилмесе, оның нызамда белгиленген жазаға тартылыўы мүмкинлигин түсиндириўи лазым. Буннан тысқары, қорғаўшы жәбирлениўшиге жеткизилген материаллық зыян муғдарын анықлаўда да қатнасып, анықланған сумма ҳақыйқатқа туўры келиўин, егер бул сумма жасалма тәризде жүдә жоқары көрсетилген болса, оны азайтыў жолларын излеўи керек. Жарасыў ҳаққындағы ислерде қорғаўшы қатнасының қәсийетлерин жоқарыдағыларға тийкарланып, төмендегише түсиндириў мүмкин: тәреплерге жарасыў мәнисин түсиндириў; жарасыў ҳаққында дәслепки сөйлесиўлерди нызамлы тийкарда шөлкемлестириў; жарасыў жағдайлары бар болғанда, бунық нызамлы ақыбетлерин жәбирлениўшиге өз қорғаўы астындағы шахс атынан түсиндириўлер бериў; қорғаўшы сыпатында жынаят исине тийкарлы жантасыў; жарасыў ҳаққында мүрәжат етиўдиң нызамлы тийкарларын тәреплерге түсиндириў; жарасыў келисиминиң қатнасыўшысы сыпатында тәреплердиң ҳуқық ҳәм мәплерин қорғаў; жарасыўды жүзеге келтириўши тийкарларды тәреплерге түсиндириў ҳәм көрсетпелер бериў.

Адвокат айыпланыўшы яки судланыўшыны қорғағанда ҳәрекетлери бир ўақыттың өзинде бир-бирине тығыз байланыслы болған үш мәселени шешиўге бағдарланыўы лазым: биринштиден, айыпланыўшыға ис оның

жеке мәплери жолында жүритилип атырғанлығын түсиндириў; екиншиден, жарасыў ислери айыпланыўшы яки судланыўшының мәплерине хызмет етиўин түсиндириў; үшиншиден, процессуал нормаларға қатаң әмел қылған ҳалда ис жүритиў. Әлбетте, көрсетип өтилген процессуал қагыйдалардың толық орынланыўы адвокаттың қорғаўшы сыпатында жарасыў ҳаққындағы ислерди жүритиўде профессионал нәтийжелерге ерисиўине жәрдем береди. Сол тийкарда, елимиздиң пуқаралық-процессуал нызамшылығына жаңадан киритилип атырған медиация институтында талқылаў мақсетке муўапық. Себеби медиация институты өзиниң процессуал қағыйдалары бойынша жарасыў ҳаққындағы ислерди жүритиў қағыйдаларына бираз жақын.

Медиация – (латынша *mediator*) еки тәреп ортасында келистириўши ўазыйпасын атқарыў искерлиги. Бул ҳуқықый институт ҳәзирги дәўирде дерлик көпшилик мәмлекетлерде әмелде. Оның тарийхы Вавилон, Әййемги Греция ҳәм Әййемги Римге барып тақалады. Рим ҳуқықында б.э. VI-әсирлеринде Юстиниан кодекслери бойынша өз-ара даўласып атырған шахслар ушын дәлдәлшы хызмети нәзерде тутылған. Оларға айырықша ҳүрмет билдирилип, қәўим ақсақаллары ҳәм жрецлер менен тең көрилген. Ҳәзирги заманда болса медиация XX әсирдиң екинши ярымында раўажлана баслады ҳәм АҚШ, Австралия, Уллы Британия және Европада кең ен жая баслады. Заманагөй ҳуқық системасында дәслепки медиация 1974-жылы Канаданың Онтарио штатында ҳуқықбузарлық ислеген шахсқа қарата қолланылды [3, 14]. Медиация тийкарынан пуқаралық, шаңарақ ҳәм мийнет қатнасықларындағы тартысларды өз-ара келисим тийкарында шешиў ўазыйпасын атқарады. Бул ҳуқықый институт көпшилик ҳалатларда өз-ара келисимге келиўден мәпдар болған тәреплер ортасында болады. Себеби, суд ислери бойынша бажы төлемлери төленеди және ис узақ ўақытқа созылып кетиўи мүмкин. Ортада тартыс болған, бирақ, өз-ара келисимге келиўди қәлеп турған тәреплер ушын медиация ең қолайлы усыл есапланады. Тәреплерди өз-ара келистириў ўазыйпасын болса медиатор әмелге асырады. Медиатор келистириўди әмелге асырыўшы үшинши тәреп есапланады. Кимниң медиаторлық ўазыйпаны атқарыўы ҳаққында тәреплер келисип алады. Медиатор сыпатында әдиллик органларында тийисли кәсиплик таярлықты өткен яки 25 жасқа толған ҳәм тәреплер арқалы сайлап қойылған пуқара болыўы мүмкин.

Медиация даўлар бойынша тартысып атырған пуқаралар ортасында судтан тысқары ўақытларда, сондай-ақ суд ислерин жүритиў ўақтында қолланылыўы мүмкин. Суд процесинде медиацияны қоллаў ҳаққында усыныс судьяның шешиўши қарарды қабыл етиў ушын бөлек ханаға (мәжилислер ханасына) кирип кетемен дегенше билдирилиўи тийис. Медиацияда бир тәреп екинши тәрепке келисим ҳаққында усыныс билдиреди. Медиация ҳаққындағы усынысты екинши тәрептиң қабыл етиўи оның айыплы екенлигинен дерек бере бермейди. Егер тәреплер өз-ара келисимге келетуғын болса, әлбетте медиацияны қоллаған мақсетке муўапық. Яғный, егер тәреплердиң биринде анық ҳәм сөзсиз дәлиллери бар болса, екинши тәреп ушын медиация келисими нәтийжели болыўы мүмкин. Себеби, судья шешим қабыл етиў ўақтында әлбетте дәлиллерге сүйенеди. Дәлиллерге ийе тәреп болса судтағы қыйыншылықларсыз нәтийжеге ерисиўи мүмкин.

Мәмлекетимизде 2018-жылы 3-июльда «Медиация ҳаққында» Нызам қабыл етилди. Бул Нызамда тийкарғы принциплер сыпатында тәреплер ҳаққында мағлыўматлардың сыр тутылыўы, еркинлик, өз-ара бирге ислесиў, тәреплердиң тең ҳуқықлылығы, ғәрезсизлик және медиатордың бийтәреплиги көзде тутылады. Медиация барысында мәжбүрлеўге жол қойылмайды. Медиация суд процесине альтернатива хызметин атқарады. Медиация елимизде жынаят-процессуал тараўында қолланылмайды. Медиацияның орнын тәреплердиң жарасыўы институты нәтийжели әмелге асырмақта. Лекин, айырым ҒМДА мәмлекетлеринде (РФ, Қазақстан, Белоруссия) медиация жынаят процесинде жәмийетик қәўпи үлкен болмаған яки орташа аўыр жынаятлар бойынша қолланылады. Жоқарыда көрсетип өтилген мәмлекетлердиң жынаят процесинде медиация қолланылған ўақытта медиатор ўазыйпасын адвокатлар әмелге асырады. Лекин, адвокаттың өз қорғаўы астындағы шахстың мәплерин жақлаўы қәсийетинен келип шықсақ, бул оның бийтәреплиги принципиниң сақланыўына унамсыз тәсир етиўи мүмкин. Сол тийкарда, елимизде жынаят процесинде медиация талапларын жарасыўшылық институтының әмелге асырыўы нәтийжели есапланады.

## ӘДЕБИЯТЛАР

1. Тўлаганова Г. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолиятини такомиллаштириш муаммолари хусусида // Ўзбекистон Республикасида адвокатурани такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т.:ТДЮИ, 2003.
2. Мамасиддиқов М.М. Адвокатура институти: Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг янги босқичи \\ Huquq va burch. - 2008. - №5.
3. Арутюнян А.А. Медиация в уголовном процессе: дисс… канд… юрид…наук. – М., 2012.

*Жынаят процесинде жарасыў ҳаққында ислерди алып барыўда адвокат және медиация тәртиби*

*Матжанов И.*
*Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Резюме.** Мақалада жынаят процесинде жарасыў ҳаққындағы ислерди жүритиўде адвокаттың қатнасыўы көрип шығылған. Пуқаралық, шаңарақ ҳәм мийнет қатнасықларындағы тартысларды шешиўде медиация процессиниң әҳмийети ҳәм ҳуқықый тәртиби ҳаққында айтып өтиледи. Сондай-ақ, пуқаралық ислери бойынша медиация институты талқыланған.

**Таяныш сөзлер:** жынаят процесси, жарасыў, адвокат, пуқаралық ислер, мийнет тартыслары, шаңарақ, медиация.

*Жиноят процесида ярашиш ҳақида ишларни олиб боригда адвокат ва медиация тартиби.*

*Матжанов И.*
*Қорақалпоқ давлат университети*

**Резюме.** Мақолада жиноят процессида ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда адвокатнинг иштироки кўриб чиқилган. Фуқаролик, оила ва меҳнат муносабатларидаги низоларни ҳал қилишда медиация процессининг аҳамияти ва ҳуқуқий тартиби айтиб ўтилади. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича медиация институти таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** жиноят процесси, ярашув, адвокат, фуқаролик ишлар, меҳнат низолари, оила, медиация.

*Адвокат в производстве по делам о примирениях в уголовном процессе и порядок медиации*

*Матжанов И.*
*Каракалпакский государственный университет*

**Резюме.** В статье рассмотрены вопросы участия адвоката по делам о примирении в уголовном процессе. Рассматривается вопросы значимости и процессуального порядка медиации при решении споров в гражданских, семейных и трудовых отношениях. Также анализирован институт медиации по гражданским делам.

**Ключевые слова:** уголовный процесс, примирение, адвокат, гражданские дела, трудовые споры, семья, медиация.

*The lawyer in the procedure of conciliation and order of mediation in criminal cases.*

*Matzhanov I.*
*Karakalpak state university*

**Summary.** In this article, it is considered as taking part of lawyer in criminal process which is devoted to reconciliation. It is said about importance of mediation process in civil, family and labor relations problems and right order of them. Also, there is analyzed about institute of mediation.

**Key words:** criminal process, reconciliation, lawyer, civil law, job arguments, family, mediation.

---

# ЖАМОАТ ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИНИНГ ЮРИДИК ТАВСИФИ

**Утегенов О. Д.**
*Қорақалпоқ давлат университети*

Жамоатчилик экологик назоратининг самарадорлигини белгилаб беришда уни ташкил этиш ва ўтказишнинг аниқ тартиби ўрнатилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Аввалambор, таъкидлаш жоизки, жамоатчилик экологик назоратини ўтказишнинг аниқ усул ва воситаларидан келиб чиққан ҳолда уни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилаб олишимиз мумкин бўлади. Жамоатчилик экологик назоратини ўтказиш тартибига аниқлик киритиш чоғида унинг объекти бўлиб, атроф муҳитнинг ҳолати, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бажариш жараёни, вазирликлар, идоралар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қоида ва нормаларга риоя қилиниши ҳисобланишини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

О.А.Околёснова жамоат назоратига татбиқан, бундай назоратни амалга оширишда давлат органлари, айрим ҳолларда эса, тижорат ва нотижорат ташкилотлар қонунга мувофиқ ҳаракатланаётган жамоат назорати субъектларига зарур ахборотни тақдим этишлари ва уларга ёрдам кўрсатишлари лозим. Бундан ташқари, жамоат назоратини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар натижалари тегишли жамоат назорати остига олинган органлар, ташкилотлар томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилиши ҳамда оқилона муддатларда ва тегишли шаклда жамоат назорати субъектига жамоат назорати натижалари кўриб чиқилганлигини тасдиқловчи хабар жўнатилиши лозим[1]. Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартибининг ҳуқуқий асосларига тўхталадиган бўлсак, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида жамоатчилик экологик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилиши ҳамда мазкур тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган намунавий низомга мувофиқ белгиланиши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сонли қарори билан тасдиқланган “Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги намунавий низомда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ умумий қоидалар белгиланган. Бунда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. *Биринчидан,* бундай жамоатчилик экологик назорати фуқароларнинг тегишли ўзини ўзи бошқариш ҳудудида (шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ҳамда шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар маҳаллаларида) амалга оширилади. *Иккинчидан,* ушбу жараёнда демократизм, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни таъминлаш каби принциплар ҳам эътиборга олинади. *Учинчидан,* ушбу фаолият Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича Республика кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари томонидан мувофиқлаштирилади. *Тўртинчидан,* фуқаролар йиғинининг раиси ҳамда экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси раисига жамоатчилик экологик назорати бўйича фаолиятга умумий раҳбарлик юклатилади, комиссия табиатни муҳофаза қилиш органлари, коммунал хизматлар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари, ички ишлар органлари (профилактика бўйича инспекторлар) ва бошқаларни жалб қилишга ҳақли. *Бешинчидан,* фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик экологик назоратининг бошқа субъектлари амалга ошира олмайдиган айрим ўзига хос назорат ваколатларидан (атроф

муҳитни муҳофаза қилиш, ҳududнинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш) фойдалана оладилар.

Қолаверса, адабиётларда таъкидланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экологик назоратни амалга ошириш учун қонунчиликка мувофиқ, шартнома асосида мутахассис ва экспертларни жалб эта олади. Шунингдек, экологик назорат жамоатчи инспекторининг фаолиятини юритиш учун шароитлар яратиш, уни ўқитиш ва унинг малакасини ошириш бўйича сарф-харажатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобидан молиялаштирилади[2].

Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш ҳам айрим ўзига хос хусусиятларга эга. а) нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоатчилик экологик назоратини ўз уставидаги вазифаларига мувофиқ амалга оширадилар; б) нодавлат нотижорат ташкилотлари уставларида кўрсатилган фаолият ҳудуди (вилоят ёки республика) доирасида амалга оширадилар; в) экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантиришда иштирок этади, жамоатчилик экологик назорати масалалари бўйича белгиланган тартибда Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида ресурсларни ташкил қилади, оммавий ахборот воситаларини таъсис этади, оммавий ахборот воситаларига ҳаммуассис бўлади, ноширлик фаолиятини амалга оширади; экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва илмий-техникавий кенгашларни ташкиллаштиришда ташаббускорлик кўрсатади; жамоатчилик эшитувларини ўтказишда ташаббускорлик қилади ва ўтказади; г) жамоатчилик экологик назорати бўйича фаолиятни моддий ва молиявий таъминлаш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкилот мол-мулкини шакллантиришнинг ўзига хос манбалари белгиланганлиги.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга: фуқаролар томонидан жамоатчилик экологик назоратини республика ҳудудида ҳам, ўз яшаш жойида ҳам, вақтинча яшаш (бўлиш) жойида ҳам бевосита амалга оширади; фуқароларнинг жамоатчилик экологик назорати субъекти сифатидаги ҳуқуқий ҳолати таҳлили у асосан кўмакчи вазифасини бажаришини кўрсатмоқда. Чунки, жамоатчилик экологик назорати субъекти фуқароларнинг ҳуқуқлари асосан муайян ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этиш ва кўмаклашиш билан чекланилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон қарори билан тасдиқланган “Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисида”ги намунавий низомда эса, экологик назоратнинг жамоатчи инспектори томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби белгиланган.

Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартибининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, у муайян жамоатчилик экологик назоратини шаклларини мустақил амалга оширса, яна бир қисмини бевосита эмас, балки уларнинг бошқа субъектлар томонидан амалга оширилишида иштирок этиш билан чекланади. Хусусан, экологик назоратнинг жамоатчи инспектори атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини кузатиб боради ҳамда аниқланган ҳолатлар бўйича белгиланган тартибда маълумотномалар ва ахборотлар тузади. Шунингдек, экологик назоратнинг жамоатчи инспектори давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда, жамоатчилик фикрини ўрганишда, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказишда, тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳududнинг санитария ҳолати, ободонлаштирилиши ҳамда кўкаламзорлаштирилиши масалаларига доир ахбороти ҳамда ҳисоботларини эшитишда иштирок этади.

Таъкидлаш ўринлики, жамоатчилик экологик назоратини ташкил қилиш тартиби унинг турига боғлиқ ва ҳаракатдаги экологик қонунчилик билан белгиланади. Хусусан, қонун ижодкорлиги соҳасидаги жамоат назорати фуқароларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки билан боғлиқ қонун ҳужжатлари нормалари орқали тартибга солинади. Бунда хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси да депутатнинг мақоми тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қонунларда фуқароларнинг қонун ижодкорлик жараёнидаги ҳуқуқлари, хусусан, ўзлари сайлаган вакиллари – депутатлар орқали қонунчилик фаолиятида иштирок этиш ва қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш каби сиёсий ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Бу ўз навбатида экологик тусдаги қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнига ҳам бевосита тааллуқли бўлиб, фуқаролар экологик қонунларни қабул қилиш ҳамда унинг ижросини таъминлашга сезиларли таъсир кўрсатиш ваколатига эгадирлар. Шунингдек, О.Х.Нарзуллаев бу ҳақда “Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишга кенг жамоатчиликни, нодавлат органларни, сиёсий партияларни, шу-нингдек бошқа манфаатдор ташкилотлар, масалан, ЭКОСАН халқаро ташкилотини жалб этиш катта самара беради. Сўнгги йилларда экология соҳасидаги қонунлардан “Экологик экспертиза тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Чиқиндилар тўғрисида” қонунларнинг лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди. Мазкур халқ экспертизаси туфайли лойиҳалар юзасидан минглаб қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Улар қонунларни мукаммаллаштиришда ўзининг ижобий самарасини берган”[3], деб ёзади.

Бу борада Ў.Р.Ҳамраев таъкидлаганидек, "Экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилганда, жамоат бирлашмалари (шу жумладан, экологик жамоат бирлашмалари ҳам) экологик аҳамиятга эга қарорлар қабул қилишда қатнашиш; жамоат экологик экспертизаси ўтказиш; жамоат экологик назоратини амалга ошириш; судга мурожаат қилиш; судларда жамоатчилик адвокати сифатида қатнашиш ҳуқуқига эгалигини кўриш мумкин. Лекин ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш механизмининг йўқлиги уларнинг ўз ҳуқуқларини тўла-тўкис амалга оширишига тўсқинлик қилаётган эди"[4]. Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби ҳақида сўз борганда бундай тартибни босқичларга ажратиб тадқиқ этиш самарали ва мақсадга мувофиқ бўларди. Бизнинг фикримизча, жамоатчилик экологик назорати уч босқичда амалга оширилади: тайёргарлик кўриш босқичи, жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш босқичи ҳамда жамоатчилик экологик назорати натижаларини рўёбга чиқариш босқичи. Бунда 1-босқич, яъни тайёргарлик кўриш босқичида экологик муаммони аниқлаш, жамоатчилик экологик назорати объекти, предметини танлаш, мақсадини шакллантириш; қўлланиладиган жамоатчилик экологик назорати усулларини аниқлаш; жамоатчилик экологик назорати объектини кузатиш (унга кириш, у билан танишиш) ёки шу мақсадда зарур музокаралар олиб бориш; жамоатчилик экологик назорати дастурини шакллантириш: ушбу назоратнинг асосий масалаларини, баҳолаш мезонларини аниқлаш, назорат тартиб-таомиллари ва воситаларини белгилаш; жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга ташкилий-техник тайёргарлик кўриш: кузатув воситаларини тайёрлаш, унинг натижаларини қайд этиш воситалари тайёргарлигини текшириш, объектга киришни ташкиллаштириш ва б.қ.; жамоат кузатувчиларини танлаш ва улар билан ишлаш каби чора-тадбирлар амалга оширилади.

2-босқич, яъни жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш босқичида жамоатчилик экологик назорати тадбирини бевосита амалга ошириш; маълумотларни тўплаш ва расмийлаштириш; тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда ҳисобот, маълумотнома тайёрлаш каби ишлар амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда жамоатчилик экологик назоратининг алоҳида шаклларини амалга ошириш босқичида ўзига хос тартиб-таомиллар қўлланилиши мумкин. Шу жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган жамоатчилик муҳокамаси ўтказилаётган ёхуд корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ҳисоботлари эшитилаётганда жамоатчилик экологик назоратини ташкил этган (амалга ошираётган) субъектлари стенограмма ёки мажлис баёни юритилишини таъминлаши лозим.

Зарур ҳолларда у ёки бу жамоатчилик экологик назорати шаклини сифатли ва самарали ташкил этиш мақсадида жамоатчилик экологик назорати субъектлари вакилларидан иборат ташкилий қўмита тузилиши мумкин. Ташкилий қўмита зиммасига муҳокама ўтказишнинг жамоатчилик вакиллари учун қулай бўлган жойи ва вақтини аниқлаш, муҳокаманинг кун тартиби, регламенти, сўзга чиқувчиларнинг рўйхатини тузиш ва умуман муҳокама дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар юклатилиши мумкин.

Шунингдек, жамоатчилик муҳокамаси, ҳисоботларни эшитишда жамоатчилик экологик назорати субъектлари орасидан раислик қилувчи ва котиб сайланиши лозим ёхуд ушбу вазифалар башарти тузилган бўлса, ташкилий қўмита зиммасига юклатилиши мумкин. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, башарти қатнашаётган бўлса, ваколатли давлат органи ёхуд корхона, муассаса, ташкилот вакилига муҳокамада ўзларининг муқобил ёндашувларини билдириш учун сўз берилиши лозим.

Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш босқичи, башарти у бир нечта жамоатчилик вакиллари томонидан амалга оширилаётган бўлса, албатта ушбу масала юзасидан овоз бериш билан тамомланиши лозим. Масалан, юқоридаги ҳолат бўйича жамоатчилик муҳокамаси ўтказилаётган бўлса, унда барча қатнашувчилардан муҳокама этилаётган масала юзасидан овоз бериш сўралади. Овоз бериш қоида тариқасида очиқ-ошкора ўтказилади, шу билан бир қаторда ёпиқ овоз бериш ҳам ўтказилиши мумкин (бунинг учун олдидан тайёргарлик кўриш, шу жумладан, овоз бериш бланкаларини тайёрлаш ва тарқатиш талаб қилинади). Якуний қарор овоз бериш натижалари бўйича қабул қилинади. Бир сўз билан айтганда, юқорида қайд этилган ташкилий чора-тадбирлар жамоатчилик экологик назоратини тегишли даражада ва сифатда амалга оширилиши ҳамда унинг барча натижаларини тўғри расмийлаштиришда аҳамиятга эга бўлади.

Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш босқичидаги яна бир муаммо бу – қонун ҳужжатларида жамоатчилик экологик назоратини у ёки бу шаклини, масалан, жамоатчилик экологик экспертизасини ва бошқаларни амалга ошириш муддатлари аниқ белгиланмаганлигидир.

Ниҳоят, сўнгги 3-босқичда эса – жамоатчилик экологик назорати натижаларини рўёбга чиқариш босқичида аниқланган экологик қонунчилик бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича тавсиялар, чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш; жамоатчилик экологик назорати натижаларини манфаатдор тарафларга, шу жумладан зарур ҳолларда кенг жамоатчиликка тақдим этиш; ваколатли давлат органлари хатти-ҳаракатларини кутиш, зарур ҳолларда уларга тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш; ваколатли давлат органлари тегишли чораларни кўрмаса, судга ёки юқори турувчи органга шикоят қилиш ва бошқа қонунчилик чораларни амалга ошириш каби чора-тадбирлар амалга оширилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартибини соддалаштириш ва унинг барча учун очиқлигини таъминлаш мақсадида бир қатор ҳужжатлар мажмуининг намунавий нусхалари ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва жамоатчилик экологик назорати субъектлари эътиборига ҳавола этилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, ушбу фаолиятга қоида тариқасида махсус билимга эга

бўлмаган, ушбу ҳудуддаги экологик вазият барқарорлигидан манфаатдор бўлган, айрим ҳолларда, олий маълумотга ҳам эга бўлмаган жамоатчилик вакиллари қатнашадилар. Шу боис, ҳам ушбу фаолият улар учун тушунарли ва қулай бўлишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик экологик назорати субъекти учун йўриқнома ёки услубий қўлланма (тавсиялар); жамоатчилик экологик назорати натижаларини қайд этиш учун баённома ёки сўров бланкаси ёки бошқача шакл; жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш жараёнида тўлдирилиши лозим бўлган бошқа шакллар (кузатув варақаси ва б.қ.); жамоатчилик экологик назорати натижалари бўйича ҳисобот шакли ва б.қ. ишлаб чиқилиши ҳамда тасдиқланиши лозим деб ҳисоблаймиз.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Околёснова О.А. Информационно-правовые основы общественного контроля в Российской Федерации: Дисс. … канд. юрид. наук. – М.: НИУ ВШЭ, 2014. – С. 10-11.
2. Сангинов С., Юнусов Б., Қурбонов А., Шарипова Д. Фуқаролар йиғинларининг экологик назорат соҳасидаги ваколатларни амалга ошириш тартиб-таомиллари бўйича услубий тавсиялар. – Тошкент, 2016. – Б.23, 36.
3. Нарзуллаев О.Х. Экология соҳасидаги қонунчиликнинг устуворлигини таъминлаш хусусида // “Экологик қонунчиликни қўллаш механизмини такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б.135-136.
4. Ҳамраев Ў.Р. Экологик назорат: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилмоқда // Ҳуқуқ ва бурч электрон журнали – http://huquqburch.uz/uz/view/4620


*Жамоат экологик назоратини амалга ошириш тартибининг юридик тавсифи*

*Утегенов О. Д.*
*Қорақалпоқ давлат университети*

**Резюме.** Мақолада жамоат экологик назоратини амалга ошириш тартибининг юридик тавсифи ҳақида сўз юритилади, тегишли тавсиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** жамоатчилик экологик назорати, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар.

*Юридические описание полрядка осуществления общественного экологического надзора.*

*Утегенов О. Д.*
*Каракалпакский государственный университет*

**Резюме.** В статье исследуется юридическое описание порядка осуществления общественного экологического надзора, даются соответствующие выводы и рекомендации.

**Ключевые слова:** общественно-экологический контроль, некоммерческие негосударственные организации, органы самоуправление граждан, граждане.

*Juridical characteristics of realizing society ecologic control*

*Utegenov O. D.*
*Karakalpak state university*

**Summary:** The article deals with legal description of the procedure for the implementation of public environmental supervision, provides relevant descriptions and recommendations.

**Key words:** public-ecological control, non-governmental and non-commercial organizations, organizations of self-government of citizens, citizens.

---

# ЖИНОИЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН МУЛКНИ ОЛИШ ЁКИ ЎТКАЗИШНИНГ СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ.

**Аллеков Б.Е.**
*Қорақалпоқ давлат университети*

Жиноятнинг субъектив белгилари деганда, жиноят таркибининг субъекти ва субъектив томони тушунилади. Субъект жиноят таркибининг элементи сифатида илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва англаб етишни талаб қилувчи анча мураккаб категория ҳисобланади [1, 72]. Хусусан, жиноятчининг ёши ва ақли расолиги муаммолари уларни фақат ҳуқуқшунос олимлар томонидан эмас, балки бошқа фанларнинг вакиллари, турли соҳа мутахассислари томонидан ҳам комплекс ўрганишни тақозо қилади [2, 87]. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти жиноят субъектини ўрганиш жиноят ҳуқуқи назариясининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланишини кўрсатади. Унга бўлган эҳтиёжни ҳаётнинг ўзи белгилайди, унинг амалий аҳамияти эса шаҳ-шубҳасиздир [3, 121].

Жиноятнинг субъекти тушунчаси аксарият сонли масалаларга ойдинлик киритишни, шу жумладан жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишнинг субъектини тавсифловчи ҳуқуқий белгиларни аниқлаш ва жиноятчининг ижтимоий-сиёсий, маънавий қиёфасини очиб беришни назарда тутади [4, 19].

Жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш субъекти – бу жиноят содир этган ва қонунда кўрсатилган белгиларга эга бўлган шахс. Агар, шахс жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш таркибини ҳосил қилувчи ижтимоий хавфли ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни шахсан, ўз кучи билан содир этган бўлса, шунингдек, у жиноят содир этиш учун ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаган тушунмаган ақли норасо, ёки вояга етмаган шахслар ва фуқаролардан фойдаланган ҳолда, содир этилган бўлса жиноят ҳисобланади.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятининг умумий субъекти белгиларининг тавсифи айрим шахслар томонидан содир этиладиган бошқа жиноятлардан алоҳида хусусият касб этмайди. Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш субъекти бўлиши мумкин. Субъектнинг бу белгилари яхши маълум ва алоҳида изоҳни талаб қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 17-моддасида шу жумладан жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш учун жиноий жавобгарликка жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган жисмоний шахс тортилиши белгиланган. Қонунга биноан фақат ақли расо жисмоний шахс жиноятнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 171-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин. Шу туфайли ҳам жиноий жавобгарлик келиб чиқиши учун юқорида кўрсатилган белгилар билан бир қаторда, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган бўлиши талаб этилади [5, 153].

ЖК 171-моддасида назарда тутилган предметни олиш ёки ўтказиш ҳаркатларнинг ижтимоий хавфлилигини тушуниш ҳамда ўз ҳаракатларига баҳо бера олиш, одатда, ақли расо шахсга хосдир. Н.С.Лейкинанинг фикрича, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун маънавий асослар жиноий қилмиш инсон ақли ва виждонининг ифодаси ҳисобланиши билан белгиланади [6, 185]. Ақли расо одам, одатда, ўз хулқ-атворини танлаш эркинлигига эга бўлади ва у жиноят қонуни талабларига мувофиқ иш кўра олади. Аммо, жиноят-ҳуқуқий тақиқни писанд қилмасдан, ақли расо шахс қонунга зид иш кўради, яъни уни бузади. Инсоннинг қарашлари, эътиқодлари эса, агар улар шахснинг жиноий фаолияти билан боғлиқ бўлмаса, уни жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, агар шахс жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятини содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган бўлса, шахснинг бундай қилмиши ЖКнинг 24-моддасига асосан айбсиз ҳолда содир этилган қилмиш деб топилади ва у ЖКнинг 171-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Шундай қилиб, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятини содир этган шахснинг руҳий соғломлик ҳолатини тавсифловчи ақли расолик тушунчаси Жиноят кодекси 171-моддасида назарда тутилган жиноят субъектининг ажралмас белгиси ҳисобланади. Жиноят субъектив белгилари юзасидан таҳлил қилинадиган кейинги масала жиноят таркибининг субъектив томонидир.

Жиноят таркибининг субъектив томони айбдорнинг, ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан руҳий муносабати бўлиб, унинг айби, мотиви, мақсади ва ҳис-туйғусини ифодалайди [7, 164]. Шунингдек, А.С.Якубов ва Р.К.Кабуловларнинг таъкидлаганидек, жиноятнинг субъектив томони – айбдорнинг ўзи содир этган, жиноят қонунида жиноят сифатида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан руҳий муносабатидир. Бу жиноят таркибининг муҳим элементи ҳисобланиб, унинг бўлмаслиги жиноят таркибининг бўлмаслигига олиб келади. Жиноят таркибининг субъектив томони эса – жиноят қонунида назарда тутилган жиноятни содир этиш пайтида шахснинг содир этилаётган жиноятга руҳий муносабатини тавсифловчи муҳим белгилар йиғиндисидир [8, 160].

Жиноят таркиби тўғрисидаги таълимот нуқтаи назаридан жиноий қилмишнинг субъектив томони онг ва ирода омилларининг муайян нисбати, айб қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилгани, жиноят субъектининг мотивлари ва мақсадлари билан тавсифланади. Ушбу омиллар жамулжам ҳолда жиноятнинг субъектив томонини ҳосил қилади.

ЖК 171-моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади, яъни мазкур жиноят фақат қасддан содир этилиши мумкин. Бундай фикр М.Ҳ.Рустамбаев [9, 71] ва Р.Кабуловлар [10, 220] томонидан ҳам таъкидланган. Чунки айбдор жиноий йўл билан топилган мулкни олаётганлиги ёки ўтказаётганлигини англайди ва мазкур қилмишни содир этишни хоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 21-моддасига мувофиқ, қасддан содир этилган жиноят онг ва ирода омилларини ўз ичига олади. Онг омили шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англагани, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етгани ва уларнинг юз беришини истаганида (тўғри қасд), ирода омили эса – шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англагани, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етгани ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйганида (эгри қасд) ифодаланади. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жинояти эгри қасд билан содир этилиши назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам мумкин эмас [11, 26].

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятини содир этишга қасд қилар экан, субъект мазкур жиноий қилмиш объектив томонининг юридик аҳамиятга молик барча белгиларини англайди. Бу айбдор жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишнинг ижтимоий хавфли хусусиятини тушунишини англатади. Бинобарин, бундай тушуниш тўғри қасд мазмунининг муқаррар элементи ҳисобланади.

Шу билан бирга мазкур мулк қандай жиноий йўл билан топилганлиги, ким, қачон ва қайси ҳолатларда ушбу жиноятни содир этганлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмайди. Агар мулк бундай муайян жиноятни содир этиш орқали қўлга киритилганлигини шахс билганлиги аниқланадиган бўлса, унда унинг ҳаракатлари жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш сифатида, шунингдек, айбдорнинг ҳаракатларида ЖК 241-моддасида назарда тутилган жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш каби белгилар мавжуд бўлганда, жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши лозим.

Жиноят мотиви ғаразли, шунингдек, ўзгача ҳам бўлиши мумкин, бироқ улар жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Масалан, шахсий характердаги мотивларга таяниб, шахс била туриб жиноий йўл билан топилган мулкни ўтказиши мумкин. Мулкни жиноий йўл билан топган шахсга уни аввалдан сотиб олиш ёки ўтказишга ваъда берилмаганлиги ҳам жиноятни квалификация қилишда зарурий белги ҳисобланади.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олдиндан ваъда бермаган ҳолда олиш ёки ўтказиш деганда, агар субъект бундай ҳаракатларни содир этишга, жиноят содир этиш йўли билан мулк топувчи шахсларга ваъда (розилик) бермаган бўлса, шунингдек, улар томонидан содир этилаётган жиноятлардан олдин ёки ўша вақтда ваъда бермаган (масалан, доимий равишда била туриб айнан бир шахслардан жиноий йўл билан топилган мулкларни олиш) ҳамда уларга унинг ёрдамига ишонишига имконият берадиган ҳаракат қилмаган ҳолатлар тушунилади.

И.Юсупов өзиниң «Дала әрманлары» поэмасында образлы метафоралардан орынлы пайдаланған. Мәселен; Шығыс горизонтта *парлап жанады,*// Мотор радиаторы *«ишип» босатқан.* // Бүгин көк машина иркилген жерден// Ертең вышкаларда *жулдыз күледи.*//Аспан *төңкериўли қазан.*// Бир әжайып пайытты күтип турғандай,Зийрек парасатлы бир *гөззал кеўил.*//*Ақты шөлге* машиналар дизбеги. Дара турғанда бийтәреп ямаса эмоционал-экспрессив мәниге ийе емес сөзлер шайыр поэмаларында поэтикалық түс алып, контекстте окказионал мәниде күтә тәсирли қолланылған. Автор адамларға тән белгилерди басқа затларға ямаса ҳайўанларға көширип, образлы метафоралар дөреткен. Мәселен, жалаң аяқ сөзи тексттиң ишинде окказионал мәниде қолланылған:

Баскетболшы қызлар командасындай, // Жүйткип барар *жалаң аяқ жәйранлар* («Дала әрманлары»).

Шайыр ҳәр бир сөзге, ҳәр бир көркемлеў қуралының қолланылыўына айрықша дыққат қойып, олардан ой-пикирдиң, контексттиң талабына қарай керегин таңлап алған. Сонлықтан шайыр қолланған сөзлер өзлеринде күшли эмоционал-экспрессивлик мәнини алып жүриўши қуралға айналған. Мәселен,Аш нәзерин тикти суғы өткенше, *Дүзиў* еди арбакештиң *жүреги* («Жолдас муғаллим»).// Айман, тоқтат енди *бос әңгимени* («Актрисаның ығбалы»). Мысаллардағы *дүзиў жүрек, бос әңгиме* сөзлери метафоралық мәнилерде қолланылған. Олар шығарманың эмоционал-экспрессивлик күшин арттырыў ушын хызмет еткен. Жане бир мысал: *Ушар баллар* сабақтан кеш қалмасқа, // Жыңғыр-жыңғыр етип *күлсе қоңыраў* («Жолдас муғаллим»).

Бул мысалларда балалардың оқыўға асығып, тез барыўын шайыр күтә шеберлик пенен ис-ҳәрекетти өткирлестирип берген. Екинши мысалда қоңыраўдың даўысын адамның күлиўине яғный адамларға тән қәсийетти предметке қолланып, образлы метафораны пайда еткен.

И.Юсуповтың поэмаларында метафоралардың дерлик барлық түрлери кең қолланылған. Улыўма халық тилинде қолланылатуғын, образлылық сыпатқа ийе метафоралар шайыр поэмаларында кең қолланылған.

Мысалы: *Қутырынды аш толқынлар* тиркеси («Гилемши ҳаял ҳаққында ҳақыйқатлық»)//*Ис қайнады*, ҳәр түп терек («Акация гүллеген жерде»). – *Көп ўақ жылан шақты бизди,*// Енди азатбыз, халайық («Актрисаның ығбалы»).//*Кеўиллер унырап, сөгилип кетти* («Бүлбүл уясы»).// *Дәрья болып ағар кеўил* қумары («Дала әрманлары»).Гейде *ойы булт қойнына сүңгийди*Көкте қуяш *нур қуйғанда күлимлеп,*Қызып мийнет, *жер баўыры солқылдап,Абаданлық ақты буրқып сағадан* («Жолдас муғаллим»).

Бул қатарларда мазмунды анық ҳәм тәсирли етип бериўде шайыр метафораларды шебер қолланған. И.Юсуповтың поэмаларында шайырдың өзине тән болған метафоралар кең қолланылған. Мысалы:Жеңилт маған түскен *қайғының таўын* («Ески фонтан ертеги»).Бул қатар арқалы шайыр уўайым-қайғының шеннен тыс көп екенлигин көрсетпекши болған. Тағы да: *Кең жаўырынлы елде* аўыл даласы («Жолдас муғаллим»).Бунда шайыр адамға тән белгини халыққа, елге байланыстырып, образлы метафораны дөреткен; Өткен өмириң *жылыўы жоқ қыс екен* («Жолдас муғаллим»).Бул қатар арқалы шайыр қаҳарман өмириниң қайғылы күнлериниң көп екенлигин, мазмунсыз өмир кеширгенин ашып берген; *Тастан суў сығылмас*. Тилегиң аўыр («Ески фонтан ертеги»).Бунда шайыр тас арқалы образлы метафора дөреткен; *Сулыўлықтың солмас гүли егилди* («Ески фонтан ертеги»).Бул қатарда шайыр жекке стильлик метафоралардан шебер пайдаланған.

Шайырдың «Дала әрманлары» поэмасында объектив дүньяны, тәбиятты, турмысты образлар арқалы жоқары эстетикалық талғам менен қабыл етиўден ҳәм олардағы ҳәр бир предметтиң, ўақыяның ҳәм т.б. белгилерин дәл ҳәм шебер салыстырыўдан әжайып метафоралар көплеп ушырасады. Мәселен;

Далада теңеў ҳәм мегзетиўлер көп,
Кел, жаным, тамаша басланды және,
Дала – *стадион*, куяш – *отлы топ,*
Батыс горизонтқа зыңғыды әне!
Қайсар қурғақшылық – *шөл армиясы,*

Мени кирпик бақпай турады бағып,
Жық-жық қарлығашлар – *болельщик баллар,*
Шөл тәңриси – *атаң*, қурғақшылық – *енең.*
Қуйын – *шырылдаўық*, үргин – *мәмелек.*
Геологлар – *дала робинзонлары,*
Өмири излениў, саяхат, гүрес.

Бул қатарлардағы дала – «стадион», қуяш – «отлы топ», қайсар қурғақшылық – «шөл армиясы», геологлар – «дала робинзонлары», қарлығашлар – «болельщик балалар», қуйын – «шырылдаўық», үргин – «мәмелек» сөзлери – шайырдың жекке стилинен дөреген метафоралар. Сонлықтан да, предметтиң уқсаслық белгилери айтылып, шығарманың тилине айрықша көркемлик ҳәм өткир образлылық берип, оқыўшыға айрықша тәсир етип тур.

Шайырдың барлық поэмаларында тек өзине тән жанландырыўлар жүдә көп ушырасады. Олар, тийкарынан, шайырдың жекке стилинде қолланылған болып, қаҳарманлардың рууҳый ҳалатын, ўақыяларға қатнасын, ол ҳәрекет қылып атырған орталықты характерлеўде, қоршаған тәбиятты сәўлелендириўде пайдаланылған.

Шайырдың поэмаларында самал, жаўын, қар, жер, суў, булт, жулдыз, жапырақ сыяқлы көплеген тәбият қубылыслары жанландырылған ҳәм олар қаҳарман жасап атырған орталықты ашып бериўге хызмет еткен. Шайыр жанландырған қубылыслар менен қаҳарман сезими ортасындағы байланысты жүдә нәзик шеберлик пенен көрсете алған. Мәселен;

*Беттен сүйип* таўдың таңғы *салқыны* («Жолдас муғаллим»).// *Үргин ақ пердесин тутты* алдыннан («Дала әрманлар»).//*Ақ қанатлы бултлар* қалкып («Акация гүллеген жерде»).//Гейде *ойы булт қойнына сүңгийди* («Жолдас муғаллим»).//Бәҳәр *булты жуўып ҳаўаның кирин* («Дала әрманлары»).//*Таңланғандай* еди көктиң *жулдызы* («Жолдас муғаллим»).//Жасыл *жапырақлары еркелеп күнге* («Актрисаның ығбалы»).

Белгили болғанындай, сүйиў, сүңгиў, жуўыў, таңланыў, еркелеў сыяқлы ҳәрекетлер инсанға тән болып, бултқа, жулдызға, жапыраққа берилиўи нәтийжесинде жанландырыў жүзеге келген.

Аяқ, қол, билек, көз, қулақ сыяқлы адам мүшелери де жанландырыў арқалы шайырдың поэмаларында бир қанша кең қолланылған. Бул арқалы шайыр қаҳарманның рууҳый ҳалатын, сыртқы көринисин образлы-экспрессив түрде берген. Мәселен; *Қулақ* қайсы// Ийшан қайсы? // *Көзи* кеткен шығатындай *тырсылдап.* // *Солқылдаған сом көкирек* кең дала («Жолдас муғаллим»).

Поэмаларда адамның ишки кеширмелери менен байланыслы ҳәр түрли абстракт түсиниклерди жанландырыў арқалы қаҳарманның руҳыятындағы ҳалатларды анық сүўретлеў, бул түсиниклерди оқыўшы көз алдына «тирилтип» келтириў имканын жаратады. Мәселен;

*Оятылған әрманлар* жолға шығады («Дала әрманлары»).
Қәўип-қәтер көп *уя басқан кеўилде* («Бүлбил уясы»).

Солай етип, И.Юсупов – өзиниң поэмаларында халық тилиниң бай сөзлик қурамынан сөзлерди дурыс таңлап, метафоралардан шебер пайдаланып, оның тилиниң көркем ҳәм сулыў болып шығыўына ерискен.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Бекбергенов А. Қарақалпақ тилиниң стилистикасы. –Нөкис, -1990.
2. Бердимуратов Е. Әдебий тилдиң функционаллық стильлериниң раўажланыўы менен қарақалпақ лексикасының раўажланыўы. –Нөкис, 1973.

*Ибрайым Юсупов поэмаларында метафоралардың қолланылыўы*

*Ержанова Д. Қ.*
*Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Резюме**.Мақолада Ибрайим Юсупов поэмаларидаги метафораларнинг услубий ўзигахослиги урганилган. Ундашоир томонидан метафораларнинг қўлланилишидаги моҳирлиги, хусусий-муаллиф метафоралари кўрсатилган.

**Таянч сўзлар:** И.Юсупов, метафора, анъанавий метафора, эмоционал-экспрессивлик мано, жонлантириш.

*Использование метафор в поэмах И.Юсупова*

*Ержанова Д. Қ.*

*Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Резюме.** В статье рассматриваются особенности использования метафор в поэмах И.Юсупова. На конкретных примерах определяются стилистическое своеобразие и мастерство поэта в применении метафорических единиц.

**Ключевыеслова:**И.Юсупов,метафора,эмоционально-экспрессивное значение, персонификация

*The usage of metophors in I. Yusupov's poets*

*Ержанова Д. Қ.*

*Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Summary** The article discusses the features of the use of metaphors in I. Yusupov's poems. Specific examples determine the stylistic originality and skill of the poet in the application of metaphorical units.

**Key words:** I.Yusupov, metaphor, traditional metaphor, an emotional-expressive meaning

---

## ТЕРМА ЖАНРИНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРДА РИВОЖЛАНИШИ

**Очилов Н. К.**

*Қарши давлат университети*

Терма халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанри бўлиб, у бахши-шоирлар ижодида алоҳида аҳамиятга эга. Термалар ижро шакли, маълум бадиий-функционал вазифа бажариши жиҳатидан фольклорнинг бошқа жанрларидан ажралиб туради. Гарчи термалар достонлар каби бирор чолғу асбоби ёрдамида ижро этилса-да, воқелик ўрни, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, қатъий образлар тизими ва яхлит сюжет асосида шаклланмаганлиги билан фарқланади. Ўзбек фольклоршунослигида термаларнинг ижро хусусиятлари, жанр белгилари, ғоявий-бадиий жиҳатлари назарий асосда Т. Мирзаев, А. Мусақуловлар тадқиқотида кўрсатиб ўтилган[1]. Терма бахши репертуарининг асосини ташкил этиб, улар бадиий-функционал жиҳатдан бир неча вазифани ўтайди.

Жумладан, фольклоршунос А. Мусақулов термалар ҳақида фикр билдириб: "Ўзбек халқ термалари достончи ва термачилар томонидан яратиладиган, бадиҳа тарзида ижро этиладиган, лирик ва эпик турга мансуб, композицион жиҳатдан бир неча типга бўлинадиган, ғоявий-бадиий, тарбиявий, бахши тайёрлаш, информатив, достончи достон айтишга, тингловчиларни достон тинглашга ҳозирлаш функцияларига эга, музика билан муносабати барқарор бўлган халқ қўшиқларидир,"[2:262] деган тўхтамга келади. Умуман олганда, терма ижро жараёни учун кириш вазифасини ўтайди. Шу билан бир қаторда терма ижро этиш мустақил жанр сифатида ҳам айрим бахшилар учун муҳим саналган. Фольклоршунос олимларнинг кузатувлари шуни кўрсатадики, достончилик анъаналари ривож топган пайтларда ҳам бахшиларнинг кўпчилик қисми достонлардан намуналар ижро этмасдан, термалар куйлаганлар. Бундай бахшилар термачилар деб, улар репертуарида фақатгина айрим достонлардан парчалар айтиш ҳамда термаларни ижро этиш билан ижодий фаолият давом эттирилган. Шулардан ҳам кўриниб турибдики, бахшилар бадиий салоҳияти, эпик хотира ва билим даражаси билан ҳам фарқланган. Анъанавий достон ижро этиш усул ва йўлларини пухта ўзлаштирган, бадиий салоҳияти кучли бахшилар професссионал ижодкорлар ҳисобланиб, улар репертуарида терма ҳамда достонлар муҳим ўрин эгаллаган.

Репертуарида фақатгина термалар мавжуд бўлган, терма ижро этувчи ва ижод қилувчилар термачи бахшилар бўлиб, улар достон ижро қилишга нисбатан термалар ижро этиб юрганлар. Бу каби бахшилар иқтидори, таланти ва эпик билими жиҳатидан ажралиб турган. Бахшиларнинг бу гуруҳи профессионал санъат даражасини мукаммал ўзлаштирмаган, ижрода фақатгина терма билан кифояланганлар холос. Профессионал ёхуд достончилик анъаналарини мукаммал даражада эгаллаган, кўплаб достон ва термаларни устозидан оғзаки ўрганган, ўзлаштирган бахшилар эпик санъатнинг юксаклик даражасига етишган иқтидор эгаларидир. Бахши-шоирлар термаларни алоҳида мавзулаштирилган ҳолда эмас, балки аралаш ҳолатда ижро эта борганлар. Терма ижро этиш усуллари ҳам қатъий умумлашган анъана ва бадиҳа қамровида куйланган. Бахши-шоирлар репертуарида "Нима айтай?", "Дўмбирам", "Кунларим", "Келтирар", "Кўрсатар" ва бошқа шундай биографик, автобиографик ва дидактик термалар мавжуд бўлиб, ғоявий умумийлик, шаклий ва мазмуний бирликлар жиҳатидан қатъий анъаналар замирида ижро этилган. Бунда фольклорга хос жамоа ва индивидуал ижод мутаносиблиги бузилмаган, халқона руҳ етакчилик қилган. Кейинги вақтларда ижтимоий ҳаётимизга замонавий санъат турларининг кириб келиши натижасида бахши-шоирлар ижросига бўлган эътиборнинг кескин сусайиши, ёхуд устоз-шогирдлик муносабатларидаги узилишлар бахшичилик санъатида терма ижодкорлигининг кучайиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Бунинг бир қатор ижтимоий-маиший сабаблари мавжуд. Биринчидан, бахшилар ижоди аудиториянинг дунёқараши билан мослашди. Мавжуд аудиториянинг достон тинглашга, бахшини эшитишга, унинг ижодидан завқланиб, танқидий ёндашув туйғуси сустлашди. Бахшилар эндиликда янгича талқинда достонлардан парча, ёхуд термалар куйлаб, тўйлар, тадбир ва сайлларда тингловчилар талабига мос шўх ва оҳангдор замонавий ижро шаклига ўтмоқда. Эпик макон ва вақтнинг тингловчилар дунёқарашида акс этиши, матнга воқелик руҳидан келиб чиққан ҳолда ёндашув терма ижодкорлигини кучайиб боришини тезлаштирмоқда. Иккинчидан, бахшининг эпик хотираси ва билими ёзма

манбалар таъсирида уйғунлашди. Китобий унсурларнинг оғзаки ижрога таъсири анъанавий матннинг маълум маънода ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Шу боисдан достонлар каби терма матнларига нисбатан индивидуал ижодкорлик туйғуси шакллана борди. Натижада бахши ўзини замонавий ижодкор сифатида ҳис этиб эркин мавзуда терма ёхуд достон айтишга ҳаракат қилмоқда. Бундай ҳолатда бахшининг индивидуал дунёқараши, воқеликка ўзининг билим ва кўникмаси асосида ёндаша бошлашига имкон яратмоқда. Жонли жараёнда юзага келган бундай ҳолатлар термаларни эркин мавзуларда айтиш, ижод қилиш малакаларини шакллантирмоқда.

Учинчидан, устоз-шогирдлик анъаналарининг узвий давом этмаганлиги, кўпчилик ижрочиларнинг мустақил бахши сифатида ҳаракат қилаётганлиги ҳам анъаналарга ўзи билмаган ҳолда ўзгаришлар киритишга олиб келди.

Тўртинчидан, бугунги кунда достончи бахшиларга нисбатан термачи бахшиларнинг кўпаётганлиги термаларни мустақил ижросини кучайтирмоқдаки, натижада бахшилар репертуарида достон ижро қилишга нисбатан терма ижро қилишга имкон туғдирмоқда. Эпик ижродаги узилиш ҳолатлари нафақат достон матнларида, балки терма куйлари ва ижро хусусиятларида ҳам замонавий талқинларни ва мавзуларни шакллантирмоқда. Ҳозирги бахшилар ижросидаги термалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар лирик қўшиқ ижрочилигига уйғунлашиб бораётганлиги, термаларнинг куйлари ва оҳангини ташкил этувчи вазн, қофия, нақаротлар анъанавий ижрога нисбатан замонавий талқинларга мос хизмат қилмоқда. Бахшилар ижодкорлик қобилиятларидан фойдаланган ҳолда турли мавзуларда термалар яратишга интилиши, фольклорга хос анъана ва вариантлашув жараёнларининг индивидуаллашиши, анъанавий ижро ва матннинг бахши иқтидоридан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилаётганлиги ҳам жонли ижродаги ўзгаришлар билан боғланади. Булар албатта маълум давр, яъни бахшичилик санъатининг сўниши жараёнидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолатлардан ҳисобланади. Бу каби ҳолатлар бахши репертуарида термаларнинг вариантлашган ёхуд анъанавий кўринишига нисбатан бахши тафаккури, унинг воқеликка бўлган бадиий фикрлаши, шоирликка бўлган интилишини юзага чиқарса, иккинчидан, унинг замонавий ижрочилик кўникмаларини кучайтирмоқда. Баъзан устоз кўрган достон ижро этиш усул ва йўлларини оғзаки ўрганган талантли бахшилар ижросида ҳам китобийлик унсурлари, эпик дунёқарашнинг ўзгариш ҳолатлари кўзга ташланади. Мисол учун Қора ва Чори Умировлар, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Қаҳҳор ва Абдумурод Раҳимовлар, Шодмон бахшилар репертуаридан ёзиб олинган намуналарда кўзга ташланмоқда. Умуман айтганда, ёзиб олинган вариантларни ўзаро қиёслаш, илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш эпик ижро ва маҳоратнинг барқарор анъаналарда давом этиши ва бахшилар ижро репертуарининг ўзига хос томонларини белгилашда, қолаверса, бугунги фольклорий жараёнлардаги янгиланишларни таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бир умумий сюжетга эга бўлган вариантларни қиёслаш, матнни айнан такрорлаш эмас, балки эпик анъана замирида юзага келган ижодий баркамолликни бахшилар томонидан қандай кечувини кузатиш, бахшининг индивидуал маҳорати билан боғлиқ ўзгаришларни аниқлашда муҳим бир акт ҳисобланади. Буни биз Умир шоир Сафаров репертуаридан ёзиб олинган “Айрилса” термасини Қодир ва Қаҳҳор Раҳимовлар репертуаридан ёзиб олинган вариантларни қиёслаш асосида кўриб чиқсак.

Маълумки, Қодир бахши Умир шоирнинг шогирди бўлиб достон ижро этиш усул ва йўлларини оғзаки ўзлаштирган. Қаҳҳор бахши эса Қодир Раҳимовнинг ўғил-шогирдидир. Бир матннинг уч авлод бахшилари репертуарида ижро этилиши, унинг ижросидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида жонли анъаналарнинг ўрнини белгилашда, уларнинг авлодлар томонидан қандай давом эттирилаётганлигини кўрсатишда муҳим ўрин тутади.

Умир шоирнинг “Айрилса” термасида халқона услуб, фольклорга хос руҳ сақланган. Чунки бахши яшаган ва ўзлаштирган даврда ҳали достончилик анъаналари узвий давом этаётганлигини, қолаверса, бахши хотирасида сақланган терма куйлари ва сўз ижроси анъаналар замирида уйғунлашган. Иккинчидан, бахшининг эпик билими, хотирасида мавжуд ижро услуби ўзгармаган. Бу каби хусусиятларни қуйидаги мисоллар ёрдамида кўриб чиқиш мумкин.

Баланд тоғнинг боши қорайиб қолар,
Бағридаги бўктар қордан айрилса.
Савдогарнинг юки қаланиб қолар,
Қатордаги қора нордан айрилса [3:170].

Умир шоир репертуаридан ёзиб олинган ушбу термада анъанавий шакл ва мазмун сақланган. Шоир термада табиат ва жамиятдаги ҳар бир жонли ва жонсиз нарсалар ўзининг жуфти, сирдоши билан азиз, қадрли эканлигини тасвирлашга ҳаракат қилган. Термада халқ достонлари матнида анъанавий тарзда қўлланувчи эпик формула вазифасини бажарувчи биринчи ва иккинчи мисралар воқеалар ривожига, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатини тасвирлашда муҳим восита вазифасини ўтайди.

Терма дидактик характерга эга. Унда айрилиқ мотивининг ўзак рамзлар маъноси сақланган ва анъанага мос тарзда тасвирланган. Қодир бахшида ҳам айрилиқнинг изтиробли ҳолатлари руҳий кечинмалар тасвири орқали тасвирланган. Аммо унда умумийликка нисбатан индивидуал ижодкорлик туйғусининг кучлилиги мисраларда келтирилган фикрларда кўзга ташланмоқда.

Турналар учолмас хилдан айрилса,
Бедовлар юролмас йўлдан айрилса,
Тоғлар букчаяди белдан айрилса,

Булбуллар сайрамас гулдан айрилса,[4:40]- каби ифодаларда ҳам айрилиқ мотивининг аянчли тасвирини ифодалаш етакчилик қилса-да, шаклий ва мазмуний бирликларни тасвирлашда ёзма адабиёт унсурларининг бахши дунёқараши билан уйғунлашиш ҳолатларини кўриш мумкин. Бу эса бахшининг саводхонлиги, ёзма адабиёт намуналаридан хабардорлиги, қолаверса, ўзак мотивда умуммантиқ қоидаларининг индивидуал ижод негизида ифодаланаётгани кўзга ташланмоқда. Шу терма матнини Қодир бахши шогирдлари Қаҳҳор ва Шодмон бахшилар репертуаридан ёзиб олинган намуналарга қиёсласак, унда бутунлай тасвир янада бошқача тус олади. Демак, бахшиларнинг ёзма адабиёт намуналари билан танишувлари, эпик хотира ва билимнинг тингловчи дунёқараши асосида замонавийлашиб бориши, унинг ўрганган анъаналарга қанчалик риоя қилиш ёки қилмаслигидан қаътий назар ўзи билмаган ҳолда анъанавий матнга ижодкорлик, шоирлик маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ёндашаётганлигидан далолат беради. Шу ва шунга ўхшаш терма ижро этиш усуллари Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг "Самодан томган томчилар", Шодмон бахши Эгамбкрдиевнинг "Сурхонданман, Сурхондан", Шоқул бахши Мирзаевнинг "Оҳу ноласи" ва бошқа бир қатор чоп эттирилган, ижро этилаётган термаларда кузатилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бахшилар ижодида терма ижро этиш кучайиб, замонавий талқинлар асосида бойиб бораётган экан, уларни ёзиб олиш ва таҳлил қилиш ишларини кучайтириш лозим. Зеро, бахшичилик ва достончилик санъати ўзининг янгича талқинлари билан авлодларга хизмат қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. –Тошкент, "Фан", 2008; Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент, "Фан", 1978; Мусакулов А. Терма в узбекском фольклоре. АКД.-Т.,1984.
2. Мусақулов А. Терма // Ўзбек фольклоршунослиги очерклари. Тошкент, "Фан", 1988. 262-бет.
3. Келиной қўшиқлари. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи О. Собиров. –Тошкент, 1981. 170-бет.
4. Қодир бахши термалари. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи А. Эргашев. –Қарши, 2013. 40-бет.


*Терма жанрининг ҳозирги даврда ривожланиши*

*Очилов Н. К.*
*Қарши давлат университети*

**Резюме.** Мақолада терма жанри, унинг ўзига хослиги, мавзулари, бадиий-фунционал хусусиятлари, анъанавий ва замонавий термалар, уларнинг фарқли ва ўхшаш ҳолатлари, бугунги бахшилар репертуарида терма ижодкорлигининг ривожланиши илмий-назарий жихатдан таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** терма, бахши, репертуар, анъанавийлик, эпик ижро, замонавийлик.

*Факторы возрастания творческого исполнения термы в репертуаре сказителей*

*Очилов Н. К.*
*Қарши давлат университети*

**Резюме.** В статье освещены жанровые, тематические, художественно-функциональные особенности традиционных и современных терма, а также рассмотрена специфика развития жанра в репертуарах современных бахши-сказателей.

**Ключевые слова:** терма, сказитель, репертуар, традиционный, эпической мастерство, соврименный.

*Factors of increasing creative performance of terms in the repertoire of narrators*

*Очилов Н. К.*
*Қарши давлат университети*

**Summary.** The article analyzes the national genre, its peculiarities, its themes, its artistic and functional features, traditional and modern syllabuses, their different and similar situations, and theoretical analysis of the factors of strengthening national compositions in the repertoire of today's Bakhshi.

**Key words:** Terma, bakshi, repertory, collection, tradition, epic composition, modernity.

---

## I.YUSOPTÍŃ "DUZLÍ SAMALLAR" ATLÍ POEZIYALÍQ TOPLAMÍNDA EKOLOGIYALIQ MASHQALALARDÍŃ SÚWRETLENIWI

**Otarbaeva F.**
*Nókis mámleketlik pedagogikaliq instituti*

XX ásir qaraqalpaq ádebiyatınıń ideya-tematikalıq, janrlıq hám kórkemlik jaqtan hár tárepleme bayıp, rawajlanıwına salmaqlı úles qosqan elimizdiń belgili shayırı I. Yusupov bolıp tabıladı. Ol bir qansha janrlarında shıǵarmalar dóretip,xalqımızdıń arasında belgili xalıq shayırı sıpatında qáliplesti.Ol ózi jasaǵan zamanda qanday jańalıqlar bolsa, olardı lirikalıq, liro-epikalıq, dramalıq hám prozalıq shıǵarmalarında keńnen sáwlelendirip keldi.

Abdulla Aripovtıń aytıwınsha : "Xalqımız, túrkiyziban milletler, bálkim dúnya ádebiyatı,óziniń Ibrayım Yusupov sıyaqlı azamat bir shayırdan júda boldı. Qaraqalpaq xalqınıń biyik perzentleri Berdaq, Ájiniyaz baba mángiligi taman jáne bir ullı perzentin kózden jas alıp, sonıń menen qatar riyza-ırazılıq, minnetdarlıq penen uzattı" [ 1, 77].

Shınında da, oniń hár bir poetikalıq dóretpelerin oqıǵanda, olardıń ótkirligin, joqarı ideyalılıǵın tán alıp, poeziyanıń sonshelli dárejede sulıwlıǵın ańlaysań.Shayırdıń qaraqalpaq, ózbek,qırǵız, túrkmen, rus tillerinde qırıqqa jaqın qosıqlar hám poemalar toplamları basılıp shıqtı.Usi tiykarda onıń "Aral elegiyalari", "Bul jer ele zor boladi", "Bazar jolinda", "Korrupciya ", "Belgińdi buzba sen ", "Anemiya", "Tirnalar", "Alıs áwladlarǵa", "Boranlı keshte", "Bayıwlıǵa", "Korabller qoyımshılıǵındaǵı eles" h.t.b qosıqlarınıń ideya-tematikasında búgingi ekologiyalıq mashqalalar menen birge ekonomikalıq, jáne de, sociallıq máselelerdi de tereń túsingen lirikalıq qaharmannıń kewil-

keshirmeleri menen jaqınnan tanısamız. Adam tábiyattıń qushaǵında gozzal turmıs keshiriwi ushın belgili dárejedegi jaǵdaylar zárúr. Tábiyatqa sanalı qatnas bolǵan jaǵdayda ǵana, tábiyat baylıqların aqılǵa muwapıq paydalanǵanda ǵana bunday unamlı jaǵdaylar saqlanıp turıwı múmkin, sonıń ushın da, házirgi waqıtta adamlardıń tábiyatqa degen sanalı qatnasın tárbiyalaw-bul házirgi kúnniń eń áhmiyetli máseleleriniń biri.Bul jolda kórkem ádebiyattıń atqaratuǵın xizmet oǵada ullı.

Ásirese, 1964-jılı I.Yusupovtıń "Dala armanları" poeması jazıldı.Poema qaraqalpaq ádebiyatınıń tabısı sıpatında óz waqtında ádebiy sınımız tárepinen óz bahasın aldı. Álbette, bul poemasında shayır óziniń tuwılǵan jerge degen mehir-muhabattıń,jer qoynınan baylıq izlegen adamlardıń erligin, xalıqlar arasındaǵı doslıqtı jırlaydı. Sonıń menen birge adamlardıń tábiyattı jılawlaymız dep shıqqan dáslepki háreketi sáwlelengen. Jáne de I.Yusupovtıń "Búlbúldiń uyası" poemasında bolsa adam hám tábiyat máselesin suwretlewde keskin burılıs islengenin kóremiz.Shayır poemada urıs hám paraxatshılıq, adam hám tábiyat máselesin qatar alıp súwretleydi hám házirgi kún ushın áhmiyetli bolǵan poetikalıq juwmaq isleydi.Shayır "Dala armanları " poemasında tábiyattıń qoynınan baxıt izlegen adamlardıń erligin suwretlese, "Búlbúldıń uyası" poemasında tábiyattı qorǵaw haqqındaǵı shayırana shaqırıǵı sezilip turadı. 80-jıllardıń ekinshi yarimınıń lirikalarınıń baslı teması ekologiyalıq, siyasiy,milliy oyanıw, ruwxıy jańarıw, ótkendegi qáte-kemshiliklerdi saplastırıw sıyaqlı tiykarǵı máseleler boldı.Usınday qıyınshılıqtıń tiykarǵı sebebi Aral-Ámiw apatshılıǵı ekenligin sózsiz uǵamız. Óytkeni,neshe ásirlerden beri xalqımızdı óziniń mol baylıqları menen saqlaǵan,tábiyatımızdıń eń jarasıqlı bir aǵzası ekologiyalıq teń salmaqtı saqlap, jámiyetimizge xizmet etip kiyatırǵan Ámiw hám Araldıń suwları tartılıp, ayanıshlı halǵa tusiwi onıń jaǵasında jasap atırǵan jurtshılıqqa psixologiyalıq,ruwxiy tásir jasadı.

Ekologiyalıq sistemanıń tiykarı bolǵan jer,suw,ósimlikler bolıp adamzattıń jasawınıń tiykarları bolıp esaplanadı. Olar ortasındaǵı qatnaslar buzılǵan jer ekologiyalıq apatshılıq zonasına aylana berdi.Bizge málim Aral teńiziniń qurıp ketiwi menen ol jerde neshshe mıń jıllar dawamında suw menen kelgen elementler solardıń ishinde duzlı elementler shamal menen ushıp, jerlerdi patasladı. Mine usı ekologiyalıq mashqalalardı saplastırıw boyınsha kóp ǵana isler ámelge asırıǵan bolsa, dártine dárman bolıp jazıwshı hám shayırlar ózleriniń poeziyalıq qosıqlarında hám shıǵarmmalarında usi máselelerdi baslı etip qoydı. Ásirese poeziyamızdıń juldızı bolǵan I. Yusupov "Duzli samallar" dep atalǵan poeziyalıq qosıqlar toplamın jazıp baspadan shıǵardı.Bul toplamǵa kirgen qosıqlarındıń mazmunında búgingi kúnde dúnya mashtabında keń túrde dodalanıp atırǵan ekolgiyalıq mashqalalar,Aral apatshılıǵınıń júzege keliwi onıń ayanıshlı aqibeti haqqında pikirlerin bildirgen. Mısalı "Anemiya" qosıǵında minanday qatarlardı keltirip ótedi:

" Tuwıwdan basqanı bular bilmegen. // Óziń -anemiya, balań-gepatit…" [2, 12]

Bunda ekologiyalıq apatshılıqqa baylanıslı túrli awrıwlardıń kelip shıǵıwı, ásirese Aral boyında jasawshı xalıqtıń ayanıshlı tágdiri haqqında aytıp jırlaydı. Al, onıń "Aralǵa" qosıǵında:

| | |
|---|---|
| Qádirińe jetpedik, ázizim Aral, | Úmitiń-joldasıń degen de sóz bar, |
| Gúrsingen xawazıń tur qulaǵımda. | Tolqırsań zamanıń kelgen shaǵında.. [3, 67] |

Usılayınsha shayır Araldıń suwınıń tartılıwında, usınday jaǵdayǵa kelip qalıwına hámmemiz teńdey sebepshimiz dep ózin ayıplasa, bir jaǵınan onıń óz halına qaytıwına isenim bildirip xalıqqa kúsh- quwat baǵıshlamaqshı bolǵan.

Al, onıń "Bul jer ele zor boladı" qosıǵındaǵı: Astı da duz, ústi de duz // Jasap turǵan jerimizdiń. [4, 73] -dep keltirilgen qatarlarında bolsa, shayır bul jerlerdiń kópshilik bólimi duzlı, biraq buǵan nalımaw kerek sebebi ózimizdiń mańlay terimiz ekenligin aytıp, ózide ele bul jerlerdıń gúllep, rawajlaniwina ish-ishinen isenip usı qosıq qatarları menen ishki keshirmelerin bergen. Xalıqti birlestirip sabir etiwin soraǵan. Keleshete aydın jol kútip turǵanın, aldinnan táwekel etken.. Usinnan da onıń ullılıǵın ańlasaq boladı. Ol jańa zaman kishisi qaraqalpaq xalqınıń jańa bir jámiyetlik kóterińki dáwirindegi shayır sıpatında kózge tústi. I.Yusupov haqqında Ózbekstan Respublikası Mámleketlik sıylıǵınıń laureatı Ibrahim Ǵafurov mınanday unamlı pikirlerdi keltiredi: " I.Yusupov-filosov shayır ol ótkendegi dana shayırlarday hikmetli sózi bar hám sonday sóz tawıp aytıwǵa bárxama ózin shaylap turadı. Ibrayım Yusupovtıń talantınıń ótkir qırlarınıń biri de usı danalıq." [5]

Jáne de onıń "Aral elegiyaları" qosıǵında Araldıń burqıp aǵıp turatuǵın waqıtların eslep qattıǵa janı qıynaladı. Hátteki qalashın zorǵa qaǵıp baratırǵan balıqlarǵa da janı ashıydı. Qosıq atı usılayınsha qoyılıwıda tosınnan emes.Aral dárti,ásirese, sońǵı 20 jıllıqta biziń aymaǵımız xalıqları ushın úlken dárt boldı. P.Nurjanov óziniń "Dáwir talabı hám kórkem ádebiyat" dep atalǵan ádebiy-sın maqalalar jiynaǵında: "Aral mashqalası-bul biziń jámiyetimizdiń táriyında "tubalawshılıq dáwiri" dep atalǵan waqıtta payda boldı. Bul mashqala jámiyet penen tábiyattıń rawajlanıw nızamlıǵın túsinbewshiliktiń nátiyjesi.Bul haqqında házir túrli baǵdarda jazılıp atır,ele de jazıla beredi,bılayınsha aytqanda,oyımız da Aral,jırımız da Aral!" [6.41] dep ulıwma insaniyat ómirine, ańına, kewil-keshirmelerine úlken tásirin tiygizip atırǵan ekologiyalıq mashqalalardı, ásirese Aral teńizi haqqında usılayınsha táriplep beredi. Hár jeke adamnıń ómirinnde qayǵı bolıwı múmkin.Biraq,ol ulıwma xalıqlıq qayǵınıń aldında hesh nárse emes.Mine, shayır I.Yusupov xalıqlıq qayǵını jetkeriwdiń emocionallıq tásirsheńligi basım,ótkir formasın tapqan.

| | |
|---|---|
| Suwı qumaytlanǵan bir ázim dárya | Demikken eń sońǵı balıqlar onda |
| Ruwxım arqalı aǵıp baradı. | Eseńkirep qalash qaǵıp baradı. [7, 16] |

Haqiyqatında da shayırdıń "Duzlı samallar" atlı qosıqlar toplamında dúnya xalıqlarınıń aqıl arqalı ayaq qosıwı ushın, óziniń kómeshesine kúl tartatuǵın, óz mápin ǵana oylaytuǵın, Aral qáwpiniń keleshekte ózine de zıyan keletuǵınına biyparwa qaraytuǵın insanlardıń basın biriktiriw ushın, xalıqtıń qollap-quwatlawına, isenimine erisiw, dártine sherik bolıw ushın jan kúydirip jazılǵan qosıqlardı oqısań qanday da bir ruwxıy kúsh baǵıshlaǵanday boladı. Toplamdaǵı "Bul jer ele zor boladı", "Úmit aǵashı", "Plaxa izlep", "Aral elegiyaları", "Qıyın hal", "Qayta qurıwdıń ballarına ", "Hújdan monologı", "Desedi", "Sensiz menıń kúnim joq", "Shımbay jollarında" atlı lirikalıq shıǵarmalarında qaharman birew. Lirikalıq qaharmandı ózi jasap atırǵan dáwirdiń mashqalaları tolǵanısqa túsiredi,ol

ekologiyalıq mashqalalardıń aqibetinen táshwishlenedi,bul ekologiyalıq qıyınshılıqlardıń payda bolıw sebeplerin jaqın ótmishten izleydi.

Sóz zergeri I.Yusupovtıń poeziyalıq,prozalq shıǵarmaların ondaǵı ortaǵa qoyılıp atırǵan máseleleri haqqında kóplegen ilim izertlewshiler úlken jumıslar alıp bardı, bul elede dawam etedi. Ásirese filologiya ilimleriniń doktorı,professor Q. Orazımbetov "Házirgi dáwirdegi qaraqalpaq lirikasında kórkemlik izleniwshilik"monografıyasında 80-jıllardaǵı qaraqalpaq lirikasınıń rawajlanıwındaǵı ózgesheliklerin, lirikada forma izleniwshilik máselelerin izzertley otırıp, I.Yusupovtıń ózinshe forma tańlaw sheberligin talqıǵa alǵan. "I.Yusupov qosıqqa forma izlewde,óz pikirin,kórkem oyın oqıwshılarǵa jetkeriwde óz jolı,óz mektebi óz dásturi bar shayır", dep bahalaydı [8, 74]. Akedemik J.Bazarbaev "Danalıǵı gozzalıqqa ulasqan shayır" (ádebiy filosofiyalıq oylar) miynetinde "xalqımızdıń kórnekli shayırı hám súyikli perzentiniń poeziyası xalıqtıń júrek tarlarıń shertip,onıń qushaǵınan orın alıp, olardı keleshek asıwlarǵa jetelep,erkin hám sharapatlı jolda mádet hám quwat" bolıp atırǵanlıǵınıń tiykarın ashıp beredi. [ 9] Filologiya ilimleriniń doktorı,professor Kamal Mambetov "Ózbek hám qaraqalpaq ádebiy baylanısları" ilimiy izertlew monografiyasında "Ibrayım Yusupov hám ózbek ádebiyatı" bóliminde "Onıń poeziyası basqa shayırlarǵa qaraǵanda da ádewir ózgesheliklerge iye.Ol tasqın talantqa iye bolıw menen birlikte bilimdi de tereń iyeledi. Rus hám shıǵıs xalıqlar tillerinde túsinip oqıytuǵın bolǵanı ushın da qosıqları ádewir sátli jazıldı", dep kórsetiledi [10]. Filologiya ilimleriniń kanditatı T.Mambetniyazovtıń "Jańa qaraqalpaq poeziyası hám dáwir talabı" toplamında "Jańa qaraqalpaq poeziyasında poema janrınıń rawajlanıwı" bóliminde 50-70-jıllardaǵı dóretilgen qaraqalpaq poemalarına sholıw jasap, Ibrayım Yusupovtıń "Dala armanları","Tumaris" poemaların talqıǵa alǵan hám shayırdıń dóretiwdegi sheberligin atap kórsetken [11]

Usılayınsha bir qatar ilim izertlewshiler ulli sóz zergeriniń miynetlerin izertlep, ózlerinshe baha bergen.

Shayırdıń "Ońbaǵırlar, sattılar seni" qosıǵında da biypárwa insanlardı bılayınsha táriyipleydi:

Aral! Aral! Sen keshir bizdi, // Sorımızdı sorlatqan elmiz. [12, 17]

Yaǵnıy bunda shayır óz ırısqı-nesiybemizden ózimiz sebepli ayrıldıq, bázi bir topas adamlar óz iymanı, mápi ushin hesh nárseden taymaydı dep olarǵa ishi janıp qosıq arqalı xalıqqa jetkerip beredi.

Degen menen ol belgili Sasanidler patshası, dúnyada eń ádil shaxs dep atalǵan Anishirwan "Haqtaala qanday bir xalıqqa jaqsılıq tilese, onıń basshısına bilimdanlıq beredi" degenindey, elimizde Aral mashqalasın, ulıwma insan ómirine zıyan keltirip atırǵan ekologiyalıq mashqalalardı sheshetuǵın bashshı insan keletuǵınlıǵın, ele xalqımızdıń gúllep-jasnawın aldınnan kóre bilgen.

Onıń shayırlıǵına joqarı baha bergen A.Aripov bilayınsha táriyipleydi: "XX ásir jáhan poeziyasında, XXI ásirde jazılǵan ózimizdiń tuwısqan ádebiyatımızda Íbrayım Yusupovtıń óz ornı,sónbes hawazı payda boldı." [1, 78] Al, Birinshi Prezintetimiz I.Karimov I.Yusupovqa jazılǵan ilhambaǵısh xatında: " " "Milliy tiklanish" gazetasında basılǵan qosıǵıńızdıń hár bir qatarında máwij urıp turǵan shın júreklik hám úlken sıy-húrmet seziminen oǵada tásirlendim. Shın kewilden jazǵan qosıq qatarlarıńız ushın minnetdarshılıq bildirip, sige sawlıq-amanlıq, ómirińige hám dóretiwshiligińizge bereket tileymen" [14] - degen edi. Bul táriyipler oǵan ádil baha boldı.

I.Yusupovtıń hár bir jazǵan qosıǵında adam balasınıń kewil-keshirmelerin suwretley otırıp, oǵan qáwip salıwshı ekologiyalıq mashqalalardıda aytadı. Bunda tek qana Aral apatshılıǵın emes al, pútkil elimizdiń óz-ózimizge qáwip tuwdıratuǵın atmosferaǵa tásirin tiygizetuǵın hár qanday jaǵdayǵa ish-ishinen qıynalıp, poeziyada sóz sheberligi menen keltiredi.

I.Yusupov-jańa zaman kishisi qaraqalpaq xalqınıń jańa bir jámiyetlik kóterińki dáwirdegi shayır sóz sheberi, alım ziyalısı boldı. Ol Berdaq shayır tuwılǵannan keyin sarras júz jıldan keyin dúnyaǵa keldi. Bul quda tárepinen payda bolǵan qubılıs,ilimpazlardıń dálillewlerinde "tábiyat hár júz jıldan dúnyaǵa belgili danalardı ákeledi"delingenindey, "Ayaqtaǵı qaraqalpaq elinde,Shayırlıq múlkiniń sultanı boldıń " dep Berdaq babamızdıń ardaqlaǵan,I.Yusupov biziń zamanımızda shayırlıq múlkiniń sultanlarınıń biri boldı.

Juwmaqlap aytqanda I.Yusupov qaraqalpaq poeziyasında anıǵraq etip aytqanda "Duzlı samallar" atlı qosıqlar toplamında ekologiyalıq mashqalalar, jer hám suw temasın tereń mazmun menen jirlaǵan. Jáne de Aral apatshılıǵın hám oǵan baylanıslı jergilikli xalıqtıń sónip baratırǵan úmitlerin qayta tiklew óz qosıqları menen háreket qılǵan. I.Yusupov zaman talabın júda názik hám onı az ómiriniń hár bir máwritinde kóńline túygen shayır.Xalıq júreginiń tereń tamırları onıń jalınlı qosıq qatarlarlarına tutasıp jatır.

Qaraqalpaq ádebiyati poeziyasında salmaqlı hám áhmiyetli orınǵa iye shayır xalqımızdıń yadında mángi saqlanadı. Ólmes mıyrasları bolǵan shayırdıń shıǵarmaları ele ásirlerden ásirlerge ótip jasaydı.

## ÁDEBIYATLAR


1. Bazarbaev.J. Ádebiyat-ibrat mektebi. –Nókis, "Bilim"2015
2. Yusupov.I. Úmit jaǵısı. – Nókis, "Qaraqalpaqstan" 1990.
3. Yusupov.I. Tańlamalı shıǵarmaları III tom.Baspaǵa tayarlaǵanlar: Q.Orazimbetov, Q.Maqsetov, P.Dabilov. – Nókis,"Bilim", 2014.
4. Yusupov I. Pazıylet. Baspaǵa tayarlaǵan: M. Nızanov. –Nókis, "Bilim" 2014
5. Ibroyimyusupov.narod.ru/kr/index_kr.html.
6. Nurjanov.P. Dáwir talabı hám kórkem ádebiyat. –Nókis, «Bilim» 1993.
7. Yusupov.I Duzlı samallar. –Nókis, "Qaraqalpaqstan" 1988.
8. Orazımbetov.Q. Hāzirgi dáwirdegi qaraqalpaq lirikasında kórkemlik izleniwshilik. –Nókis, "Bilim"1992.
9. Bazarbaev.J.Danalıǵı gozzalıqqa ulasqan shayır. –Nókis, "Bilim"2008.
10. Mambetov.K. Ózbek hám qaraqalpaq ádebiy baylanısları . –Nókis, "Qaraqalpastan" 1992.
11. T. Mámbetniyazov. Jańa qaraqalpaq poeziyası hám dáwir talabı. –Nókis, "Bilim"1994.

12. Yusupov. I Belgińdi buzba sen. –Nókis, "Qaraqalpaqstan". 1995.
13. Yusupov.I Hár kimniń óz zamanı bar. –Nókis. "Qaraqalpaqstan".2004.
14. Yusuov.I. ǵa arnalǵan. Sóz zergeri edi.Yadnama.Juwaplı redaktor: Keńesbay Reymov. Dúziwshiler: Sh.Usnatdinov, M.Nızanov, S.Janiev. –Nókis, "Qaraqalpaqstan" 2009.

*И.Юсуповтың «Дузлы самаллар» атлы поэзиялық топламында экологиялық машқалалардың сүўретлениўи*

*Отарбаева Ф.*
*Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты.*

**Резюме.** Мақалада И.Юсуповтың «Дузлы самаллар» топламында экологиялық машқалалардың баянланыўы анализленген. Тийкарғы итибар шайырдың бул мәселени баянлаўдағы индивидуаль шеберлигине қаратылған.

*И.Юсуповнинг «Тузли шамоллар» тўпламида экологик муаммоларнинг ифодаланиши*

*Отарбаева Ф.*
*Нукус давлат педагогикаинститути.*

**Резюме.** Мақолада И.Юсуповнинг «Тузли шамоллар» тўпламида экологик муаммоларнинг ифодаланиши тахлилга олинган. Асосий этибор шоирнинг бу масалани ифодалашдаги индивидуаль маҳоратига қаратилган.

**Таянч сўзлар:** поэзия, форма лирика, ғоя, адабий алоқалар.

*Описание экологических проблем в поэзии "Duzli samallar" И.Юсупова*

*Otarbaeva F.*
*Нукусский государственный педагогический интситут*

**Резюме.** В статье освещено изображение экологических проблем в сборнике И.Юсупова «Дузлы самаллар» («Сольяные ветры»). Автор особое внимание обращает на индивидуальное мастерство поэта в выражении своей позиции и оценки этой проблемы.

**Ключевые слова:** поэзия,форма,лирика,идея, литературные взаимосвязи.

*Description of environmental issues in the poetry of "Duzli samallar" by I. Yusupov*

*Otarbaeva F.*
*Nókis mámleketlik pedagogikaliq instituti*

**Summary.** This article describes the work of I. Yusupov, who played a large role in Karakalpak poetry, and highlights environmental issues in it. This article shows concern for the environment and its commitment to people.

**Key words:** poetry, form, lyrics, idea, literary interrelations

---

## ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА МЕТАФОРА ТУШУНЧАСИНИНГ УРГАНИЛИШИ

**Суярова Н.**
*Қарши давлат университети*

Анъанавий филология, хусусан, формал тилшуносликда, метафора, одатда, иккига бўлиб ўрганиб келинди: поэтик метафора; лингвистик метафора [1]. Бунда метафоранинг узуаллик/окказионаллик сифатларига таянилди. Бу эса ҳодисанинг барқарорлик/беқарорлик, такрорланувчанлик/бетакрорлик, қиладиган дихотомик (жуфт, нисбатли) тушунчалар билан боғланиб кетади. Ўзбек тилшунослари рус тилшунослари изидан бориб, жуфтликдаги тушунчаларнинг иккинчи қисмини ифодалайдиган нутқий метафорани тилшуносликнинг ўрганиш предмети сифатида қарашмайди ва бундай анъанавий қарашларга зид фикрларни айтган айрим тилшуносларнинг қарашлари инкор этилади [2]. Хусусан, ўзбек тилшуноси Т.Алиқулов рус лингвисти А.И.Ефимовнинг окказионал метафораларга таянган ҳолда айтган "метафора қуш ва ҳайвонни ифодаловчи сўзлардан ҳам ҳосил бўлади" деган қарашини ва бу фикрини далиллаш учун келтирган иллюстратив фактларни ҳам қўллаб-қувватламайди [3, 41-42].

Нутқий метафорада ҳам, лисонийлашган метафораларда бўлгани каби шахс, ҳайвон/парранда, жонсиз предмет/ҳодисаларнинг ташқи ва ички хусусиятиларини ифодаловчи сўзлар асосида янги, кутилмаган маънолар ҳосил бўлади ва бу ҳосила маънолар узуаллашган метафоралардан ижтимоийлашмаганлиги ва индивидуаллиги билан фарқланади. Лисоний метафорада лексеманинг ҳосила маъноси яхлитлашган, алоҳида бир тушунчани ифодалайди. Бу тушунча тил соҳиблари учун ифодаси билан яхлит ҳолда умумий идрокий моҳият касб этади. Нутқий метафорада эса ҳосила маъно тушунчани ифодаламайди, балки тушунча аталмишнинг аввалги ифодаси билан боғлиқ идрок этилаверади. У нутқнинг мувaққатлик хусусиятига эга бўлиб, муайян бир контекст, муайян бир синтактик қурилма, муайян бир сўзловчи (адиб) билан боғлиқ ҳолда тушунилади ва бошқа вақтда худди шу маънода қўлланмайди. Унинг ном даражасига кўтарила олмаслиги ижтимоийлашмаганлиги, оммалашмаганлиги билан боғлиқ. Мустақил маъно асосдан узоқлашганлик ҳамда ижтимоийлашганлик билан боғлиқ [4, 50-51].

Ўзбек семасиологлари, хусусан, метафорология билан жиддий шуғулланиб, унинг тамал тошларини қўйган профессорлар Саидзода Усмонов, Миразиз Миртожиевларнинг бу борадаги якдил фикрлари ҳали ҳам ўзининг методологик қимматини йўқотгани йўқ. Ўзбек анъанавий тилшунослигида метафорологиянинг тамал тошларини қўйган бу олимлар ушбу ҳодисани гарчи нутқий метафора деб атаса-да, барибир, уларни тилшуносликнинг ўрганиш доирасидан ташқарига чиқаришиб, метафорани лисоний тур билан чеклайдилар. Бироқ нутқий метафорага асосий эътибор қаратишмагани учун, *лисоний метафора* терминини ҳам қўллашмайдики, бу ўзбек тилшунослигининг ўша даврдаги ҳолати, тараққиёт даражаси, қолаверса, ижтимоий талаб тақозоси билан боғлиқ равишда баҳоланиши керак бўлади. Фикрларнинг ушбу банди якуни сифатида айтиш мумкинки, ўзбек анъанавий тилшунослиги метафора тушунчасини фанга олиб кирди, уларни лисоний ва

нутқий турларга ажратди, бироқ тилшунослик нутқий ҳодисаларни умумлаштириш босқичига қадам қўяётган бўлганлиги сабабли лисонийлашган метафораларга эътибор кўпроқ қаратилди, “нутқий метафора” тушунчасидаги *нутқий* сўзини *поэтик* сўзига алмаштириш билан мазкур ҳодисани тилшунослик эътиборидан соқит қилдилар ва бу анъана тилшуносликнинг янги тараққиёт давригача чайир қараш сифатида давом этиб келди.

Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг кейинги даври ўз тенденцияларига эга бўлди. Маълумки, XX асрнинг 70-йилларига келиб ўзбек тилшунослигининг эмпирик (амалий, фактографик) босқичи тугалланган, зиммасидаги ижтимоий буюртма – адабий тил меъёрини ишлаб чиқиш ва ижтимоий онгга сингдириш вазифаси бажарилган эди. Тўпланган лингвистик материалларни диалектик методология асосида ўрганишга пойдевор қўйилган, тилшунослик эса турғунлик ҳолатида эди. Янги авлод тадқиқотчилари ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари бўйича республика ва иттифоқ матбуотида чиқишларида қуйидаги масалаларни кўтаришди:

– ўзбек тилшунослиги олдига 30-40-йилларда қўйилган ва 40-50-йилларда амалга оширган вазифаси – ўзбек тили турли сатҳ бирликларининг замонавий таҳлил усулларида берилган мукаммал тавсифи, белгиланган адабий тил меъёрлари, таълимнинг турли босқичи учун яратилган ўқув қўлланмалари, дарслик ҳамда луғатлар асосида тўлақонли назарий тушунчалар ҳосил қилиш, хусусийликларда умумийликни, ҳодисаларда моҳиятни, оқибатларда сабабни, воқеликларда имкониятни очиш даражасига кўтарилиш;

– узоқ йиллар давомида ўзбек тили иттифоқдаги туркий, қолаверса, бошқа тиллар каби рус ва Европа тиллари қолиплари асосида ўрганиб келинганлиги сабабли уни ўз ички субстанциал табиатидан келиб чиққан ҳолда алоҳида миллий яхлитлик сифатида тадқиқ қилиш [5].

Бу вазифалар тилдан амалий фойдаланиш, унинг ижтимоий функцияси самарадорлигини ошириш, миллий-маданий кодларини аниқлаш, тилни алгоритмлаш, моделлаштириш, ахборот технологиялари билан уйғунлаштиришни таъминлайдиган умумий лисоний имкониятларини очишдек тарихий зарурат, ижтимоий буюртма талаблари натижаси эди. Уларни адо этиш ўзбек субстанциал тилшунослиги зиммасига юкланди. Ўзбек субстанциал тилшунослик тилнинг лисоний ва нутқий структурасини фарқлаш, лисоний структура ва лисоний бирликларни, уларнинг имкониятларини аниқлаш борасида изчил тадқиқотлар олиб бориб, тилнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик лисоний структураларини ва бирликларини диалектик тадқиқ методологияси асосида текширишга киришди. Хусусан, лексик маънода умумий ва хусусий маъно, семема ва сема, кўчма маъноларда лисоний ва нутқий жиҳатларни ажратиш бўйича жиддий ишлар амалга оширилди. Метафорани тадқиқ қилишда ҳам шундай ҳолатни кўзатиш мумкин.

Янги даврда замонавий талаб ва тамойиллар асосида яратилган тадқиқотлар мазмун жиҳатдан аввалгиларидан назарий-методологик жиҳатдан кескин фарқ қилади. Метафорология соҳасида замонавий парадигмалар асосида тадқиқот олиб борган тилшунос З.Тоҳиров нутқий метафорик маъно, улар вужудга келишининг лисоний ва нолисоний омиллари хусусида анчайин янги фикрларни баён этди [6, 73-77]. “Ўзбек тилида нутқ жараёнида метафора содир бўлар экан, бу ҳодиса ҳосила семемадаги прагматик сема ҳосил бўлиши билан характерланади. Масалан, *шер, бургут, лочин, оҳу, қашқир* лексемаларининг шахс билдирувчи семема, *лаъл, чарос, бодом, гул* лексемаларининг киши аъзосини билдирувчи семема ҳосил қилиши метафора бўлиб, бунда ҳосила семемалар прагматик маънога эга бўлади” [6, 74]. Бунда олим ўзбек субстанциал тилшунослиги эришган ютуқлар орасида лексик маънода барқарор ва ўткинчи жиҳатларни фарқлаш алоҳида ўрин тутади. Ўткинчи жиҳатлар нутққа хос бўлиб, нутқий сатҳнинг лисоний сатҳдан фарқли энг муҳим жиҳати унинг прагматик хосланганлигидир. Умуман олганда, нутқий бирликлар нолисоний омиллар билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлиб, улар сирасида қуйидагилар алоҳида ўрин тутади: нутқий вазият/шароит; макон; замон; коммуникант.

Бу унсурларнинг ҳар бири яна ички бўлинишларга эга бўлади. Масалан, макон омили жой, муҳит кабилардан иборат бўлса, коммуникант омили ўз ўрнида шахс ва шахсий омиллардан иборат бўлади. Тилшунос З.Тоҳиров нолисоний омилларнинг барчасини прагматик омил остида бирлаштиради. Бу бир қарашда тўғридек. Бироқ бу ҳолатни нутқ тилшунослигининг илк даври учун маъқуллаш мумкин. Бу босқичда нолисоний омиллар ва лисоний омилларни фарқлаб уларнинг ҳамкорлиги даражасида тадқиқ қилиш олдинга ташланган муҳим ва катта қадам сифатида баҳоланиши лозим. Шу маънода тилшунос З.Тоҳиров тадқиқотларини ўзбек тилшунослигининг нутққа ўтиш босқичидаги долзарб ишлар сифатида қараш лозимлигини уқтирмоқчимиз.

Тилшунос Г.Қобулжонованинг метафора талқинига бағишланган иши ўзбек тилшунослигини янги босқичга кўтарди. Олима нутқий метафорани лингвистиканинг ўрганиш объекти эканлиги ҳақидаги ғоясини дадил кўтариб чиқди ва поэтик ҳамда нутқий метафора бир ҳодисанинг турли томондан ёндашиш асосидаги ҳар хил номлари эканлигини, бундан нарсанинг серқирралик тамойилига таяниш лозимлигини таъкидлайди: “...гарчи поэтик метафорадаги метафорик маъно нутқий ҳодиса бўлса-да, у лисоний имконият ва қонуниятларга таянади” [7,30]. З.Тоҳировдан фарқли ўлароқ, Г.Қобулжонова метафора талқинида лисон ва нутқни фарқлашга изчил ёндашди. Айтиш мумкинки, олима талқинида метафоранинг нутқда шаклланиши, уларнинг ижтимоийлашуви натижасида лисоний метафоралар вужудга келиши, лисоний метафоралар луғатларда барқарор тил ҳодисалари қаторидан ўрин эгаллаши, метафора дастлаб лисоний ва нутқий турларга таснифланиши, таснифнинг кейинги босқичларида метафорик жинслар ажратилиши, бу жинслар ҳосил бўлиш усуллари ва омиллари билан боғлиқ ҳолда вужудга келиши каби фикрлари билан ўзбек тилшунослигида субстанциал метафорологиянинг шаклланишига туртки берди. Бугунги кунда бу борада қатор тадқиқотлар

яратила бошлади. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лисоний ҳодисаларни талқин этишда ана шу омилларга асосланган тамоман янги ва ўзига хос тадқиқот тилшунос С.Ҳожиев томонидан яратилди [8].

С.Ҳожиев диссертациясида маъно кўчиши фақат номинатив вазифа бажарибгина қолмайди, балки маълум бир ижтимоий онгда борлиқнинг лисоний тасвирини бериши воситаси сифатида талқин қилинади. Олимнинг фикрича, сўз маъноларининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ҳодисалар дунёнинг миллий ўзига хослигини акс эттирувчи тил тасвирини яратишнинг асосий воситаси, у ҳар бир тил учун ўзига хос. Лекин тафаккур умуминсоний характерга эгалиги сабабли айрим умумий тушунча ва концептлар тиллар томонидан ўхшаш тил структуралари ёрдамида намоён этилади. "Сўз маъносининг кўчиши – матндаги муайян бир фреймли структурага эга бўлган ҳодиса, ўзига хос семантик-стилистик, когнитив ва миллий культурологик компонентларнинг тил юза сатҳидаги фаоллашувидир. Маъно кўчиши нутқни жонлантириш, бадиийлаштириш ва эмоционал-экспрессив жиҳатдан кучайтириш воситасидир. Маъно кўчиши ҳодисаси сўзларнинг янги маънолари юзага келишига асосланган лингвистик когнитив воситадир" [8, 4].

